

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва халқаро ҳуқуқ” кафедраси

Дадашева Ақида Абдужаббор қизи

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ
ТАРИХИ ФАНИДАН**

Ў Қ У В У С Л У Б И Й ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ-2010

**Хорижий мамлакатлар давлат ва ҳуқуқ тарихи фанидан маъруза матни
ҳамда тарқатма материаллари.**

Фаннинг предмети, методи, вазифаси ва аҳамияти

1. «Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи» фанининг тарихий предмети.

2. «Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи» фанининг асосий методлари.

3. «Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи»ни даврларга ва таркибий қисмларга бўлиб ўрганиш.

4. «Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқ тарихи»нинг бошқа ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни.

1. «Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи» фанининг тарихий предмети.

Давлатнинг келиб чиқиши яъни ташкил топишини ўрганиш, ҳуқуқий давлатларнинг ривожланиши, тарихий жараёнларда ўз аксини топган давлатнинг ҳуқуқий таъсири:

Ҳуқуқий давлат жараёнининг умумий мазмунига анализ бериш, белгиланган даврда давлатнинг ривожланиш босқичлари:

У ёки бу давлатларда маълум тарихий замонда ҳукмрон бўлган ғоявий – назарий йўл–йўриқлар хилма–хиллигидир. Социология олимлари тарихий босқичларни турли хил таълимотлар асосида ўз нуқтаи назарларини баҳолаш ҳамда илмий қиёслаш орқали фикр юритадилар.

“Ҳуқуқ омон қолиш учун курашда кишиларнинг ўзини ўзи сақлаб қолиш инстинктига муфоқиқ ўзига ўхшаганлар билан бирлашиш эҳтиёжидан келиб чиққан. Даставвал бу пода, кўчманчилар, қабила, уруғ тўдаси доирасидаги бирлашма бўлган. Кейинчалик “универсалистик” динлар ва халқаро савдо айирбошлашлар таъсири остида бирдамлик соҳаси қатор халқлар ва давлатларни қамраб олди, ҳуқуқ ва адолат тўғрисидаги бизга сохта туғма, хос бўлган тушунчалар шу қадар тубдан ўзгаради-ки, ҳамма нарса қилиш мумкин бўлган ёт кишига аввалги душманлик назари билан қараш ўрнига аста-секин ҳимоя остига олинган, хонадон ва шунинг учун дахлсиз бўлган меҳмон, диндош биродар тўғрисидаги тушунча ривожланади ва ниҳоят, энг кейин, онгимизда умуман инсон ва унинг ажралмас ҳуқуқлари тўғрисидаги мавҳум тасаввур ҳосил бўлади.”¹

Шу боис уларнинг ўрганилаётган мамлакатларнинг давлат – ҳуқуқий институтлари ривожланишига қай даражада ва қандай таъсир этганлигини аниқлаш.

Эслатма. Ҳуқуқ институти – тегишли ҳуқуқ тармоғига кирувчи муайян синф ёки бутун жамият умуммажбурий иродасининг ўзига хос юридик нормаларда акс этиши. Бироқ айрим ҳолларда бир хил турдаги ижтимоий

¹ Коволевский М.М. Социология. 83 б.

муносабатлар турли ҳуқуқ тармоқлари нормалари билан тартибга солинади. Бунда ҳуқуқ институти фақат бир ҳуқуқ тармоғига кирмайди, балки унинг қандайдир ички тармоғига тегишли бўлади.

2. «Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи» фанининг асосий методлари.

Хорижий мамлакатлар давлат ва ҳуқуқ тарихи фанининг асосий методлари қуйидагилардан иборат:

- Тарихийлик;
- Қиёсий – тарихийлик;
- Структура – системалаш;
- Статистик.

Тарихийлик методи давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва ривожланиб боришини аниқ вақтини, даврини билиш усулидир. Хар бир давлат – ҳуқуқий ходисани тарихий нуқтаи назаридан, аниқ тажриба асосига боғлаб ўрганмоқлиги зарур. Тарихийлик усулининг ўзига хос хусусияти, тарихий ҳаракатни унинг бутун бойлиги билан пайқаб олишига интилишдир.

Давлат ва ҳуқуқ тарихини очиб бериш унинг тараққиётидаги асосий тарихий босқичлари, уларнинг сабаб – оқибати, алоқаларни ажратиб кўрсатишни талаб қилади. Бунинг учун эса унинг моҳияти ҳақида назарий билим бўлиши керак.

Қиёсий – тарихийлик методи билиш фаолиятида тадбиқ қилинадиган муҳим метод бўлиб, билимларнинг шаклланиши, ривожланишида алоҳида бир босқичдир. Об'ектив мавжуд бўлган нарс ва ходисаларни «қайта ўрганиш» жараёнида маълум бўлган билимларни билиш амалий бажарилаётган вақтда олинган билимлар билан таққосланади.

Қиёсий – тарихий усулдан фойдаланиш, давлат ва ҳуқуқнинг ривожланишнинг бир вақтнинг ўзида ёки турли тарихий босқичларда, ёки турли мамлакатлардаги баъзи умумий қонуниятларини ва мос тушадиган белгиларни аниқлашга имкон беради.

Чунончи, турли мамлакатларда давлати ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши жараёнларнинг бир – бирига таққослаб, турли халқларда бу жараённинг умумий қонуниятлари ва ўзига хос томонларини белгилаб беради. Таққослаш икки босқичга бўлинади:

Синхрон таққослаш – бир даврда мавжуд бўлган, бир неча мамлакатларнинг давлат ва ҳуқуқ тизимлари таққослаштирилади.

Диахрон таққослаш – хар хил даврларнинг давлат ва ҳуқуқ тизимлари таққослаштирилади.

- А) Аналогия,
- В) Экстрополиция.

Структурат – системалаш методи. Системалаш усули муайян тарзда ўзаро боғланган ва бир қадар яхлитликни ташкил этадиган унсурлар мажмуини ўрганишни ўз ичига олади.

Фандаги курсларда кулдорлик, феодал, буржуа тузумлари деган тушунчаларда фақат соф методик мақсадлардагина, яъни қадимги давр давлати фойдаланилган. Умуман давлат ва ҳуқуқ тарихини даврларга бўлиб ўрганиш давлатларнинг ҳуқуқий маданиятга эришганлиги, тарихий – сиёсий, мафкуравий ва бошқа муҳим омиллар ҳисобга олинади.

3. «Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи»ни даврларга ва таркибий қисмларга бўлиб ўрганиш.

Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи фанини хронологик тарзда тўрт асосий даврга бўлиб ўрганамиз:

1. Давлат ва ҳуқуқ тарихи институти Қадимга давр (милоддан аввалги IV-V асрлар).

2. Давлат ва ҳуқуқ тарихи институти Ўрта аср (V-XVII-XVIII асрлар).

3. Давлат ва ҳуқуқ тарихи институти Янги давр (XVII-XVIII аср-XIX аср охирлари).

4. Давлат ва ҳуқуқ тарихи институти ҳозирги замон (XX аср охири–XXI аср бошлари).

Ўқув курсида фаннинг мавзуга бериладиган таснифи қуйидаги тизимга асосан ёритилади:

- Ўрганилаётган давлатнинг ташкил топиши, унинг ижтимоий ва давлат тузуми, яъни социал анатомияси;
- Давлатнинг бошқариш шакли, механизми, армияси, полицияси, суд тизими ҳамда Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари;
- Ҳуқуқнинг асосий белгилари.

4. «Хорижий мамлакатлар давлат ва ҳуқуқ тарихи бошқа ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни.

Хорижий мамлакатлар давлат ва ҳуқуқ тарихи, давлат ва ҳуқуқ назарияси фани билан ўзаро боғлиқлиги. Ушбу фаннинг юридик фанлар тизимида тутган ўрни.

Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқ тарихи фани, давлат ва ҳуқуқ назарияси фани билан чамбарчас боғлиқдир. Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат тараққиётининг асосий қонуниятларини ўрганган ҳолда давлат – ҳуқуқий ҳодисаларнинг теран муаммоларни, давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини, уларнинг функциялари, жамиятдаги ўрнини, мақсадни камраб олади.

Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи фани бу масалаларни даврларда, воқеаликнинг хронологик тарзда ўрганиб чиқишга ҳаракат қилади.

Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи давлатчиликнинг тарихига энг кўп таъсир этган мамлакатларнинг давлати ва ҳуқуқининг келиб чиқиши, ривожланиши, амал қилинишини текширади, маълум вақт ва муҳитни таҳлил қилади, уларнинг ўзига хос сабаб – оқибатлари, алоқаларини текширади ва муайян – тарихий қонуниятларни очиб беришга ҳаракат қилади.

Ушбу фаннинг асосий вазифаси хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи ривожланишининг умумий қонуниятларини ва уни алоҳида мамлакатлардаги хусусиятларини очиқ беришдан иборатдир.

Хорижий мамлакатлар давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳамда Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ тарихи, давлат ва ҳуқуқ назарияси, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи билан биргаликда тармоқдаги юридик фанларнинг назарий, агар кенг маънода айтадиган бўлсак, гнеосеологик асосларини ташкил этувчи назарий – тарихий гуруҳини вужудга келтиради.

Улар юриспруденциянинг тушунчаларига оид аппаратининг муҳим таркибий қисмини ифодалайди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, фан умумий тарихдан фарқ қилиб, жамиятни тўла ва бутунлигича ўрганмайди, балки давлат ва юридик муассасаларнинг мураккаб тизимини, тарихий ривожланиш жараёнини ўрганади.

Эслатма. Давлат ва ҳуқуқ муаммоси инсониятни минг йилликлардан бери, давлатчилик пайдо бўлган пайтдан бошлаб ўйлантириб келади. Бу қадимги мисрликлар, ҳиндлар, хитойликлар, вавилонликлар, форслар, яҳудийлар, греклар, римликлар ва бошқа халқларнинг мифологик манбаларида ўз аксини топган. Бу миф ва афсоналарда ердаги барча тартиблар, ижтимоий ва давлат қурилиши, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари илохий келиб чиқишига эга бўлган умумжаҳон коинот тартибларининг ажралмас қисми сифатида қаралган.

ҚАДИМГИ МИСР

- 1. Қадимги Миср давлатининг ташкил топиши.**
- 2. Қадимги Миср давлатини даврларига бўлиб ўрганиш.**
- 3. Қадимги Мисрнинг давлат тузуми. Ҳуқуқининг асосий белгилари.**

1. Қадимги Миср давлатининг ташкил топиши.

Миср дунёда биринчи синфий ва энг қадимги давлат ҳисобланади. Бундан тахминан 12-15 минг йил илгари Шимолий Африка қитъасида вужудга келган. Африканинг иқлими ўзгара бошлаган, аввалги майсазорлар чўлга айланиб бошлаган, натижада фақат овчилик ва балиқчилик билан шуғулланиш ибтидоий одамларга камлик қилиб қолган.

Улар тепаликлардан Нил водийсига тушиб, кичикроқ ҳудудларга жойлашиб, ўзлаштирувчи хўжаликдан, ишлаб чиқарувчи хўжаликдан деҳқончилик ва чорвачиликка ўта бошлаганлар. Қадимги Мисрда Нил дарёси бўйидаги ерларнинг ўзлаштириш, канал ва сув иншоатларини қуриш, уруғ ва қабилалараро ишларини тартибга солиш, мамлакатни қўшни қабилалар ҳужумидан ҳимоя қилиш зарурияти натижасида аста секинлик билан вужудга келган.

Қадимги Миср давлати тарихини қуйидагича бешта йирик даврларга бўлиб ўрганамиз:

1. Илк подшолик даври. (миллодан аввалги 3100-2800)
2. Қадимги подшолик даври (миллодан аввалги 2800-2250)
3. Ўрта подшолик даври (миллодан аввалги 2250-1750)
4. Янги подшолик даври (миллодан аввалги 1750-1071)
5. Сўнгги подшолик даври (миллодан аввалги XI-VI асрлар)

Янги подшолик даврида Рим империяси инкирозга учрайди, турли қабиаларни ўз ҳукмронлиги остига бирлаштирилган, миллоддан аввалги 525 йилдан Ахмоний Эронликлар томонидан босиб олинган. А.Македонский томонидан босиб олингунга қадар Эрон салтанати таъсирида бўлган. Искандар вафотидан кейин бу ерда Птоломейнинг Юнон-македония сулоласи қарор топди. Миср эллинизм даврига қадам қўйган, кейинчалик миллоддан аввалги биринчи асрда Миср Рим салтанати таъсирига тушиб қолади.

2. Қадимги Миср давлатини даврларига бўлиб ўрганиш.

Илк подшолик даврида Қадимги Миср. Илк подшолик даврида қишлоқ жамоаси давлатнинг асосий хўжалик ва ижтимоий ячейкаси бўлган, Қадимги Мисрда ижтимоий тузуми эволюцияси яъни, ривожланиш жараёни секинлик билан таснифланди, хусусан подшо – черков хўжалиги ҳукмрон бўлиб турган даврга тўғри келди. Бу даврда подшо – черков хўжалигидан ташқари бошқа йирик хўжаликлар ҳам мавжуд бўлган.

Давлатлар ўртасида олиб борилган урушлар натижасида олинган асрлар қулга айлантирилиб, уларнинг меҳнатидан йирик хўжаликларда фойдалана бошлаганлар. Бу даврда давлатнинг асосий вазифалардан бири Нил водийсида суғориш ишларини ташкил этиш ва барча ишлар олий раҳбарлик қўлида тўплаш ҳисобланган.

Қадимги подшолик яхши ва ўз даврига мос мукамал ташкил этилган, ишчилар армияси мамлакат аҳолисини барча зарур нарсалар билан таъминлаб турган. Миср жамиятида қоҳинлар муҳим рол ўйнаганлар. Бутун жамият аъзоларининг иззат ҳурматиغا сазовор бўлган ҳамда уларни худонинг суйган бандаси деб ҳисоблаганлар.

«Қоҳинлар» мисрликлар учун муқаддас ҳисобланган. Бундан ташқари қоҳинлар давлатдаги барча асосий ишларни ташкиллаштириш, яъни мураккаб архитектура ишларига қатнашганлар. Қоҳинлар подшо ҳокимиятининг таянчи бўлиб хизмат қилганлар. Қоҳинлар ғоят катта кучга эга бўлганлар, мисрликлар учун муқаддас ҳисобланган китоб «Мурдалар китоби»да ёзилган саргузаштларни ва охираат суди ҳақидаги маълумот эгалари сифатида кадрланганлар.

Давлатда асосий ишлаб чиқарувчи кучларга жамоатчи деҳқонлар жалб қилдирилган. «Ишчи отрядлар»ни фиръавн ўз маъмурлари орқали бошқарган. Диний мафкура ёрдамида подшо ва унинг фаолиятининг илохийлаштирилиши давлат тузуми бошқарувида қаттиқ марказлаштирилиши ва нуфузининг жуда мустаҳкамлиги билан ажралиб туради.

Эслатма. Вазир–жати, давлат бошқарувида подшодан кейинги биринчи ўринда турувчи амалдор ҳисобланган.

Энг Олий суд ҳокимияти фиръавнга тегишли бўлган. Олий суд ҳокимияти «Олти буюк уйлар» пойтахтида бўлган.

Ўрта подшолик даври. Бу даврлар ўзининг бир неча асосий босқичлари билан таснифланади.

1. Бир томондан, хусусий хўжаликлардан қулдорликнинг анча ўсиши содир бўлган ва ер эгаларининг нуфузи ўзгарган.

2. Қишлоқ жамоаларининг табақалашуви майда мулкдорлар – нажислар, табақасининг ташкил топишига олиб келган. Нажислар ичидан бойиган хўжайинлар ва майда дехқонлар ажралиб чиққан. Юқори табақа вакиллари яъни коҳинлар ва чиновниклар сафига қўшилиб борган. Кейинчалик йирик ер эгаллари ва савдогарлар бўлиб қолган. Уларни кучли нажислар деб атаганлар.

Эслатма. Миср тилида «нажислар» сўзи - «кичкина» деган маънони англатади.

Янги подшолик даври. Бу давр – қулдорлик тузуми ривожланган давр деб ҳисобланади. Гиксосларнинг мағлубияти ва ҳайдаб юборилиши натижасида қайта тикланган миср давлати янги подшолик даври деб аталади. Бошқа сохаларда катта ўзгаришлар рўй берган ва янги қуроллар пайдо бўлган.

Иқтисодий юксалиш, йирик хусусий мулкчилик ва қулдорликнинг ўсишига бу муносабатлар яъни подшолик даврида Миср жамияти ичига чуқур кириб борган, қулларга ҳатто унча юқори **мавқеига** эга бўлмаган кишилар – чўпонлар, ҳунармандлар, боғбонлар ва бошқалар ҳам эгалик қилганлар. Бу даврнинг шароитидан келиб чиққан ҳолда катта бўлмаган хўжаликларда қул меҳнатига бўлган эҳтиёж ва талабнинг ўсиши билан изоҳланади.

Миср жамиятида дехқонлар оммасининг асосий қисмини шубҳасиз, эркин жамоатчилар ташкил этади. Ҳукмрон табақалар оддий жамоатчиларни ва қисман қулларни ишга жалб қилган ва уларнинг ҳисобидан кучайган ва бойлик ортирган.

Янги подшолик даври ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусияти коҳинларни юксалишида бўлган. Олий коҳинларнинг бойлиги ўсиши натижасида уни марказий ҳокимиятга нисбатан боғлиқликдан озод бўлиши содир бўлган. Коҳинлар ёпиқ наслий табақага айланганлар.

Коҳинлар билан чамбарчас боғланган юқори табақа вакиллари ва ибодатхона даромадларининг жуда катта қисмига шерик бўлган эски наслий задагонлар билан бир қаторда, янги тоифа – ҳарбий хизматчи задагонлар пайдо бўлган.

Сўнгги подшолик даври. Бу даврда Миср иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан янада раванқ топган ва марказлашган давлатга айланган.

3. Қадимги Мисрнинг давлат тузуми. Ҳуқуқининг асосий белгилари.

Миср ҳуқуқининг асосий белгилари. Тарихий манбаларда қадимги Мисрда асосий ҳуқуқий манба одат ҳуқуқи ҳисобланиб келинган, кейинчалик аста – секин ёзма қонунчилик пайдо бўлиб ривожланиб келган. Мисрда миллоддан

аввалги XIII асрда ёзма қонунчилик анча тараққий этган давр деб ҳисобланган. Рамзес II подшолиги даврида кўп қонунлар чиқарилган.

Бу қонунлар Миср армиясини, жамиятнинг ижтимоий тузумини, давлат аппаратини мустаҳкамлашга қаратилган. Мазкур қонунлар бўйича Миср тарихида биринчи мартаба қарздорларни қарзи учун қулга айлантириш тақиқлаб қўйилган, дехқонларга эса ўз ерларини сотишга ва гаровга беришга рухсат берилган.

Миллоддан аввалги VI асрда Амасис маҳаллий ҳокимият фаолиятини тартибга солувчи қонунлар чиқарган. Миср ҳуқуқининг асосий белгилари: мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, оила ва мерос ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқларидан иборатдир. Қадимги Мисрда мулк ҳуқуқи нисбатида ерга эгалик қилиш бир қанча турларга бўлинган.

Барча ерлар расман подшонинг ерлари ҳисобланган. Амалда турли ҳуқуқий режимдаги бир қанча ерга эгалик шакллари мавжуд бўлган;

- Фиръавн ерлари,
- Ибодатхона ерлари,
- Хизматчи задогонлар ерлари,
- Коҳинлар ерлари,
- Ҳарбийларнинг ерлари,

Ибодатхона ёки ҳарбий ва чиновникларга берилмай қолган бошқа барча давлат ерлари дехқонлар жамоалари эгалигида бўлган ва бевосита оқсоқол **ксеппр** томонидан идора этилган.

Мажбурият ҳуқуқи. Мисрда мажбуриятлар асосан шартномалардан келиб чиққан. Шартномалар мансабдор шахслар олдида тантанали равишда қасам ичиш орқали тузилган. Хомашё муносабатларининг ривожланиши билан олди – сотди шартномаси анча кенг тарқала бошланган.

Шартнома тузиш жараёни даврлар мобайнида тузилиш жихати бўйича ўзини мукамаллиги билан ажралиб туради. Яна шартномаларнинг кенг тарқалган турларидан бири қарз шартномаси бўлган. Мисрда бу шартноманинг объекти пул ва шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан дон, уруғ ва бошқа маҳсулотлар ҳисобланган.

Шартноманинг яна бир неча турлари мавжуд, булар қуйидагилар: Мулкни ижарага бериш, оддий ширкат шартномалари, багаж ва юк ташиш шартномалари, омонатни сақлаш шартномалари.

Оила ва мерос ҳуқуқи. Оилада аёллар ҳуқуқи юқори мавқеига эга бўлган. Тарихий манбаларда у «уй бекаси» деб номланган. Оила ва никоҳ муносабатлари эр ва хотин ўртасидаги келишув асосида тузилган. Эрнинг ҳуқуқлар бўйича аёл ўз шахсий мулкни сақлаб қолган ва эр никоҳ харажатлари учун маълум сумма бериши лозим бўлган.

Қадимги Мисрда ажралиш мутлақо эркин бўлган. Никоҳ даврида туғилган болалар ота мулкига бўлган мерос ҳуқуқини сақлаб қолганлар. Барча мол – мулк оиладаги катта ўғилга тегишли бўлган, у эса олган меросни ёки мол – мулкни оиладаги бошқа фарзандлар ўртасида тақсимлаши лозим бўлган.

Болалар маълум даражада мустақилликдан фойдаланганлар, улар ўзларининг шахсий мулкларига эга бўлишлари мумкин эди.

Жиноят ҳуқуқи. Миср ҳуқуқида жиноятга қарши белгиланган жазо турлари қуйидагича белгиланган: Давлатга қарши қаратилган жиноятлар, диний қоидаларни бузган, худоларга бағишланган ҳайвонларни қасддан ўлдириш, иблисларни, мушукларни, бойўғлиларни ва бошқа ҳайвонларни ўлдириш, Нил дарёсини ифлослантириш, мурда кўмилган ерни казиш, тақиқланган жойга мурдани кўмиш ҳамда сеҳр – жоду билан шуғилланиш оғир жиноятлар сирасига кирган.

Янги рақс кашф этса ва мусиқа тўқиса оғир жиноят ҳисобланган. Шахсга нисбатан қилинган жиноят яъни одам ўлдириш, қасамхўрлик, ёлгон хабарлар бериш ёки тарқатиш, отасини ўлдирган фарзандлар жазоси ўта оғир ҳисобланган (фарзандлар танасидан гўштларини суғириб олиниб сўнгра тиканларга ётқизганлар, ундан кейин ёқиб юборганлар). Ўғирлик, бевафолик қилиш оғир жиноят ҳисобланган.

Мисрда жазолар жуда оғирлиги билан ажралиб турган. Бундан асосий мақсад кўрқитиш бўлган. Жазоларнинг энг кўп тарқалган тури ўлим жазоси ҳисобланган.

Жиноятнинг оғир ёки енгиллигига қараб ўлим жазоси турини белгилашган: ёқиб юбориш, қозикқа ўтказиш, бошини кесиш, осиш, тириклайин кўмиб юбориш, қўл-оёқларини бутга михлаш каби усуллар қўлланилган. Мансабдор шахсларни ўлимга маҳкум қилинса ўзини – ўзи ўлдириш ҳуқуқи берилган. Бокхорис қонуни бўйича ўлим жазосини қулга айлантириш билан алмаштирилиши мумкин бўлган.

Суд жараёни. Суд ишлари ёзма тартибда олиб борилган. Суд жараёни жабрланувчининг аризаси билан иш қўзғатилган. Далил сифатида гувоҳларнинг кўрсатмалари ва қасамлари кабилардан фойдаланилган. Фуқаролик ва жиноий ишлар биргаликда кўрилган. Суд ишларини юртишда ошкоралик ва оғзакилик бўлмаган. Айбланувчи судда ўзини – ўзи ҳимоя қилиши лозим бўлган.

ҚАДИМГИ МЕСОПАТАМИЯ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ.

1. Қадимги Бобил давлати ва ҳуқуқи.

2. Қадимги Шумер давлати ва ҳуқуқи.

1. Қадимги Бобил давлати ва ҳуқуқи.

Месопатамиянинг Жанубий қисми Иккидарё оралиғида яъни Форс қўлтиғида Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида милоддан аввалги уч мингнингчи асрларда ташкил топган. Энг қадимги одамларнинг асосий вазифаси табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда овчилик ҳамда балиқчилик қилиш эди. Ибтидоий жамоадан қишлоқ жамоасига, ўтмишнинг ана шу босқичида энди одамнинг одам томонидан эксплуатация қилиш пайдо бўлади яъни қулдорчилик тузуми вужудга кела бошлайди.

Бизга тарихий манбалардан маълумки, Шаҳар – давлатлар дастлаб Иккидарё оралиғининг жанубий қисмидаги иккита қабилавий гуруҳлар: шумерлар ва аккадлардан келиб чиққан. Иккидарё оралиғининг ижтимоий –

иқтисодий ва сиёсий ривожланишига унинг атрофидаги ярим кўчманчи кишиларнинг, бошқа маданиятли қабилаларнинг яқин бўлиши ҳам таъсир этган.

Қўшни қабилаларнинг доимий бостириб кириши ва қочиб ўтиши Иккидарё оралиғи шаҳар – давлатларининг сиёсий аҳамиятини оширган, шунингдек, уларнинг яшабини таъминлаган. Бу даврлар мобайнида қайта – қайта урушлар давом этиб келиши натижасида давлатнинг сиёсий ҳукмронлик қилиш ва бўйсундиришдан иборат бўлган.

Бу урушлар натижасида ҳукмрон устига бошқа ҳукмрон келиши, давлат тўнтариши ва шаҳар – давлатларнинг ўзаро сиёсий тарқоқликка олиб келишига сабаб бўлади. Месопатамияда ҳукмрон бўлиш учун улар бир – бирлари билан қонли уруш олиб боришлари шарт бўлган. Бу урушларда Бобил ғолиб чиқиб, аморийлар сулоласига асос солганлар.

Тарихий манбаларда чуқур из қолдирган Месопатамия подшолиги Бобил 300 йил ҳукм суриб, иккидарё оралиғида ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий равақ топган вақти, подшо Хаммурапи даврига тўғри келади. Хаммурапи томонидан асос солинган ва Иккидарё оралиғининг катта қисмини ўз таркибига олган Бобил давлати жуда катта бўлган, лекин мустаҳкам бўлмаган. Хаммурапи ўлгандан сўнг Бобил қўшинлари бир қатор мағлубиятларга учраган.

Эслатма. Бобил сўзи Аккадча "babilon" – Бобили – худо дарвозаси маъносини англатади.

Бобилнинг янгидан юксалиши милoddан аввалги VII - VI асрларга тўғри келади. Бу даврда йирик ер эгалигининг ривожланиши, ҳунармандчилик ва савдо тез ривожланган, улкан ибодатхоналар, мудофаа ва суғориш иншоотлари қурилган.

Подшо ҳокимиятининг таянчи қўшинлар бўлган. Янги Бобилнинг равақи узоққа чўзилмаган. Месопатамияда янги подшолик тугаб, бутун жанубий – ғарбий Осиёда Эрон подшоларининг ҳукмронлиги бошланган, Бобил милoddан аввалги VI-IV асрларда эронийларга, IV асрнинг 30-йилларидан бошлаб юнон – македонияликларга тобе бўлиб қолган.

Қуллар ва қулдорлар ўртасидаги фарқлар Месопатамия давлатларининг қонунларида ҳам ўзининг аниқ ифодасини топган. Энг биринчи қонунчилик манбаси бўлиб ҳисобланган бу Ур Намму қонунларидир. Кейинги манба Хаммурапи қонунларидир. Хаммурапи қонунларида асосий мазмун – моҳият қуллар ва қулдорларнинг ҳусусий мулки сифатида кўрсатилган.

Бу даврда қуллар қуйидаги тоифаларга бўлинган:

- ❖ подшо қуллари;
- ❖ ибодатхона қуллари;
- ❖ ҳусусий эгаликдаги қуллар.

Бу кўрсатилган тоифадан ташқари Бобилнинг эркин аҳолиси ва ўз навбатида тўла ҳуқуқли ва тўла ҳуқуқли бўлмаган фуқароларга ажратилади. Қадимги Бобил жамиятида Хаммурапига қадар суд ишларини юритишда ибодатхоналар ва жамоалар судлари асосий ўрин тутган. Суд органлари сифатида ибодатхона кенгашлари ва жамоа мажлислари фаолият юритган.

Месопатамиянинг энг муҳим ҳуқуқий ҳужжати – Иккидарё оралиғининг энг йирик давлатларидан бири Бобил давлатидаги Хаммурапи қонунлари ҳисобланади.

Хаммурапи қонунлари 282 моддадан иборат, кодекси уч қисмга бўлинади:

- 1) Кириш;
- 2) Қонунноманинг матни ёки асосий қисми;
- 3) Хулоса қисмидан иборат.

Ҳозирги даврда унинг асл нусхаси Париж шаҳрининг Лувр музейида сақланади. Қонунноманинг мазмуни ва моҳиятига қайтадиган бўлсак кириш қисмида қонунларни чиқаришдан асосий мақсад, мамлакатда адолат ўрнатишдир, деб кўрсатилган.

Унда давлат бошлиғи яъни подшо улуғланиб, кўкларга кўтарилган. Ундан кейин подшо ўз қилган ишларини санаб кўрсатади ва унвонларни тўла номини кўрсатади.

Асосий қисмида жиноят ҳуқуқи, процессуал ҳуқуқ, мулк ҳуқуқи, никоҳ ва оила ҳуқуқи муносабатлари тўғрисидаги меъёрлар бузулиши ва унга нисбатан қўлланиладиган жазолар, жиноятчиларнинг ҳуқуқлари ва бошқалар белгиланган. Хулоса қисмида подшо ўзининг халқ олдидаги хизматларини келтиради, бу қонунлар келгусида бажарадиган подшоларни ҳурматлаш, уларни бажармаган ёки бекор қилмоқчи бўлган подшоларни лаънатлаш лозимлигини тўғрисида гапирилади.

Ҳуқуқ тармоқлари бўйича унинг тузулиши қуйидагича:

- 1) Суд;
- 2) Никоҳ ва оила;
- 3) Шахсни ҳимоя қилиш;
- 4) Меҳнат ва меҳнат қуроллари.

Лекин бизнинг бундай шартли тизим асосида Хаммурапи қонунларининг мазмунини ўрганишимиз ушбу қонунларнинг ҳуқуқ соҳалари бўйича маълум бир тизимга солинганлигини ва ҳуқуқ соҳаларининг алоҳида институтларга ажратилганлигини англатмайди. Чунки бундай бўлиниш ва тизимга солиш Кодексида йўқ. Кодексни тузишда эски одат ҳуқуқи, шумер қонунлари ва янги қонунлар унга асос қилиб олинган.

Хаммурапи қонунлари тўлалиги яъни мукамаллиги нуқтаи назаридан ва қатъийлиги бўйича тўлиқ эмас, улар жамият ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олмаган.

Матнлари асосан казуистик қонуннинг умумий қоидаларини турли юридик ҳолатларга тадбиқ қилиш шаклда тузилган.

Эслатма. Казуал шарҳлаш – давлатнинг ҳуқуқ нормаларини муайян ҳолатларига нисбатан, масалан суднинг судланувчига нисбатан, унинг айбини енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар ва ҳақозога нисбатан жазо чораси асослантирилган қарори.

Хаммурапи ўз қонунлари билан майда ва ўрта қулдорлар, ҳукмрон куч бўлган давлатнинг ижтимоий тузумининг мустахкамлашга ҳаракат қилган.

Хаммурапи қонунлари кулдорчилик тузумини, хусусий мулкчиликни акс эттирувчи биринчи йирик ва машҳур қонунлар тўплами ҳисобланади. Шу сабабли қонунларда уруғдошлик тузумининг қолдиклари сақланиб қолган.

Хаммурапи қонунларида жиноят ҳуқуқи. Қонунда ўрнатилган жазолар очикдан очик юқори табақалар манфаатларини ҳимоя қилган. Бу бир хилдаги жиноятлар учун айбланувчи ва жабрланувчининг қандай мавқеда турганлигига қараб турлича жазолар тайинланганлиги яққол кўринади.

Қонунноманинг умумий мазмунига қараб ундаги тўртта турдаги: шахсга қарши, мулкка қарши, оилага қарши ва судга қарши жиноятларни бўлиб кўрсатилганлигини кўришимиз мумкин. Жиноятга қарши белгиланган жазолар хилма – хил турлари назарда тутилган бўлиб, улар белгиланган тоифага қараб қўлланилган яъни ўлим жазоси, тана аъзоларига жароҳат етказиш (майиб қилиш), тан жазолар яъни дарра билан уриш, шармандалик белгисини кўйиш, яшаб турган жойдан ҳайдаб юбориш, пул жарималари ва ниҳоят, келажақда муайян машғулот яъни умри давомида доимий машғулот билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиб, мансабидан бўшатиш.

Жиноят ҳуқуқида ўлим жазоси жуда кенг қўлланилган. Хаммурапи қонунида ўттиздан ортиқ ҳолларда ўлим жазоси белгиланган. Шу билан бир қаторда ўлим жазоси турли кўринишларда: сувга чўктириш, ёқиб юбориш, қозикқа ўтказиш, осиш каби кўринишларда амалга оширилган.

Бобилда суд ишларини олиб бориш жараёни қуйидаги тартибда олиб борилган. Процессуал ҳуқуқий меъёрлари судьялардан "ишни кўриб хал қилишни" шахсан ўзлари амалга оширишларини талаб қилганлар. Судья ўз қарорини ўзгартириши мумкин бўлмаган, агар судья ўз қарорини ўзгартирса, юқорида айтиб ўтганимиздек, даъвонинг ўн икки баровар миқдорида жарима тўлаган ва мансабидан бир умрга озод қилинган.

Судда ёзилиб бориладиган қайдномалар лойтахтачаларга ёзилган. Уларда томонларнинг кўрсатмалари, қасамлари, гувоҳларнинг исмлари ва суд ҳукмининг мазмуни ёзиб қўйилган. Томонлар қоида бўйича айнан бир ишни иккинчи марта қўзғатишлари мумкин эмас бўлган.

2. Қадимги Шумер давлати ва ҳуқуқи.

Қадимги Шумернинг ижтимоий ва давлат тузumi. Қадимги Шумернинг ижтимоий ва давлат тузumi ибтидоий тузумнинг қолдикларини сақланиб қолганлиги билан таърифланади. Худудий жамоаларнинг қишлоқ хўжалик ишларини ташкиллаштирилиши узоқ яшашига шароит яратган.

Шумернинг ижтимоий ҳаётида коҳинлар жуда катта рол ўйнаган, улар олий вакил табақаси яъни мансабдор шахслар ҳисобланганлар. Ибтидоий тузум қолдикларидан келиб чиққан ҳолда шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, Шумер аҳолисининг ярмидан кўп қисмини уруғ жамоачилари ташкил топган. Жамоа ерлари тобора таланиб, сотилиб ва айрим кишилар қулидаги хусусий мулкка айланиб борган. Шумер аҳоли қатлами қисмида куллар ҳам бўлган. Куллар урушларда асир тушган ёки чет эл фуқароси ҳисобланганлар.

Шумер ягона давлат ҳисобланмаган унинг таркибига бир неча кичик

давлатлар ҳам кирган, улар мустақил шаҳарлар ва вилоятлар бўлган. Оқсоқоллар кенгаши ва халқ мажлиси ҳукмдорни сайлаганлар, унга муҳим ишлар бўйича тавсиялар берганлар, унинг фаолияти устидан умумий назорат қилиб турганлар, суд ишларини амалга оширганлар ва жамоа мулкини бошқариб турганлар.

Шундай қилиб, булар ҳукмдор ҳокимиятини чеклаб турадиган органлар бўлган. Шумер давлатининг таркибига кирувчи давлатлар қаторида ва ўз мавқеига ва машҳурлигига эга бўлган давлатлар қуйидагилардир: Эриду, Ур, Лагаш, Умма, Урук, Киш шаҳарлари ҳисобланган.

ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОН ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ.

1. Қадимги Ҳиндистоннинг ташкил топиши ва ривожланиши.

2. Варналар даври.

3. Магадха – мауръийлар даври.

4. Ҳуқуқнинг асосий белгилари.

1. Қадимги Ҳиндистоннинг ташкил топиши ва ривожланиши.

Хараппа цивилизацияси.

Абу Райхон Берунийнинг "Ҳиндистон" номли асарида айтилишича, Ҳиндистонда эрамизнинг биринчи асрларидаёқ тиб, илм, дин, кимё, мусиқа ва фалсафа каби билимлар ривожланган. Айниқса, ноёб табиатга, сахий заминга, ажойиб ҳайвонот ва табобат оламига бой бўлган қадимий Ҳиндистонда бадий адабиётга, тарихига оид масалаларни ёзиб боришга ва уларга алоҳида эътибор берилган ва ривожланган.

"Рамаяна", "Махобхарат", "Калила ва Димна" каби машҳур асарлари шулар жумласидандир. Юксак нафосат ва мангу ҳикмат хазинаси бўлган ана шу асарларида ҳинд халқининг урф – одатлари ва анъаналари, одоб – ахлоқ ва маданияти, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний қарашлари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Ҳиндистоннинг эрамиздан олдинги биринчи минг йилликларидаги яратилган қадимги Ҳиндистонда "Веда" деб аталадиган диний тўпламлари муҳим аҳамиятга эгадир. "Веда" ҳинд халқининг дини, урф – одати, афсонаси ва билимларни ўрганиш учун айниқса кўп тарихий манбалар беради. "Веда"да вақт, борлиқ, фазо, дунёнинг пайдо бўлиши инсон ҳаётининг табиат асослари, табиат ва жамият ўртасидаги алоқадорлик, илохий кучлар ҳақида фикр юритилади.

"Веда" китобида яхши ишларга тарғиб қилиш, ёмон ишлардан қайтариш амалларининг чегарасини аниқ кўрсатиб қизиқтириши, яхшига мукофот, ёмонга жазо белгиланганлигини айтиб ўтади.

Ҳиндистон – одамзот цивилизация бешикларидан бири бўлиб, бу ерда қадимги тош давриданок инсонлар яшаган, неолит босқичида катта дарёларнинг водийлари ўзлаштирила бошланган, энеолит ва айниқса бронза даврига келиб эса ўзига хос илк ҳинд маданияти таркиб топган. Қадимги Ҳиндистонда бундан тўрт минг йил илгари Хараппа ва мохенжодаро қадимги цивилизациясининг вужудга келиши ва катта шаҳарлардан бири этиб ҳисобланишига олиб келган.

Манбаларда бу даврнинг синфий тузилишини ва сиёсий тузумини кўрсатиб берувчи аниқ маълумотлар йўқ. Лекин шундай бўлса-да, мавжуд манбалар жамиятнинг ижтимоий табақалашуви ва ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши ҳақида етарлича маълумотлар беради.

Милоддан аввалги икки минг йилликнинг ўрталаридан бир минг йилликнинг биринчи ярмигача бўлган давр тарихида “веда даври” деган ном билан юритилади ва Ҳиндистон тарихининг айнан шу босқичида синфий жамият ва давлатнинг ташкил топиши юз берган. Ишлаб чиқариш соҳасидаги кескин ўзгаришлар жамиятнинг табақалашувиغا олиб келади.

Ижтимоий тенгсизликнинг тобора кучайиши билан мажлис ва йиғилишлар томонидан сайланадиган ва алмаштирилиши мумкин бўлган қабилаарнинг ҳарбий бошлиғи – рожа энди борган сари қабила бошқарув органларининг ўзига бўйсундира бориб, қабиладан устин бўла бошлаган. Рожалик мансабига эришиш учун қабилалар ўртасидаги қудратили уруғлар, таниқли вакиллари билан ўзаро кураш давом этган. Вақт ўтиши билан бу мансаб мерос тариқасида отадан ўғилга қолган.

Қабилавий бошқарувлар давр ўтиши мобайнида давлат органларига айлантирилган. Давлат бошқарувида юқори мансабларни эгаллаш ҳукмдор задагонларнинг имтиёзи ҳисобланган. Задагонлар орасида подшолик коҳин – пурохита катта аҳамият касб эта бошлаган. У шунингдек, астролог ва рожа маслаҳатчиси хизматини бажарган.

Қабила кўнгилли кўшини аста – секин ҳарбий бошлиқ сенати яъни, сенapati бошчилигидаги доимий кўшинга ўсиб чиққан. Халқнинг зиммасига турли солиқлар юклатилган. Шу тариқа уруғ – қабила тузуми ўз ўрнини тобора кўпроқ давлат ташкилотига бўшатиб берган. Милоддан аввалги VI асргача шимолий Ҳиндистон жуда кўп подшоликларга бўлинган эди.

Магадха – Маурийлар даврига қадимги Ҳиндистон давлатчилиги ривожланишига алоҳида босқич сифатида қаралади. Бу даврда Ҳиндистоннинг ижтимоий – сиёсий ҳаёти ва ҳўжалиги анча ривожланган, йирик сиёсий воқеалар бўлиб ўтган. Айнан Маурийлар даврида кўпгина давлат институтларига асос солинган.

Маурийлар империяси тараққиётининг турли босқичларида турган қабилалар ва халқлар йиғиндисидан иборат эди. Кучли армия, мустаҳкам бошқарув аппарати бўлишига қарамай, маурийлар давлатининг бирлигини сақлаб қололмаган. Милоддан аввалги II асрда Ҳиндистон бир қанча майда давлатларга бўлиниб кетган.

2. Варналар даври.

Қадимги Ҳиндистоннинг ижтимоий тузуми. Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши ҳамда ижтимоий ва мулкый тенгсизликнинг ривожланиши натижасида ўсиб бораётган ижтимоий табақаланиш тоифаларининг кескин суратда бўлинишга ва варналарнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Эслатма. Варналар – қадимги ҳинд жамиятининг ижтимоий табақаланиши

синфларнинг шаклланишига эмас, балки алоҳида тоифаларга бўлинишига айтилади.

Варналарнинг мавжудлиги ҳинд жамиятининг ўзига хос ҳислати деб ҳисобланади. Варналар: брахманлар, кшатрийлар, вайшийлар ва шудралардан иборат тоифаларга бўлинади. Бу тоифалар ҳақида илк марта Ригведада эслатиб ўтилган. Ведаларда варналар фақат кейинги қўшимчалардагина тилга олинади.

- ❖ Брахманлар – дин хомийлари, коҳинлар,
- ❖ Кшатрийлар – ҳарбийлар, ҳукмдорлар,
- ❖ Вайшийлар – деҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар,
- ❖ Шудралар – хизматчилар, камбағаллашган деҳқонлар ёки озодликка чиқарилган деҳқонлар.

Чандалар – бундай кишилар тоза сувни харом қилади деб қудуқларга ҳам яқинлаштирилмаган, "Чандал"лар жамиятда энг хўрланган бўлиб, уларнинг боласи туғилган кундан бошлаб нопок ҳисобланган. Улар энг оғир ва ифлос ишларни қилишган, яъни ахлат тозалаш, кўчаларни супириш ва ўлган ҳайвонларни терисини шилиш билан шуғулланганлар.

Қадимги Ҳиндистонда ҳукукий ёдгорликларда, жумладан, Ману қонунларида қадимги ҳинд жамиятининг табақа касталарига бўлиниши ҳақида кенг маълумотлар берилган. Ҳар бир варна учун яшаш тарзини белгиловчи ўз қонуни дхармаси ўрнатилган эди. Дхармашастраларда варналар ўртасидаги диний – ҳукукий фарқлар, уларга нисбатан чеклашлар, тақиқлар ва талаблар аниқ белгилаб қўйилган: ҳар бир варналар шуғулланиши лозим бўлган машғулотлар доираси қатъий чегаралаб қўйилган.

Муқаддас китобларни ўқиш фақат брахманлар, кшатрийлар ва вайшийларнинг имтиёзлари бўлган. Давлат бошқарувини юритиш брахманлар ва кшатрийлар қўлида бўлган, шу билан бирга коҳинлик мажбуриятларини бажариш брахманларнинг, ҳарбий ишларни юритиш эса кшатрийларнинг имтиёзи ҳисобланган. Вайшийлар деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо ишлари билан шуғулланганлар. Шудралар юқоридаги учта варналар хизматида бўлган.

Давлат тузуми. Қадимги Ҳиндистонда илк давлат бирлашмалари милoddан аввалги бир минг йилликда алоҳида қабилалар ва қабилалар иттифоқи асосида содда қабилавий давлатчалар шаклида ташкил топган. Ўз шакли жихатидан унча катта бўлмаган бу давлатчалар қабилавий органлар давлат бошқаруви органларига ўсиб чиққан.

Уларнинг баъзилари монархия шаклида идора этиладиган давлатлар бўлиб, буларда брахманлар ҳукмронлик ролини ўйнаганлар, бошқалари эса олигархияга асосланган кшатрийлар республикаси бўлиб, уларда сиёсий ҳукмронлик бевосита кшатрийларнинг ҳарбий кучи билан амлга оширилган.

Қадимги Ҳиндистон давлатчилиги тарихида Магадхо – Маурийлар даври муҳим босқич бўлиб, у монарх ҳокимиятининг кучайиши ва қабилавий бошқарув институтлари ролининг пасайиши билан таснифланади. Маурийлар салтанатининг гуллаб яшнаган даври милoddан аввалги III асрга – Ашока

ҳукмронлиги йилларига тўғри келади.

Давлат ҳукмдори подшо ҳисобланган. Давлат бошлиғи – брахманлар таълимотига кўра, инсон қиёфасидаги худодир. Подшо ҳукмронлик даврида ўз салтанатига ўғилларидан бирини меросхўр қилиб тайинлаган. Маурийлар даврида подшога "чекравартина" – ягона ҳукмдор деб қараш расмийлашган. Бу айни пайтда ҳукмдор ҳокимиятнинг ижро этувчи ҳокимият ўз қўлида эканлигидан далолат берарди.

Подшо йирик чиновникларни тайинлаш, уларни хизматидан озод этиш ҳуқуқига эга бўлган. Подшога шунингдек тажрибали брахманлар ёрдами билан одил судловни амалга ошириш ишониб топширилган эди.

Подшо маслаҳатчилари қуйидагилардан иборат:

Паришад – подшо маслаҳатчилари;

Махфий кенгаш;

Раджа – сабха ёки подшо маслаҳатчилари.

Паришад сиёсий орган сифатида задагонлардан ташкил топган бўлиб, улар доимо ўз имтиёзларини сақлаб қолишга ва ҳукмдорнинг мутлоқ ҳокимиятини чеклашга ҳаракат қилган. Аста – секин паришаднинг таркиби қисқариб, аристократлашиб борган ва подшо ҳузуридаги маслаҳатчи органга айланиб қолган. Маурийлар даврида подшо ҳокимияти кучайганда ҳам, паришад ўз нуфузини сақлаб қолган ва Маурийларнинг ҳукмдорлари у билан ҳисоблашиб турганлар.

3. Магадха – мауръийлар даври.

Маурийлар даврида чиновниклар устидан назорат қилиш механизми ишлаб чиқилган. Подшонинг махсус айғокчилари, махфий агентлар мавжуд бўлиб, подшо уларни кундузи ҳам, кечаси ҳам қабул қилаверган. Маурийлар давридаги маъмурий ҳудудий бўлиниш:

Асосий провинциялар, оддий провинциялар (джанападлар), вилоятлар (прадешлар), округ (ахале) бўлган.

Асосий провинцияларда шахзодалар турган. Махсус мақомга, жумладан маълум автономияга эга бўлган. Оддий провинцияларда вилоятлар, округларга ҳам бўлинган. Канпадлар тепасида йирик давлат чиновниклари турган. Провинцияларга нисбатан кичикроқ маъмурий бирлик округ бўлиб, унга барча ишлар билан бош – қош бўлувчи округ бошлиғи рахбарлик қилган.

Округ бошлиғининг зиммасига қишлоқ маъмурияти устидан назорат қилиш мажбурияти юкланган. У шаҳарлардан даромад олган. Округнинг асосий шаҳарларида девонхоналар бўлиб, у ердан бутун округга фармойишлар жўнатилган.

Маурийлар даврида марказий ҳокимият гарчи шаҳар кенгашларининг мустақиллигини тугатишга ҳаракат қилган бўлса-да, шаҳарларда ўзини-ўзи бошқаришнинг баъзи белгилари сақланиб қолган эди. Жамоалар уларнинг оксоқоллар томонидан бошқарилган. Оксоқолларнинг мажбуриятларига солиқлар йиғиш, жамоада тартибни сақлаб туриш ва бошқалар кирган. Ерни сотиш ёки уни

ижарага бериш, жамоа маросимларин ўтказиш жамоа йиғинларида ҳал этилган.

Суд тизими. Қадимги Ҳиндистонда икки тизимли суд мавжуд бўлган, улар: Подшолик судлари ва Ички жамоа судлари.

"Брахманлар ва тажрибали маслаҳатчилар билан биргаликда" подшонинг шахсан ўзи қатнашган суд ёки унинг томонидан ваколат берилган махсус суд хайъати олий суд инстанцияси ҳисобланган. Суд хайъати подшо томонидан тайинланган брахманлар ва унинг "атрофини ўраб турган учта судядан" иборат таркибида тузилган.

Судда ҳуқуқ меъёрларини, драхманларни брахман ёки иложи топилмай қолган кшатрий ёки вайший шарҳлаши мумкин бўлган. Подшо олий судья сифатида ҳар йили амнистия эълон қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Жиноят ишларини махсус судьялар ҳал қилганлар, "ўғрилар устидан" назоратни амалга оширганлар. Жиноятчиликка қарши курашда айниқса шаҳар ҳокимият органлари зиммасига катта масъулият юклаганлар. Улар ўз айғоқчилари ёрдамида тинтув ўтказганлар, номаълум кишиларни ушлаганлар, устахоналарда, қиморхоналарда, ковоқхоналарда теширувлар ташкил этганлар.

Армияси. Армия Қадимги Ҳиндистон давлатида, бошқа давлатлар қатори жуда муҳим роль ўйнаган. Давлатнинг гуллаб – яшнашининг муҳим манбаи урушлар ва бошқа халқларни талаш ҳисобланган.

Армия касбий жангчилардан, ёлланганлардан, шунингдек, алоҳида бирлашмалар, жумладан, савдо гильдиялари, қарам иттифоқчилар, вассаллар томонидан тақдим этиладиган жангчилардан иборат таркибда тўлдирилган. Тинчлик вақтларда асосан кшатрийлар қурол кўтариб юрганлар, бошқа "икки марта туғилганлар" фақат "фалокат вақти яқинлашган"дагина қуролланишлари мумкин бўлган.

Армия жамоат тартибини қуриқлаш функциясини ҳам бажарган. У давлатнинг бутунлигини ҳимоя қилишга доимо хушёр туриши лозим бўлган. Шунинг учун ҳарбий отрядлар ҳар бир қишлоқларга жойлаштирилган эди.

4. Ҳуқуқнинг асосий белгилари.

Ману қонунлари дхармашастралар асосида милoddан аввалги II асрда вужудга келган. Қадимги Ҳинд қонунчилигининг тарихида алоҳида ўрин тутди. Бу қонунлар брахманизм мактабларидан бири томонидан тузилган бўлиб, унга диний куч бериш мақсадида афсонавий подшо Ману номи билан аталган.

Бу қонуннома тузилиш жиҳатидан 12 та боб, 2685 та моддадан иборат. Ундаги меъёрлар, қоидалар икки мисрали шеърий йўл билан баён қилинган. У ўз мазмунига кўра диний, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборат. Ману қонунларида энг аввало Ҳиндистондаги мавжуд варна тузуми мустаҳкамланган.

Ҳуқуқ манбалари ичида ёзма ёдгорликлар жуда катта аҳамиятга эга бўлса-да, қадимги Ҳиндистонда одат ҳуқуқи ҳам муҳим ўрин тутган. Бундан ташқари қадимги Ҳинд ҳуқуқи ривожланишининг турли босқичларида подшоларнинг эдиктлари яъни амр–буйруқлари ҳуқуқнинг муҳим манбаини ташкил этган.

Ману қонунида мулкка нисбатан ва унга эгалик қилиш ўртасидаги фарқ ажратиб кўрсатилган, хусусий мулкни қуриқлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Булар: Мерос, ҳадя ёки топиб олиш, харид қилиш, эгалик қилиш, судхўрлик, бирор ишни бажариш йўли билан мулкка эгалик қилиш, хайр – эхсон тариқасида олиш, 10 йил мобайнида мулкка эгалик қилиб туришдан иборат.

Ашёни фақат уни эгасидан сотиб олиш мумкин бўлган, яъни бировнинг ашёсини учинчи шахсдан сотиб олиш қонуний ҳисобланмаган. Бошқа ҳолларда гўёки ҳалол йўл билан мулк ҳуқуқини олганликни исботлаш тақиқланган. Агар мулкни ҳалол йўл билан эгаллаб турган шахсда ўғирланган ашё топиб олинса, у илгарги эгасига қайтарилган.

Қонунларда ерга эгалик қилиш ва мулк сифатида асосий ўринда турган, улар бир неча шакллардан иборат: подшога қарашли, жамоаларга қарашли, хусусий эгаликдаги ерлардан иборат. Бегона мулкни қонунсиз эгаллаб олганларга нисбатан катта жарима солинган, бировнинг ерини эгаллаб олган эса ўғри деб эълон қилинган.

Ману қонунларида жамоалар ўртасидаги чегаралар, жамоа қудуқлар, каналлар ҳақидаги суд низоларини кўриш тўғрисида эслатиб ўтилган. Бундай низоларини кўришда аввало қариндошларнинг ва қўшниларнинг фикрлари инобатга олинган.

Айнан улар ерга имтиёзли эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Шундай қилиб, жамоа ижтимоий муносабатларда муҳим роль ўйнаб, хусусий ер эгалигини чеклашга ҳаракат қилинган.

Мулкка эгалик қилишга аёллар, болалар ҳамда куллар эгалик қилиш ҳуқуқидан чеклаб қўйилган. Ману қонунларида фуқаролик ҳуқуқининг мажбуриятларига оид муносабатлар батафсил ишлаб чиқилган. Шартномалардан келиб чиққан ҳолда бир неча мажбуриятлар ҳақида гапирилади. Шартномаларнинг қарз, олди – сотди, сақлаб туриш, ижара ва бошқа турлари мавжуд бўлган.

Оила ва никоҳ муносабатлари. Қадимги Ҳиндистонда патриархал назария ҳукм сурган. Яъни оилада эр тўлиқ ҳукмрон бўлган. Бошқа мамлакатларга қараганда никоҳ ёшида ҳам жуда катта фарқ кўришимиз мумкин. Эркаклар 24 ёшдан, аёллар 8 ёшдан бошлаб никоҳга кириши мумкинлиги манбаларда кўрсатилган. Ману қонунлари аёллардан ўз эрини ҳатто у яхши фазилатлардан маҳрум бўлса ҳам, худо деб ҳисоблашларини қаттиқ талаб қилинган.

Эслатма. Патриархал назария – давлат бевосита катталашиб кетган оиладан келиб чиққан, монарх ҳокимияти эса оиланинг барча аъзоларига раҳбарлик қиладиган отадан мерос бўлиб ўтган деб ҳисобланади. Ушбу назария Юнонистонда пайдо бўлган ва Арасту асарларига асосланиб берилган.

Оилада эр тўла ҳукмрон ҳарактерлидир. Оилада хотин ўз эри ва болалари қарамоғида бўлган. Никоҳ мулкый битим ҳисобланиб, бунинг натижасида эр хотинни сотиб олган ва хотин эрнинг мулки сифатида қаралаган. Гарчи Ману қонунлари эр ва хотинни бутун умри давомида садоқатли бўлишларини эълон қилса-да, эр бир неча хотинга эга бўлиши, хотини билан хоҳлаган вақтда ажралиши мумкин эди. Хотин эрига нисбатан ҳиёнат қилганлиги исботланса унга

оғир жазо ўлим жазоси белгиланган.

Эр қайси варнага тегишли бўлса хотинни ҳам ўша варнага тегишли бўлган. Эркакларга баъзи ҳоллардагина қуйи варнага мансуб аёллар билан никоҳга киришларига рухсат берилган. Лекин юқори варнадаги аёлларнинг қуйи варнадаги эркаклар билан никоҳга кириш тақиқланган. Агарда никоҳ тузилса, улардан туғилган фарзанд чандалга айланган. Никоҳни бекор қилиш хотин киши ташаббуси билан мумкин эмас эди. Умумий мулк ҳисобланган бўлса ҳам эр бошқариб борган. Мерос барча ўғиллар ўртасида тенг тақсимланган ёки катта ўғил кўлида қолиб, у оила бошлиғига айланган ва бошқа оила аъзоларига хомийлик қилган.

Қизлар меросдан четлаштирилган, лекин ака – укалар ўз улушларидан 1/4 қисмини уларга сеп – сидирға сифатида ажратишлари лозим эди. Васият бўйича мерос ҳақида қадимги ҳинд ҳукуқий ёдгорликларида ҳеч қандай меъёрлар белгиланмаган.

Жиноят ва жазо. Ману қонунларида жиноятга қарши белгиланган бир неча шаклда тушунчалари мавжудир, улар қуйидагича:

- ❖ айбнинг шакли;
- ❖ рецидив;
- ❖ иштрокчилик;
- ❖ айбланувчининг қайси варнага мансублиги ва жиноятининг

оғирлиги.

Зарурий мудофаа учун жавобгарлик назарда тутилмаган. Лекин шулар билан бир қаторда жиноят ҳукуқида хали ибтидоий жамоа тузумининг қолдиқлари, жумладан, ордалия, жамоавий жавобгарлик тамойилларини сақлаб қолган. Ҳукуқнинг дин ва ахлоқ билан чамбарчас боғлиқлиги натижасида жиноятлар билан гуноҳлар ўртасида аниқ фарқ бўлмаган.

Ману қонуни тўпламида бир неча жиноятларга алоҳида эътибор берилган булар:

- ❖ давлатга қарши қаратилган жиноятлар;
- ❖ шахс қарши қаратилган жиноятлар;
- ❖ мулкӣ жиноятлар;
- ❖ оилавий муносабатларга қарши қаратилган жиноятлар;

Давлат ва ижтимоий тузумга қарши ҳар қандай суиқасд учун ўлим жазоси белгиланган. Подшо душманларига хизмат қилиш ва шаҳар дарвозаларини бузиш, синдириш кабилар давлатга қариши қаритилган жиноятлар турига киритилган. Подшо амрини бажармаганлик шу тоифа жазоларига кириши табиийдир.

Шахсга нисбатан қартилган жиноятлар Ману қонунида батафсил кўрсатиб қаттиқ қораланади. Шахсга қарши жиноятларга, аввало одам ўлдириш, унга тан жароҳати етказиш жиноятлари кирган. Қонунларда кишиларнинг нафақат ҳаёти, соғлиги, балки қадр – қиммати ҳам табақа – варнага мансублигига қараб ҳимоя қилинган.

Оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга, эр ва хотин ўртасидаги ҳар қандай кўринишдаги ҳиёнат учун, аёлларнинг номусига тажовуз учун қаттиқ жазолар ўрнатилган. Қонунларда ҳиёнат қилиш ва зўрлик ишлатиб номусига

тегиш ўртасидаги фарқ ажратиб кўрсатилмаган. Бундай жиноят учун агар жиноятчи ижтимоий мавқега эга бўлса катта жарима тўлаш билан қутилиб кетиши мумкин бўлган.

Мулкий жиноятлар подшолар қонунларда бу йўлдан қайтаришга ўғриларни жиловлашга чақириб, алоҳида эътибор бериб ўтилган. Ўғирликни кўриб туриб ҳам бу ҳақда хабар бермаган шахс ҳам жавобгарликка тортилган. Ўғрини яширган шахс ўғри билан тенг жазоланган.

Ману қонунида жиноятга қарши белгиланган ўлим жазоси энг оғир жазо ҳисобланган. Ўлим жазосининг оддий ва мураккаб турлари ажратиб кўрсатилган. Оддий ўлим жазосига бошини кесиш кирса, мураккаб турдагига – қозикқа ўтқазиш, сувга чўктириш, гулҳанда куйдириш, ёкиб юбориш, филнинг оёқлари остига ташлаб қатл қилишлар киради. Тан жазоларининг бармоқларини, қўлларини, оёқларини, жинсий ва танадаги бошқа аъзоларини кесиш турлари қўлланилган.

Суд жараёни. Суд жараёни жиноят ишлари буйича ҳам, фуқаролик ишлари бўйича ҳам айблов характерга эга бўлмаган. Суд ишлари давлат органларининг ташаббуси билан эмас, манфаатдор шахсларнинг даъво аризаси билан кўзғатилган. Судларда ишлар тортишувлик характерига эга бўлган.

Судда кўрсатма беришдан бош тортиш ёки ёлғон кўрсатма бериш гуноҳ ҳисобланган. Гувоҳларнинг кўрсатмаларига баҳо беришда гувоҳларнинг қайси варналарга мансублиги инобатга олинган. Шудра варналарига мансуб шахс юқори тоифадаги варналарга гувоҳлик бериш ҳуқуқига эга эмас эди.

Гувоҳлар бўлмаса ордалия (синаш) усулидан фойдаланганлар. Ҳинд процессуал ҳуқуқи беш ҳил синаш усулидан фойдаланилганлар: тарозида тортиб кўриш, олов билан, сув билан, захар билан ҳамда қасам билан синашлардан ўтишга мажбур бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, ордалия фақат алоҳида ҳолларда, биринчидан, томонларнинг розилиги билан, иккинчидан, иш бўйича муҳим далиллар бўлмаганда ва ниҳоят, учинчидан, ошкора равишда қўлланилган. Судда ашёвий далилларга ҳам эътибор берилган. Адолатли подшо – дейилади Ману қонунларида, ўғирланган нарсани топмай туриб ўғрини қатл этмайди. (Ману қонунлари, IX-боб, 270-модда).

ҚАДИМГИ ХИТОЙ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

1.Қадимги Хитой давлатига умумий тасниф.

2.Давлат ва ижтимоий тузуми.

3.Қадимги Хитойда асосий ҳуқуқий белгилар.

1. Қадимги Хитой давлатига умумий тасниф.

Қадимги Хитой давлатини ўрганишда асос қилиб уни тўртта даврларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади, жумладан улар қуйидагича:

1. Қадимги Хитойдаги илк Шан (Инъ) давлати (милoddан аввалги XVIII-XII асрлар).

2. Чжоу давлати (милоддан аввалги XI-III асрлар).
3. Цинь давлати (милоддан аввалги 221-207 йиллар).
4. Хань давлати (милоддан аввалги 206-йилдан-милодий 220-йилгача)

Хитой Марказий ва Шарқий Осиёдаги энг Қадимги мамлакатлардан биридир. Энг Қадимги Хитойда матриархат ҳукмрон бўлган. Уруғ ҳисоби она йўли билан олиб борилган. Қабила оқсоқолининг ҳокимияти отадан ўғилга эмас, балки отадан укага ўтган. Даврлар ўтгани сайин она ҳуқуқининг аста секин отага ўтиш замони бўлган, лекин бу ўтиш даври турли қабилаларнинг ҳаммасида бир вақтда бўлмаган.

Матриархат қолдиқлари узоқ вақт сақланиб қолган. Деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчиликнинг ривожланиши оқибатида мулкчиликнинг тенгсизлик ва табақаланишга олиб келади ҳамда Шарқий Хитойда дастлабки давлатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Қадимги Хитойдаги илк Шан, кейинчалик (Инь) давлати. Қадимги Хитойда давлатларнинг ташкил топиши милоддан аввалги II минг йилликда Хуанхэ дарёси хавзасида бошланган. Хитойда давлатнинг ташкил топиши хусусияти шунда эдики, бу ерда ибтидоий жамоа тузумидан синфий жамиятга ўтиш жараёни бир халқнинг бошқаси томонидан бўйсундирилиши натижасида тезлашган. Лекин бу жараён давлатнинг ташкил топишига асосий сабаб бўлмаган.

Шан давлатининг ижтимоий тузуми жамоа – уруғдошлик тузумидан синфий жамиятга ўтиш босқичи жараёнларини тарих сарлафхаларидан кўришимиз мумкин. Бу давр жараёнларида ҳукмрон синф инъ дунёвий аристократиясидан, қоҳинлардан ва бўйсундирилган қабилаларнинг аристократияларидан ташкил топган.

Дунёвий аслзодаларга подшога яқинлигига ва эгаллаб турган лавозимиغا қараб маълум имтиёзлар ва унвонлар берилган. Шунингдек, ер эгалиги миқдорига ва қулларнинг сонига қараб ҳам шахснинг ижтимоий мавқеи белгиланган.

Қулларга хусусий шахслар ҳам, давлат ҳам эгалик қилиши мумкин. Қулларнинг мавқеи ҳайвонларга тенглаштирилган, уларга буюм сифатида қаралган. Улар оиласига, мол - мулкига эга бўлмаганлар. Аҳолининг асосий қисмини эркин жамоачилар ташкил этган. Бу даврда қуллар, уйлар, меҳнат қуроллари хусусий мулк ҳисобланган.

2. Давлат ва ижтимоий тузуми.

Қадимги Хитойда давлат ҳокимият бошлиғи подшо ҳисобланган. Подшо аста секин бутун ҳокимиятни ўз қўлига олиб борган, Шан-инъ қабилалари қабила бошлиқларидан яқка ҳукмдорларга айланганлар. Улар ҳақида оддий фуқаролар орасида "Осмон ўғли" бўлганлиги ҳақидаги тасаввурлари мустаҳкамланган.

Подшо – биринчи энг йирик қулдор, олий ҳарбий бошлиқ, энг олий судья ва энг катта руҳоний ҳисобланган. Подшонинг ёрдамчилари унга тегишли яқин одамлари, қариндош уруғларидан ташкил топган.

Анча майда мансабларни ўзларига касб қилиб олган қатор чиновниклар: котиблар, мирзалар, солиқ йиғувчилар, судьялар ва бошқалар эгаллаб турган. Мансабдор шахслар асосан учта тоифага бўлинган:

- олий фуқаролик чиновниклари;
- ҳарбий чиновниклар;
- турли хил маслахатчилари.

Милоддан аввалги XII асрда Шан (Инъ) давлати ички сиёсатининг зиддиятлардан ташкил топиши оқибатида, Чжоу давлати унга бўйсунмай қўяди ва бу зиддиятлар натижасида Чжоу қабиласининг бир неча қабилалари бирлашиб Инъ давлатига қарши кураш олиб боради.

Милоддан аввалги 1076 йилда Чжоу қабиласи инъ армиясини тор – мор этган, Шан давлати қулаган унинг ўрнига Чжоу подшолиги ташкил топган.

Чжоу давлати. Қадимги Хитойда Чжоу давлатини қуйидаги учта даврга бўлиб ўрганилган:

1. Ғарбий Чжоу даври (милоддан аввалги 1122-742 йиллар).
2. Шарқий Чжоу даври (милоддан аввалги 770-403 йиллар).
3. "Урушқоқ подшоликлар" даври (милоддан аввалги 403-221 йиллар).

Ғарбий Чжоу даврида кулдорлик – давлатлари билан биргаликда ташкиллаштирилган, унинг пойтахти Хао шаҳри бўлган. Жамиятда кулдорлик аристократияси ҳукм сурган. Барча ерларнинг эгаси подшо (ван) ҳисобланган, шу билан бир қаторда подшога юқори ҳокимият ваколатлари тегишли бўлган.

Мавжуд тарихий маълумотларга қараганда, ерни сотиш, ижарага бериш, гаровга қўйиш мумкин бўлган. Бу даврда гарчи ерга эгалик қилишда подшо ваколатига боғлиқ расман сақланиб қолган бўлса-да, эгаликдаги ерларни хусусий мулкка айлантиришга мойиллик пайдо бўлган.

Кейинчалик, Чжоу подшоларининг ҳокимияти заифлашиши билан йирик кулдорларнинг ерга эгаллик ҳуқуқининг ерга хусусий мулкчилик ҳуқуқига айланиши содир бўлган. Умуман олганда паст табақадаги халқ яъни деҳқонлар (нунфу) аранг кун кечирган. Уларнинг кўпчилиги ерсиз ижарачиларга айланган.

Деҳқонлардан кейинги қуйи қисми қуллар ҳисобланган. Чжоу подшолигида сарой бошқарув тизими мавжуд бўлган.

Сарой хизматчилари бир вақтнинг ўзида мансабдор шахс ҳисобланганлар. Турли вазифаларни бажарувчи кўп сонли чиновниклар саройдаги барча ишлар билан шуғулланганлар, яъни вanning от – уловини юритувчи чиновниклар, мирза (котиб), архив бошлиғи, хазинабон, маросимларни ўтказувчи ва кузатиб турувчи чиновниклар ва бошқа хизматчилар.

Давлат аппаратида олий мартабали амалдор (сян) бошчилик қилган. Чжоу давлатида юқори мавқега эга қоҳинлар ва фолбинлар энг муҳим ўрин тутган. Олий қоҳин ва буюк фолбин мансаблари мавжуд бўлган. Давлатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида йирик ўзгаришлар билан таснифланади. Бу соҳаларнинг ривожланиши савдогарлар ролининг ўсишига сабаб бўлади.

Милоддан аввалги VII - IV асрларда Шарқий Чжоу подшолигида беш ҳоким даври ёки Чжанъго ("Урушқоқ подшоликлар") даври деб юритилади. Бу урушлар мобайнида давлатнинг иқтисодиётини пасайишига олиб келади. Бундай нотинчлик оқибатида одамларнинг тинчлик ўрнатиш ва Хитой халқларини бирлаштириш зарурлигини тушуна бошлаганлар.

Инсонлардаги бундай кайфиятлар канфуция динининг тарғиботчилари

томонидан ифода этилган. Чжаньго даврида турли минтақалар ва халқларнинг иктисодий ва моддий алоқалари кучайган. Бу эса ўз навбатида уларнинг яқинлашувига ва турли майда подшоликларнинг еттига йирик Хитой подшоликлари атрофида "йиғилиш"га олиб келган.

Милоддан аввалги V асрда Қадимги Хитой тарихида ижтимоий-иктисодий ва сиёсий муносабатларда кескин ўзгаришлар юз берган. Бу вақтда подшоликлар ягона империяга бирлашишга олиб келадиган шарт – шароитлар туғилган. Бунинг сабаби юқорида айтиб ўтганимиздек, конфуцийлик таълимоти сабаб бўлган.

Цинь давлати. Қадимги Хитойнинг учинчи даври Цинь подшолигига тўғри келади, яъни милоддан аввалги 221 йилдан – 207 йилгача бўлган даврларни ўз ичига олади. Бу даврларда Цинь подшолиги анча кучаяди. Подшо томонидан ўтказилган ислохатлар давлатнинг марказлаштириш, савдо – сотиқ соҳасининг ўсиб унишига сабаб бўлади. Жамоаларнинг емирилиши, катта оилаларнинг мажбурий бўлиниши ҳақида қонун ишлаб чиқилади.

Солиқ тизимига ҳам ўзгартириш киритилади. Ҳосилдан олинадиган солиқ ер солиғига алмаштирилади. Янги солиқ эса ернинг миқдорига қараб белгиланади. Қўшинлар қайта тузилиб, ҳарбий хизматлар учун 18 даражали задагонлик ташкил этилган. Давлатдаги ижтимоий – сиёсий ҳаёт умумий қоидаларга бўйсунган. Қонунларга қатъий риоя қилиш мамлакатда тартиб сақлашнинг энг муҳим шарти бўлиб ҳисобланган.

Бу ислохатлар конфуцийлик оқими номоёндаларининг қаршилигига учраган. Бир неча қўшни қабилаларни босиб олгач, йирик империяга асос солган. Давлат бошлиғи-император бўлган, унинг ваколати жуда катта ҳисобланган. Бошқарув аппарати тепасида ўнг ва сўл ченсянлар яъни министрлар турган. Уларнинг ўринбосарлари котиблар ҳисобланган. Подшо қўлида хизмат юритган император маслахатчилари юқори мавқега эга бўлган.

Марказлашган давлатнинг ташкил топиши деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо сотиқ ривожланишига имкон яратган. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви аҳолининг табақалашувини кучайтиради. Йирик ер эгалиги ривожланиб, жамоалар парчаланиб кетади ва бу ҳаракатлар натижасида урушлар, қаттиқ норозиликлар келиб чиқади.

Ҳозирги даврда етти мўжизага кирувчи Хитой дарвозаси IV асрдан бошлаб қурилади. Цинь даврида унинг қурилишига сарфланган харажатлар ва солиқлар меҳнаткашларнинг оғир аҳволга солиб қўйган. Оқибатда кучли халқ қўзғалони-деҳқонлар томонидан уюштирилган, урушлар бошланиб кетади. 209 йилда мамлакат бўйлаб урушлар бошланади ва бу урушлар Цинь давлатини халокатга олиб келади.

Хан давлати. Хан подшолигининг асосчиси қишлоқ оқсоқоли Лю Бан мамлакатни марказлашган мамлакатга айлантирган. У ўз ҳукмдорлиги бошида куллар ва деҳқонларнинг турмуш шароитини яхшилаган, жабрдийдалар манфаатини кўзлаб бир неча ислохатлар ўтказган. Махаллий ишлар сайлаб қўйилган оқсоқолар томонидан бошқариладиган бўлган. Бу ислохатлар юқори табақа вакиллари томонидан ижтимоий зиддиятларнинг келтириб чиқаришига сабаб бўлган.

- ❖ Император сулоласи Хан бошқариш даври милоддан аввалги 206 йиллардан – 220 йилларгача давом этган, бу даврларни икки даврга бўлишимиз мумкин;
- ❖ Ғарбий ёки Илк (бошқарув), Хан (м.а.206-8).
- ❖ Ван Ман ҳукмронлик даври (9-23), Лю Сюаня ҳукмронлик даври, ёки Гэн-ши (м.а.23-25).
- ❖ Шарқий ёки кейинги (кичик), Хан (м.а.25-220).

Лю Бан. У ўзини император деб эълон қилган ва давлатни марказлаштирилган нуфузга етказишга ҳаракат қилган, солиқларни қисқартириб, Цинь династиясининг оғир қонунларини бекор қилган. Подшо ҳокимиятининг мақсади, асосий иштиёқи мамлакатни марказлаштиришга қаратилган эди. Бунга Хитойнинг янги маъмурий бўлиниши кўмаклашган.

Мамлакат худуди ўн учта йирик округга бўлинган. Округлар маҳаллий маъмурият устидан назоратни амалга оширувчи округ тафтишчи – подшонинг ноиблари бошчилик қилган. Вилоятлар, округлар ва уездлар сони кўпайтирилган.

Синфий зиддиятларни тепадан туриб ислохатлар йўли билан юмшатишга қаратилган анча дадил уриниш милоддан аввалги 8 йилда сарой тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига Ван Ман томонидан бошқарилган эди. Ван Ман милоднинг 9 йилида ўзини "Янги" сулоласи императори деб тантанали суратда ҳаммага баён қилган ва қатъий ҳолда, ислохатлар сиёсатини ўтказиш ниятини эълон қилган.

Конфуцийлар ислохатларнинг ғоявий илҳомлантирувчилари бўлишган. Ван Ман хусусий қулчиликка қарши кураш олиб борган, лекин давлатнинг қул эғалигига чеклашга мутлақо ҳаракат қилмади, аксинча давлат қуллар орқали армияни тўлдира бошланди.

Бу даврда бир неча бора пул ислохатлари ўтказилди, бу ислохатлар бозордаги нархларни тартибга солиш ва суда фоизларини қатъий белгилашни лозим бўлган махсус бошқармалар таъсис этилди. Бу ислохатларнинг охирига етказилмаганлиги ва қурғокчилик, очлик, сувсизлик оқибатида оддий халқ томонидан кўтарилган кўзғолонга сабаб бўлди.

18 йилда бошланган ва "қизил қошлар" номи билан машҳур бўлган кўзғалон ана шундай ҳаракатлардан бири эди. Хань сулоласининг қулаши натижасида 220 йилда Хань подшолиги Вей, Шу ва У каби давлатларга бўлиниб кетади.

3. Қадимги Хитойда асосий ҳуқуқий белгилар.

Қадимги Хитой тарихида ҳуқуқнинг келиб чиқишида иккита ғоявий, фалсафий, диний таълимотлар: конфуцийлик ва легизм ўртасидаги кураш, қарама-қаршилик жуда катта аҳамиятга эга. Асосий биринчи ёзма қонунлари Шань давлатида пайдо бўлган.

Бу даврларда қонунлар ва фармойишларнинг тобора кўпайиб бориши ҳуқуқда қарама-қарши меъёрларни келтириб чиқарган ва улардан фойдаланишни қийинлаштирган. Оқибатда ҳуқуқни кодификация қилиш зарурияти пайдо бўлган.

Милоддан аввалги X асрда Чжоу давлатида **Ван Му томонидан 3000 та** моддадан иборат Жиноят кодекси – жазолар ҳақидаги қонуннома ишлаб чиқилади. Қонунда айбни енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар

ҳақида ёзиб ўтилган, эҳтиётсизликдан ва қасддан қилинган хатти – ҳаракатлар бир – биридан ажратилган. Қонунда алоҳида суд қарорлари ёзуви белгиланган, одат ҳуқуқи меъёрлари мустахкамланган. Қадимги Хитойда асосий ҳуқуқий объект ер ва қуллар ҳисобланган.

Ерлар. Инъ подшолиги даврида–ерлар подшо (ван) мулки ҳисобланган, мукофот, инъом тариқасида ер олганлар ундан фақат фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Чжоу подшолиги даврида эгаликдаги ерларни хусусий мулкка айланиши, Цинъ подшолиги даврида қатор подшоликлар ерни олиш – сотиш ҳақидаги битимлар туза бошлаганлар, милoddан аввалги 1 асрларга тўғри келади. Ер сотилишидан ёки бошқа эгасига ўтишидан қатъий назар ер давлатники бўлиб қолади.

Қуллар. Инъ подшолиги даврида, қуллар давлат мулки ҳисобланган, у даврда олиб сотиш ҳуқуқига эга бўлмаган.

❖ Чжоу подшолиги даврида қулларни алмаштириш ва сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган, бу даврда қуллар иккита тоифага бўлинганлар: давлат қуллари ва хусусий қуллар,

❖ Цинъ подшолиги даврида кенг кўламда қулларни олиб сотиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Қадимги Хитойда ҳуқуқий регламентларида шартномалар тузилиб борилган, хусусий ҳуқуқ меъёрлари мустақил ривожланмаган. Шартномалар бир неча турлари мавжуд, улар қуйидагилар:

- ❖ айирбошлаш шартномаси;
- ❖ олди – сотди шартномалар;
- ❖ Ҳадя шартномаси;
- ❖ Қарз шартномаси;
- ❖ Ерни ижарага бериш шартномаси;
- ❖ Шахсий ижара шартномаси.

Бу шартномаларнинг шартлари асосан ҳуқуқ билан тартибга солинган.

Никоҳ ва оила муносабатлари. Қадимги Хитойда оила патриархал характерга эга бўлган. Никоҳ ота – оналар томонидан тузилган. Никоҳ ва оила ҳуқуқи асослари конфуцийлик таълимоти асосига қурилган эди. Катта оилавий алоқалар мустахкамлиги билан ажралиб турган, оила бошлиғи унинг мутлоқ ҳукмдори ҳисобланган. У оилани итоатсиз аъзоларини жазолаш ҳуқуқига эга эди.

Жиноят ва жазо. Қадимги Хитойда жиноятга қарши белгиланган жазоларни, ажратиб кўрсатишга моликдир:

- ❖ давлатга қарши – қўзғолон, исён кўтариш;
- ❖ диний – шаманлик, жахлни кўчага обчиқиш;
- ❖ шахсга қарши – ўлдириш, танага жароҳат етказиш;
- ❖ мулкка нисбатан – ўғирлик, талон – тарож, бировни молини ўлдириш;
- ❖ ҳарбий – ҳарбий хизматга чақирилган шахс ўз вақтида келмаслик, кўрқоқлик.

Умуман олганда жиноятга қарши белгиланган жазо турлари хилма – хилдир, Чжоу подшолиги даврида 3000 жиноятга қарши жазо турлари мавжуд бўлган. Жиноят қонунлари жазоларнинг жуда оғирлиги билан таснифланади.

Цинь подшолиги даврида қўрқитиш тамомила жазонинг асосий мақсади бўлиб қолган.

Ўлим жазоси хилма – хил кўринишда жуда кенг қўлланган. Қатл этилган шахснинг жасади одамлар гавжум жойда дарахтга осиб қўйилган. Агар кимда ким бунга норозилик билдириб, ҳукуматни танқид қилса уни тили кесилган, сўнгра унинг хотини ҳам шундай жазоланган.

Бунда ташқари ўлим жазосининг тириклайин кўмиб юбориш, бўлакларга бўлиб ташлаш ва ҳоказо усуллари кенг қўлланилган. Тан жазолари ҳам кўп ҳолларда берилган, давлат кулига айлантириш одатда айбдор шахсларнинг уч авлодига нисбатан қўлланган.

Суд ва суд жараёни. Қадимги Хитойда суд ҳокимияти маъмурий ҳокимиятдан ажратилмаган. Олий судья император ҳисобланган, император олий суд инстанцияси ҳисобланган. Асосий суд ишларини вилоятларнинг маъмурий бошлиқлари "префектлар" томонидан кўриб ҳал этилган.

Марказий бошқарувнинг кўпгина чиновниклари ҳам суд функцияларига эга бўлган. Турли даражада ҳарбий бошлиқлар кенг суд ҳуқуқларидан фойдаланганлар. Давлат суди билан бир қаторда оила бошлиғининг оила аъзолари устидан суд ҳокимияти ҳам мавжуд бўлган.

Тергов асосан шикоят қилиш ёки уезд ёхуд округ бошқармасига хабар бериш билан бошланган. Хабар бериш, айниқса ўғирлик ва одам ўлдиришга тааллуқли хабар бериш аниқ бўлиши талаб қилинган. Нотўғри хабар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Тергов натижалари ҳақида хулоса, айблов далолатномаси тузилган. Қадимда "далилларни тақдим этиш", "айблаш" ва бошқа юридик иборалар кўп ишлатилган. Судда иш юзасидан қиёслаш бўйича қарорлар чиқариш кенг қўлланилган.

ҚАДИМГИ РИМ ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ДАВРИ

- 1. Қадимги Римда давлатнинг ташкил топиши ва умумий тасниф.**
- 2. Республика даврида Римнинг ижтимоий-сиёсий тузуми.**
- 3. Рим империяси.**
- 4. Рим ҳуқуқи. XII жадвал қонунлари.**
- 5. Классик ва постклассик даврда Рим ҳуқуқи.**

Тарихий манбаларда Қадимги Рим империясининг ташкил топишидан бошлаб, республика даврлари яъни Рим империясининг ташкил топиши ва классик ва постклассик даврларини энг асосий даврлар мобайнига бўлиб ўрганамиз.

Қадимги Рим империяси учта давр асосида ўрганилади, булар:

- ❖ подшолик даври милоддан аввалги 753-510 йиллар;
- ❖ республика даври милоддан аввалги 509-27 йиллар;

❖ империя даври милоддан аввалги 27-476 йил.

Подшолик даврида Римда етти подшолик сулоалари ҳукмронлик қилган

1. Ромул;
2. Нума Помпилий;
3. Тулл Гостилий;
4. Анк Марций;
5. Тарквиний Прииск;
6. Сервий Тулий;
7. Тарквиний Гордий.

Тибр дарёсининг қирғоғида жойлашган биринчи қабиаларнинг ташкил топиши Рим давлатининг милоддан аввалги 753 йилларда вужудга келиши билан таснифланади. Урушлар ҳаракати оқибатларида бирлашган учта қабиалар Рим жамоасининг ташкил топишига олиб келади. Давлатнинг иқтисодий масалаларни кўтарган соҳа қишлоқ хўжалиги ҳисобланган. Рим давлатининг асл фуқаролари – Рим халқи ҳисобланган, *populus romanus* – уч қабиаларга бўлинган (ҳар бир қабилада юзтадан одам), курий, ҳамда трибуларга бўлинган.

Рим жамоаси тепасида сенат томонидан сайланиб қўйиладиган бошлиқ – Рекс турган. Патрицийлар Қадимги Рим уруғларининг аъзолари ҳисобланганлар, сенат аъзолари таркиби патрицийлардан иборат бўлиб, улар комиссия аъзолари қаторида иштирок этар эдилар.

Ҳар бир патриций қуйидаги ваколатларга эга эди:

- ❖ ердан фойдаланиш ва сотиб олинган ерни оила аъзолари томонидан умри давомида ишлатилиниши;
- ❖ меросдан қолган мулкни авлоддан – авлодга ўтказилиш ҳуқуқи,
- ❖ уруғлардан ёрдам ва ҳимоя олиш ҳуқуқи;
- ❖ диний маросимларда қатнашиш ва байрамларда иштрок этиш ҳуқуқига эга ва ҳ.

Римга кўчиб келган келгиндилар плеейбейлар деб аталган, улар Римда ерга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар. Ёш патрицийларга ўхшаб улар жамоа далалари захирадаги ерлардан ҳам чек ер ололмаганлар. Плеейбейларнинг кўпчилиги ҳунармандчилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Плеейбейлар эркин, шахсан озод бўлиб қолаверганлар, лекин уларнинг мулкӣ ва шахсий ҳуқуқлари чеклангандир.

Плейбейлар фуқаролик ҳуқуқидан фойдаланмаган, жамоа аъзолари билан никоҳга кира олмаган, жамоа ишларини бошқаришда иштрок этиш имкониятидан маҳрум бўлганлар. Мухим ҳукумат органларидан бири халқ йиғини – куриялар комиссияси бўлиб, у ўнта уруғ бирлашмаси куриялар бўйича тўпланган.

Сервий Тулий ислохатлари Римнинг ижтимоий тузуми асосига мулкӣ ва ҳудудий тамойилларини қўйган. Римнинг барча эркин аҳолиси Рим уруғ аъзолари ҳам, плейбейлар ҳам мулкӣ разрядга бўлинган.

Ислохатларнинг 2-қисми эркин аҳолини ҳудудий белгиларга қараб бўлиш ибтидоий жамоа асосида қон – қариндошлик алоқаларини заифлаштириш жараёни кучайтирилган. Сервий Туллий эски трибаларга бўлиниш ташқи кўринишдан сақланиб қолинган бўлса-да, уларнинг қабиалари иттифоқидан ҳудудий

бўлакларга айлантирилган. Уларда қабилаларнинг эскича номи трибалар сақланиб қолган эди.

Бу ислохатлар жараёнига якун ясалди, лекин уни охирига етказилмади. Бу жараён уруғдошчилик тузумидан мерос бўлиб қолган ҳокимият органларининг бир шаклдан бошқасига айлана бориши, шунингдек, янги органларнинг ташкил этилиши йўли билан ривожланган. Эркин кишиларнинг ҳукмрон синфларда бирлашуви янада давом этди.

Бу патрицийлар ва плеейбейлар ўртасидаги мавжуд фарқларни батамом тугатилишини талаб қиларди. Сервий Тулий ислохатлари плеейбейларнинг халқ мажлисларида иштрок этишларига йўл қўйди, лекин уларга нисбатан сиёсий ва ижтимоий тақиқларни тўла тугатмади. Рим тарихида кейинги асрлар плеейбейлар ва патрицийлар ўртасидаги тенглашуви оқибатида келиб чиққан урушлар билан таснифланади.

Рим даврида асосий ҳуқуқий манбалар қаторига кирувчи XII жадвал қонунлари қабул қилиш жараёнида плеейбейлар томонидан янги сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритганлар. Милоддан аввалги V - IV асрларда Плеейбейлар ва патрицийлар ўртасида норозилик кескинлашиб кетган. Сиёсий ҳуқуқий томондан патрицийлар билан тенг бўлишлари лозим эди.

Плейбейлар ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан патрицийлар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиш учун узоққа чўзилган кураш олиб бордилар. Рим ҳуқуқи энг Қадимги даврда XII жадвал қонунлари вужудга келади. Классик даврда – претор ҳуқуқи, яъни халқлар ҳуқуқи вужудга келади, Постклассик ва янги классик даври Рим ҳуқуқининг тўпламлари тузилади ва кодификация қилинади.

Рим ҳуқуқи инсоният ҳуқуқи тарихида ноёб ўрин эгаллайди. У антик жамиятда ва умуман бутун Қадимги дунёда ҳуқуқ ривожланишининг энг юқори даражасини акс эттиради. Рим ҳуқуқининг Қадимги манбаларидан бири ҳуқуқий одатлар бўлган. Тарихий манбаларда яна Рим подшоларнинг қонунлари кўрсатиб ўтилган. Биринчи ёзма қонунлари XII жадвал қонунлари ҳисобланади.

У ўн иккита мис лавҳга ёзиб қўйилиб, Рим сиёсий ҳаётининг маркази – форумга ҳамма кўриши учун осиб қўйилган. Бу қонуннинг асл нусхаси сақланиб қолинмаган. XII жадвал қонунлари бир қатор камчиликларга эга бўлса ҳам, Рим архаик даврининг туб эҳтиёжларини аниқ акс эттирган. Сенат қарорлари ҳамда магистрларнинг қарорлари ҳам қонуний кучга эга бўлган.

Классик даврида преторларнинг эдиктлари ҳам ҳуқуқ манбалари бўлиб ҳисобланган. "Претор ҳуқуқи", "Халқлар ҳуқуқи" мутлақо мустақил ҳуқуқий тизим сифатида вужудга келган.

Бу ҳуқуқ манбалари мураккаблиги билан ажралиб турган. Императорлик ҳокимият ҳужжатлари (конституция) қуйидаги асосий кўринишларда берилган:

Эдиктлар – “империум” ҳокимиятига асосланган, император ҳаётлиги чоғида, юридик жиҳатдан мажбурий кучга эга бўлган умумий қоидалар.

Рескриптлар – императорнинг ҳуқуқий масалалари бўйича маслаҳат сўраган ҳолда шахсларга ёки магистратларга берган жавоблар ва маслаҳатлари.

Декретлар – император томонидан суд ишларида чиқарилган қарорлар. Уларнинг асосида мустақил императорлик юриспруденцияси ташкил топган.

Мандатлар – провинцияларнинг ҳокимларга йўллаган йўл - йўриқлари, қўлланмалари. Уларнинг ичида катор ҳолларда прегинларга нисбатан қўлланиладиган фуқаролик ва жинойт ҳуқуқи меъёрлари ҳам мавжуд бўлган. Постклассик даврида ҳуқуқий манба сифатида 426 йилги қонунларга биноан, фақат **бешта юрист**: Папиниан, Павел, Ульпиан, Гай ва Модестиннинг асарлари юридик кучга эга эканлиги тан олинган.

ЎРТА АСРЛАР ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

Сўзимиз бошида шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, Ғарб ва Шарқ мамлакатларида феодал ер мулкчиликини кулдорлик давридаги мулкчиликдан фарқлайдиган ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Агар Ғарб мамлакатларини олсак ернинг олий эгаси монарх (қирол ёки император) ҳисобланган, бошқа феодал хизматлари эвазига ёки маълум шартлар ҳисобига ерлар олганлар. Ер берган феодал сюзерн, олгани эса вассал деб аталган.

Шундай қилиб Ғарбий Европа мамлакатларида ерга эгалик қилишнинг ўзига хос хусусиятлари унинг иерархик (поғонама-поғона) характерда бўлиб, бу ҳодиса махсус шартномаларда ифодаланган сюзеренитет – вассалитет муносабатларини юзага келтирган. Шарқ мамлакатларида аксинча ерга эгалик бундай бўлмай, ер давлат мулки бўлиб ҳисобланарди. Йирик ер эгалари давлатга бўйсунардилар, деҳқонлар ва ҳунармандлар бевосита давлатга рента – солиқ мажбуриятини тўлардилар.

Ерга нисбатан давлат мулкчилигини мавжудлиги ўрта аср Шарқда давлатнинг нисбатан марказлашишида алоҳида ўрин тутган, лекин XVI-XVIII асрларга келиб капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган.

Жамият тараққиётида феодал муносабатлар ўрин олгач унинг сиёсий устқурмасида ҳам характерли ифодаляйдиган ўзгаришлар рўй берди. Феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг тараққий этиши билан давлатчилик ҳам ривожлана борган. Европада айниқса бу жараён асосан қуйидаги тўрт давр яъни, Илк феодал монархияси, Сенорлик монархияси (феодал тарқоқлик), Табақа-вакиллик монархияси ва мутлақ монархия босқичларида ўтди.

Аммо бу босқичларни ҳамма европа мамлакатлари ҳам бир вақтда ва тўлиқ босиб ўтмади. Ҳар бир мамлакат миллий тарихининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ана шундан келиб чиқади. Шуни кўрсатиб ўтиш жоизки, Шарқ мамлакатлари ўз тараққиётида бундай даврларни тўлиқ босиб ўтмади. Кўпчилик олимлар фикрича Шарқ феодал давлатлари ташкил топган вақтдан бошлабоқ мутлоқ монархия шаклида бўлиб, бу давр узоқ давом этди.

Феодал жамиятда ва унинг сиёсий ташкилотларда черков мафкураси катта рол ўйнаб, диндорлар имтиёзли табақа ҳисобланганлар. Шарқий ва Ғарбий Европада христианлик, Осиёнинг бир қанча давлатларида ислом, Хитой – Европада конфуцийлик ва буддизм ҳукмрон диний мафкура ҳисобланган. Христианлик Европада ягона дин бўлиб, у кишиларнинг бутун ҳаётини ўзига

бўйсундирган, кишилар туғилганидан то вафот этгунларига қадар черков назорати остида бўлганлар.

Христианлик гарчи камбағал ва қулларнинг дини сифатида вужудга келган бўлса ҳам, кейинчалик биринчи собори йиғилиш чақиради. 1054 йилда Рим ва Константинопол черковлари ўртасидаги асрий низолар тугаб, христианликда узил-кесил иккита мазҳаб – православия ва каталезм қарор топади. 1232 йилда Рим папаси дахрийларга оид ишларни барчасини доминикан – монархлар жамоаси ҳал этиши тўғрисида фармойиш чиқаради.

1252 йилда эндигина шаклланаётган инквизиция черков судига тергов қилишга, қийнаш усули билан қўллашга рухсат этилди. Ана шу тариқа ўрта аср черков инквизиция суди ташкил топди ва у дахрийлик, фолбинлик, диндан қайтиш, яқин қариндошларнинг никоҳга киришлари, кишиларнинг ёлғон гувоҳлик, тухмат, хужжатларни қалбакилаштириш, ўғирлик ва бошқа муносабатлардан келиб чиқадиган барча ишларни ўз судловига олганлар.

Инквизиция суди айниқса ўрта аср Испаниясида кўплаб одамларни ёкиб юборишга ҳукм этишга жазм этди. 1481 йилда “илоҳий трибунал” тузилди. Бош Чорквемада фаолият кўрсатган 15 йил ичида 8220 киши дахрийликда айбланиб, ёкиб юборилди, 89326 киши бошқа жазоларга ҳукм қилинди. Волтернинг маълумотларига қараганда Ғарбий Европада 100 мингдан ортиқ киши фолбинлик, худосизликда айбланиб ёкиб юборилган.

Буларнинг ичида Франциянинг миллий қаҳрамони Жанна Д’Арк, уйғониш даврининг буюк олими Жордано Бруно, чех гуманисти Ян Гус ва бошқалар бор эди. Ғарбий Европа шаҳарлари X-XI асрларда савдо ва хунармандчилик марказларига айланган. Шаҳарлар дастлаб диний ва дунёвий феодаллар ерларида ташкил топганлиги учун уларга қарам эди. Шаҳарларнинг энг муҳим ютуғи шу эдики уларда барча фуқаролар эркинлигининг тан олиними эди.

Европада XVI асрга келиб феодализмнинг инқироzi белгилари намоён бўла бошлайди. Ғарбий Европа мамлакатлари давлатларининг ривожланиши билан бирга уларнинг ҳуқуқий тизимлари ҳам ривожланиб борди. Феодал тарқоқлик даврида бу жараённинг муҳим белгиси ҳуқуқ “партикуляриزمi”, яъни бутун мамлакат учун ягона ҳуқуқнинг йўқлиги эди. Ҳуқуқ “партикуляризмi”ни бартараф этилиши айниқса табақа-вакиллик монархияси давридан бошлаб жонланади.

Бу даврда Англияда феодал ҳуқуқи алоҳида, мустақил ҳолда ривожланиб борди. Бунинг натижасида, Ғарбий Европада ҳуқуқнинг икки шакли, инглиз – саксон ҳуқуқи ва қитъа ҳуқуқига ажралиши белгилари намоён бўла бошлади. Шарқда эса ўрта асрлардаги йирик мамлакатларнинг феодал давлати ва тарихи бутунлай бошқача эди. Бу ерда асосан кучли буюрократик давлат аппарати асосланган деспотик бошқарув шакли сақланиб қолди.

Монарх ҳокимиятини амалга оширишдаги баъзи миллий фарқлар асосан унинг мазмуни ва моҳиятини ўзгартирмасди. Бу ерда давлат бошлиғи умуман ҳар доим мамлакатдаги бутун ерларнинг олий эгаси сифатидамайдонга чиқди. Унинг бу ҳуқуқи авлоддан – авлодга мерос тариқасида ўтиб борарди. Булардан ташқари шарқда ер эгалиги муносабатларида жамоа ер эгалигининг узуюқ вақт сақланиб

қолганлиги ва турғун ҳарактерга эга бўлганлигини кузатиш мумкин.

Эксплуатациянинг асосий шакллари, биринчи навбатда полизчи – деҳқонларнинг ҳукмрон синф фойдасига рента солиғи олиши даражаси сақланиб қолди. Шаҳарларда ишлаб чиқариш ва савдо ривожланди. Ўша давр учун такомиллашган буюмлар, йирик архитектура иншоотлари ва бошқа санъат асарлари юзага келди ҳамда кўп кашфиётлар қилинди. Қишлоқ жамоалари асосан натурал, турғун хўжалик юритиб фақат ички бозорни ривожлантириган, товар ишлаб чиқаришнинг ўсишига мослашмаган ва оқибатда янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланишига тўсқинлик қилган. Бу албатта мутлоқ турғунликни англатмади ва жамият ҳам аста – секин ривожланишда давом этди.

Хулоса қилиб айтганда феодализм инсоният тараққиётида фақат ижобий воқеалардан ташкил топмади ва ҳеч қандай жамиятдаги каби фуқароларнинг аҳволи ҳам феодализмдаги каби оғир ва таҳқирли бўлмаган. Инсоният тарихидаги мавжуд қонунлар ва тартиблар феодализмдаги каби фақат паст табақалар томонидан бажарилиши талаб қилинганини учратмаймиз. Буларни бартараф қилиш учун улар бир қатор кўзғолонлар қилдилар ва янги даврга қадам қўйдилар.

ФРАНКЛАР ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

(V аср – IX асрнинг I ярми)

- 1. Франклар давлатининг ташкил топиши.**
- 2. Франклар давлатининг ижтимоий тузуми.**
- 3. Франклар давлатининг давлат тузуми.**
- 4. Франклар давлатида ҳуқуқнинг асосий белгилари.**

1. Франклар давлатининг ташкил топиши.

Франк давлати.

IV-V асрларда Европада аҳолининг жойдан жойга кўчиш нихоятда кучайиб кетди. Кўпчилик варвар қабилалари: гуннлар, германлар, славянлар, араблар, сарматлар ҳаракатга келдилар. Бу жараёнда қабилалар иттифоқи вужудга келди. Баъзи элатлар бутунлай йўқолиб кетдилар. Герман қабилалари таркибида Римнинг собиқ иттифокдош (федерат)лари франклар мавжуд эдилар.

Ғарбий Рим империясининг инқирозидан сўнг франклар қирол Хлодвиг бошчилигида VI асрнинг бошларида собиқ Рим империяси Гадлия вилоятининг бутун худудини эгаллаб олдилар. XIII асрнинг охирига келиб улар герман қабилалари аллеманлар, тюринглар, саклар, баварлар ва лангбардларни бўйсундирдилар.

Ижтимоий тузум.

VI аср одат ҳуқуқининг ёдгорлиги бўлган Сали ҳақиқатига мувофиқ бу вақт ҳарбий демократиядан давлатга ўтиш даври бўлган. Эркин франклар қўшни жамоа-вилоятларида яшаб деҳқончилик билан шуғилланганлар. Айнан шулар ижтимоий ташкилотлар асосини ташкил этганлар. Ўта муҳим масалалар жамоанинг тўла ҳуқуқли аъзолари томонидан уларнинг умумий мажлисларида

хал этилган. Фақат умумий мажлисгига қишлоқнинг янги келган аҳолисини жамоа аъзолари розилиги билан ўз таркибига қабул қила олган.

Экин ерлари марка жамоа мулкчилиги ихтиёрида бўлган. Франк вафотидан сўнг унинг чек ерлари жамоа қўлида қолган. Яъни Франк вафотидан сўнг у унинг меросхўрларига эмас, балки жамоа ихтиёрига ўтган. Ўтлоқ, яйлов ва қўриқлар ҳам жамоа фойдаланиш ихтиёрида бўлган. Жамоа ўз худудида содир бўлган қотилликка ҳам жавобгар бўлган. Қариндошлар ўз яқинларининг ҳуқуқбузарликлари учун жарима тўлашга мажбур бўлганлар. Франклар ҳар йили “март далалари” номини олган йиғинларга сафарбар этилиб турганлар. Қирол эса кўнгиллиларни қўриқдан ўтказган.

Ўша пайтларда Франкнинг хусусий мулки одатда яшаб турган уйи, атрофдаги ерлар ва унинг мол (хайвон)ларидан иборат бўлган. Ўзига тўқ бадавлат оилалар қуллар ва яримозод литларга эга бўлганлар, улар эса хизматкорлик, хунармандчилик билан шуғулланганлар. Сали ҳақиқатида улардан темирчи, отбоқар, чўчкабоқар, узумчилар эслаб ўтилган. Агар озод қиз ўз хохиши билан қулга турмушга чиқса, у ўз эркинлигини йўқотади.

Шуни ҳам назарда тутмоқ лозимки, Сали ҳақиқатининг жамоага тегишли моддаларида ўтиш одатлари ҳақида сўз юритилган. VI асрларда франклар уруғчилик муносабатларидан узоқлашиб табақавий жамиятга ажратилиш арафасида турганлар. Буларнинг ҳаммаси мазкур ҳуқуқ ёдгорлиги моддаларида ўз аксини топган.

Марка – жамоасида бўлиш мажбурият ҳисобланмаган, унинг ҳар қандай аъзоси хохлаган пайтида уруғчиликдан воз кечиши мумкин бўлган. Бунинг учун судлар мажлисида инкор қилган шахснинг боши устида тирсак тенглигидаги учта чўп синдирилган ва тўрт томонга отилган ва “сен ўз қариндошларини мероси ҳамда ёрдамидан воз кечаяпсан” дейишнинг ўзи жамоа аъзосининг бадарға этилиши учун кифоя бўлган.

Сали ҳақиқатида хусусий мулк эгаларига аллод – яъни, ер майдонларининг мансублиги ҳақидаги қоидалар ўрин олган. Аллодлар йилдан – йилга кўпая бордилар. Ўз ўрнига марка – жамоаси тобора емирила борди, уларнинг ерлари эса бойиб кетган жамоатчилар қўлига ўтди. Хусусий ер эгалиги нихоятда ўсиб кетди бу эса жамоанинг ўзининг мавжуд бўлиб қолишига таҳдид солди. Катта ер эгалигининг вужудга келиши ушбу жараённинг натижаси эди. Шуни қайд этиш лозимки, аёллар аллод яъни, хусусий ер эгалиги ворислик ҳуқуқидан махрум эдилар. Кейинроқ бу норма Францияда қонуний одат тусига кирган ва қирол тахтини эгаллаш ҳуқуқидан аёллар махрум этилган.

Кўриниб турибдики, Сали ҳақиқати уруғчилик тузумининг кўпгина иллатларини сақлаб қолган. Бу илк феодал давлатининг ҳуқуқ ёдгорлиги ҳисобланади ва айтилиши мумкинки, ўзида жамоачиликнинг таназзул топишидан далолат беради. Эркин франклар энди задагонлар исканжасига тушиб қолдилар. Бунинг ўзи ҳарбий қўшинлар кучини заифлаштирувга олиб келади.

Пуатьеда 732 йил араблар билан бўлиб ўтган жангда кўп қийинчиликлар билан ғалаба қозонилганидан сўнг франк қўшинларининг кучсизлиги, яхши жихозланмаган отлиқ лашкар сонининг камлиги яққол кўриниб қолди. Жамоачи

франк нихоятда катта маблағ талаб қилувчи отлик аскарларни сақлашга қурби етмасди. Жамоачиларнинг қашшоқлашуви ва мутеъликка тушиши муҳим ер ислохотларининг ўтказилишига сабаб бўлди.

Карл Мартелл ислохотиға мувофиқ қиролнинг отлик муфризалари – бўлажак рицарларға қилган хизматларига қараб ер тақсимлаб берила бошлади. Бутун умрга берилиши шарти билан тақсимланадиган бундай чек ерлари БЕНЕФИЦИЯ деб атала бошлади. БЕНЕФИЦАРИЯ ерларида муқим бўлган дехқонлар махсулот ёки пул шаклида тўлов тўлаш, ер эгаларига текин ишлаб бериш мажбуриятларига махкум этилганлар. Рицарлар қўл остида бўлган дехқонлар хисобига яшаганлар. қиролдан ўрнатилган йирик ер эгалари ҳам бундай таомилни амалга оширдилар.

Бенефициялар тақсимлаш учун қирол задагонларнинг бўйсунмаган қисми ерларини мусодара қиларди. Бенефиция соҳиби қиролнинг вассали (қарам) хисобланиб қирол қўшинида хизмат қилишдан бош торган тақдирда ўз мулкидан махрум бўлган. Вассалнинг хизматга етиб келмаслиги учун катта миқдорда жарима солинарди. Бенефицияни бошқа бировга мерос берилиши ман этилиб, умрбод фойдаланиш шарти билан берилган. Айнан ўша пайтда ер эгаларига маҳаллий аҳолидан солиқ ундириш, улар устидана суд ишлари олиб бориш, қўшин тўплаш имунитети ерликлари берилган. Мажбуриятлар қирол фойдасига эмас, балки, магнатлар манфаати учун амалга оширилган.

Бенефициянинг киритилишлари дастлаб кучли қирол отлик лашкарларини ташкил қилиш, шунинг билан бирга монарх вазиятини мустаҳкамлаш мақсадини кўзда тутган. Лекин, охир оқибатда бенефиция ирсий ер эгалиги – феодалга айланиб қолди. Ерга эгалик қилишнинг ирсий муносабатлари институти ерларнинг маҳаллий задагонлар қўлида тўпланишига кўмак берди. Буларнинг ҳаммаси қирол ҳокимиятининг заифлашувиға олиб келди.

Карл мартелл ислохоти эркин франкларнинг қашшоқлашуви ва мутеъ бўлиши учун асосий омил хисобланди. шундан сўнг жамиятнинг феодаллашуви янада кескинроқ тус олди, янги феодал – тобе аҳоли гуруҳлари вужудга келди.

Прекария институти кенг тармоқ ейди, бунда дехқон ўз ерига шартли равишда эгалик қилишга мажбур деб хисобланган. У дунёвий ёки рухоний ер эгалари мулки бўлган ерларда маълум шартлар асосида ишлаганлар, у ўз сеньорига махсулот ёки пул шаклида ва ё унинг ерида текинга ишлаб бериш мажбуриятини олган. Вассалитет-сюзеринетет тизимининг қойим қилиниши уруғчилик тузумининг узил кесил емирилишидан далолат беради.

IX асрга келиб эркин франклар қарийб йўқолиб кетдилар. Энди жамият уч гуруҳдан иборат бўлиб қолди: йирик ер эгалари, уларнинг вассаллари, феодал – тобе дехқонлар.

Эркин жамоачиларнинг қашшоқлашуви қирол ҳокимиятининг заифлашувиға олиб келди.

Давлат тузumi.

Меровинглар сулоласи даврида қирол франклар лашкарининг йўлбошчиси эди, у олий харбий ҳокимият эгаси бўлган. Унинг ҳокимиятининг моддий таянчи қисман харбий ўлжалар ва олдин рим задагонларига тегишли бўлган ерлар

асосида қурилганди. Лекин қирол ўта муҳим масалаларни ўзининг лашкари розилигисиз ҳал қила олмасди. М: франкларнинг вестготларга қарши уришининг бошланиши Хлодвигнинг қўшин розилигини олганидан сўнггина бошланган.

Вақти келиб қирол ҳокимияти кучайди. қирол ҳузурида Кенгаш мавжуд бўлиб унинг таркибига олий дунёвий мансабдорлар ва епископлар кирган. Баҳор ва куз пайтларида қирол задагонлар мажлисини чақириб унда ўта муҳим масалаларни ҳал қиларди. Кузги мажлисга кичик доирадаги шахслар таклиф қилинарди. Бошқарув ишларида графлар қиролнинг ёрдамчилари бўлишган. Бир неча ўлкаларга герцоглар бошчилик қилганлар. Улар ҳокимиятни ворислик шаклида сақлаб қолишга интиланлар. Бу даврда ҳокимият кучли марказга бирлаштирилмаган бўлиб, ҳар бир идоранинг аниқ вазифалари белгилаб қўйилмаган. Давлатни бошқариш сарой– отамерос мулкчилик асосида қурилган. Жойларда жамоа ва округлар аҳолисининг мажлислари чақирилиб турар ва уларда ўта муҳим суд ишлари қўриб чиқилар (муҳокама қилинар) ди.

Айни пайтда, бошқарув фаолиятида ҳали уруғчилик тузуми давлатчилиги ва унсурлари асоратлари сақланиб қолганди. Меровинглар сулоласининг нихоясига келиб ҳарбий демократия органларининг жараёни бошқарув аппарати тизимига кўчди ва у феодаллар манфаатини ҳимоя қила бошлади.

Хлодвигнинг ўғиллари Франк давлатини ўзаро тақсимлаб олдилар. Узоқ давом этган ўзаро урушлар натижасида VII асрнинг охирига келиб у тўрт қисмга бўлиниб кетди. Австралияда шарқий герман халқлари яшаганлар. Нейстрия, Бургундия ва Аквитания кейинчалик француз қироллиги таркибига кирди.

Меровингларнинг сўнгги қироллари “дангасалар” лақабига мубтало бўлдилар. қирол саройининг бошқаруви аста – секин бошқарувчи майордом (палата мери) қўлида мужассамлашди. қиролларнинг лоқайдлиги ва заифлигидан фойдаланиб майордомлар секин-аста ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар, қиролларни ўзларининг қўғирчоқларига айлантириб уларни алмаштира бошладилар. Вақти соати етиб палата мэри лавозими ҳам ворисликка айлантирилди.

VIII аср ўрталарида майордомлар Меровинглар сулоласидан бўлган қиролларни бутунлай ҳокимиятдан четлатдилар. 751 йил майордом Пипин Калта Суассонда бўлиб этган задагонлар мажлисида франклар қироли этиб сайланди ва у Короллинглар сулоласига асос солди. Унинг ўғли Буюк Карл чексиз ҳудудларни эгаллаб олди. 800 йил у Муқаддас Рим империясининг императори унвонини олди ва нафақат дунёвий балки черков фаолиятига ҳам даъвогар бўла бошлади. Шу асосда франк қироллари ўзларини Рим императорининг валиахдлари этиб тасдиқладилар.

Бошқарув отамерос – сарой тизимига асосланди. Император мулозимлари бир вақтнинг ўзида қирол ҳокимиятининг намояндалари ҳисоланганлар ва аксарият ҳолларда ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб иш тутардилар. Мана шу сабабли суистеъмолчилик авж олиб кетганди. Олим монах ва буюк Карлнинг саҳобаси (суҳбатдоши) Алкуин қирол бошқарувчиларини талончилар деб атаганди. Қиролнинг марказий ҳокимиятни марказлаштириш ҳаракатлари кучайиб кетган маҳаллий феодаллар томонидан қаршиликка учради.

“Май далалари” нинг вужудга келтирилиши бевосита Буюк Карл номи билан боғлиқдир. Бу дунёвий ва руҳоний задагонлар мажлиси бўлиб, унда император кенгаши томонидан тайёрланган ўта муҳим тадбирлар муҳокама қилинади. Лашкар қўмандонлари, рафлар ўлка (окруD) лар бошлиғи этиб, герцоглар эса ундан каттароқ бўлган вилоятларга ҳоким этиб тайинланардилар. Олдин бу лавозим ворислик ҳолатига асосланиб эгаланган. Епископ ва архиепископ мансабларига қирол кўрсатмаси билан тайинлаганлар. Айрим жиноятлар бўйича руҳонийлар дунёвий қонунларга асосан жавобгарликка тортилганлар.

Бироқ император жуда заиф эди. У турли халқлардан ташкил топган мувофақат бирлашма эди ҳалос. Мустаҳкам иқтисодий алоқаларнинг йўқлиги туфайли империя герцогликга бўлиниб кетган эди. Буюк Карлнинг ҳаётлиги даврида босиб олинган ерлар унинг ўғиллари томонидан тақсимланиб олинганди. Императорлик тожи тақводор Людовикка ўтди. У ҳудожўй инсон бўлган ва динавий суҳбатларни устун қўйиб библия ўқиш билан машғул бўлган.

Ўша даврлардаёқ ягона император фақат қоғоздагина мавжуд эди. Унинг таназзули феодал ер эгалигининг заминидан келиб чиқади. Император тожи учун давогарлар қашаткич жанглари олиб борганлар. Айнан шу даврда рим папалари черков ҳокимиятининг дунёвий ҳокимиятдан устунлиги давосини асосладилар.

Узоқ давом этган ўзаро урушлар ва иғволардан сўнг Буюк Карлнинг набиралари уч ака – укалар Верденга келдилар ва империянинг уч мустақил ҳудудларга бўлиниши ҳақидаги трактатга имзо чекдилар. Бу воқеа 843 йили содир бўлди. Франк давлатининг Шарқий қисми Людовик Немисга, ғарбий (бўлғуси Франция) – Карл Тақирбошга, шимолий Лотарингиянинг ўрта франк қироллиги ва Шимолий Италия Лотарга тегишди. Бир қанча муддат у расмийлик, номигагина император титулини сақлаб қолди. 843 йилги Верден шартномаси учун европа мустақил: Франция, Германия, Италия давлатларининг вужудга келишига асос солди.

Сали ҳуқуқи бўйича жиноят ва жазо.

Ушбу ҳуқуқ ёдгорлиги уруғчилик урф – одатларининг таназзул топиши ҳақида шаҳодат беради. Унинг моддалари франк жамияти аъзоларининг тенгсизлик ҳолати ҳақида маълумот беради. Уларда қирол, унинг яқинлари, черков задагонлари ҳаётига, соғлиғига ва шаънига тажаввуз қилганлик учун катта жавобгарликлар юкланганлиги ўз ифодасини топган.

Илмий жихатдан олиб қараганда Сали ҳуқуқи кодекс ҳам, қоидалар тўплами ҳам эмас. Унда одат ҳуқуқининг нормалари қайд этилган ҳолос. Унда асосан турли жиноятлар: жарима миқдори ҳақида, талончилик, ўғирлик, тўсиқларни синдириш, тан жароҳати етказиш, ҳақоратлаш ва хоказоларни содир қилганлик учун ҳолатлар белгиланган. Муштлашиш пайтида рақибининг бурнини тишлаб олиш, кўзини ўйиб олиш, қулоғини юлиб олиш ва шу каби хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликлар батафсил баён этилган.

Қотиллик учун белгиланадиган жазо алоҳида аҳамият касб этади. Асосий жазо турларидан бири жарима бўлган (вергельд) ва солид (ўша пайтда ёшига етган бука бир солид турган) ҳисобида тўланган. Қулни ўлдирганлик учун 100

солид, эркин франкни ўлдирганлик учун 200 солид, граф ёки амалдорларини, мулозимини, агар у римлик бўлган тақдирда ҳам 300, қирол амалдорини ўлдирганлик учун 600 солид вергелд тайинланади. Харбий юриш пайтида хизмат вазифасини ўтаётган вақтида графни ўлдирганлик учун вергельд миқдори уч баробар кўпайтирилган.

Сали ҳуқуқида ўлим жазоси ҳақида моддалар кўзда тутилмайди. Аммо бошқа бир ҳуқуқ ёдгорлиги Саксон ҳақиқати (IX асрнинг бошлари)да франклар қонунларига таянилган ҳолда қиролга қарши фитнада қатнашганлик учун, талончилар, қотиллар ва ҳатто 3 солид миқдоридан ошган мол – мулкни ўғирлашга нисбатан ҳам ўлим жазоси белгиланган. Аёл кишини ўлдирганлик учун вергельд миқдори эркак кишига қараганда уч баробар 600 солид белгиланган. Унинг ҳаёти шаъну – шарафи қадри кучли муҳофаза қилинган, бу эса маълум даражада матриархат асоратининг мавжудлигидан ёки аёлларнинг ниҳоятда эъзозланишидан шаҳодат беради.

Суд жараёни фақат жабрдийданинг ташабуси билангина бошланиши мумкин бўлган. Унинг ўзи судга далиллар, ҳамқасамёд (биргаликда қасамёд) қилувчиларни олиб келиши шарт бўлган. Булар унинг шарафли номини тасдиқлашлари, яхши номли шахс эканлигига шаҳодат беришлари лозим бўлган. жабрланувчи кўрсатмаларининг ҳаққонийлигини текшириш учун Орделия “тангри муҳокамаси” усули ҳам қўлланиб, бу қизитилган темир ва қайноқ сув воситасида амалга оширилган. Аммо бадавлат шахслар бундай синовдан қутилиш имкониятига эга бўлганлар.

Сали ҳуқуқи-ҳуқуқнинг нодир ёдгорлиги ҳисоблансада, у юқори тараққиёт чўққисига кўтарилган рим ҳуқуқига ҳеч қандай таъсир ўтказа олмаган. Соли ҳуқуқидан ташқари германларда яна бошқа “варвар ҳақиқатлари” (Рипуар, Аллеман, Бавар ва бошқалар) ҳам мавжуд бўлган.

ХУҚУҚ.

Аста-секин уруғчилик одатлари қолдиқлари ўз ахамиятини бутунлай йўқотди. Каноник қоидаларга асосланган черков ҳуқуқининг мавқеи кучайди. Францияда бир неча юз йиллар давомида ягона ҳуқуқ тизими мавжуд бўлмаган. Жанубда мулкий жанжаллар рим ҳуқуқи нормалари асосида муҳокама этилган. Бу ерда нормаларнинг тизимга солиш олдинроқ бошланган, шунинг учун ҳам Франциянинг шимоли ёзма ҳуқуқ ватани деб юритилади.

Луарадан шимолда одат ҳуқуқи амалда бўлиб, ер эгалари манфаатини акс эттирган. Мазкур ернинг одатлари КУТЮМлар деб аталган. Машхур легистларнинг кутюмларни кодификация қилишига бўлган интилишлари задагонларнинг қаттиқ қаршилигига учраган. Кутюмларнинг дастлабки тўпламлари фақат XV асрга келиб пайдо бўлган.

Рим ҳуқуқига катта қизиқиш уйғонди. У университетларда ўрганилган. Рим ҳуқуқининг умумий нормаларини ҳисобга олиб мураккаб юридик ходиса (казус)лар ҳал қилинган. Черков эса рим ҳуқуқининг кенг қўлланишига монелик қилган ва КАНОНИК (яъни диний қоидаларнинг ҳуқуқ нормалари ўрнида амал қилиши) ҳуқуқнинг фаолият доирасини кенгайтиришга қаршилиқ қилган. Икки

тизим ўртасидаги кураш черковнинг мағлубияти билан якунланди. қироллар хокимиятининг кучайиши билан рим ҳуқуқи янада кенг тарқалди. Рецепция яъни рим ҳуқуқининг миллий асосларда мустақил равишда қайта ишланиши ва миллий хусусиятларни ҳисобга олиб талқин этилиши амалга оширилди.

Рим ҳуқуқининг рецепция қилиниши унинг бутунлай қайта тикланишини англатмаган. Кўп ҳолларда тўлдирувчи вазифасини бажарган. Ер эғалиги (феод) тузуми шахсий ҳуқуқнинг кўпгина нормаларининг тадбиқ этилишига ўз таъсирини кўрсатди. Фақат йирик магнатларгагина чекланмаган тўла ер эғалиги ҳуқуқи берилган. булардан куйроқ турувчи заминдорлар учун турли мажбуриятлар белгиланган.

Феодал ҳуқуқ фуқаровий ҳуқуқий лаёқатни чеклаб қўйган. Ер фақат дворянларнинг мулки бўлиши мумкин эди. Аммо каноник ҳуқуқ қарздордан фоиз ҳиссаси олишни тақиқлаган, тижорат ва жисмоний меҳнат билан шуғилланишга рухсат бермаган. Ашёвий ҳуқуқнинг асосий институти сифатида сеньориал мулкчиликнинг сақланиб қолиши аҳолининг табақавий бўлиниши. цех (бир турдаги машғулот билан шуғилланувчи хунармандлар ташкилоти) тузуми эркин рақобат тараққиётини сақлаб турарди.

Оила-никоҳ муносабатлари фақат каноник ҳуқуқ орқали тартибга солинган. Черков мулозимлари, барча даражадаги рухонийлар содир этган жиноятлари учун черков суди олдида жавоб берганлар. Бошқа томондан ҳукумрон диний таълимотга қаршилар (ерес), диндан қайтганлар, жодугарлик, сеҳиргарлик, никоҳсиз яшаш, судхўрлик кабилар черков судлари томонидан муҳокама қилинган.

Жиноят тушунчаси суд мунозараларини муҳокама қилиш Франция тарихида ўзгариб борди. Хар бир киши судлар томонидан тенг судланиши лозим бўлган эски қоида илк Капетинглар давридаёқ ўз кучини йўқотган эди. Оддий аҳолини сеньор суд қилган. Аста-секин шаҳарларда бадавлат бюргерларга тобеъ бўлган алоҳида судлар ташкил этилди.

Сеньориал вилоят адлияси тўлов ва жарималар ҳисобига фаолият кўрсатган ва у кўпгина суистеъмолчиликларни келтириб чиқарган. Герцоглар, графлар, баронлар айбдор бўлганларида ҳукмнинг ижро этилиши шахсий урушларгача бориб етган.

XIV аср бошларида илохий суд (ордалия) суд беллашувлари мавжуд бўлган. Дехқонлар таёқлар билан, рицрлар найза ва қилич билан олишганлар. дворян агар суднинг чиқарган қарорига рози бўлмаса, унинг ўзини ҳам беллашувга чақириши мумкин бўлган. Черков қоидаларига биноан ордалия нон ва пишлоқ билан ўтказилган. Агар шахс айбдор бўлса булар унинг томоғига тикилиб қолади деб ҳисобланган.

Аслини олганда суд беллашувлари ўта оғир жиноятлар содир этилганда, одатда қотиллик содир этилгандагина рухсат берилган. Черков мулозимлари, кексалар, аёллар, ногиронлар, болалар суд беллашувига ўзларининг ўринларига вакилларни қўйишлари мумкин бўлган. Оғир жиноят, одатда қотиллик содир этганлар дорга тортилганлар. Агар айбдор аёл киши бўлса уни тириклайин ерга кўмганлар.

Жазо тизимида мавжуд бўлган тўлов ёки жарима илк феодал монархия давридаёқ йўқолиб кетган эди. Марказий ҳокимиятнинг кучайиши билан жиноятга қироллик тинчлигини бузиш сифатида қарала бошлади.

XIII асрда мавжуд бўлган жиноятлар ва жазоларнинг орехристи Ф.Бомануарнинг “Бовези кутюмлари” номли асарида ифода этилган. Бу асарда муаллиф одил судлов, бальеларнинг ахлоқий ва юридик жавобгарликлари ҳақида мулоҳаза юритиш билан бирга оғир жиноятлар содир қилганлик учун жавобгарликлар тўғрисида фикр юритади, улар ичида қотиллик, ўт қўйиш, ўғирлик, қалбаки танга пуллар ишлаб чиқариш, диндан қайтиш, хиёнат, зўрлаш ва сохта гувоҳлар бериш кабилар ўрин олган. Бу жиноятлар учун дор ва ўтда куйдириш жазо турлари белгиланган. қўшимча жазо ўрнида мол-мулкни мусодара этиш жазо тури ҳам қўлланилган. Бомануар жиноят ва жазонинг мутаносиблиги ҳақида биринчилардан бўлиб қизиқарли фикрларни баён этган, у далилларнинг баҳоланишига катта эътибор берган.

Қирол ҳокимиятининг кучайиши билан сеньориал ва черков судларининг ваколат доиралари бирмунча торайди. Қарийб барча жиноят турлари бўйича муҳокама қилиш ҳуқуқини қироллар ўз қўлларига олдилар.

Абсолютизм даврида оғир жиноятларининг биринчи қаторида черковга қарши жиноятлар, кейинги ўринларда эса қиролга ва хусусий шахсларга қарши содир этилган жиноятлар турган. Худосизлик, илоҳ ҳақорат қилиш сеҳргарлик учун одатда ўлим жазоси белгиланган. Ўта оғир жиноят содир қилганларнинг қариндошлари ва хатто хомийлари ҳам таъқиб остига олинган.

Қирол судларининг қарорлари сеньориал суд актларидан устун турган. қирол амалдорлари хоҳлаган ишни ҳар қандай инстанциядан талаб қилиб олиш ва муҳокама қилиши мумкин бўлган.

Людовик XII нинг 1498 йилги ордонанси ва Франциск I нинг 1539 йилги эдикти мунозарали жараёни бутунлай бекор қилди. Унинг ўрнини икки турда: ординар (одатий) ва экстраординар (ғайри оддий) қидирув жараёни эгаллади. Далиллар махфий тарзда тўпланган. Асосий далил сифатида айбланувчининг айбини тан олиши ҳисобланган. Бу эса қийноқ воситасида амалга оширилган. Сўроқ пайтида қийноқ усулидан фойдаланишга рухсат берилган. Махкумнинг ҳамтавоқлари ҳақида далилий маълумотлар олиш мақсадида ҳукм ўқиб эшиттирилгандан сўнг ҳам қийноқ азобига йўлиқтириш кенг тарқалган. қийноқ тури ҳам икки хил: оддий ва ғайриоддий бўлган.

Масалан, сеньор де ла Мерленинг ўлдирилганидан сўнг унинг қотили оддий қийноққа солинган ва кейин эса унинг бўйин умуртқаси ва битта қовурғаси синдирилган, бир қўли узиб олинган. Бу жиянининг тоғасини оддий тарзда ўлдирганлигининг оқибати эди. Қиролга динга қарши содир этилган жиноятлар учун эксроординар (ғайриоддий) қийноқлар қўлланилганки, уни тасвирлашга тил ожизлик қилади.

Суд тизими нихоятда мураккаб ва чалкаш бўлган, уни хатто энг тажрибали юристлар ҳам тўла муҳокама қилишга ожиз бўлганлар. Фақатгина апелляция бўйича 10 дан ортиқ инстанция (босқич) лар мавжуд бўлган. Суд тизимида тўрачилик, порахўрлик ва парокандалик тўла ҳукм сурган.

Қирол судлови айниқса католикларга очиқ-ойдин ёрдам кўрсатган, масалан ўғлини ўлдирганликда сохта айбланган, етти боланинг отаси Жан Калас 1762 йил диний асосда суд ҳукми билан қатл этилган. Худди шунга ўхшаш сохта айблов билан ер ҳисобчиси Сервен суд ҳукми билан нимталанган ва ёқиб юборилган, унинг хотини эса дорга осилган. Қизларни ота-оналарининг қатл этилиши маросимини кўришга мажбур этганлар ёки Ла Барр диний маросимлардан бирида шляпасини ечмаганлиги учун ва католикка зид китоблар ўқигани учун суд унинг “тилини суғуриб олиши, қўлини кесиши ва шундан сўнг паст оловда ёқиб ўлдиришга ҳукм чиқарди.

Ўзгача фикрлашнинг ўзи ҳам жиноят ҳисобланган.

Бу даврда ягона қонунлар тўплаши мавжуд бўлмаган. қирол фармонларидан ташқари ҳар бир вилоятда ўзларининг кутюмлар тўплами мавжуд бўлган қонунлар жуда тез ўзгариб турган.

Қирол ҳокимятининг ўзи поракандалик ва қонунсизликни рағбатлантирган. Мухрланган конвертларда ҳибсга олиш ҳақидаги фармойишлар битилган, “махфий хатлар” кенг тарқалган. қиролнинг мухр босилган ва имзо қўйилган тайёр варақасини қўлга киритган шахс ўзига ёқмаган хоҳлаган одамнинг исми-шарифини ёзиши мумкин бўлган. Ана шундай буйруқ асосида полиция ҳар қандай одамни бутун умрга қамокқа ташлаши ва чиритиб юбориши мумкин бўлган. Ҳеч ким ва ҳеч қачон маҳкумни терговга чақирмаган ҳамда унга айблов ҳужжатлари ҳавола этилмаган.

V аср охирига келиб германлар Ғарбий Рим империяси ҳудудига: Вандаллар Шимолий африкага, Вестготлар (Ғарбий готлар) Испанияга, Остготлар (Шарқий готлар) Италияга, Франклар Галлияга, Инглиз ва сакслар Британияга жойлашдилар. Германлар шу жойларда ўз давлатларини барпо қилдилар. Рим империяси ҳудудида тузилган Варвар қиролликлари ичида энг каттаси ва кучлиси Франклар қироллиги эди.

Франклар бора-бора Бургундларни бўйсундирдилар. Галлиядан Вестготларни суриб чиқардилар. Италияда Лонгобардларни забт этдилар ва Рейннинг нарига томонидаги Герман қабилаларининг деярли ҳаммасини ўзларига итоат эттирдилар.

“Франк” деган ном (бу сўзни “жасур”, “эркин” деб таржима қилишади). III асрнинг ўрталаридагина пайдо бўлиб қандайдир битта қabila эмас, балки Рейннинг ўрта ва қуйи оқимларида яшаган бутун бир гуруҳ герман қабилаларига тааллуқли умумий бир ном эди, бу қабилалар дастлаб Рейн дарёсининг ўнг қирғоғида яшар эдилар. Дастлаб улар Римликларга нисбатан душманлик муносабатида бўлдилар, кейин бу муносабат анча дўстона муносабатга айланиб борди.

843 йилги Верден шартномасига кўра Франклар давлати бўлиниб кетди ва Галлия (Германия), Бавария ва бошқа ерлар империядан ажралиб чиқди. Натижада бе ерлар Германия ва ниҳоят Италия давлатлари таркибига кирди. Франклар давлати шу тарика ўз умрини ўтаб бордилар. Франклар давлати бошқарув шакли бўйича илк феодаал монархияси эди. У ибтидоий жамоа тузумидан кулчиликни четлаб, феодаал жамиятга ўтиш йўли билан вужудга келди.

Шу сабабли Франклар жамияти кўп укладлилиги (қулдорлик, уруғдошлик, жамоатчилик, феодал муносабатларнинг қўшилиб кетганлиги), феодал жамият асосий синфларининг ташкил топиш жараёни ноҳоясига етмай, қолганлиги билан изоҳланади.

2. Франклар давлатининг ижтимоий тузumi

Франклар давлати ўз ривожланиши тарихида иккита асосий босқични босиб ўтадилар: биринчи босқич V охиридан VII асрнинг охиригача бўлган даврни; иккинчи босқич эса, VIII асрдан IX асрнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади. Франкларнинг V аср охири – VI аср бошларидаги ижтимоий тузumi ҳақида ўша даврнинг муҳим ҳуқуқий ёдгорлиги – “Сали ҳақиқати”- “Лекс салиа” (500 йил атрофида ёзилган) анчагина маълумотлар беради.

“Сали ҳақиқати”га асосланиб франкларнинг асосий машғулоти дҳқончилик бўлган, деган хулосага келишимиз мумкин. Дарҳақиқат Франкларда ер ўша вақтда хусусий мулк бўлмаган. Ер жамоа ташкилотининг мулки ҳисобланиб, айрим франк ўз ер участкасидан маълум шартлар асосида фойдалана олишган ҳалос. Ҳосил йиғилиб олингандан кейин далаларда ҳамма биргаликда мол боқарди.

“Сали ҳақиқати”да ўрмон ва яйловдан, сувдан биргаликда фойдаланиш ҳақида гапирилган моддалар мавжуд. Ер уруғдан ташқарига чиқиб кетмаслиги учун ерни аёлларга бериш ёки мерос қилиб қолдириш тақиқланган эди. Фарзандсиз франк вафот этса унинг ери ака-укаларига ва ўзининг уруғдаги бошқа эркак қариндошларига ўтар эди.

Франкларда ижтимоий ва мулкый бўлиниш (табақаланиш) очиқ кўриниб турар эди. Хлодвигнинг ворислари қирол ерларини бенефитций (ҳайр саховатга бериш) тарзида ўз дружиначиларига бўлиб бердилар, булар аста-секин вотчиначи –катта ер эгаларига айланиб борар ва ерларини мерос тариқасида ўз болаларига қолдирар эдилар.

Фойдаланиш учун черковдан “прекарий” (илтимосга берилган ер) олган деҳқонларнинг аҳволи ерга ўрнаштирилган ва хўжайинига бирор хил мажбуриятни адо этиб турадиган колонлар, литлар ва қулларнинг аҳволига ўхшаб кетарди. Давлат ҳокимияти йирик ер эгалари қўлига ўтиб борган. Йирик ер эгалари дастлаб қирол ҳисобига солиқ йиғиб, унинг номидан суд қилган бўлсалар, кейинчалик ўзлари номидан суд қилиб ўз фойдаларига солиқ йиғи бошлаганлар.

Заифлашиб қолган қирол ҳокимиятни мустаҳкамлаш, унинг ҳарбий ва молиявий қудратини кучайтириш мақсадида майордам Карл Мартелл ер (Аграр) ислохатларини ўтқаўган. Бу ислохатлар унинг ўғли Пипин Пакана ва невараси Буюк Карл томонидан ноҳоясига етказилган. Буюк Карл ва унинг ворислари замонида феодаллашув жараёнининг жуда тезлашиб кетаётганлиги империянинг парчаланиб кетишида жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

3. Франклар давлатининг давлат тузumi

Франкларда давлат аппаритининг ташкил топиши ва ривожланиши жараёнида учта асосий йўналишни ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Биринчи

йўналиш, айниқса, бошланғич босқичга (V-VII асрларга) хос бўлиб, бу вақтда франклардаги қабилавий демократия органларининг янги давлат органларига айланиб содир этилди. Иккинчи босқич, иккинчи йўналиш вотчина бошқарув органларини ривожланиши билан белгиланади. Учинчи йўналиш, франк монархлари давлат ҳокимиятининг аста-секин сенорлик ҳукмдорларини “хусусий” ҳокимиятига айланиши билан боғлиқ.

Сўнгги йўналиш VIII-IX асрларга тўғри келиб, франклар жамиятининг охириги босқичи – сенорлик монархиясининг шаклланиши даври ҳисобланади. Қирол давлатидаги барча асосий мансабдор шахсларни шахсан ўзи тайинлаган ва ўз хизматчиларига давлат бошқарувининг алоҳида сохаларини бериб қўйган. Қирол ҳокимиятининг бевосита таянчи қиролнинг ҳарбий дружинаси ҳисобланган. Дружина саройда яшаб, хазина ҳисобидан ушлаб турилган.

VII аср охири VIII аср бошларида франклар давлати бутунлай парчаланиб кетди. Қирол ҳокимияти энг кучайган ва монархиянинг энг гуллаб яшнаган даври, айнан Буюк Карл ҳукмронлиги даврига (VIII асрнинг II ярми IX асрнинг бошлари) тўғри келади. Бу вақтда катта истилочилик юришлари натижасида Франклар давлати таркибига ҳозирги Ғарбий Германия, Шимолий Италия, Шимолий Испания ҳудудлари, шунингдек, кўпгина бошқа ерлар қўшиб олинди.

Марказий бошқарувнинг ташкил этилишида қироллар одатда, ўзларининг поместеларида – виллаларида яшаган, виллалар кўпинча ўрмонларнинг ўртасида жойлашган. Қирол саройи – палатций мамлакат сиёсий ҳаётининг маркази ҳисобланган. Қирол атрофини унинг соқчилари- антрустионлар ўраб турган. Улар қиролнинг яқин кишилари бўлиб, уларга алоҳида муҳим топшириқлар юкланган. Антрустионни ўлдирганлик учун уч баровар кўп миқдорда вергелд (қон баҳоси) тўланган.

Қирол ўз яқинларидан иборат сарой амалдорлари ва руҳонийлар билан маслаҳатлашиб иш юритган. Улар билан кенгашлар ўтказиб турган. Бу **қироллик кенгаши** гарчи доимий орган бўлмаса-да, маълум муддатларда чақирилиб турмасада, ёки ўзининг аниқ таркибига эга бўлмаса ҳам, мамлакат сиёсий ҳаётида жуда катта ўрин тутарди. Қирол ўз қонунларини ана шу кенгаш билан бирга қабул қилар эди. Бу қонунлар ҳар йили март ойида ва қўшинлар кўриги вақтида майдонда эълон қилинар эди.

Бундан ташқари император томонидан ҳар йили кузда **Феодалларнинг сеъездлари** ҳам чақирилар эди. Унда энг муҳим капитулярияларнинг ҳаммаси муҳокама қилинар эди. Қироллик ҳузурида давлатни бошқарувчи маъмурий аппарат бўлиб, уларда министрлар ишлаган. Бир давлат органи айни вақтда ҳам маъмурий, ҳам суд, ҳам хўжалик ҳам ҳарбий ишларни бир неча киши иштирокида олиб борарди. Давлатда қиролдан кейин биринчи мансабдор шахс юқорида айтиб ўтганимиздек, майордам ёки бошқача сўз билан айтадиган бўлсак, сарой мери эди. Мазкур мансабдор шахс аввал қирол томонидан тайинланарди, кейинчалик эса ер магнатлари томонидан сайлаб қўйиладиган бўлди.

Майордамнинг қудрати тоборо ошиб бориб, аста-секин марказий ва маҳаллий ҳокимят вакиллари тайинлашда майордам қиролни сиқиб чиқара бошлади. Майордам саройга тегишли барча ишлар бўйича фармойишлар беради.

Сарой амалдорлари устидан эса, суд ҳокимиятини амалга оширар эди. Қирол йўқлиги вақтида қирол судига раислик қиларди. Армияга қўмондонлик қилиш ҳам унинг зиммасида эди. Қирол ёш бўлса, майордам унинг ҳаёти ва тарбияси билан шуғулланиб, ҳақиқатда давлат бошлиғи мавқеига эга эди.

Юқоридагилардан ташқари франкларда қуйидаги мансаб лавозимлари ҳам мавжуд бўлган, булар: **Сенешал**-қиролнинг шахсий ишларини юритувчи ва айна вақтда бутун сарой хизматчиларини бошқарувчи мансабдор шахс; **Маршал**-отлик аскарлар бошлиғи ҳисобланган; **Камерарий**- бу қирол хазинасининг бошлиғи бўлган; **Сарой графи**- қиролнинг ҳуқуқий масалалари бўйича маслаҳатчиси (у асосан суд ишларини бажарган, қирол суди томонидан ҳукумларнинг чиқарилишида иштирок этган, суд муҳокамаларига раҳбарлик қилган, ҳукумларнинг ижросини назорат қилган); **Референдарий (Архиканслер)** – император девонхонасининг бошлиғи (қирол ҳужжатлари яъни эдиктлар, дипломлар, капитулярий ва бошқаларни таҳрир қилган, уларни расмийлаштириб муҳр қўйган, архивда сақлаган, унга котиблар ва девонхона бўйсунган) ва бошқалардан иборат эди.

Королинглар сулоласи даврига келиб, майордам мансаби тугатилади. Бунинг натижасида сайрой графининг ўрни ва роли ошади, бу даврда диний ишлар билан шуғулланувчи **архекапелланна** деган мансаб ташкил топади. У фармонлар тайёрлаш, уларни сақлаш ишлари билан шуғулланган ва унинг энг биринчи ёрдамчиси канслер ҳисобланган. Кейинчалик унга девонхона ҳам бўйсундирилган. Буюк Карл замонида марказий ва маҳаллий ҳокимиятини идора қилиш аппарати анча бюрократлашган эди.

Буюк Карл империясида Меровинглар ва дастлабки Каролинглар давридаги бирмунча ибтидоий давлат ҳокимияти ўрнига амалдорларнинг доимий чиновниклик аппарати ташкил топади. Давлат аппарати ва қироллик девонхоналарида давлат тили – латин тили, яъни римликлар тили эди. Юқоридагиларга қарамай, Буюк Карл империяси марказлашган давлат эмас эди.

Франклар давлати маҳаллий бошқарувни ташкил этилишида округ (pagi) ларга, яъни графликларга бўлиниб, ҳар бир пагнинг тепасида граф турган. Граф одатда йирик ер эгалари ичидан қирол томонида тайинлаган. У ўз ҳудудида суд, маъмурий, молиявий, ҳарбий ваколатларни амалга оширган.

Паглар, яъни графликлар юзликларга бўлиб бошқарилган. Юзликлар тепасида юзбошилар турган. Графликда молиявий орган сифатида графлар билан бирга сацебаронлар ҳам бирга ҳаракат қилганлар. Кейинчалик улар граф мансабининг ривожланиши билан тугатилинган. Графлар ўзларига ўринбосарлар ва ёрдамчилар тайинлаганлар. Улар викарийлар ёки вице графлар деб юритилган.

Каролинглар сулоласи даврида маҳаллий идора органларининг устидан назоратни амалга ошириш учун ҳар йили икки кишидан иборат элчилар тайинланарди. Уларнинг бири дунёвий бўлса, иккинчиси эса диний кишилардан тайинланар эди.

Суд ҳокимияти бошқа мамлакатларди бўлгани каби франклар давлатида ҳам олий суд ҳокимияти монархга - қиролга –императорга тегишли эди. У суд ҳокимиятини задагонлар вакиллари билан бирга амалга оширар эди. Қироллик

кенгаши энг ҳавфли ҳуқуқбузарлик ишларин кўриб чиқарди. Мамалакатда энг кўп ҳуқуқбузарлик ишларин кўриб ҳал этадиган суд муассасаси - юзликлар суди эди. Меровинглар даврида бу суд органи-юзликлар суди-“малберг”-юзликнинг эркин аҳолиси йиғини деб аталиб унда суд ишлари йирик феодаллардан сайланган етти рахинбург иштирокида кўрилган.

Улар ичидан бош судя сайлаб кўйилар эди. У тунгин деб аталган. Бу суд мажлисига юзликнинг ҳамма катта ёшли ва тўла ҳуқуқли озод аҳолиси (эркаклар) иштирок этиши лозим бўлган.

4. Франклар давлатида ҳуқуқнинг асосий белгилари

Барча давлатларда мажуд бўлгани каби франкларда ҳам дастлаб урф-одат нормаларига таянилган. Кейинчалик франклар давлатида ҳуқуқнинг манбаси **“варварлар ҳақиқати”** вужудга келган, булар варвар қабиаларининг одат ҳуқуқи ёзувларидир. Ёзма ҳақиқатлар Рим империяси ҳудудида жойлашган кўпгина қабиаларда V-VI асрларда вужудга келган. V аср охирида вестготлар ёзма ҳуқуқи (кирол Эврик Судебниги) вужудга келган. VI-VII асрларда “Вестгот ҳақиқати” нинг биринчи тўлиқ нашри пайдо бўлган.

“Варварлар ҳақиқатлари” орасида энг қадимгиларидан бири - **“Сали ҳақиқати”** V аср охири VI аср бошларида Хлодвиг ҳуқумронлиги даврида тузилган. Бошқа франк қабиаларининг судебниги - “Рипуар ҳақиқати” нинг асосий қисми VI асрда вужудга келди, аммо унинг тўлиқ нашри VIII асрга тегишлидир. Аллеман ва Варвар ҳақиқатлари VIII асрда пайдо бўлган бўлса, Саксон ва Тюринг ҳақиқатлари эса VIII асрнинг охири IX асрнинг бошларида вужудга келган.

“Варварлар ҳақиқатлари” мазмунан англиз-сакс одат ҳуқуқи ёзувларига асосан, Этлберд ҳақиқатига (VI аср), Ине ҳақиқатига (690 йил), шунингдек XII-XIV асрларда тузилган скандинав провинцияларининг судебникларига яқин эди. судебниклар орасида V асрда Остготлар кироли Теодорих томонидан ёзилган қонун (эдикт)лар тўплами алоҳида ўрин тутган. Эдикт “Варварлар ҳақиқатлари”дан фарқ қилиб, киролик ҳудудида яшовчи барча шахсларга тенг даражада тақатилган. Эдиктнинг диққат марказида асосан хусусий шахсларнинг ер мулкани расмийлаштириш ва ҳимоя қилиш турган (10-12, 27, 75 ва бошқа моддалар).

“Варварлар ҳақиқатлари” судялар учун қўланма вазифасини бажарувчи судебник бўлиб ҳисобланган. “Варварлар ҳақиқатлари” илк федал ҳуқуқининг ягона манбаси эмас эди. Қирол ҳокимятининг мустаҳкамланиши билан киролик буйруқлари, фармойишлари пайдо бўлди. Улар дастлаб ҳақиқатларни тўлдириб, сўнгра алоҳида расмийлаштириладиган бўлди. Бундай манбаларга аввало франк қиролларининг капитулярийлари киради. Биринчи капитулярий кироли Хлодвиг даврида ёзилган.

Илк феодал ҳуқуқи манбаларига яна шунингдек, қироллар томонидан йирик феодалларга берилган иммунитет-ёриқлари ва бошқа қоидалар-ёрлиқларни кўрсатиш мумкин. Қоидалар – ёрлиқларида ҳужжатлар намуналари ўрнатилиб, уларнинг ёрдамида ҳадя, олди-сотди каби битимлар расмийлаштирилади.

Черков ҳуқуқи Германларда ҳуқуқнинг муҳим манбаларидан ҳисобланади. Германлар ҳуқуқининг ривожланишида қадимдан бошлаб черков алоҳида ўрин тутган. Дастлабки асрлардан бошлаб кўп сонли черков қонунлари (Канонлари), черков саборлари ва синодларнинг қарорлари алоҳида епископларнинг декретлари ва қарорлари йиғилиб борган. Черков шунингдек, **“Жазо ҳақидаги тузуклар”** ҳам чиқариб, уларга гуноҳлар рўйхати ва булар учун белгиланган жазолар батафсил баён қилинади.

Христианлик қасам ичишни, судда исботлашнинг энг муҳим воситаларининг бири сифатида тан олган. Қасам ичиш черковда ҳам қўллана бошлаган. Герман қироллари “Варварлар ҳақиқатлари”ни махсус қўллаш тамойилини Рим ҳуқуқига ҳам тарқатганлар. Масалан, 506 йилда Вестготлар қироли Аларик II ўз фуқоролари учун “Рим вестготлари қонуни” номи билан машҳур бўлган суднома чиқарганини олишимиз мумкин.

ФРАНЦИЯ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ (IX аср ўртаси ва XVIII аср охирлари)

- 1. Франция давлатининг ташкил топиши.**
- 2. IX-XIII асрларда сенорлик монархияси.**
- 3. XIV-XV асрларда табақа-вакиллик монархияси.**
- 4. XVI-XVIII асрларда мутлақ монархия даври.**
- 5. Францияда ҳуқуқнинг асосий белгилари.**

1.Франция давлатининг ташкил топиши

Франция феодал муносабатлар энг ривожланган, калассик шаклга эга бўлган давлат эди. У 843 йилда Верден шахрида Карл Буюкнинг уч невараси йиғилишида, франклар империясининг 3 қисмга бўлиниб кетиши натижасида ташкил топган. Шу тариқа, Верденда бўлган тақсимот Европада кейинчалик вужудга келган учта катта давлат – Франция, Германия ва Италиянинг ташкил топишини умумий бир тарзда белгилаб берди.

IX асрнинг ўртасида мазкур давлатларнинг ичида энг яхлит “Ғарбий Франклар”нинг давлати эди, у кейинчалик вужудга келган Франциянинг куртаги бўлди. Бу давлатнинг пойтахти Париж бўлиб, у Луара дарёси яқинидаги Сена дарёси бўйида жойлашгандир. “Ғарбий Франклар қироллиги”да ёки, оддий қилиб айтганда, Францияда (X-XI асрларда Франция деб атай бошлайдилар) Каролинглар X асрнинг охиригача ҳокимиятни ўз қўлларида сақлаб келди.

Бу вақтда Францияда миллий бирлик ҳам, ягона тил ҳам бўлмаган эди. Фрацуз миллати анча кейинроқ – XVI асрда галлар, бритлар, римликлар, франклар ва блшқа халқларнинг авлодларидан шаклланган эди. Ўрта асрлардаги Франция давлати ва ҳуқуқи тарихини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:

1. Сенорлик монархияси даври – IX-XIII асрлар;
2. Табақа-вакиллик монархияси даври – XIV-XV асрлар;
3. Мутлоқ монархия даври – XVI-XVII асрлар.

3. Сенорлик монархияси даври (IX-XIII асрлар)

Ижтимоий тузум.

Буюк Карл империясининг инкирозга учрашидан сўнг ғарбий франк давлати таркибига Нейстрия, Аквитания, Бретань, Гасконь, Септамия, Испан маркалари киради. Бу худудда кейинчалик француз халқи шаклланди ва жахоннинг энг йирик давлатларидан бирига айланди.

Ер эгаларининг олий табақалари IX асрга келиб жамоа ерларининг барчасини эгаллаб олдилар ва деҳқонларни асоратга солдилар. Буюк Карлнинг набираси Карл Тақирбош қуйидагича фармойиш берди: “қироллигимиздаги ҳар бир эркин киши ўз устида сеньор борлигини, кимки хохласа ўшани, бизни ёки бизнинг вассалимизни тан олиши шарт.

877 йил бенефицияни феодалга айлантириш тажрибасини қонунлаштирди, шунинг билан йирик ер эгаларининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги тан олинди. Шу даврдан бошлаб ер эгаларига тортиқ қилинган ер майдонлари улар қўлида қолиб кетди ва уларни қирол ҳокимияти тортиб олишга лаёқатсиз ва кучсиз эди. Энди феодал соҳиблари ўзларининг судларини, маъмуриятини ташкил этишга қодир бўлдилар. қирол рухсатсиз уруш эълон қилиш ва тангалар зарб этиш имкониятига эга бўлдилар. герцоглар, графлар, баронлар ўз вассалларига эга бўлиб улар аста-секин ўзларининг мустақилликларини мустаҳкамлай бордилар. Қироллар иммунитет ёрлиқларини тарқатдилар. Бундай ёрлиқларни қўлга киритган мулкдорлар мазкур худуд аҳолиси устидан ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Бу худудларга ҳатто қирол амалдорлари ҳам сеньор рухсатсиз кириши мумкин бўлмаган бундай иммунитет ёрлиқлари соҳиблари кенг ҳуқуқий имкониятлар билан ваколатланган эдилар. Герцоглар графлар кўп ҳолларда қирол вассаллига вазифасини бажаришдан бош тортдилар. Улар қирол билан тенгма-тенг ҳисоблашардилар, қирол эса – “тенглар орасида биринчи” эди.

Рухоний феодал эгалари, епископлар ва аббатлар ҳокимиятини рим папасидан олганлар лавозим эгаллаш тадбири инвеститура деб аталмиш тамоил асосида амалга оширилган.

Феодал табақага бўлган мансублик туғилиш биланок кучга кирган. қирол изидан борган Корминг даври задагонлари бенефициялар тарқатилиши билан бевосита вассаллар сонини кўпайтириб юбордилар. Катта дунёвий сеньорлар фьефларга тарқалиб кетдилар.

Ҳар бир феодал эгаси 18 дан 20 ёшигача рицарликка ўтишга бағишланган анъанани ўтамоғи лозим бўлган. қариндош уруғлари ҳузурида унга қилич ва шпор (қалқон) тақдим этилган. Бундай маросим вақтида вассал сеньорга содиқлиги ҳақида қасамёд қилмоғи зарур бўлган, сеньор эса унга “омонлик ўпичи”ни тухфа этган. Бу тамоил оммаж деб аталган. Рицарлар қирол қўшинининг ўзагини ташкил этганлар. Улар ўз ҳисобларидан от ва зарурий жихозларни сотиб олганлар. Тинчлик пайтида муттасил равишда мусобақалар ўтказилиб турган. Бундай мусобақаларда рицарлар ўзларининг қурол ишлатиш маҳоратларини намоёиш қилганлар. Рицарнинг белбоғи ва унинг олтин шпори унинг алоҳида ажралиб туришига хизмат қилган.

Вассал ўз сеньорига содиқ хизмат қилиши, уни хурматли меҳмон сифатида кутиб олиши, лашкари сафида хизмат қилиши, агар сеньори асирга тушиб қолса уни қутқозиши, суд ишларида иштирок этиши, катта қизи турмушга чиққан пайтида ёки сеньорнинг катта ўғли рицарликка ўтказилиши вақтида совғасаломлар олиб келиши лозим бўлган. Вассал ўз сеньори, ғамхўрига таяниши мумкин бўлган. Вассалнинг қонунбузарлиги ва кирдикорлари сеньор бошчилигидаги задагонлар суди томонидан муҳокама қилинган.

Францияда “Менинг вассалимнинг вассали менинг васалим эмас” деган ақида ҳукм сурган. Бу қоида жамиятнинг хаддан ташқари мураккаб иерархик тузилишида ҳамма вақт ҳам силлиқ амалга ошавермаган. Аммо магнат (нуфузли мулкдорлар) ҳуқуқини қирол ҳокимиятидан химоя қилган. қайсар вассалларни ўзига бўйсунтириш учун кўп ҳолларда унга нисбатан сеньор уруш очган.

Бу жамиятда дехқонлар поғананинг энг пастки ўрнини эгаллаганлар. Жамоачилик ҳали сақланиб қолган бўлсада, феодал эгалари қўлига қараб қолгандилар. Францияда баршчина узок йиллар, давомида жорий бўлиб келди, бунинг устига бу мажбуриятнинг муддати тобора ўсиб борди. Ушбу мажбурият билан бирга дехқонлар пул солиғи тўлашга ҳам маҳкум этилгандилар. Фақат эркин дехқонлар вилланлар ердан фойдаланганлик учун заминдорга чинш тўлаганлар. Нихоятда мухтожлик ва баъзан худога кучли эътиқод кўпчилик озод дехқонларни черков, монастирлар ихтиёрига боришга мажбур қиларди. Дехқонлардан барча етиштирилган маҳсулот миқдорида десятина (ушр) ундирилган ва улар черков манфаатига ўтказилган. Феодал эгаларига дехқонлар яна бошқа жихатлардан ҳам қарам бўлганлар. Турли табақаларга мансуб аралаш никохлардан туғилган фарзандлар ота-оанларидан қуйи ижтимоий табақага мансублиликни мерос қилиб олганлар, яъни бундай никохлар натижасида дунёга келган гўдаклар қуйи ижтимоий табақа вакили ҳисобланганлар. Ўз сеньорининг рухсатисиз дехқон-серв, ўйланиш, ўз яшаш жойини ўзгартириш, мол мулкнинг бирор қисмларини ўзгага бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Биринчи никох кечасини ўтказиш маросими жирканч ҳуқуқи заминдорга берилган, бундан ташқари баналитет лар вужудга келган. М: дехқон заминдорларининг тегирмонида донини янчишга, нонини унинг новойхонасида пиширишга ва шу каби амалларга мажбур этилган. Бунинг эвазига эса сервда маълум миқдорда тўлов ундирилган.

Бироқ дехқонларнинг ахволи қулларникига қараганда бирмунча дурустрок бўлган, ҳатто сервлар ҳам ўзларининг маълум экин ерларига эга бўлганлар. Уларни ўлдириш мумкин бўлмаган. Улар баъзи фуқаролик ҳуқуқий лаёқатларга эга бўлиб, оила қуриш борасида қулларга қараганда кенгрок ҳуқуқга эга бўлганлар. Ўз меҳнатлари самарасидан кўпроқ манфатдор бўлганлар. Заминдорлик тузими инсоният таҳзибу-тамадуни (цивилизацияси)нинг тараққиёт топишида йирик ва дадил қадам бўлди. IX-XII асрларда қишлоқда меҳнат унумдорлиги бирмунча ўсди. Хунармандчиликнинг дехқончиликдан ажралиб чиқиши, айниқса, франциянинг жанубида, йирик шаҳарларнинг ривожланишига катта омил яратди. Шаҳарлар жонланиб кетди. Дехқонларнинг шаҳарларга оқиб

келиши кучайди. Шахарда бир йилу бир кун яшаган хар бир киши озод хисобланган.

Аммо вақт ўтиши билан йирик заминдорлар ерида жойлашган шаҳарларнинг ахволи ёмонлаша бошлади. Шаҳарликларни ўз сеньорларига хар турли мулк солиқларини тўлашга мажбур қилина бошланди: шаҳар дарвозасида, кўприкларда ва хатто бир минтақадан иккинчи минтақага ўтиш учун ҳам бож тўлови жорий қилинган. Фақат узоқ давом этган курашлардан сўнггина баъзи шаҳарлар сеньориаллар маъмурият ва суддан озод бўлишга мувоффақ бўлганлар. Шу алфозда шаҳар ўз-ўзини бошқаруви вужудга келди. Коммуналлар ўз суд ҳокимиятига эга эдилар. Сеньорлар билан ўзаро курашларда қирол томонидан кўплаб ёрдамлар олиб турганлар, қирол эса марказлашган ҳокимият тузишда ва йирик заминдорларнинг ҳокимиятини чеклаб қўйилишидан манфаатдор бўлган.

Феодал тарқоқлик натижасида шаҳарларнинг ўсиши, савдонинг ривожланиши сусайиб кетди. Деярли барча графликлар ва герцогликлар олиб келинадиган моллардан бож олганлар. Буларнинг ҳаммаси савдогари-тижоратчилар манфаатларини поймол қиларди. Дунёвий заминдор ва рухоний задагонлар (герцоглар, графлар, йирик монастыр раҳнаmolари) қирол ҳокимиятини расмийт учунгина тан олардилар. Уларнинг ихтиёрларида алоҳида маъмурият, суд ва ўзларининг тангалари амал қиларди. Бунинг устига мазкур даврда меҳнат қуроллари такомил топиб меҳнат самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Буларнинг ҳаммаси ўзгаришлар, хунармандчиликнинг тараққий топиши, бюргерлар гуруҳининг шаклланишига омил яратди. Шаҳарликларга таяниб қирол йирик заминдорлар қўл остида бўлган ерларни забт этиш, марказлашган ҳокимият тузиш учун самарали кураш олиб бориши мумкин эди. Бундан ташқари у кичик ва ўрта хол заминдорлар ёрдамига ҳам таянган. Дворянларнинг асосий қисми заминдорлар магнати (задагонлари)дан азият чекканлар ва улар қирол ҳокимиятининг мустахкамланишидан манфаатдор бўлганлар.

Давлат тузуми. Королинглар сулоласининг охириги монархлари билан герцоглар, графлар, епископлар кам хисоблашадиган бўлиб қолдилар. 987 йил задагонлар қурултойида Робертин Гуго Капет Франция қироли этиб сайланди ва у Капетинглар сулоласига асос солди. Янги қирол қўл остида кам ер майдонлари бўлиб уни хатто бевосита вассаллари ҳам талардилар. Ўз домеиларида тартиб ўрнатиш учун капетингларга юз йилга яқин муддат зарур эди. Капетинглар сулоласидан бўлган биринчи қироллар вақтида ҳам каролинглар монархиясини бошқариш ва ҳокимиятни ташкил этиш сарой-вотчина тизими тарзида амалга оширилган. қиролнинг шахсий мулозимлари қиролликнинг мансабдор шахслари хисобланганлар. қирол ҳокимияти олдингига ўхшаб задагонлар кенгаши томонидан чеклаб қўйилган. қирол хузурида мавжуд бўлган кенгаш КУРИЯ деб юритилган.

Феодал тарқоқлик даврида бу кенгаш таркибига унга анча яқин бўлган вассаллар, йирик амалдорлар ва тажрибали легистлар кирганлар. Бу вақтга келиб нуфузли магнатлар бу ташкилот ишида қарийиб қатнашмай қўйдилар.

Королинглар сулоласи даврида сенешал қиролнинг муҳим амалдорларидан бўлган. У котибият бошлиғи бўлиб, муҳим ҳужжатларни тайёрлашда сенешалга РЕФЕРЕНДАРИЙ кўмаклашган. Вақт ўтиши билан котибият ва қирол сиғинадиган манзилнинг бош рухонийси функцияси архикапеллан ихтиёрига ўтиб кетди. қирол судини сарой графи бошқарган. Майордом лавозими бартараф этилди.

Қирол отхонасининг собиқ бошлиғи- маршал энди қирол отлиқлари бошлиғи деб юритила бошланди.

Маҳаллий бошқарувда ҳам ўзгаришлар юз берди. Округлар бошида турган графлар, уларнинг муовинлари викарийлар ўрнига ПРЕВО лавозими жорий этилди. Вақт ўтиши билан округлар балъяжларга кўшилди ва прево балъега бўйсундирилди.

Халқ лашкарлари фақат фавқулодда вазиятдагина ташкил этилган. қирол кўшинининг ўзаги рицарлардан ташкил топган лашкардан иборат бўлган. Йирик вассаллар урушга ҳамма вақт талпиниб бормаганлар.

Йирик ер эгалари бўлган магнатлар ўз мулкларини дунёвий ва рухонийлардан ташкил топган бевосита вассаллардан иборат куриялари воситасида бошқарганлар.

XII асрнинг охири XIIIасрнинг бошларида герцоглик ва гарфликларда табақа вакилларининг мажлислари чақирила бошланди. Кейинроқ эса бу вилоят штатларига-Бош кенгашга айланди.

Феодал тарқоқликнинг бартараф этилиши қироллик доменида тартиб ўрнатилиши билан бошланди. Ашаддий тартиббузар вассалларнинг ерлари бирданига мусодара қилинди. Капетинглар сулоласи (Людовик VI Семиз (йўғон), Людовик VII, Филипп II август) бирмунча кучайгач, XII асрдан бошлаб йирик магнатлар айниқса қаттиқ сиқиштирила бошландилар. Шу даврда қироллик домени кенгайтирила бошланди.

Қирол ҳокимиятининг кучайиши ва қайсар графларнинг уринишларини чеклаб қўйиш бевосита Филипп II Август ислохотлари билан боғлиқ. У қирол мулклари ҳудудини кенгайтди, биринчи маротаба бевосита жон солиғини жорий этди, сенъориал судларни ўз юрисдикциясига бўсиндиришга ҳаракат қилди, бунинг билан эса у шахсий нифоқлар ва суд бахслари ва тортишувларини чеклашга уринди. Қирол вакиллари барча вилоятларга бориб у ерларда қирол аппарати ўзагини ташкил этганлар. Улар жон-жаҳди билан барча даражадаги сенъорларнинг юрисдикцияларига аралашуш ва уларнинг суд ҳуқуқлари ҳамда даромадларига путур етказиш учун ҳаракат қилганлар.

Маъмурий ва суд ислохоти айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. қиролнинг барча мулклари тенг округларга (шимолда-балъяжларга, жанубда-сенешалликларга) бўлиб юборилди. Уларга қирол амалдорлари (балъелар) бошчилик қилиб қуйидаги ваколатларга эга бўлганлар: суд жанжалларини муҳофама қилиш, солиқлар йиғиш, қирол лашкарларини тўплаш ва хоказо. Балъеларнинг ёрдамчилари вазифасини прево ва котиблар (сержантлар) бажарганлар. Бу ислохот олий задагонлар ўртасида норозилик уйғотди ва улар уни бекор қилишга бир неча бор ҳаракат қилдилар.

Людовик IX Муққадас тахтга ўтиргач “Францияда фақат ягона қирол мавжуд бўлиши керак” деб хитоб қилди. У герцоглар, графларнинг ўз-ўзини бошқаришни чеклашга уринди ва биринчи навбатда қирол доменида тартиб ўрнатишга ҳамда қиролнинг барча буйруқларининг сўзсиз бажарилишига ҳаракат қилди. 1260 йилги Ордонанс қирол доменидаги барча шахсий урушлар ва суд тортишувларини тақиқлаб қўйди. Рицарларга қирол лашкарларида хизмат қилмаслик имтиёзини сотиб олишга рухсат берилди. Бу қиролга ўз ёлланма лашкарини ташкил этишга имкон яратган. Шаҳарлар эркинлиги ҳақидаги ёрлиқларнинг сотилиши даромаднинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилган. Магнатлар билан уриш олиб бориш катта маблағ талаб қилар эди. Иқтисоднинг барқарорлиги учун тўлақонли тангалар зарб этилиши сезиларли из қолдирди, чунки улар қирол мулкларидан ташқарида ҳам бемалол қабул қилинаверди.

Феод эгалари қурилтойлари ўрнига доимий (катта ва кичик) КЕНГАШ таъсис этилди. Кичик кенгаш-қирол курияси таркибига канцлер, коннетабел ва бошқа амалдорлар кирган. Курия икки: молиявий ва суд палаталарига ажратилган. Биринчи ҳисоб палатаси ҳам деб юритилган ва у қирол хазинасига тушадиган солиқ ва ўлпонларни назорат қилган. Суд палатаси эса энди парламент деб атала бошлади. 1260 йил Ордонанс янги қоида жорий этди. Бу қоидада биноан қирол доменидан ташқари мулкка эга бўлган герцог ва графлар уруш бошланишидан 40 кун олдин жанжалли масалаларни қирол ҳукмига ҳавола қилишлари лозимлиги ҳақида қайд этилган. Ҳақиқатда эса ер эгалари қирол судига мурожат қилишлари мажбур этилган. Бундай мурожаатлар катта маблағлар эвазига амалга ошган. қиролнинг чиқарган ҳукмлари сеньориал судларнинг обрўларига путур етказган, умумдават адлия тизимига асос солинди.

Қирол курияси ҳузуридаги суд палатаси ёки Париж парламенти деб аталмиш палата аста секин қирол суди вазифаларини бажара бошлади. У энг оғир: қотиллик, ерни ғайриқонуний равишда эгаллаб олиш, талончилик, ўт қўйиб юбориш, қалбаки тангалар ишлаб чиқариш, аёлларни ўғирлаш каби жиноятларни муҳокама қилган. Париж парламенти сеньориал судлар учун кассацион инстанция ҳисобланган. У қирол ғанимлари ва қайсар васалларнинг мулкларини мусодара қилиш ҳақида жон деб қарор қабул қилаверганлар.

Легистлар (рим ҳуқуқи билимдонлари) ўз ерларини ихтиёрий тарзда қирол тахтига топширишни хохламаган барча шахсларга қарши мураккаб ишларни қўзғатганлар. Улар қиролга ўз маслахатлари, амалий ишлари билан тарқоқликни бартараф этишда, баронлар, герцогларга қарши курашда кўмакдош бўлганлар, қирол хазинасини тўлдиришга ёрдам берганлар. Ўша пайтдаёқ юрисдикция масаласи даромадлар билан узвий боғлиқ бўлиб қолганди.

Юристлар уюшмаси фақат қиролга бўйсунган, легистлар рухонийларни суд бошқарув ишларидан бутунлай сиқиб чиқардилар ва аста секин қирол хизматидаги муҳим лавозимларни эгаллай бошладилар. қирол капелани Роберт Сорбон ташаббуси билан Парижда ҳуқуқ бўйича мутахассислар тайёрлаш ўқув юрти очилди ва доктор, магистр, бакалавр каби илмий даражалар жорий этилди. Юридик факултетида илоҳиёт фанларидан ташқари кўп вақтлар давомида рим ҳуқуқини ўрганиш киритилган эди.

Айни ўша давр қирол ҳокимиятининг рим папасининг давлат ишларига андишасизларча аралашувини тўхтатишга интилишлари кучайган даври бўлди.

Людовиг IX нинг 1226 йилги прагматик санкцияси черков муассасаларидан солиқ олиш даъвосини рад этди. Ўша даврдан бошлаб француз черкови Ватинанга камроқ қарам бўлиб қолди.

Людовик IX нинг ислохотлари қирол ҳокимиятининг мустахкамланишига кўмак берди натижада монарх суди ва маъмурияти унинг мулки ташқарисида ҳам тан олина бошлади. XIII асрнинг охирига келиб қирол домени Франция ҳудудининг каттагина қисмини эгаллаб олганди. Бироқ Франция хали ягона давлат тусини олмаганди. У ўзининг ҳолатига қараб Шимолий ва Жанубий қисмларга, мустақил герцоглик ва графликларга ажратилган.

Табақа-вакиллик монархияси.

Қиролларнинг йирик ер эгалари бўлган сепаратистлар билан қураши катта қуч ва маблағ талаб этарди. Қирол ҳокимиятининг маъқеи унинг қўшини сони билан чамбарчас боғлиқ эди. Ўсиб бораётган сарф харажатларни давлат апаратини сақлаб олиш учун дехқонлар ва шаҳар аҳолисидан йиғиладиган солиқлар қоплай олмасди. Қирол бойлардан тез-тез қарз олиб турар, уларни қайтаришни эса ҳаёлига келтирмас эди, балки улардан янги “қарз”лар талаб қиларди. Олдинги жорий этилган солиқлар энди давлат сарф-харажатларини бутунлай қоплай олмади.

Янги даромад топиш мақсадида қирол лаёқатсиз тангалар чиқарар, задагонларга солиқ миқдорини оширар, унинг лашкарида хизмат қилишни хохламаган бой-судхур яҳудийлардан пул таъма қиларди. Рухонийлар ерларига ҳам у солиқ солди, аббатлар учун Римга қумуш ва олтин олиб чиқишни тақиқлаб қўйди, бидъатчилар қамоқ азобларидан озод қилиндилар. Буларнинг ҳаммаси папа Бонифаций VIII билан қаттиқ зиддият келтириб чиқарди.

Янги сайланган папа қирол билан ҳамфикр бўлди. Папанинг қароргоҳи тезда Франция ҳудудига тегишли бўлган Авиньонга кўчирилди. Карл Буюкдан сўнг бу дунёвий ҳокимиятнинг католик черкови бошлиғига биринчи бор бундай таъсир ўтказиши эди ва бу ҳолат юз йил ҳукм сурди.

Ўз навбатида Рим кардиналлари ўз папаларини сайладилар. қўш папалик 40 йилга яқин давом этди. Хар иккала папа ҳам бир бирларини муртад деб ҳисоблаб черковдан рад қилдилар, антихрист деб атадилар ва хоказо. Ўзаро қарғишлар католикларни ғамга ботирди, бу атеист ва черков ғанимларини эса беҳад қувонтирди. Фақат Констанца собори XV аср бошларида черков бўлинишига барҳам берди ва яккапопликни қайта тиклади.

Франция қироллари бундай вазиятда катта фойда ундирдилар. Улар рухонийлар даромадларини ўзлаштириб, папа куриясидаги пулларни тақаллуфсизлик билан ўзлаштириб олдилар.

Париж университетининг ректори Марсилит Падуанский ўзининг “Тинчлик химоячиси” номли асарида олий ҳокимият ворислик эмас, балки сайлов асосида тайинланган монархга тегишли бўлиши лозим деб баён қилганди. Тинчликни

бузувчи асосий сабабчи поплик бўлиб у давлат ҳуқуқига тажавуз қиларди. Рухоний судя ҳам, маъмур ҳам эмас балки у зулмкордир. У жонни даволайди ва фақат маслахат ва эътиқод билангина амал қилиши мумкин. Хулоса битта-папа дунёвий ҳокимиятни эгаллаши мумкин эмас. М.Падуанский виждон эркинлиги ҳақидаги фикрни илгари сурган. Евангелие қонун эмас, у панд-насихатдир холос. Шунинг учун эътиқод масаласида мажбурийлик бўлиши мумкин эмас. Эътиқод-виждон амри.

Легистлар изчилик ва жадду-жихад билан монархнинг суверен ва мустақиллиги назариясини тадбиқ қила бордилар. Улар тинмай империя даври рим ҳуқуқининг догмаларидан бири: “Хукмдор нимани лозим топса, у қонун кучига эга”-деган ақидага таянганлар. Сеньориал ва черков судларининг юрисдикция доираси тобора торайиб борди. Филипп IV ўзининг легистларини ҳурмат рамзи сифатида “қонун рицарлари” деб атади. Аммо унинг заиф иродали ворислари Филипп Дароз ва Иоанн хуш феъл бундай маслахатчиларни асрай олмади. Кўпгина легистлар қирол юстициясининг бекор қилиниши ва олдинги эркинликларни тиклаш талаби билан чиққан йирик магнатларнинг қурбони бўлдилар.

1302 йил Ватикан билан бўлган зиддиятнинг бошидаёқ Филипп IV дунёвий ва рухоний ер эгаларини йиғиб кенгайтирилган Кенгаш чақирди. Бу келажак табақа-вакиллик органининг ёрқин тимсоли эди. Поплик ва черков раҳнамоларига қарши курашда қирол рицарлар ҳамда шаҳарликларнинг ёрдамига беҳуда таянди. Бу пайтга келиб табақалар, айниқса шаҳарликлар ва йирик магнатлар ҳамда рухонийлар ўртасидаги душманчилик яққол кўзга ташланиб қолди. Илк бор учинчи табақа аталмиш шаҳарлар раҳбарлари намояндалари ҳам кенгаша қўйилдилар. Ўзига тўқ дехқонлардан ҳам вакиллар келдилар. Рицарлар ва шаҳарликлар қирол сиёсатини жон деб қўллаб-қувватлардилар. Шу вақтдан бери табақа вакиллиги органлари Генерал штатлар деб атала бошлади. Шунга ўхшаш муассасалар вилоятларда ҳам ташкил этилди. У даврдан бошлаб Франциядаги ер эгаллиги (феодал) манархия табақа-вакиллик манархияси шаклига кирган.

Дехқонлар ва шаҳарларнинг қуйи табақалари Генерал штатларга сайланмаганлар. қирол асосан бу ерлар пулга эҳтиёж сезганда янги солиқларни жорий этмоқчи бўлган ёки эскиларини тасдиқлаб олмоқчи бўлган ҳолларда бу органни йиғарди. Баъзи пайтларда қирол ўз сиёсатини Генерал штатлар томонидан олдиндан тасдиқлаб олишига интиларди. Суд ва маъмурий функцияларни ўз қўлига олиб олганди ва Штатларга ўз аппаратини тузишга йўл қўймасди.

XV асрнинг охирида ҳар бир бильяжда табақадан бир депутатни вакил қилиб сайлаш тартиби ўрнатилди. Табақалар алоҳида тарзда палаталар бўйича мажлис ўтказганлар. Ҳар бир табақа бир овозга эга бўлган. Вакил фақат наказ доирасидагина амал қилиши мумкин бўлган. Иш тугагач таклиф ва истак маъносини англатувчи нақазларнинг умумлаштирувчи ҳисоботи топширилган.

Рухонийлар ва задагонлар палаталари ҳамма вақт бирдамликда бўлганлар. Учинчи табақа вакиллари кўпинча камчиликни ташкил этганлар. Табақалар ўртасидаги тортишувлардан қирол ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида

фойдаланган. У кўпинча қирол ҳокимиятининг шаҳарлар иттифоқини ифода этувчи учинчи табақа вакиллариغا суянган. Айнан шу учинчи табақа солиқ ва тўловларнинг асосий қисмини тўлаганлар.

Генерал штатларининг мавжудлиги қирол мавқеини мустаҳкамлаган, марказлаштиришга кўмак берган. Уларнинг розилиги билан XV асрда ер эгаларининг шахсий қўшинларини ташкил этишларини тақиқлаб қўйди. Қўрғондаги гарнизонлар миқдори ҳам чегараланди.

Англия билан бошланган Юз йиллик уруш, вайронагарчилик шароитида Генерал штатлар айниқса жанговар хусусият касб этади. 1357 йил инглизлар Франция қиролини асирликка олдилар ва унинг учун катта миқдордаги маблағни талаб этдилар. Қирол олдин ҳам ахлоқона бошқарув ва субутсиз маршаллари ҳақида кўп маротаба очик ҳақиқатни эшитган. Бу гал эса унинг фаолияти жиддий танқидга учради. Генерал штатлар монархияни пул эвазига қайтариб олишга розилик бердилар ва шу вақтнинг ўзида Франциянинг бутун тарихи давомида биринчи бор маблағларни сарфлаш ҳамда юқори амалдорлар устидан назорат ўтказишни ўз қўлларига олдилар. Учинчи табақа вакиллари қирол кенгашида штатлар вакиллариининг қатнашишига эришдилар, улар бошқарувнинг қайта ислох қилинишини, нафрат кўзгатувчи манфур амалдорларнинг олиб ташланиши ва штатларнинг ўз ташаббуси билан қиролнинг кўрсатмасисиз ҳар уч ойда бир маротаба йиғилиб туришлиги ҳуқуқини талаб қилдилар. Штатлар фақат шу шарт бажарилган ҳолдагина навбатдаги тегишли солиқ маблағини тўлашлари мумкинлигини ваъда қилдилар. Уларнинг талаблари Улуғ март ордонасида ёзиб қўйилди (1357 йил). Март ордонанси депутат вакиллариининг дахлсизлигини эълон қилди, шахсий урушларни, мол-мулкни ноқонуний мусодара (реквизация) қилишни бекор қилди. қирол амалдорларига биттадан ортик лавозимни эгаллаш ва ўз вазибаларини бошқалар зиммасига юклаш тақиқлаб қўйилди. Топширилган ишларни бажаришда қирол амалдорларига янада жиддийроқ маъсулият жорий этилди.

Қиролнинг умумий авф (амниция) қилиш ҳуқуқи чеклаб қўйилди, оғир жиноятни содир этганликда айбланганлар учун маблағ эвазига қутилиш тажрибаси бекор қилинди, чунки бундай маблағларнинг бир қисми олдин судьяларга теккан эди. Олий суд қуйи судлар ваколатига тегишли ишларини ўз муҳокамасига қабул қила олмаган, бундан ташқари у бошқа судлар муҳокама қилиши лозим бўлган ишларни ҳам апелляция тарзида кўриб чиқа олмаган. Қирол мушқил ва чигал ҳолатга тушиб қолган ва у олий ислохотчилар хайъати (комиссияси)ни тузишга розилик берган.

Франция миллий ҳалокат бўсағасида турган пайтда тузилган Март ордонанси Генерал штатлар учинчи табақа вакиллари ўртасида демократик кучларнинг пайдо бўлганлигидан далолат беради. Унда ҳал идораси ифода этилганди. Жакериянинг бостирилишидан сўнг Ордонанс ўз мавқеини йўқотди.

Генерал штатлар бевосита доимий солиқ ундиришни жорий этишга рухсат берганларидан сўнг, қирол қатъий даромад манбаига эга бўлди ва Генерал штатлар мажлисини камроқ чақирадиган бўлди. Ҳокимиятнинг асосий таянчи

қўшин ва кўпсонлик амалдорлар бўлиб қолди. Кейинроқ солиқларни ўзи белгилайдиган ва ўз амалдорлари ёрдамида йиғиб оладиган бўлди.

1445 йил Карл VII янги янги солиқни жорий этиш ва Франция халқига мансуб аҳолидан қўшин тузиш ҳақида фармон берди. Олдин пиёда аскарлар ташкил этилди, кейинроқ эса рицар муфризачиларидан иборат ёлланма отлик аскарлар вужудга келди. Шунинг билан доимий ҳаракатдаги қўшиннинг ташкил топишига асос солинди. Қирол ҳокимияти кучая борди, бу эса Генерал штатлар мавқеига таъсир кўрсатди. Уларнинг амалдорларнинг ўзбошимчалиги, солиқларнинг кўтарилиб кетиши, палаталарнинг онда-сонда чақирилиб туриши ҳақидаги шикоятлари қониқтирилмади. Штатлар янада камроқ чақирилди. 1484 йил чақирилган мажлис энг нуфузлиси бўлди. Охири марта Штатлар мажлиси 1614 йил чақирилди. XVI-XVII асрларда хаммаси бўлиб олти маротаба мажлис чақирилди ва шундан кейин Штатлар сиёсий сахнадан бутунлай махв бўлди.

Задагонлар ва учинчи табақа вакилларининг муштарак иқтисодий манфаатларининг йўқлиги, ўртасида ўзаро душманчиликнинг ва зиддиятларнинг авж олиши табақа-вакиллик муассасинининг кучсизлашуви ва охир оқибат унинг барбод бўлишига сабаб бўлди. Генерал штатлар аста-секин ўз аҳамиятини бутунлай йўқотди, асосан бунда бюргер табақасининг заифлиги муҳим сабаблардан бири бўлди. Уларнинг вакиллари ўзларининг умуммиллий манфаатларини тушиниб етмадилар. Улар ўзларининг солиқ йиғиш аппаратлари, маъмурий-суд ишлари бўйича ўз ишлари бўйича ўз штатларини туза олмадилар. 1357 йилги Март ордонанси дастури амалга оширилмай қолиб кетди.

Шаҳар ва майда задагонларни маҳаллийчилик, сепаратистик манфаатларини ажратиб туради. Кўпинча улар шахсий манфаатларини кўзлаб ўз қобикларидан чиқмай қолганлар. Бюргерлар маълум муддат қирол ҳокимиятининг кучайишини афзал кўриб юрдилар. Задагонларнинг бир қисми ҳам шу кайфиятда эди. Табақа-вакиллик монархияси асосан ер эгалари манфаатларига мос тушган. Бу мамлакатнинг сиёсий жихатдан бирлаштириш учун муҳим давр бўлди. Шу пайтга келиб ота мерос мулкчилик-сеньориал ҳокимияти заифлашди, чунки дехқонлар устидан ҳукмронлик қилиш вазифаси умумдавлат органлари қўлига ўтган эди. Абсолют (мутлақ) монархия даврида Генерал штатлар ўз аҳамиятини бутунлай йўқотди.

Қирол Штатлар ўрнига нотабллар Кенгашини чақира бошлади. Унда ҳар учала табақанинг олий вакиллари иштирок этган. Нотабллар Кенгашининг расмийчилик юзасидан қабул қилган қарорлари қирол учун аҳамият касб этмаган. Аммо у задагонлар фикри билан ҳисоблашган. Нотабллар розилиги билан янги солиқ тизими жорий этилган ва қирол амалдорлари томонидан ундирилган. Кўп сонли армия ташкил этилган.

Қирол ҳокимиятини мустаҳкамланиши билан маҳаллий бошқарув тизими ҳам марказлаштирилди. Франциянинг шимолида мавжуд бўлган йирик маъмурий бирликлар баляжлар деб юритилган ва уларга бальелар раҳнамолик қилишган. Жанубда эса худди шунга ўхшаш маъмурий бирликлар – губернанторликлар мавжуд бўлиб уларнинг бошида сенешаллар турган. Улар маҳаллий задагонлар намояндаларидан бўлиб марказга қарам бўлмаганлар. Балье ва сенешаллар солиқ

йиғиш, лашкар тўплаш ва баъзи суд функцияларини бажаришга мутасадди бўлганлар.

Хокимиятнинг ташкил этилишида рўй берган ўзгаришлар қирол маъмурияти аппаратининг домениал-министериалликдан умумдавлат-амалдорлиги муассасасига айланганлигида ўз ифодасини топган. Шахарликлар ва эркин дехқонлар аста-секин отамерос мулкчилик, сеньориал юрисдикциясидан халос бўлиб бевосита қирол хокимияти давлати ва суд ихтиёрига ўтдилар. Ер эгалари магнатлари ўзларининг давлат мухториятини йўқотдилар. Мамлакатнинг сиёсий бирлаштирилиши билан бир вақтнинг ўзида ягона суд маъмурий тизими ташкил этилди, маҳаллий заминдорлар анъаналари маълум бир тизимга солинди.

Қирол ордонанслари аста-секин нафақат қироллик тахти домеилларида, балки мамлакатнинг барча ҳудудларида кучга кира бошлади. Хокимиятнинг ва бошқарувнинг марказлаштируви элатларнинг умумий ҳудудий қўшилиш жараёнини тезлаштирди, хўжалик ва тил асосларини бирлаштирди, бу эса ягона миллатнинг шаклланиши учун омил яратди.

Мутлақ монархия. Ижтимоий тузум.

XVI асрнинг ўрталарига келиб мамлакатнинг қарийиб ялпи ҳудуди қирол қўл остига ўтди. Франция энг йирик оврупа давлатига айлана бошлади.

Хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ҳам қишлоқда, ҳам шаҳарда ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий ахволига катта таъсир кўрсатди. Савдо кескин ривожланди, цех корхоналаридан ташқари сармоядорлик мануфактураси (тўқимачилик ва газмол ишлаб чиқириш) корхоналари вужудга келди. Француз миллати шакланди.

Абсолютизм даврида уч табақа тўла шаклланиб бўлди, улар: рухонийлар, дворянлар, ва “учинчи табақа”. Эски ақидага биноан “Рухонийлар дуо билан сиғиниш, дворянлар-шпага (шамшир) билан, учинчи табақа эса – мол-мулклари билан хизмат қилганлар.

Биринчи табақа, яъни рухонийлар бир қанча имтиёзларга эга бўлганлар. Улар қатор мажбуриятлардан: харбий хизматга сафарбарлик солиқ тўлашдан озод бўлганлар. Уларнинг ўз судлари, ўз маъмуриятлари мавжуд бўлган. Тақводор филмонлар уйланишга, монах аёллар эса эрга тегишга ҳақли бўлмаганлар.

Ўрта асрларда черков беҳад бойликларга эга бўлган. Монастирлар аббатларнинг ер мулклари дунёвий заминдорлар мол-мулкларидан фарқли ўларок тарқоқ бўлмаган. Диндор дехқонлар “ёрдамида ўрта асрларда черков намунали хўжалик ярата олишга муваффақ бўлди. Рухонийларнинг имтиёзли мавқеи “Улар ҳамма учун сиғиниб, дуогўйлик қилади” ақидасига асосланган.

Аммо черков хокимияти чеклаб қўйилганди. Масалан: Францияда папа черков ерларини рухонийларга тақсимлаб бериш ҳукукидан маҳрум этилган, папа куриясига ўлпон йиғиш чеклаб қўйилган.

Иккинчи табақа намояндалари дворянлар бўлиб, улар гўё “барча учун жанг қилганлар”. Майда ва ўртаҳол дворянлар монархиянинг таянчи хисобланганлар. Улар солиқ тўламаганлар ва бундан ташқари қатор имтиёзларга эга бўлганлар. Қўшинда хизмат қилганлари учун уларга одатда ер-мулклари, ойлик маоши,

тухфалар ва нафақа берилган. Уларни шпага дворянлари деб атаганлар. Дворянлар қирол сиёсати, черковга катта таъсир ўтказганлар, уларнинг намояндалари қўшинда, маъмурий аппаратда қўмондонлик ҳамда йирик лавозимлар эгаллаганлар.

Рухонийлар ва дворянлар Франция аҳолисининг атиги бир фоизидан камроқ қисмини ташкил этган бўлсаларда, улар катта ер майдонларининг эгаси бўлиб черков ва давлатнинг қарийб барча маъсул мансабларини эгаллаб олган эдилар.

Учинчи табақа вакиллари шаҳарликлар ва дехқонлар бўлиб, улар ҳамма учун ишлашга мажбур бўлганлар. Тожирлар ва хунармандлар цех ва гильдия (уюшма)га бирлашганлар. Баъзи шаҳарлар ўз-ўзини бошқарув ҳуқуқига эга бўлганлар. Шаҳар раҳбарлари хунарманд шогирдлар, мастер ёрдамчилари ва барча хизмат ходимлари устидан назорат ўрнатганлар, цехлар ва ширкат уюшмаларидан ташқарида махсулот ишлаб чиқаришга йўл қўймаганлар. Малакаси кам хунармандларнинг аҳоли бирмунча танг бўлган. Ишчилар сафини тўлдиришда дехқонлар асосий манба ҳисобланган. Пул-буюм муносабатларининг ўсиши билан феодал эгалари дехқонларни пул солиғига ўтказишга қаттиқ уринганлар. Аста-секин сервлар, вилланлар, ер эгалари қўлида ишловчи дехқонлар ўртасидаги фарқ йўқола борди. Дехқонларнинг асосий қисми ердан фойдаланганлиги учун хўжайинга ценз (белгиланган ёки шартланган) ҳақи тўлаган. Бундан ташқари, дехқон ўз хўжайини дон солиғи-шампар ҳам тўлаган. Хатто ичимлик мажбурияти ҳам мавжуд бўлган.

Черков учун “ушр” (10%), қирол учун 20 %, талья-мол-мулк солиғи ҳамда жон солиғи турлари ҳам мавжуд бўлган. Булардан ташқари дехқонлар зиммасига янада турли-туман мажбуриятлар юклатилган. Худди аввалгидек баналитет: хўжайиннинг кўпригидан ғалла олиб ўтиш, унинг тандирида нон пиширгани учун ҳам дехқонлар ҳақ тўлаганлар. Бундай солиқ тури нон пиширилмаган ёки кўприк бузилиб кетган бўлсада, сақланиб қолаверган. Дехқон вафот этса унинг меросхўрлари ота мулкига эга бўлиш учун ҳам ўз хўжайинига солиқ тўлашга мажбур бўлган. Тузни контрабанда йўли билан сотиб олганларга биринчи марта сургун ва иккинчи марта ушбу хатти ҳаракат такрорланса осиб ўлдириш жазоси белгиланган.

Мутлоқ монархиянинг давлат тузуми ва ҳуқуқи.

Францияда мутлақ монархиянинг қарор топиши XV асрнинг охиридан бошланди. Аммо, Волда сулоласидан чиққан-Людовик XII, Франц I ва Генрих II хали Бурбонлар сулоласидан бўлган XVI асрда тождорлик қилган қироллардек чекланмаган ҳокимиятга эга бўлмаганлар.

Табақа-вакиллик монархиясидан мутлақ монархияга ўтиш тарихий зарурат бўлиб, бир қанча ижтимоий-иқтисодий сабабларга боғлиқ эди. Турли табақалар ўртасида зиддиятларнинг кескинлашиб кетиши, дехқонлар ва йўқсил шаҳар аҳолиси ўртасида норозиликнинг кучайиши шароитида дворянлар ва олий табақа вакиллари қирол ҳокимиятининг мустахкамланишидан манфаатдор эдилар. Улар марказлаштирув ҳаракатини, тарқоқ ер эгаллигининг бекор қилинишини жон жахдлари билан қўллаб қувватлаганлар. Ягона маъмурий ва ҳуқуқий тизимнинг

барқарор бўлиши савдо-сотиқнинг ривожланиши ва миллатнинг шаклланиши жараёни фаолиятининг тезлашувига имкон яратган. Францияда мутлақ монархия (абсолютизм) XVI асрнинг охирига келиб қарор топди. У “Менинг хохишим қонун ҳисобланиши зарур”-деб баён этди. Католиклар ва гутенлар ўртасидаги кўп йиллик диний уруш-жанжаллар ҳам абсолютизмнинг ўрнатилишига омил яратди. Лаёқатсиз ва иродаси заиф Людовик XII хузурида хизмат қилган кардинал Ришелье даврида абсолютизм тўла ва тугал қарор топди. У ўзининг бор кучи қудратини, сиёсий курашларда орттирган катта тажрибасини дворянлар монархиясининг кучайтирилишига қаратди. “Давлатманфаатлари-бу олий неъмат”. Менинг биринчи мақсадим қиролнинг улуғворлиги, иккинчиси-қиролликнинг қудратидадир”-деб ёзган эди Ришелье. У деҳқонлар ва шаҳарнинг қуйи табақалари кўзғолонларини қақшатқич ва аёвсиз бостирди, айти пайтда бош кўтарган магнатларни ҳам қаттиқ жазолади, гугенотларни таъқиб қилди.

Ришелье мануфактуранинг ривожланишига айланиб у қўшин манфаатига хизмат қилса, колонияларни босиб олиш ва талаш бўйича тузиладиган ташкилотларга ҳомийлик қилган, ватан саноатини хорижий рақобатлардан ҳимоя қилиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиққан. Зобитларнинг камайиб кетиши, манман дворянларнинг попугини босиб қўйиш мақсадида дуэллар тақиқлаб қўйилди. Дворян фақат қирол хизматидагина қон тўкиши мумкин бўлган. 1626 йил қирол декларацияси герцог ва графларнинг қўрғон ҳамда қалъаларини бузиб ташлашни эълон қилди.

Хазинани бойитиш мақсадида дворянлик унвонларини сотиш авж олиб кетди. Ришелье даврида солиқлар тўрт баробарга кўпайиб кетди. Лашкар полиция ва амалдорларга катта маблағ сарфланган. Кўп миқдордаги маблағ қирол саройи учун сарф қилинган.

Абсолютизм даврида маҳаллий бошқарув органларида ҳам ўзгаришлар бўй берди. Бу бюрократик централизм асосида амалга оширилди. Франция бутунлай вилоятларга, округларга тақсимлаб юборилди. Ўйрик округларни интендант-амалдорлар бошқарганлар ва кенг ваколатларга эга бўлганлар. Губернаторлар ҳокимияти имконияти борица чеклаб қўйилди. Адлия ишлари, полиция ва молия ишлари бўйича қирол интенданти фақат бош вазир ва қиролнинг ўзига бўйсунганлар. Ушбу лавозимлар сотилмаган, шунинг учун ҳам интендантлар олий ҳокимиятга қарам бўлганлар. Улар маҳаллий бошқарувни назорат қилганлар, задагон мулозимларнинг феъл-атворларини кузатганлар.

Аммо маъмурий тизим жуда катта бўлиб, бюрократик централизм асосида тузилган. Кўпгина вилоятларда уларнинг суд ва маъмурий тартиблари мавжуд бўлган, солиқлар ҳам у ерларда турлича жорий этилган, божхона йиғимлари алоҳида бўлиб, оғирлик ўлчови, узунлик ва ҳажмий бирликлар ҳамма ерда бир хил бўлмаган. Жохил ва сотқин амалдорлардан ташкил топган улкан бюрократик аппарат ижтимоий ва ҳатто шахсий ҳаётнинг ҳам барча жабҳаларини ўз домига илинтириб олганди.

Давлат тижоратчилар, саноатчилар, қурувчилар фаолиятига аралашган, анча тараққийпарвар радикал ёзувчилар, драматурглар, маданият намояндалари ва маърифат вакиллари асарларининг тарқатилишига йўл қўймас, уларнинг

намояндаларини эса зиндонларга ташлардилар. Илмий, бадий асарларни чоп этиш цензуранинг каттиқ назорати остида амалга оширилган. Ўзгача тафаккур қилувчиларга қарши мафкуравий кураш олиб боришда монархия католик черкови билан биргаликда амал қилган. Илғор фикрли шахсларнинг асарлари гулханда ёқиб юборилган.

Абсолютизм ўз вақтида ижобий ахамиятга молик бўлди, ватан саноатининг ривожланишига ёрдам берди. Ришелье ва Кольбер ташаббуси билан мамлакат ичкарисига махсулот олиб кириш учун тайинланган юқори солиқ миқдори бошқа давлатлардан Францияга олиб келинадиган бирмунча арзон молларнинг оқиб келишини тўхтатиб қўйди, хом-ашё олиб келинишини осонлаштирди. Ички савдонинг ривожланиши вилоятлараро кўпгина тўсиқларни бартараф этди, ҳуқуқий нормалар бир мунча бирхиллик тизими шаклини олди.

Қирол маъмурияти маҳаллий ер эгаларининг сепаратизми (алохидалик)га чек қўйди. Франция абсолютизми ҳаммадан олдин ва асосан дворянларнинг манфаатига хизмат қилган. Абсолютизмнинг тараққийпарвар роли нисбатан XVI асрнинг иккинчи ярмида ва XVII асрнинг бошларида намоён бўлди.

Абсолютизм даврида қирол ҳуқуқи чекланмаган монарх ҳисобланган. У қонунлар чиқарган, уларни бекор қилган, амалдорларни лавозимларга тайинлаган ва уларни ўз вазифаларидан бўшатган. Унинг ҳокимияти қонунусти хусусиятига эга бўлган, қирол -худонинг ердаги ноиби деб тан олинган ва илохий ҳисобланган. Людовик VI кўпинча ўз ҳокимиятининг илохий асосга таяниб амалга оширган. Бошқарув эса бюрократик централизм тартибга асосланган. Ҳокимият ва бошқарувни марказлаштириш айниқса Людовик XIV даврида кучайган. Лаганбардор сарой аёнлари уни “куёш-худо” деб атаганлар. Халқ монархнинг хизматкори ҳисобланган.

1641 йилги қирол эдикт (фармон)и судларга шу жумладан Париж парламентида ҳам, давлат, маъмурият ва ҳукуматга тегишли ишларни олишни таққилаб қўйди. Людовик XIV Париж парламентини олдин эга бўлган оддий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум қилди. қиролнинг янги фармони олдингисига бутунлай қарама-қарши бўлган ҳолларда, парламент қиролга олдинги қонуннинг янги ёки мамлакат одатига мувофиқ тушмаслигини маълум қилиб қўйиши мумкин бўлган. Бу фаолият РЕМОНСТРАЦИЯ деб юритилган. Людовик XIV парламент аъзоларига юзланиб: “Сиз давлатимиз деб ўйлайсизларми? Йўқ! Давлат бу Мен!” деб хитоб қилган. Ўша даврдан бошлаб парламентнинг энг “қатъиятли” аъзолари қувғинга учраган.

Генерал штаблар ва нотабллар кенгаши энди фаолият кўрсатмай қўйди. Энг муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун қирол давлат кенгашини чақирган. ДЕПЕШ Кенгаши ҳам мавжуд бўлиб у интендантлар маълумотларини йиғган.

Интендантлар фаолияти устидан генерал-молия назоратчиси кузатув олиб борган, бироқ баъзи ерларда бальяж ва сенешалликлар ҳалиям сақланиб қолганди. Маъмурий бўлиниш чалкашликларга эга эди. Франция чегарасининг қаердан ўтишини министрлар ҳаммаси ҳам билавермаган.

Ташқи ишлар, харбий ишлар денгиз ишлари ва қирол саройи ишлари бўйича янги давлат котиблари лавозимлари вужудга келди. Қирол бўлмаган

пайтларда давлат кенгашининг раиси вазифасини канцлер бажарган. Давлат котиблари аслида қирол вазифаларини бажарган.

Лашкарга катта эътибор қаратилди ва доимий ҳаракатдаги кўшинга айлантирилди. XVIII асрнинг бошларида унинг таркибида 46 пиеда, 26 та кавалерия полклари мавжуд бўлиб, лашкарнинг ундан бир қисмини ёлланма жангчилар ташкил этган. Генерал штаб (бош қароргоҳ) ташкил этилиб ҳарбий хизмат ўташнинг қатъий тартиби ўрнатилди. Бироқ зобитлик лавозимлари олдингидек сотилишда давом этверган.

Баъзи лавозимлар ва мансаблар ворислик тарзида авлоддан-авлодга ўтиб келган, қиролнинг ўзи эса бу ишга бош-қош бўлиб санкция берган ва мазкур фаолиятни хужжатлаштириш учун у махсус тўлов олган. Маблағ тўлаш эвазига суд лавозимини сотиб олиш мумкин бўлган. Солиқларни ундириш ҳуқуқи ваколати ҳам сотиб олиниши мумкин бўлган. Оммавий савдолар пайтида ким хоҳласа қирол хазинасига талаб этилган маблағни хавола этиши ва бунинг эвазига вилоятлардан солиқ йиғиб олиш ҳуқуқига эга бўла олган. Солиқлар аксарият ҳолларда аскарлар ёрдамида ундирилган. Солиқлар патент нархидан кўра кўпроқ йиғиларди бу эса аянчли суистеъмолчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Абсолютизм табақавий манфаатлари кўпсонли полиция аппаратига хизмат қилган.

Қирол саройининг аёвсиз талон тарож қилиниши, амалдорларнинг нихоятда кўплиги, ёланма лашкарлар, уришлардаги муваффақиятсизликлар хазинани заифлаштириб қўйган эди. Нафақалар, совғаю-тухфалар, задагонлар ҳамда қиролнинг дўстлари ва қариндошлари учун сарфланадиган барча сарф харажатлар хазина ҳисобидан амалга оширилган. Бунинг ўрнини босиш учун тамаки, қоғоз, вино ва тузга ҳам солиқ солиш жорий этилган. Молия вазирлигининг дабдаба ва ҳашаматлар учун харажатларни камайтириш ҳақидаги илтижосига Людовик XV “Менинг асримга бемалол етади”-деб жавоб берган.

Сарой дворянлари қирол тўлайдиган маош ҳисобига яшаганлар. Давлат ҳокимиятининг таянчи бўлган дворянлар ва рухонийлардан ташқари, ўрта табақа вакиллари бўлган шаҳарликлар марказлашган ягона давлат ва ягона ҳуқуқ тизимининг ташкил этишидан ўта манфаатдор бўлганлар. Абсолют (мутлақ) монархиянинг тўла сиёсий бирлашувидан сўнг, мамлакатда баъзи иқтисодий ўсишлар кўзга ташланди. Аммо XVII асрнинг охирлари ва XVIII асрнинг бошларида Франция абсолютизми ижтимоий тараққиётининг ривожига тўғанок бўлиб қолди.

XVIII аср охирида содир бўлган Улуғ француз буржуа инқилоби абсолют (мутлақ) тузум тартибини емириб ташлади.

Ижтимоий тузум. IX-XI асрларда феодал муносабатлар ривожланиб, ҳамма ерда ҳукмрон бўлиб қолди. XI-XIII асрларда феодаллар томонидан ерларнинг тўлиқ эгаллаб олиниши натижасида эркин деҳқонлар ер эгалиги тугатилди. Натурал хўжалик ҳукмронлик қилиб. Сенорлик поракандалиги давом этди ва янги-янги поместаларвужудга келиб, мамлакат ягоналигига путр етади.

Феодаллар ўзлари эгаллаган ерлар – сенорийларнинг ҳажмига қараб турли табақаларга ажралган. Катта сенорий эгалари: герсоглар, графлар, йирик монастирларнинг аббатлари, епископлар дастлаб ўзларини қирол билан тенг перлар деб юритганлар. Уларнинг вассаллари: баронлар, виконтлар, витцеграфлар иккинчи гуруҳ ер эгалари ҳисобланган.

Учинчи гуруҳдаги ер эгаларини рицарлар ташкил этган. Юқоридаги учта тоифа феодаллар ўртасида **сюзеренитет – вассалитет** муносабатлари мавжуд эди. Буни олий ҳукмронлик-қарамлик муносабатлари деса бўлади. Бунда вассал сенорга содиқлик ҳақида қасам ичиб, унинг олдида тиз чўкади. Бу жараён **оммаж** деб аталди. Сенор эса вассалга ер бериб, шу билан бирга рамзий таёқча ёки ўз қўлқопини ёки найзасини ҳам узатарди. Бу эса **инвеститура** деб аталарди.

Вассал аввало сенорга ҳарбий хизмат ўтаб бериш мажбуриятига эга эди. XI асрда бундай хизмат муддати бир йилда 40 кун қилиб белгиланди. XI асрда жамиятнинг феодаллашиши жараёни кучайиб, вассалларнинг вассаллари пайдо бўлади. Юқорида айтилганидек, энг куйи поғонадаги вассаллар – рицарлар эди. Асосий феодаллар оммоси қиролга бўйсунмай, ўз сенорлари-герсоглар ва графларга бўйсунарди. “Вассалимнинг вассали менинг вассалим эмас” деган тамойил мавжуд эди.

Ушбу давода феодалларга қарам кишилар сервлар ва вилланларга бўлинган. Сервларнинг ҳуқуқий ҳолати аниқ белгилаб қўйилмаган эди. Уларни ер билан бирга ёки ерсиз сотиш мумкин эди. Булардан ташқари сервлар жон солиғи – шеваж, ҳар йиллик оброк тўлаш, баршчина ишларини бажариш, яъни ҳафтада уч кун ишлаб бериш мажбуриятларига эга эдилар. Улар хўжайин розилигисиз турмуш қуруши, дин хизматида ўтиши ва судда гувоҳлик бериш ҳуқуқларига эга эмас эдилар.

Вилланлар феодалга тегишли ерларни эркин ушлаб турувчилар ҳисобланган. Вилланлар сенорга оброк-тал тўлаганлар. Бу ҳам одат ҳуқуқи билан белгиланар эди. Аммо бу сервларга қараганда енгилроқ эди. Вилланлар пул билан ижара ҳақида ўхшаш ер рентаси- чинш ва барча ҳосилдан бир қисмини тўлаб турган.

XI-XII асрларда шаҳарлар тез ўсиб, шаҳар аҳолиси алоҳида ҳуқуқий ҳолатга эга бўла бордилар. XII асрдан шаҳарларнинг алоҳида феодаллардан мустақиллиги учун, ўзини-ўз бошқариш ҳуқуқини қўлга киритиш учун кураши бошланиб кетади. Шаҳарлар ҳаёти анча барвақт табақа – корпоратив характер касб этиб, целар ва гилдиялар ташкил этишга кўмаклаша бошлайди.

Давлат тузуми. IX-XIII асрларда Франциянинг давлат тузуми сенорлик монархиясининг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ эди. Сюзеренитет-вассалитет муносабатларига асосланган феодал давлати шаклини сенорлик монархияси дейиш мумкин. Бунда сиёсий ҳокимият қирол ва турли даражадаги феодаллар ўртасида тақсимланган.

IX-XII асрларда сенорлик монархиясининг ташкил топиши марказий ҳокимиятнинг зафилашишини, мамлакат ички бирлигининг бузилишини, ташқи сиёсий аҳволининг кучсизланишини англатарди. Дастлаки пайтларда қиролнинг функцияси ниҳоятда чегараланган эди. Унда фақат баъзи анъанавий имтиёзлар

сақланиб қолган эди. Қирол француз қўшинларига бошчилик қилиб, қонунлар чиқарган, суд ҳокимиятини амалга оширган.

XII асрлардан бошлаб қиролнинг мавқеи яхшиланиб, баъзи вазифалари анча кенгроқ амалга оширила бошлаган. Масалан, қирол томонидан қонун ҳужжатлари – низомлар (этаблиссемент) чиқариш амалиёти тикланди. Аммо бунда йирик феодаллар (Катта кенгаш) розилиги талаб қилинарди. Бу даврда қирол юрисдикциясининг доираси ҳам кенгаяди.

Марказий бошқарув. Королинглар давридан қирол саройи сақланиб қолганди. У феодаллар ва сарой мнistrларидан иборат эди. XII асрнинг охиригача қирол маъмуриятида сенешал асосий рол ўйнаган. У қирол саройининг бошлиғи ҳисобланиб, армияга қўмондонлик қилар, давлат ҳужжатларини имзолар эди. Сенешал мансаби Франциядаги энг таниқли оилаларнинг бирини қўлида эди.

Кейинчалик бу мансаб тугатилиб, ҳарбий ишларда сенешалдан кейин **коннетабл** – қирол отлиғининг бошлиғи турган. Унинг ёрдамчиси **маршал**, XIII асрдан бошлаб қироллик адмираллиги ҳисобланган. Қирол хазиначиси давлат архиви ва хазинасига бошчилик қилган. Унга эса камергар ёрдам берган. Қироллик девонхонасига эса канцлер раҳбарлик қилиб, у қирол ҳужжатларини таҳрирдан ўтказиб, қиролга имзо учун тақдим этган ва уларга муҳр қўйган.

Феодал муносабатларнинг ривожланиши қирол вассаллари йиғини – **қирол куриясида** ўз ифодасини топади. Ушбу орган Королинглар даврида вужудга келганди. Курияда сиёсий, молиявий, суд характериға эға бўлган масалалар муҳокама қилингандир. Қироллар Куриядан уруш ва тинчлик, салб юришлари, рим папаси билан муносабатлартўғрисидаги ва бошқа масалаларни ҳал этишда маслахатлар сўраганлар.

Маҳаллий бошқарув. Қирол чиновниклари жойларда жуд хилма-хил вазифаларни амалга оширган. Уларнинг қўлида маъмурий, ҳарбий, суд, молиявий вазифалар тўпланган эди.

XI асрнинг ўрталаридан қирол ўз доменида **прево** мансабини жорий этади. Преволар махсус округлар – превотликларға таянилиб, ушбу округларнинг бошлиқлари, қишлоқларда уларнинг ёрдамчилари – **сержантлар, шаҳарларда-майорлар** эди. Превос асосан қирол хазинасига солиқлар йиғиш, бошқарув масалаларини ҳал этиш ва суд ишларини қўриш билан шуғулланар эди. Булардан ташқари қиролликка қарашли барча мулклар **бальяж** деб аталувчи тенг маъмурий округларға бўлиниб, уларға қироллик губернаторлари – бальялар бошлиқ қилиб қўйилди.

3. Табақа-вакиллик монархияси даври – XIV-XV асрлар

Ижтимоий ва давлат тузуми. XIV аср бошида Францияда сенорлик монархиясининг ўрниға феодал давлатнинг янги шакли яъни табақа – вакиллик монархияси вужудға келади. Табақа – вакиллик монархиясининг ташкил топиши шу даврдаги сиёсий марказлаштириш, қирол ҳокимиятининг ўсиши ва алоҳида феодаллар яққа ҳокимиятининг тугатилиниши билан боғлиқдир. Ўша даврда феодалларнинг сенорлик ҳокимияти ўз сиёсий характерини йўқотган.

XIV асрға келиб шундай шароит вужудға келдики, сенорлик ўлпонларини

йиғиш учун қирол ҳокимиятининг розилигини олиш керак бўлиб қолди. Қироллар феодалларнинг анъанавий имтиёзлардан – хусусий урушлар олиб бориш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилган. XV асрда фақат баъзи йирик феодалларгина ўз армияларини сақлаб қолган эди (Бретен, Бургундия). Сенорлик қонунлари аста-секин йўқолиб, қироллик ҳолатини ташкил этувчи ишлар кенгайган ва сенорлик юрисдикцияси ҳам анча чекланади.

Ўша даврнинг асосий муоммоларидан, яъни мамлакатни сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга ва шахсий ҳокимиятни кучайтиришга тўсиқ бўлиб келган жиддий сиёсий тўсиқ - рим-католик черкови эди. Француз ҳокимияти папаликнинг дунёга ҳукмронликни даъво қилишига ҳеч қачон рози бўлмаган, лекин шунинг билан бирга у билан очикдан-очик қарама-қаршиликка ҳам бормаган.

Албатта бу ҳолат чексиз сақланиб қолиши мумкин эмас эди. Ҳаммамизга маълумки илгариги вақтларда қироллар ва императорларни осонликча енгиб келган папалар вақт ўтиши билан миллий сиёсатни ўтказган француз қироллари билан курашларда тамомила муваффақиятсизликка учрайдилар.

Французларнинг Рим папаси устидан ғалабаси феодал мустақил ҳуқуқларнинг аста-секин йўқолиши қирол ҳокимиятининг обрў-эътибори ва сиёсий нуфузи ошиб боришига олиб келди. Табақа – вакиллик монархияси ҳали феодал сенорликларнинг, католик черковнинг ва бошқаларнинг автоном ҳуқуқлари батамом тугатилмаган бир пайтда, мамлакат марказлашувининг маълум босқичида ўрнатилган.

Бу давр ҳақида яна фикр юритадиган бўлсак, унда феодалларнинг анъанавий хўжаликларини, деҳқонларни эксплуатация қилишни қайта шаклланишига олиб келишига сабаб бўлди. Шаҳарларнинг ва товар ишлаб чиқаришнинг янада ўсиши аҳоли сони ва савиясининг ҳам ўсишига ҳамда сиёсий фаоллиги ортишига олиб келди.

Иқтисодий ривожланган ҳудудларда озод меросий ерлар – сензивалар эгаси яъни деҳқонлар мавжуд бўлди. Бу ерлар эгаси бўлмаш деҳқон – сензитарий ўз хўжайинига бадал тўлаб, айрим мажбуриятларни бажарган. Лекин кейинчалик француз деҳқонларининг қарамликдан қутулиш сабаблари асосан, XIV асрдаги феодалларга қарши курашидир (Жакерия кўзғолони ва бошқалар).

XIV-XV асрларда табақа тузумини қайта ташкиллаштириш ниҳоясига етиб, натижада Францияда аҳоли **рухонийлар, дворянлар ва озод кишилар** (шаҳарликлар)дан иборат уч табақага бўлиндилар. Улардан биринчи табақа **рухонийлар** ҳисобланар эди. Рухонийларнинг ягона ҳуқуқий мақоми ўрнатилиши билан, унинг муҳим табақа имтиёзлари сақланиб қолди. Улар аввалгидек десятина (ер участкалари), ҳайр-эхсон олиш ва солиқ ҳамда суд иммунитетини сақлаб қолди.

Давлатдаги иккинчи табақа бу - **дворянлар** эди. Дворянлар XIV-XV асрлардаги Франция сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим рол ўйнаганлар. Дворянларнинг энг муҳим имтиёзи, улар ерга нисбатан қатъий эгалик ҳуқуқига эгалигида эди. Улар барча ерларини ҳаракатсиз мулклари билан мерос қилиб қолдиришлари мумкин эди. Уларнинг асосий мажбуриятлари илгариги сенорга эмас, балки қиролга ҳарбий хизмат ўташи ҳисобланган.

Учинчи табақа **шаҳар аҳолиси**га “пасткаш кишилар” сифатида қаралган. Улар ҳеч қандан шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлмаган. Бу табақа Францияда солиқ тўловчи ягона табақа эди, ҳамда улар зиммасига давлат солиқларининг ўғирликлари ҳам юклатилинарни. Улар ўзини ягона умуммиллий куч деб ҳисобламасдилар.

Марказий ва маҳаллий бошқарув. Табақа – вакиллик монархиясининг вужудга келиши ва янги сиёсий давлат аппарати бошқарувининг қирол ҳокимияти қўлида аста-секин шаклланиши билан тавсифланади. Бу даврда марказий бошқарувда жиддий ўзгаришлар жараёни юз бермади. Қирол ўз маслаҳатчилари фикрига эмас, балки, барча маъмурий ва давлат чиновникларининг ҳокимиятчилик ваколатлари қиролдан келиб чиқади деган тамойилга асосланди.

Канцлер лавозими сақланиб қолган бўлиб, у илгаригидек қироллик канцеляриясининг бошлиғи бўлиб, қирол ҳужжатларини тузар, суд мансабларига тайинлар ва қирол куриясида ҳамда қирол йўқлигида қирол кенгашида раислик қиларди. Ҳокимиятнинг марказлаштириш жараёни янада ривож бўлган вақтда қироллик курияси базасида ташкил этилган **Катта кенгаш** (1341 йилдан - 1497 йилгача)нинг марказий бошқарув тизимида муҳим ўрин тутган ўз ифодасини топган.

Ушбу Кенгашга легистлар, олий дунёвий ва диний задаларлар (шаҳзодалар, Франция перлари, архиепископлар ва бошқалар)нинг 24 вакили кирарди. Кенгаш ҳар ойда бир марта чақирилар, унинг ваколатлари қатъий характерга эга эди. Кейинчалик қирол ҳокимиятининг мустақамланиб бориши, Кенгаш ўрни пасайиб боришига ва қирол тор доирадаги яширин кенгаш чақирадиган бўлган.

Қироллар маҳаллий бошқарув сиёсатини марказлаштиришга ҳаракат қилиб бошқарувда янги – **губернатор** мансабини ташкил этганлар. Баъзи ҳолларда улар қироллик лейтенанти унвонини қўлга киритиб, ҳарбий ҳаракатларга ҳам эга бўлганлар. Булардан ташқари губернаторлар янги қалъалар қуришни таққлаш, хусусий урушларга йўл қўймаслик ҳуқуқларига ҳам эга бўлганлар.

XIV асрда қондош шаҳзодалардан ва таниқли дворянлардан тайинланадиган генерал-лейтенант номи билан аталувчи мансаб эгалари пайдо бўлган. Даставвал бу мансаб қисқа муддатга ва тор ваколатлар билан таъсис этилган. Улар баъзи солиқ турларидан озод этилган ва авф этиш ҳамда бошқа ваколатлардан фойдаланганлар.

4. Мутлақ монархия даври - XVI-XVIII асрларда

Ижтимоий ва давлат тузуми. Францияда абсолютизмнинг вужудга келиши мамлакатнинг ижтимоий-ҳуқуқий тузилишида чуқур ўзгаришларга сабаб бўлди. XIV асрга келиб француз монархияси ўзининг илгарига мавжуд бўлган вакиллик муассасаларини тугатган, аммо ўзининг табақавий тартибини сақлаб қолганди.

Давлатда илгаригидек биринчи табақа руҳонийлар бўлган. Бу вақтда Франциянинг 15 миллион аҳолисидан 130 мингги руҳонийлардан ташкил топганди. Улар жамиятдаги барча ерларнинг 1/5 қисмини ўз ихтиёрларида ушлаб турарди. Мутлақ монархия даврида руҳонийларнинг қирол ҳокимияти ва

дворянлар билан алоқаси анча мустаҳкам бўлиб қолди. 1516 йил Франсиск (Француз) I билан (1515-1547) папа Лев X ўртасида Болоняда тузилган конкордатга кўра, француз кироли барча француз епископларини черков лавозимларига ўзи тайинлайдиган бўлди.

Француз жамиятининг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида ҳукмрон мавқени дворянлар эгаллайди. Дворянлар бу вақтда тахминан 400 минг кишини ташкил этади. Дворянлар ўзларининг аслзодалик ва мансабдорлик фарқларига қарамай, қатор умумтабақавий имтиёзга: унвон олиш, маълум кийим кийиб юриш ва ҳоказо ҳуқуқларга эга эдилар. Улар солиқлар тўлашдан ва ҳар қандай шахсий мажбуриятлардан озод этилган эди.

XVI-XVIII асрларда Франция аҳолисининг энг кўп қисмини учинчи табақа ташкил этарди. Уларнинг таркиби тобора кенгайиб бориб, хилма-хил бўлган. Унда ижтимоий ва мулкӣ даражаланиш кучаяди. Капиталистик уклад ривожининг ва феодализм емрилиши бошланишининг муқаррар натижаси абсолютизмнинг қарор топиши бўлади. Абсолютизмга ўтишда XVI-XVII асрларда француз жамиятининг энг кўп табақалари манфаатдор эди.

XVI асрда абсолютизмнинг вужудга келиши прогрессив характерга эга эди, нимагаки ягона ва кучли қирол ҳокимияти Франциянинг ҳудудий бирлашишини, ягона француз миллатининг шаклланишига етказган, саноат ва савдонинг жуда тез ривожланишига кўмаклашган, маъмурий бошқарув тизимининг оқилона ташкил этилиши имконини берган. Бироқ XVI-XVIII асрларда феодал тузумнинг емрилиши кучайиб бориши билан абсолют монархия, ҳамда унинг ўз-ўзидан ривожланиб борган ҳокимият органлари тобора жамият устида юксала бориб, ундан ажралган ва у билан ҳал этиб бўлмайдиган қарама-қаршиликларга учраган.

XVIII аср ўрталарига келганда феодал тузумнинг чуқур инқироzi феодал давлатнинг барча жабҳалари тушкунликка учрашига ва емирилишига олиб келди. Абсолютизмнинг холакати эса муқаррар бўлиб қолди.

Марказий бошқарув аппарати. Бу даврда эски мансаб лавозимлари тугатилган, қирол ҳокимияти тез-тез ўз хоҳишича янги давлат органлари тузиб турган, кейин улар манфаат келтирмагач қайта ташкил этилган ёки тугутилган. XVI асрда давлат котиблари деган мансабдор шахслар пайдо бўлади. Улардан бири айниқса, қирол ёш, вояга етмаган ҳолларда амалда биринчи министр вазифасини бажарар эди. Лекин бу мансаб расман бўлмаган, аммо **Ришеле** бир шахсда 32 та давлат лавозими ва унвонларни бирлаштириб турган.

Бу вақтда кенслар ўзининг илгарига қудратини сақлаб қолган ва давлат ишларида қиролдан кейин иккинчи шахс бўлиб ҳисобланган. Давлат ихтисослашган марказий маъмуриятга эҳтиёжининг ўсиши натижасида XIV асрнинг охирида давлат котибларининг роли ошди.

Марказий бошқарувида дастлаб молия **суперинтенданти** (Людовик XIV даврида у молия ишлари бўйича Кенгаш билан алмаштирилган), сўнгра **Бош молия назоратчиси** муҳим рол ўйнаган. Ушбу лавозим Колбердан (1665 йилдан) бошлаб жуда катта аҳамият касб эта бошлаган. Ташқи сиёсат масалаларини муҳокама қилиш учун ўз таркиби бўйича тор доирадаги кишилардан иборат **Юқори кенгаш** ҳам чақирилди.

Унга одатда ташқи ишлар ва ҳарбий ишлар бўйича давлат котиблари, бир қанча давлат котиблари ва маслахатчилари таклиф этиларди. **Депеш кенгаши** ички кенгаш масалаларини муҳокамадан ўтказиб, маъмурият ишларига боғлиқ қарорлар қабул қиларди. Молия масалалари бўйича кенгаш давлатнинг молия сиёсатини ишлаб чиқиб, давлат хазинасига келиб тушадиган янги маблағларни изларди. Юқорида кўриб ўтганимиздек давлат бошқаруви бирмунча ўзига хос тарзда амалга оширилган.

5. Францияда ҳуқуқнинг асосий белгилари

Француз ҳуқуқи тарихида Ғарбий Европа ўрта асрлар ҳуқуқининг маълум белгилар ўзининг анча тўлиқ ифодасини топганди. Бу даврда ҳуқуқнинг муҳим манбалари одатлар ҳисобланган. X асрга келиб Францияда Сали ҳақиқати ва бошқа варвар қабилаларининг одатлари ҳаракат қилмай қўйганди. Буларнинг ўрнига феодал тарқоқлик шароитларида алоҳида минтақаларнинг, сенорларнинг ва ҳатто жамоаларнинг **худудий ҳуқуқий одатлари (кутюмлар)** вужудга келади.

Йирик феодал эгаликлари орасида улар хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Айниқса Шимолий Францияда кутюмларнинг аҳамияти катта эди. Шимолий Франциянинг “одат ҳуқуқи” мамлакати деб аталиши ҳам бекорга эмас. Одатлар оғзаки шаклда вужудга келади, шу туфайли Франциянинг шимоли “**ёзилмаган ҳуқуқ мамлакати**” деган ном билан ҳам аталади.

Одатлар судларда тан олиш учун улар “қадим замонлардан буён”, яъни ҳеч бўлмаганда 40 йилдан бери маълум бўлиши зарур эди. XII асрдан бошлаб алоҳида кутюмлар ёзила бошланиб, XIII аср ўртасига келиб эса Нормандияда одат ҳуқуқининг қисман тўла тўплами – **Нормандиянинг катта кутюми** (1255 йилда) тузилган ва суд амалиётида фойдаланилган. Бу вақтдан бошлаб қироллик судялари ва легистлар томонидан ёзилган маҳаллий одат ҳуқуқининг қатор хусусий ёзувлари пайдо бўлади. Мисол тариқасида бундай ёзувлардан, Пер де Фонтен томонидан ёзилган “Дўстга маслаҳат” (1253 йил)ни кўрсатишимиз мумкин.

Аммо ўрта асрда Францияда машҳур ва кенг тарқарган одат ҳуқуқи тўплами – **Бовези кутюмлари** (1283 йил) бўлади. Унинг муаллифи қироллик баляси Филипп де Бомануар ҳисобланади. Ушбу тўплам муқаддима ва 70 та бобдан иборат. Бовези кутюмларидан кейин ҳам, бошқа бир қатор кутюмлар тўплами вужудга келади. Булардан асосан: **Тулуза кутюмлари** (1296 йилда), **Бретанининг қадимги кутюмлари** (1330 йилда) кабилар эди.

Айниқса, 1389 йилда тузилган Франциянинг катта кутюмлари тўплами судларда жуда юқори нуфузда фойдаланилган. 1454 йилда Карл VII махсус ордонанс чиқариб, барча баляларга ўз баляжларидаги кутюмларнинг ягона тўпламларини ишлаб чиқиш ва уларни умумлаштириш учун Париж парламентиغا жўнатиш ҳақида буйруқ беради. Бу буйруқ асосида XVI асрда 60 та катта кутюмлар тўпламлари ва 200 тага яқин кичик кутюмлар тўпламлари тузилган.

Шунинг учун XVII-XVIII асрларда кутюмларни ва алоҳида ҳуқуқий институтлар бўйича суд қарорлари бирхиллаштиришга ва шу тариқа ягона умумфранцуз ҳуқуқи ғоясини асослашга ҳаракат қилувчи қатор йирик асарлар

пайдо бўлади. Буларга Лвуазелнинг, Домнинг, Потенинг асарларини мисол сифатида кўрсатишимиз мумкин.

Юқоридагилардан ташқари ҳуқуқнинг муҳим манбалари қаторига мамлакатнинг бутун ҳудудида тенг даражада ҳаракатда бўлган **каноник ҳуқуқ меъёрлари** ҳам кирган. Каноник ҳуқуқи ўзининг юқори чўққисига XII-XIII асрларда чиқади. Бу пайтга келиб, черков трибунларининг компетенциялари кенгайиб, улар ҳам диний, ҳам дунёвий аҳоли устидан ўз юрисдикцияларини кенгайтирганлар.

Ўрта асрларда **шаҳар ҳуқуқи** ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Унга ўзига хос одат ҳуқуқи сифатида қаралган. Шаҳар ҳуқуқи ўзининг хилма-хиллиги билан ажралиб турган, аммо уни умумий белгилари ҳам йўқ бўлмаган. Шаҳар ҳуқуқининг асосий манбалари, шаҳар хартиялари ҳисобланган. Шаҳар хартиялари меъёрий характерга эга бўлиб, шаҳар аҳолисининг қирол билан ёки алоҳида сенорлар билан келишуви акс эттирилган.

Хартияларда ва уларга асосланган шаҳарларнинг ички регламентларида тинчлик ва тартибни сақлаш назарда тутилган, феодал одат ҳуқуқи билан ҳимоя қилинмаган фуқароларнинг муҳим ҳуқуқ ва эркинликлари тан олинган, ҳамда савдо ва ҳунармандчилик фаолияти тартибга солинган.

ГЕРМАНИЯ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ (IX асрнинг ўртасида – XVIII аср)

1. Германия давлатининг ташкил топиши.
2. Илк феодал монархияси. “Герман миллатининг муқаддас Рим империяси” (X-XIII асрлар).
3. Германияда курфюристлар олигархияси ва табақа-вакиллик монархияси даври (XIII-XVII асрлар)да ижтимоий-сиёсий.
4. Ўрта асрларда Германияда ҳуқуқнинг асосий белгилари.

1. Германия давлатининг ташкил топиши

843 йилда Верден шаҳрида бўлган тақсимотга мувофиқ “Шарқий Франк ерлари” – бўлғуси Германия ҳудуди Людовик Немисга ўтди. Герсогликлар шимолдан жанубга қараб қуйидагича тартибда жойлашган эди: Саксония, Франкония, Швабия, (илгариги Аллемания), Бовария. Дастлаб бу қироллик “Шарқий франклар қироллиги”, X аср ўрталарида эса Тевтонлар давлати деб аталган. Бу давлат кейинроқ – XI асрдан Германия деб юритила бошланди”.

Германия давлати уруғдошлик тузумининг емирилиши натижасида пайдо бўлмасдан, балки ўрта асрларда феодализмни ўз бошидан кечираётган давлат – франклар давлатининг инқироzi (бўлиниб кетиши) натижасида, унинг бир қисмидан ташкил топади. Германияда товар пул муносабатларининг барвақт ривожланиши ишлаб чиқаришнинг натурал характерини бирданига бузиб ташламади.

Герман князлмкларининг нотекис иқтисодий ривожланиши сезилиб турди. XIV асрга келиб, агарда Англия ва Франция давлатларида сиёсий тарқоқлик тугатилиб, марказлашув рўй бераётган бўлса, Германияда бунинг тескари жараёни – сиёсий тарқоқлик кучаяётган эди. Ўрта асрларда Германия давлатининг ташкил топиши ва ривожланишида қуйидаги босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Илк феодал монархияси даври (X-XVIII асрлар);
- Курфюрислар олигархияси ҳамда табақа – вакиллик монархияси даври (XIV-XVII асрлар).
- Герман қиролликлари абсолютизм даври (XVII-XVIII асрлар).

2. Илк феодал монархияси. “Герман миллатининг муқаддас Рим империяси” (X-XIII асрлар).

Ижтимоий ва давлат тузуми. Қироллар бу вақтда хали уруғдошлик тузуми давридан бери одат ҳуқуқи асосида сайланиб қўйилар эди. Фақат Оттон I даври Генрих (936-973 йиллар) дан бошлаб бу тартиб ўзгарган. Оттон черков билан дўстона алоқа боғлади. У епископларга кенг миқёсида иммунитет ҳуқуқлар берди ва уларга жуда кўплаб ерлар улашди. Шу билан бирга, у епископларни ҳам ўзи тайинларди. Оттон I ҳам отаси каби агрессив ташқи сиёсат юритиб, славянлар ва венгрларни ўз таъсирига олди, уларни христианлаштира бошлади.

Оттон I дастлаб 951 йилда Италиянинг Равия шаҳрини босиб олди, шимолий Италия князларидан бир нечтасини тор-мор қилиб, Прованс билан Италия қироли Лотарнинг бева қолган хотини, қиролича Аделгиядага уйланди. 961 йилда Оттон Италияга яна юриш қилди. Бу сафар Оттонни папа Иоанн XII нинг ўзи ёрдамига чақирган эди. Оттон I Рим феодалларини бостириб, папани тахтга ўтқазди.

Бунга миннатдорчилик билдириб папа 962 йилнинг бошида Оттонга императорлик тожини кийдирди. Шундай қилиб, янги “империя тикланди”. Янги имерияга “Муқаддас Рим империяси” деб ном берилди. Шундан кейин герман иператорларини ўзларини рим сезарлари (императорлари)нинг ворислари деб ҳисоблай бошладилар. Фақат кейинроқ бориб, XII асрдагина бу иборага икки сўз қўшилиб, “Герман миллатининг муқаддас Рим империямси” деб аталадиган бўлди.

Табақа вакиллик монархияси.

IV аср ўрталарида Буюк Карл империясининг инқирозга юз тутиши Шарқий Франк қироллигининг мустақил фаолият кўрсатишига замин яратиб берди. Юз йилдан сўнг Тевтон давлати, кейинроқ эса Германия деб атала бошлади.

Ҳуқуқий ҳолатига қараб X-XIII асрларда герман аҳолиси уч гуруҳга бўлинган:

- v рицарлар
- v шаҳарликлар (бюргер)
- v дехқонлар

Биринчи гурухга дунвий ва черков князлари империя лен (ўрта асрларда Германияда ер эгаллиги бўлиб, у ёки бу шахсга харбий ёки маъмурий хизмат ўташ шарт билан берилган) сохиблари, герцоглар, маркграфлар-императорнинг бевосита вассалари бўлиб, унинг доменида ерлари мавжуд бўлган, бундан ташқари “эркин жаноблар”, баронлар ҳам шу гурухга кирганлар. Уларнинг вассаллари рицарлар хисобланган. Бундан кейинги табақага бир қалқонли рицарлар кирган. Хукумрон табақага епископлар ва аббатлар мансуб бўлган.

XV асрга келиб шаҳарлар учта: империя, княз ҳамда эркин гурухларга ажралган. У даврда империя шаҳарлари энг кўп мухториятга эга бўлганлар. Дехқонлар оммасининг кўп қисми асосан қарам ахволда эдилар. Шахсий эркинликларга эга бўлган дехқонларнинг маълум қисми ердан фойдаланганликлари ва қўлда тутганликлари учун рицарлар табақасига ўлпон тўлб турганлар. Дехқонлар оммаси ҳам заминдор (феодал)лар ерида ишловчилар ва қароларга бўлинганлар. Саксонияда Германиянинг бошқа ерларга дехқонларнинг эваз тўлаш асосида озодликка чиқиши бирмунча олдинроқ бошланган. Шундан бошлаб ерлар қисқа муддатга ижарага берила бошлади.

Ерга эгалик (феодал) муносабатларнинг ўта суст ривожланиши капиталистик укладнинг шаклланишига монъелик қилиб келарди, шунинг натижасида умумгермания бозор бирлигининг пайдо бўлиши орқада қолиб келарди. Ушбу сабабга кўра герман князликлари тарқоқлигига барҳам бериш юз йилларга чўзилиб кетди. Немис кироллари энди ички муаммолар эмас, балки ташқи муаммолар кўпроқ қизиқтира бошлади. Улар энди ўз ерлари ҳудудларини қўшни мамлакатлар, биринчи навбатда славян, роман ва болтиқбўйи халқларига қарши тажовуз қилиш воситасида кенгайтиришга интила бошладилар.

Оттон 1962й. Италияни забт этиб император тахтини эгаллади ва “Герман миллатининг муқаддас Рим империяси” га барҳам берди. Муқаддас империя деб аталмишнинг сабаби унинг бошлиғи император бўлишлигидан ташқари рим папаси ҳам раҳбарлик қилган. Дастлаб, ҳокимият аслида бу иккала шахсдан қайси бирининг қўлида эканлиги мутлақ бўлиб турди. Империяни Рим империяси деб аталмишидан мақсад унинг ғарбий рим империяси ва Буюк Карл монархиясининг ворислигига қилинган шама эди. Империя ташкилотчилари бу билан Европа хукумронлиги мақомига даъвогарлик қилганлар. Вақти-вақти билан империянинг халқаро таъсири ўта салмоқли бўлиб турган бўлсада, папа ва императорнинг босқинчилик даъволари ҳақиқий имкониятларга тўғри келмасди.

Германия феодал давлатининг ўзига хос хусусияти-марказий ҳокимиятнинг замонлигидадир. Императорлар фақат қисқа муддат давомидагина князликларни ўзларига тобеэ этиб, йирик дунёвий ва рухоний феодалларни итоат эттира олдилар холос.

Хатто герман императорлари ўз ерларида фаолият кўрсатишларида ҳам анча сиқилиб қолдилар, кўп холларда уларнинг мавқеи Рим папасига боғлиқ бўлиб қолди.

Бундан ташқари, улар нуфузли зодогонларга ҳам қарам бўлиб қолган, бъзи холлар эса ўз вассаларига ҳам хушомодгўйлик қиларилар.

XIII асрнинг бошларигача қирол (император) ҳокимияти бирмунча мустахам эди. Бошқарув саройи-вотчина асосида қурилган эди.

Махаллий жойларда ҳокимиятни графларамалга оширар эдилар. вақт ўтиши билан улар ворислик ҳуқуқини ҳам қўлга киритиб олдилар. Герцоглар, маркграфлар, графлар мавқеини ошиши марказий ҳокимиятнинг мавқеини пасайтириб юборди ва децентрализацияга олиб келди.

Умум империя маслакаларини ҳам қилиш учун баъзи баъзида рейхстаг (съезд) чакирилиб турарди. Унда бирлик князлар (курфюрстлар), графлар, империя шаҳарларидан вакиллар рицарлар ташкилотидан гроссмейстерлар қтнашганлар. Курфюрстлар рейхстагга ваколатланган намояндлари юборганлар. Реахстаг империяда ҳал қилувчи орган ҳисобланмаган Баъзи князликларда ўзларининг икки ёки уч палатали ландтаглари мавжуд бўлган, уларда иштирок этиш учун рухонийлар дворянлар ва шаҳарликлардан ташқари баъзан эркин деҳқонлар намояндаларига ҳам рухсат берилган.

XII асрнинг бошларида князлар ўз топган пулларини зарб этиш, божхона тўловларини олиш, ўз суудларига эг бўлиш (бу судларнинг қарорлари ўстидан шикоят қилинишига йўл қўйилмаган) ҳуқуқини қўлга киритдилар. Улар қалъалар қуриш ва ҳатто ўз қонунларини чиқариш ҳуқуқига ҳам эга бўлганлар.

Императорлар князларнинг давлат ҳуқуқий мустақиллигини кўплаб тасдиқлаганлар. Бундан фойдаланиб курфюрст ва черков князлари шаҳарлардан ўлпонлар йиғар, ўзларининг шахсий манфатларини кўзлаб бозорлар фаолиятини чеклаб қяр, цех ташкилотлари фаолиятини чеклаб қўяр, шаҳараларда ўз-ўзини бошқарув жамоаларига монелик қилиб тақиқлаб қўяр, шаҳарлар иттифоқларига тўсқинлик қилардилар. Буларнинг ҳаммаси шаҳарларда ҳунармандчилик ва тижорат соҳалари ривожланишининг пасайиб ктишига ҳамда умумгерман бозорлари ўртасидаги алоқаларнинг узилиб қолишига ва сусайиб кетишига сабаб бўлди.

Йирик дунёвий ва рухоний ер эгалари ўзларининг мулкларини мустақил князликларга айлантира бошладилар. Майда ер эгалари эса уларга қарам бўлиб қолдилар. Шаҳарлар билан қироллар ўртасидаги иттифоқ амалга ошмади. Мамлакатда иқтисодий тарқоқлик ккучайиб кетди. Олий ва рухоний магнатлар зодогонларнинг маслахатларисиз император бирор бир ишни ҳам амалга оширишга қудрати етмасди, бирор бир муҳим масалани ҳал қила олмасди.

Император ҳокимиятини ишлаш сиёсатини энди поплар ҳам амалга ошқора бошладилар, улар бу иш ва йирик герман магнатлари ёрдамига таяндилар. Поплар ва император ўртасида кучли тўқнашувлар XII-XIV асрларда айниқса авжига чиқди. Герман князлари, олий рухонийлар, табақаси қулай шароитларидан фойдаланиб поплар ва императордан янги имтиёзларни қўлга киритишга интилардилар.

Епископ лавозимини эгаллаш пайтида империя бошлиғи томонидан узук ва хасса - ҳокимият рамзи (инвеститура) топширилиши узоқ муддат сақланиб қолди. 1122 йилги Вормконкорбатига биноан бундай ҳуқуқ императорлардан олиб қўйилди. Черков мансабларини эгаллаш диний қоида-тартибда амалга оширилиши қайта тикланди. Қирол сайланган епископга зудлик билан лен

асосида ер ажратиб бериши лозим бўлган. Бу эса фақат черков феодалларининг мустақиллигини кучайтирарди холос.

Императорнинг князларга нисбатан салгина бўлсада конундан ташқари ҳаракати ёки муносабати диний тахтдан қуллаши билан тугарди. Император Вацлав шаҳарларга ёрдам кўрсатишига интилиши биланок тахтдан ағдариб ташланди.

Фақат узоқ давом этган курашдан сўнгина император Карл IV (Чехия қироли) папани империя ишларига аралашувидан четлаштирди. 1356 йилги Олтин буллага биноан папалар император сайловида иштирок этишдан четлаштирилди.

Сайлов хайъати таркибида тўрт курфюрст-сайловчидан ташқари уч олий епископ ҳам иштирок этган. Император сайлаш ёки уни олиб ташлаш учун оддийгина кўпчилик овоз кифоя бўлган. Энг муҳим ҳужжатлардан бири курфюрстларнинг тўла давлат мустақиллигини тан олиниши эди. Бу 158 йилги Олтин булладаги энг муҳим ҳужжат ҳисобланади. Ўз улусларида улар суверен ҳокимиятга эга бўлиб, олий судя ҳуқуқини олдилар. Улар пул зарб этиш, ўз ҳокимият белгиларига эга бўлиш ҳамда хусусий урушлар олиб бориш ҳуқуқларини ҳам олганлар. Шаҳарларга курфюрстларга қарши иттифоқ тузиш тақиқлаб қўйилди.

Буларнинг барчаси феодал тарқоқликни мустаҳкамлади. Хулласи калом Олтин булла немис кўпҳокимиятчилигининг асосий қонуни бўлган.

Мутлоқ монархия.

XVI асрнинг биринчи чорагига келиб энди император ва князлар ўзларининг бурунги ҳокимиятларини қўлдан бериб қўйдилар. 1524-25 йиллардаги дехқонлар уруши, папага қарши ҳаракатлар реформацияга олиб келди. Протестантизм асосчиси Виттенберг университетининг илоҳият бйича профессори Мартин Лютер пул эвазига гуноҳларидан фориғ қилишни дадил қоралади, эътиқод қилувчиларнинг жонларини папа томонидан сақлаб қолиниши мумкин эканлигини қаттиқ туриб инкор этди. Уни бюргерлар ва дворянларнинг маълум қисми қўллаб қуватлайдилар. Лютер таълимотига таянган ҳолда буржуазия черковининг дунёий ҳокимиятини ўзларига бўйсундиришга интилдилар, Германияда Рим папасининг имтиёзларини бекор қилишга ва “арзон черков”лар қуришга ўтишни талаб қилдилар. Дехқонлар урушининг улан дохийси Томас Мюнцер Лютернинг тезисларида ер ва озодлик учун кураш дастури мавжуд эканлигини идрок этди. кўзғалон кўтарган дехқонлар ҳараатини бостириш учун феодаллар барча куч-қудратларини сафарбар этдилр.

Айниқса, Ўттиз йиллик уруш (1618-1648 йиллардаги оғир оқибатлар келтриб чиқарди. Германия, Франция ва Швецариядан бутунлай мағлубиятга учради. Мамлакат ҳалокат оғзига келиб қолди. Халқ оч-начор шаҳарлар ўрнидакултепалар вужудга келди. Дехқонларнинг ночор ахволидан фойдаланган помещиклар уларни ўз исканжаларига олдилар.

Германия мутлақ монархиясининг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, у табиатан кнзлар манфаатини мутлақ монархиянинг ўрталиши

марказлаштирувга олиб кела олмади. Аслида императорнинг ҳокимияти фақат унинг доменларидаги ерларгагина ваколатли эди холос. Фуқаровий, жиноий ва процессуал ҳуқуқ соҳаларида ягона умумсалтанат қонунлари мавжуд эмасди. Умумсалтанат қўшни маъмурияти ва ҳатто ягона пул бирлиги ҳам йўқ эди.

Сайланишдан олдин император чекловчи ёрликқа имзо чеккан. У дунёвий ва черков магнатларининг ички ишларига аралашмасликка, Олтин булла ва салтанат (империя) қонунларига риоя қилиш, ўз ҳокимиятини мерос қилмаслик, умумсалтанатга тегишли муҳим масканларни муҳофаза этишда, уруш ва сулҳ масалаларини ҳам қилишда зодогон табақалари вакиллари тақлиф қилиш, салтанатга қарши коалиция ташиқл этмаслик ва хоқозолар ҳақида қасамёд қилган. Курфюрстлар салтанат тахтига даъвогарларидан маълум миқдорда малбағ олиб турганлар.

Император ҳокимияти номигагина бўлиб, князлар ўзларининг сисий мустақилликларини қатъий ўрнатиб олган эдилар. Император рейхстаг мажлисларида қатнашмас балки ўзининг вакиллари у ерга юборар эди. Аслида ҳокимит императорда эмас балки, курфюрстлар ҳайъати қўлида бўлган.

Фақат XIV асрга келибгина рейхстаг доимий фаолият кўрсатувчи органга айланди. У уч палатадан иборат бўлган: биринчи палатада-курфюрстлар, князлар, иккинчи палатада баронлар, учинчи палатада империя шаҳарлари вакиллари мажлис ўтказганлар. Бироқ, баронлар фаақатгина 4 овозга эга бўлганлар, учинчи палата депутатлари эса князлар қарор қабул қилмагунлариг қадар овоз бера олмаганлар. Табақалар манфаатлари мос тушмаган онларда рейхстаг ўзининг ўнлаб йиллар иш фаолиятида бирорта ҳам қарор қабул қилмаган пайтлари ҳам бўлган, ёки қабул қилинган тақдирда ҳам ижросиз қолиб кетаверган князлар ва баронлар фикрларидан қайтишлари ҳам мумкин бўлган ва император уларни рейхстаг қарорини бажаришга мажбур этишга ожиз бўлган. Худди шу даврда империя (салтанат) суди вужудга келиб, унинг қарорлари ри ҳуқуқи асосида қабул қилинган.

Давлат тузилиши шаклига кўра Германия феодал князликлар, империя графликлари ва шаҳарларни бирлаштирган ғовак (мўрт) иттифокдан иборат бўлган.

Хар бир графликда ўзининг божхона тарифи, пули, ўлчови, оғирлик бирлиги, қонунларининг мавжуд бўлишлиги капиталистик тузимнинг ривожланишига монеълик қилиб келган. Германияда ягона бозор бўлмаган. Немисларнинг ўзлари таъкидлашларича бир йилда неча кун бўлса, уларда ҳам шунча миқдорда давлат мавжуд бўлган. Буржуазия жуда заиф бўлиб, князлар черковга тобеъ бўлган. Иқтисодий тарқоқлик капитализмнинг ривожланиши ва ягона мамлакатнинг шаклланишига ҳалақит бериб келган.

XVII асрнинг иккинчи ярмида Германияда энг катта монархиялардан Австрия ва Пруссия эди. Хар иккала давлатда ҳам қироллик абсолютизми ҳукм сурган ва улар ўз манфаатлари йўлида хизмат қиладиган сиёсатларини юритганлар. Монархлар ҳатто ўз фуқароларнинг шахсий ҳомийлари ҳам меърга солиб қўйганлар. Асосий диққат эътибор қўшин ва полицияга қаратилган. Бу мамлакатларнинг давлат тузилишида баъзи ўзига хос жихатлар мавжуд. Австрия

бирмунча камроқ марказлашган давлат бўлган. Габсбургларнинг сепаратизм ва тарқоқликни бартараф этишга қилган ҳаракатлари узоқ вақт беҳуда кетди. Бунга австрия, венгер ва чех дворянларининг ўзаро келишмовчиликлари таъсир этди. Император ҳузурида қуйдаги муассасалар мавжуд бўлган: давлат кенгаши, қироллик котибияти, ҳарбий кенгаш, коммер-коллегия.

Вилоят сеймлари ва ландтаглари йўқотишга бўлган интилишлар қўзланган натижалар бермади. қирол ҳокимияти вилоятларда ўз самарадорлигини қўйишга қодир эмасдилар, чунки у маҳаллий зодагонлар кимни тавсия этсалар ўшани тайинлашга мажбур бўлганлар.

Венгрия, Чехия, Италиянинг бир қисми Габсбургларнинг ҳукумронлиги остида бўлиб, бу юртларнинг халқларига зўрлик сиёсати билан тазйиқ ўтказилган; немис тили давлат тили ҳисобланган, венгер ва чехларни католик динини қабул қилишга мажбур этганлар. Шундай бўлса-да, австрия қироллигининг вазияти мураккаблигича қолаверди, ҳатто қироликнинг умумтанолинган номи ҳам йўқ эди. Уни англатиш учун ўзига хос - “Габсбурглар хонадонининг меросий мулки” атамаси қўлланилган.

Қироллик тақдири ва эраклар наслининг тугаб қолиши эҳтимолидан ҳавотирга тушиб қолган карл VI 1713 йили Прагматик самқция эълон қилди. Бу қонун қиролликнинг бўлинмаслиги (яхлитлиги) ва императорга эркаклар насли бўлмаган тақдирда галларга тахтни топшириш ҳуқуқи берилди. Аммо иқтисодий ва ҳарбий заифлик туфайли Австриянинг халқаро обрўи ва нуфузи пасайди.

Собиқ Тевтон давлати прусси, аксинча янада кучлироқ давлатга айлана бошлади. XVI асрнинг бошларида Пруссия герцоги, собиқ Прольша вассали ўз мулкларини Бранденбург князлиги билан бирлаштириб мустақил ҳукумрон бўлишга эришди. XVII асрнинг бошида Пруссия крфюрсти қирол унвонини олди.

Бранденбург-Пруссия давлатининг гуллаб яшнашига қуйдаги сабаблар асос бўлди:

- v мураккаб халқаро вазиятлардан қиролларнинг ўзлари учун фойдали манфаатларни ажратиб ола билишлари;

- v дипломатияда хийла-найранг ва айёрлик усуллари қўллаш;

- v кучли қўшин сафларини ташкил этиш;

- v деҳқонлар қўзғолонларини шафқатсизлик билан бостириш.

Нисбатан ҳудудий жихатдан катта бўлмаган Пруссия XVIII асрнинг иккинчи ярмида улан армияга эга бўлди. Қўшинга таълим бериш ва уни бошқариш қиролнинг асосий вазифасига айланди “Молиянинг олий бошқаруви” домен ва ҳарбий ишларни идора қилиш фаолияти энг аввало ҳарбий муассасаларга қаратилди.

Пруссия ўша даврлардаёқ, гарчи ўзининг босқинчилик режаларини тўла амалга оширишга кучи етмасада, ўта тажовузкор давлат саналган. қўшинда интизом шпицрутенлар ва капралларнинг умум ҳокимияти ёрдамида сақланиб келган. Зобит рутбаси энг шарафли унвон ҳисобланган, уни заррача беҳурмат қилганлик учун жойида жазолашга рухсат берилган. Прусс армиясидан заиф қўшинлар жудда ҳавотирда яшашарди. Аммо ташкилий жихатдан анча мустаҳкам рақибларга дуч бўлганда ҳар гал мақлуб бўлган. 1760 йили рус армияси Берлинни

эгаллаган, кейинроқ Франция қўшинлари ҳам прусс қўшинларини бир неча бор мағлубиятга учратган.

Ички бошқарв борасида австрия монархига караганда прусс қироли марказлаштириш жихатидан анча кўпроқ муваффақиятларга эришди. Махфий кенгаш муассасасининг бекор қилинишидан сўнг учта мухим муассаса ташкил этилди, улар: ички ишлар, адлия, ташқи ишлар муассасаларидир. Кенг тармоқ ёзган полиция аппарати ҳамма ишларга аралашган, хаттоки, улар аёлларнинг янги мода бўйича кийиниши, ёки юзига уша суриши каби икки-чикирларга ҳам аралашаверган.

Тобе фуқаролар қирол томонидан белгиланган миқдорда ва албатта юқори нархларда қахва сотиб олишга мажбур этилган. Махсус “исковичлар” штати (лавозими) мавжуд бўлиб, улар пруссияликларни фақат қирол оморхоналаридан қахва сотиб олишга мажбур қилганлар.

Қиролнинг асосий таянчи қўшин ҳамда амалдорлар бўлган. Пруссия маъмуриятининг амалдорлари “немисча содиқлик” анъаналари асосида тарбияланганлар, хизмат фаолияти даражала ҳақидаги жадрвалга мувофиқ тартибга солинган. қўйилган нуқсон-камчиликлар, айниқса, бетартиблик ва ижросизлик учун қаттиқ жазолар белгиланган. Амалдорлар аппарати аниқ ва ташкилий ижросизли учун аттиқ жазолар белгиланган. Амалдорлар аппарати аниқ в ташкилий жихатдан пухта фаолият кўрсатган. Шунинг учун ҳам прусс амалдорлари бошқа немис давлатлари учун ўрнак, намуна ҳисобланганлиги бежиз эмас. Айниқса, солиқ ундириш борасида уларга тенг келадигани топилмаган.

Жойларда ландтаглар сақланиб қолдилар, аммо улар қирол амалдорлари ландратлар назорати остида бўлганлар. Монархиянинг бюрократик (тўрачилик) аппарати ўта қатъий марказлаштирилган тартиб асосида қурилган, бу ҳол айниқса ҳарбий полиция ва молиявий соҳаларда яққол намоён бўлади. айна пайтнинг ўзида қирол помешчикларнинг дехқонлар устидан ҳокимиятни сақлаб қолди ва кенгайтирди.

Германия князлари француз ва рус монархларга тақлид қилиб ҳашаматли дабабалар ўтказар, базму-жамшидлар қурур эдилар.

Янги даромад манбаларини излаб топиш мақсадида аҳолини талар, ўз аскарларини оммавий равишда сотиб юборар эдилар. Ландграф Гессенскийнинг Англияга 17 минг аскарни сотиб юбориши натижасида графликдаги 8 фойизга камайиб кетган.

Маҳаллий ер эгаллари ўз тобеъларини туз, пиво, ўтин ва хатто ғилдиракларга суриладиган мойларни ҳам фақат улардан сотиб олишга мажбур қилганлар. Улар ўз манфаатлари йўлида тўла лаёқатга эга бўлмаган танга пуллар зарб этганлар, ҳарбий хизматдан озод қилиш учун қашоқликка олиб келувчи тўловлар олганлар. Зулм-ташаббуснинг кучайиб кетиши ва бедодликнинг зўрайиши натижасида минглаб немис дехқонлари хорижга қочиб кетдилар.

Тобеъ фуқаролар устидан ҳукумронлик ўтказиш зўрлик орқали, калтак ва қамчи воситасида амалга оширилган. Пруссия монархиясини том маънода полиция давлати деб аташган.

Ҳуқуқ.

Жамоанинг турғунлик хусусияти ва ерга эгалик қилишнинг сустилик билан ўтазилиши крипостниклар манфатига хизмат қилувчи одат ҳуқуқи асоратининг сақланиб қолишга омил яратди. Князликларнинг нихоятда кўп бўлишлиги ягона ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқишга ҳалақит берарди.

Мамлакатнинг деярли ҳар бир қисмида ўзининг ҳуқуқий одатлари мавжуд бўлиб, ҳуқумрон табақалар ўзларининг имтиёзларини мустаҳкамлаб олганлар.

Фақат XIII асрга келибгина ҳуқуқни кодификация қилиш бошланди.

Германия феодал давлати ҳуқуқининг ўзига хослиги у партикуляризм асосида тузилган. қарайиб ҳар бир князлик ва йирик шаҳарларда ўзларининг ҳуқуқ тўпламлари мавжуд эди. Норози деҳқонларга қарши курашда помещиклар террорнинг мумтоз воситаси бўлган оломон қилиш воситасидан фойдаланганлар.

Фем 2 судлари мавжуд бўлиб унинг таркибига маҳаллий рицарлар ва бадавлат деҳқонлар кирган. Уларнинг мажлислари ўта махфий тарзда ўтказилган, суд таркиби эълон қилинмаган, унинг аъзолари эса ниқоб кийиб олганлар. Ягона жазо дорга осиб бўлиб, у суд аъзоларининг бири томонидан амалга оширилган. Бундай жазога черков фатво берган ва қўллаб қуватланган, чунки бу жазо “қон тўкишсиз” амалга оширилган.

Ҳуқуқ ижодкорлигида ШЕФФЕНлар 3 муҳим ўрин тутганлар. Уларнинг зиммасига шунинг фактик жихатларини аниқлаш, далилларни текшириш ва баҳолаш, зарур бўлиб қолганда (Фем ШЕФФЕН лотинча - давлат хизматидан ташқари, хусусий; ҳарбий бўлмаган, фуқаровий) “ҳуқуқни топиш” ҳам юклатилган. Бу шеффенларни ўз мулохазалари бўйича юридик нормаларни мувофиқ равишда излаб топиш ва унинг асосида муайян ишни муҳофафа қилиб ҳал этиш демакдир.

XII аср ва XIII асрнинг бошлари Германияда сиёсий в ҳуқуқий инқирозининг энг кучайган даври бўлди. Феодал урушлар подшоликлардаги ўзаро ғанимликлар, сепаратизмнинг авжига чиқиши дунёвий ва зодогонларнинг манфаатларини ошириш учун жуда қўл келди. Императорларнинг маҳаллий ҳокимларга қилган илтижо ва чақириқлари, империя тожининг алоҳида имтиёз ва ҳуқуқлари ҳақида эслатиб туришлари курфюрстлар томонидан жиддий қабул қилинмас, барча даъват ва мурожаатлар эътиборсиз қолар эди.

Бундайдартларда шеффенларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги эмас балки ёзма қонунлар олдинга қўйилган дадил қадам бўлди. Бу даврда хусусий ёзма ҳуқуқлар ҳам вужудга кела бошлади. XIII асрда яратилган Саксон ва шваб ҳуқуқи ана шундай ҳуқуқ сирасига киради. Саксон ҳуқуқининг муаллифи магдебург шеффенларидан бири бўлган (Э.Репков). Ҳуқуқ (зеркало) манбалари бўлиб адат ва диний ҳуқуқ нормалари, шунингдек Юстиниан кодексидола олинган нормалар, хизмат қилган. Тўпламнинг биринчи моддасиданоқ сезилиб турибдики, унинг муаллифи черков ходимларини дунёвий даъво ва ҳуқуқбузарликларни муҳофафа қилишдан четлаштирган. Унда папага қарши бўлган жихатлар яққол кўзга ташланиб туради.

Феодал ҳуқуқнинг барча ёдгорликлари сингари саксон (зеркало) ҳуқуқида ҳам аҳолини эркин ва қарам табақаларга ажратиш қатъий белгилаб қўйилган.

Орада ўрта табақа гуруҳи ҳам мавжуд бўлиб улар турли мажбуриятларни адо этганлар. Майда рицарлар ва бадавлат дехқонлар ҳам шефенлар табақасига мансуб бўлган. Ҳуқуқ (зерцало) икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси маҳаллий ҳуқуқ нормалари ва иккинчиси танҳо¹ ҳуқуқидан ташкил топган.

1. Танҳо (лен) - ўрта асрларда - ҳарбий хизматни ўташ ва бошқа мажбуриятларни бажариш шарти билан вассалга бериладиган ер-мулк ва шу ер-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи. Ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида бундай ер-мулк эғалиги анча ривожланган бўлиб танҳо институтини ташкил этган.

Маҳаллий ҳуқуқ эркин шеффей табақалари орасида кенг тарқалган. Танҳо (лен) ҳуқуқи эса фақат нуфузли, “озод”, олийжаноб, юқори табақа зодогонлари ўртасида амал қилган. У чек ерларини мерос қилиш тартиблари ва суд ишларини юритиш масалаларини белгилаган.

Анъанага кўра Саксон ҳуқуқи (зерало) да сюзерен ва вассал ўртасида вужудга келган жанжалларни муҳокама қилиш масаласи ҳуқуқига мансуб этилган. Ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш объекти бўйича маҳаллий ҳуқуқ танҳо ҳуқуқига қараганда бирмунча кенгроқ бўлиб, унинг манбаини одат ҳуқуқи нормалари, қирол нишонлари, князларнинг қарорлари ташкил этган.

Ушбу қонунлар тўплами бўйича жиноий жазолар ўта каттик бўлган. Агар авваллари майда жиноятлар содир қилинганлиги учун айбдор жарима тўлаш йўли билан зарарни қоплаган бўлса (вергельд), бу қонунда санкциялар кучайтирилган.

Императорга қарши содир қилинган ҳар қандай жиноят учун ўлим жазоси (бўғизлаб ўлдирмоқ, санчиб ўлдирмоқ) белгиланган.

Ўғрилиқ қилганлик учун ҳам, агар бирозгина бўлсад ишса, ўлимга маҳкум этилган. Тунги ёки кундузги ўғрига бериладиган жазо фақат даражаси билангина фарқ қилган. Тунги ўғри осиб ўлдирилса, кундузги ўғрининг боши кесилган. Черковни, тегирмонни, қабристонни урганлиги ёки талаганлиги учун ўғри чархпалакка ёхуд арава ғидирагига тортиб азоблаб ўлдирилган. Жодугарликда айибланган шахс гулханда ёндириб ўлдирилган. Жазонинг бошқа турларидан тилни кесиш, бошни танадан жудо қилиш ва бошқалар ҳам қайд этилади.

Кейинроқ саксон ҳуқуқнинг баъзи қоидалари XVI аср бошларида шаҳар ҳуқуқий нормалари тўплами бўлган Магдебург ҳуқуқида ҳам фойдаланилган. Саксон ҳуқуқидан фарқли ўлароқ магдебург қонунлари нормаларни батафсилроқ белгилаб қўйган, бундай ҳол аввалги ҳуқуқий одатларда кўзга ташланмайди. Вақт ўтиши билан шаҳар ҳуқуқи нормалари тўпламлари ҳам пайдо бўла бошлади. Судьялар суд одатларидан келиб чиқиб қарорлар қабул қилганлар. Бироқ Германияда прецедент ҳуқуқи одатга айланмади. Шунинг ҳам қайд қилмоқ лозимки, магдебург ҳуқуқи нормалари бевосита пул-буюм муносабатлари билан боғлиқ бўлган.

Танҳо, маҳаллий ва шаҳар ҳуқуқнинг партикуляция (хусусий) қилиниши ҳамда ягона салтанат қонунининг амал қилмаслиги судьяларни аксарият ҳолларда ДИГЕСТлар ва Юстиниан кодексига мурожаат этишга мажбур қиларди. XIII асрнинг бошидаёқ рим ҳуқуқида бўлган қизиқиш ва интилиш яққол кўзга ташланади.

XV асрнинг бошида рим ҳуқуқи фуқаро ҳуқуқининг амал қилувчи манбаи сифатида раман тан олинди. Бу ҳол қарайиб тўрт аср сақланиб қолди. Анча мураккаб казуслар бўйича ДИГЕСТ Казус-судя-шеффенларга уиверситетларда маслаҳат олишга руҳсат берилган.

Профессорлар ўз хулосаларини қарор лойихаси сифатида берганлар, баъзида бундай хулосалар улар учун мажбурий бўлган. Уларнинг ўзлари рим ҳуқуқидан фойдаланиш доирасини белгилаб, ўзларининг шарҳларини берганлар.

Немис ҳуқуқшунос олимлари ўз замонасини ҳисобга олган ҳолда диестларни жиддий равишда ишлаб чиқдилар ва Пандект ҳуқуқини яратишга муваффақ бўлдилар. Бу салтанатнинг умумий ҳуқуқи ҳисобланиб XIX асрнинг охиригача Германиянинг кўпгина ҳудудларида амал қилган.

Юриспруденция профессорлари ҳам нуфузли табақалар сирасига қўшилган.

Аллақачонлар ўлиб кетган цивилизация ҳуқуқи бутунлай ўзга ижтимоий иқтисодий шароитларда қўлланила бошлади, бу эса, тарихда камдан-кам чирийдиган фавкулудда ходисадир. Рим ҳуқуқига бундай тақриз ва таъриф берилишининг сабаби энг аввало, унда хусусий мулкчилик ҳуқуқига асосаланган, қарайиб барча мулкрий муносабатларга мос тушадиган нормаларнинг мавжуд бўлишлигидадир. Бунда албатта, черковнинг таъсиридан ҳам кўз юммаслик лозим. Маълумки, динавий ҳуқуқ рим ҳуқуқининг кўпгина нормаларини ўзида сингдирган. Айни пайтнинг ўзида папачилик диновий ҳуқуқнинг биринчилиги ва унинг устунлигини исботлашга интилардилар. Рим ҳуқуқининг ахамиятли хусусияти, шнфеклар сди мол-мулк бўйича ўта мураккаб даъволар учун қоникарли қарорлар чиқаришга қодир эмасликларида яққол сезилиб қолган. Умуман олганда германияда рим ҳуқуқи субсидлар ҳуқуқ сифатида тўла амал қилган.

Фуқаровий рим ҳуқуқи тўпламининг ҳар қандай нормалари, агар унинг зидлиги исботланмаса, андоза ёки асосий қўлланма ҳисобланган. Немис ҳуқуқшунос олимлари гласаторлари, шархловчилари (постглассаторлар) - рим ҳуқуқининг кўпгина нормаларини янги шартларга мослаштириб қайта ишлаб чиқдилар. XVIII асрнинг бошларида Германияда ўзларининг миллий ҳуқуқларини яратишга киришилиши билан рим ҳуқуқининг мавқеи туша бошлади.

Буюк дехқонлар урушидан кўп ўтмай қонунлар тўплами ишлаб чиқилди ва 152 й. рейхстаг томонидан тасдиқланди. Бу қонунлар тўплами император Карл V шарафига унинг номи била аталди. Кодекснинг 219 моддаидан 142 таси жиноий процессга қолганлари эса жиноий ҳуқуққа бағишланган. Кодекснинг биринчи моддасидаёқ шахсан дворянларнинг судда қатнашишлари мажбурий эканлиги белгилаб қўйилган. Королина энг оғир ва энг хавфли жиноятлар жумласига қуйдагиларни киритади: қўзғалон (халқ ғалаёни) шаккоклик, хоинлик шу жумладан хўжайинга ҳам хиёнат қилиш ўт қўйиш, талон-тарож, сохта пул ишлаб чиқариш, черков мулкани ўғирлаш афсунгарлик ва хокозолар.

Бу жиноятчиларнинг хаммасига ўлим жазоси берилган бўлиб, у қуйдагича амалга оширилган: ўтда ёндириш, чархпалакка боғлаш, нимталаш, бўғизлаш, қозикққа ўтқазиш ва хоказолар орқали амалга оширилган. Ўлим жазосига маҳкум этилганлар учун қўшимча тарзда қатл этиш жойига судраб азоблаш орқали олиб

бориш, махкум этилган шахснинг ўлими олдидан баданини қизиган амбирлар билан азоблаганлар.

Қонунда белгиланган бундай азоб беришдан мақсад “халқни оммавий қўрқитиш” бўлган. Хатто бировнинг сув хавзасидан балиқ тутиш, аборт (болани сунъий тушириш) ҳам ўлим жазисига лойиқ деб топилган. Ўрта асрлар даврида ҳам бундай оғир ва азобли жазолар оддий ҳисобланмаган. Худди шу тарика ер эгалари дехқонлар кўнглига қўрқув солганлар.

Шеффенлар суди ҳақида Короликка чурқ этмайди. Уларни малакали судлар сиқиб чиқарганлар. Жазолар нафақат қонун асосида қўлланилган, балки улар “саодатли одатлар” каби ақидаларга таянган ҳолда ҳам қўлланаверилган. Королина инквизицион қийнов жараёнини айблов жаранини ўрнига киритди, демак қонунда айблов ва инквизация жараёни ўрнини қийнов эгаллади.

Айбланувчи ўз айбини бўйнига олиши учун қийноқ мум қабул қилинган расмий восита ҳисобланган.

Ўз ўрнида бўндай бўйнига қўйиш воситасининг ушбу усули айбнинг далили сифатида тан олишган. Хатто аборт қилганлик ҳақидаги ишни кўриш жараёнида ҳам судя айбдорни тан олдириши учун энг оғир қийноқларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлган.

Суд муҳокамаси фақат расмана хусусиятга эга бўлиб аслига ҳамма масала дастлабки тергов пайтидаёқ ҳал қилиниб қўйиларди.

Гувоҳлик маълумотлари расмийлик асосига қўрилган далилар назариясига мувофиқ амалга оширилган. Гувоҳ қанчалик нуфузли, обрўли бўлса, унинг кўрсатмалари шунчалик юқори баҳоланган. Жараён махфий ва ёзма равишда олиб борилган.

Расмий жихатдан Королина умум салтанат учун мажбурий қонун бўлмаган. Амалда уни нафақат судялар, балки ўз дехқонларини жазолаш пайтларида заминдорлар ҳам қўллаганлар. Бу феодал ҳуқуқ яъни королина Германиянинг баъзи ҳудудларида то XIX асрнинг бошларигача амалда бўлган.

1749 йил Пруссия (земское) маҳаллий тузуклари нашр этилди. Ўша пайтда Франция, Англия, Голландия ҳуқуқидаги сингари замонасига ҳос буржуазия манфаатлари акс этган. Пруссия тузуклари феодал ҳуқуқ нормаларини қарайиб тўлалигича, хатто кўчмас мулкка нисбатан ҳам сақланиб қолди. Бу эса буржуазиянинг ерга эгалик қилишга бўлган интилишларини янада чеклаб қўйди.

Тузуклар икки қисмдан иборат бўлган. Биринчи қисмида фуқаровий ҳуқуқ нормалари ёзилган.

Иккинчи қисмидан эса табақаларнинг ҳуқуқий ҳолатлари, давлат муассасалари, мактаблар, черковлар ва жиноий ҳуқуқ моддалари ўрин олган. Тузукларда энг катта ўрин айниқса қиролга ва давлат хизматида ажратилган.

Шахсни ва тобеъ фуқаролар мулкни полиция режими шароитида ҳимоя қилиш муҳокамаси том маънода рамзий хусусиятга эга бўлган. Шунга қарамайдан, буржуазия мулкчилиги институтнинг фуқаровий муносабатлар асоси сифати қисман бўлсада тан олиниши, замона тухфаси бўлган, буржуазия ҳуқуқи бош институторининг қабул қилиниши йўлида қўйилган илдам қадам бўлди.

Юстиан қонунлар тўпламидан баъзи моддаларининг тўлалигича олинганлигига қарамасдан, тузуқлар рим пандект ҳуқуқи нормаларини қўллашдан воз кечди.

Тузуқларда ахлоқий, панд насихат хусусиятига молик мулоҳаза ва мубахасалар кенг ўрин олган айни пайтнинг ўзида қийноқ, калтаклаш усулини қўллаш ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Тузуқлар мазмун ва моҳият жиҳатидан прусс помещикларининг тўла ҳокимиятини акс этирради. Унда буржуазия манфаатлари кам назарда тутилган. Бошқа давлатларда буржуа инқилоблари содир бўлаётган бир шароитда бу ҳуқуқий манбанинг вужудга келиши ҳуқуқий тарихнинг ўтган кунларини эслатади.

XI-XII асрларда Германияда жамиятнинг асосий табақалари шаклланган. Жамият иккита асосий табақа: ҳарбий-рицарлар, ҳамда ўлпон ва солиқлар тўлайдиган деҳқонларга ажралган. Германияда табақаларнинг ташкил топишида Генрих I Қушбоз (919-936 йиллар)нинг ислоҳатлари муҳим ўрин тутди. Унинг ҳарбий ислоҳоти кўра, от миниб уриша оладиган ҳар қандай эркин киши ҳарбийлар (рицарлар-чавондозлар) табақасига киритилди. Бошқа кишилар эса ўлпон тўлайдиганлар табақасига киритилган.

Давлатдаги барча бошқарув ва ҳарбий ишлар рицарлар қўлида тўпланиб борди, XIII асрга келиб рицарлик ёпиқ табақаларга айланди ва наслдан-наслга мерос тариқасида ўта бошлади. Бу вақтда Германияда ўлпон тўлайдиганлар табақасини асосан деҳқонлар ташкил этиб, улар XIII асрда икки тоифага: озод деҳқонлар ва қарам деҳқонларга бўлинган.

XI-XII асрларда шаҳарлар ривожланиб, озод кишиларининг махсус табақаси-шаҳарликлар пайдо бўлди. Улар алоҳида ҳуқуқлардан ва автономиядан фойдаланишган. X-XII асрларда Германия нисбатан ягона давлат ҳисобланган. Дастлаб қирол сайлаб қўйилса ҳам. Лекин кейинчалик (Оттон I давридан) у император унвонини қўлга киритди ва бутун олий ҳокимият танҳо унинг қўлида тўпланди.

Бу даврда давлат аппарати срой-вотчина бошқарув тизимидан иборат эди. Қирол саройида черков ва дунёвий феодалларнинг каттагина қисми доимий хизматда турарди. Уларнинг орасида айниқса сарой дастурхончиси, камерарий, маршал, капеллан, саройбон, канцлер ва бошқалар ажралиб турарди. **Канцлер** – асосий мансабдор шахс бўлиб, у деярли барча бошқарув ишларини юритган. **Саройбон** (майордам) ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, сарой ишларини юритади.

Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида феодалларнинг сездлари жуда катта рол ўйнаган. Феодалларнинг сездларида энг муҳим ички ва ташқи сиёсий масалалар ҳал қилинади. Улар мустақил орган сифатида базан қиролларни ҳокимиятидан четлаштирилади. Айнан ана шундай феодалларнинг сездларидан оқибатда рехстаг келиб чиққан эди.

XI аср келиб монархиянинг сайлов тамойиллари тантана қилди. Қироллар князлар томонидан сайлаб қўйиладиган бўлди. Кимда-ким қиролни иштирок этмаса, у ўзини қирол ҳокимиятидан мустақил деб ҳисобланган. Империя қуролли кучлари иккига: империя армияси ва князликлар қўшинлари ажралган. Қироллик

(императорлик) қўшини унинг васаллари томонидан тақдим қилинадиган жангчиларидан иборат эди.

3. Германияда курфюристлар олигархияси ва табақа-вакиллик монархияси даври (XIII-XVII асрлар)да ижтимоий-сиёсий

Ижтимоий ва давлат тузуми. XIII-XIV асрлардан Германия иқтисодий юксала бошлади. Ишлаб чиқарувчилар кўзга кўринарли даражада ўсди. Маълумки, Франция ва Англияда шаҳарларнинг ҳокимияти билан сиёсий иттифоқи мавжуд бўлган. Германияда эса шаҳарларнинг қирол ҳокимияти билан бундай сиёсий иттифоқи юзага келмади.

Бироқ Германияда қирол ҳокимиятининг шаҳарлар билан иттифоқининг йўқлигига асосий сабаб-герман императорларининг агрессив ташқи сиёсат олиб боришлари эди. Феодализмнинг ривожланиши жамиятнинг табақа синфий тузилишида ўзгаришлар ясади. Юқори табақалар-аристократлар ва қуйида турувчи дворянлар ўртасида жуда катта фарқ мавжуд эди. Кам сонли дунёвий ва руҳоний феодаллар-курфюрюристлар жамиятининг юқори табақасини ташкил этиб, ўз қўлида жуда катта ер-мулкларини ва бойликларини ушлаб турарди.

XIV асрдан бошлаб қуйи дворянларнинг асосий қисмини министрлар ташкил этган эди. Улар ҳукмдорларнинг хизматчилари сифатида рицарликка кириш ҳуқуқига эга эдилар. Бу даврда немис шаҳарлари 3 турга:

Илгари бевосита қиролнинг вассалари бўлган империя шаҳарлари;

Солиқлар тўлаб ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шаҳарлар;

Князликлардаги ва статуси князлар томонидан белгиланадиган шаҳарларга бўлинган.

Энг қуйи табақада эса плебейлар оммаси: шогирдлар, мардикорлар, ёлланиб ишлайдиган кишилар бўлган. XIII-XV асрларда Германиянинг сиёсий тузуми Франция ва Англияникидан фарқли ўлароқ, тарқоқлик ва император ҳокимиятининг заифлиги билан характерланади. Бу вақтда Германия сиёсий жихатидан тарқоқ бўлиб, кўпгина мустақил феодал князликларга бўлиниб кетган эди.

XIII аср охирларида Германия амалда еттита энг йирик князлар: учта руҳоний княз-Майнтс, Кёлен ва Трих архиепископлари ва тўртта дунёвий княз-Богемия қироли (Чехия қироли), Рейн пфалтсграфи, Саксония герсоги ва Бранденбург маркграфи томонидан идора қилинади. Улар **“Шваб зертсалоси”**да айтилганидек, курфюрюристлар (сайловчилар) деб аталиб, императорни сайлаб қўярдилар.

Курфюрюристлар императорни сайлаш ҳуқуқига эгагина эмас, балки уни тахтдан ағдариб ташлаш ҳуқуқига ҳам эга эдилар. Бу кейинчалик, 1356 йилги **“Олтин булла”**да ҳам янада мустаҳкамланди. “Олтин булла” курфюрюристларни ўз князлик мулкларида тамомила суверен ҳокимлик ҳуқуқларига эгадирлар, деб тан олинган эди. Бу даврда императордан ташқари яна иккита империя муасасаси-рейхстаг ва империя суди мавжуд эди.

Йирик феодал – князларга нисбатан майда рицарларнинг рейхстаглардаги таъсири жуда оз эди. Майда дворянлар ва деҳқонлар рейхстагдаги ўзларининг

махсус вакилларига эга эмас эдилар. Шу тариқа рейхстаг XIV асрдан доимий тузиладиган орган бўлиб қолди. У империя сейми деб ҳам юритилган. Рейхстаг одатда император томонидан бир йилда икки марта, базан эса бир неча марта чақирилади.

Рейхстаг мажлислари орасида даврда император ўз кенгаши аъзолари иштирокида фармонлар чиқариши мумкин эди, лекин рейхстаг томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киритилади. Хуллас, бу даврда Германияда **рейхстаг ва рейхскамергерихт** (империя суди) каби умумимперия органларининг мавжудлиги империянинг бирлигини таъминлай олмади. Империянинг доимий армияси йўқ эди.

Германияда шаҳарлар катта рол ўйнаган. Шаҳарни бошқариш унинг ҳуқуқий ҳолати билан белгиланган. Империя шаҳарлари анча катта мустақилликдан фойдаланганлар. Эркин шаҳарлар империя шаҳарларига яқин ҳуқуқий ҳолатига эга эди. Князликларнинг шаҳарлари кам ҳуқуқлардан фойдаланган. XIII-XIV асрларда бир қанча шаҳарлар сиёсий эркинликларни қўлга киритган ва ўзини ўзи бошқарадиган бўлган. Шаҳарларда қонун чиқариш ҳокимиятини шаҳар хўжалигининг алоҳида тармоқлари бўйича комиссиялардан иборат таркибидаги кенгаш томонидан амалга оширилади.

XIV асрнинг иккинчи ярмида шаҳарларнинг майда рицарлари ва князлар томонидан сиқиб қўйилишига қарши курашиш заруриятидан шаҳарларнинг иттифоқи вужудга кела бошланган.

4. Ўрта асрларда Германияда ҳуқуқнинг асосий белгилари

V асрдан XI асргача бўлган даврдан шарқий Франкларнинг архаик халқ ҳуқуқи қабилавий аҳамиятга эга эди ва унинг асосида қуйидаги қатор принциплар: урф-одатларнинг муқаддаслиги, қариндош-уруғларнинг умумий диёнати ва биргаликдаги жавобгарлиги, қонуний қасос олиш (кейинчалик пул жаримаси билан алмаштирилган), “худо суди”ни қўллаш орқали коллектив одил судловни амалга оширилиши, яъни ордалиянинг қўлланиши, қасамхўрлик ва бошқа рамзий одатларнинг сақланиб қолиши каби тамойиллар ётарди.

Бундан ташқари, Германиянинг ўрта асрлардаги ҳуқуқий тизими лен ҳуқуқи деб номланувчи олий феодал табақага ҳуқуқий нормалар йиғиндисининг яққол ажратилиши билан тавсифланади. Германияда эса ҳуқуқнинг земствога оид ҳуқуқга (ерлар, ҳудудлар ҳуқуқи) ва лен ҳуқуқига бўлиниши анъанавий бўлиб қолган.

Германияда шундай умумий ҳуқуқий принциплар ва институтлар ишлаб чиқилагн эдики, келажакда улар Германиянинг “умумий ҳуқуқи” асосини ташкил эткан. Герман ҳуқуқини ривожланиши одат ҳуқуқининг маҳаллий тизимлаштирилиши муҳим рол ўйнаган.

Буларга мисол тариқасида **“Саксон зертсалоси”**, **“Шваб зеттсалоси”**, **“Франк зертсалоси”** ва бошқаларнинг кўрсатиш мумкин. “Саксон зертсалоси” 1220 йилда Шеффен Эйке фон Репгау томонидан ёзилган, ушбу қонунномада одат анча кенг тарқалаган нормалари ва Германиянинг шимолий-шарқий қисмида қўлланилиб келган суд амалиёти ўз аксини топган.

Қонуннома икки қисмга бўлинган. Биринчи қисм земский (умумдавлат) ҳуқуқига, иккинчи қисм эса лен ҳуқуқига бағишланган. Биринчи қисмда одат ҳуқуқи нормалари билан бир қаторда умумдавлат судларида “разил, қабих, паст” эркин кишиларга нисбатан қўлланиладиган император қонунчилиги ҳам мустаҳкамланган. “Саксон зертсалоси”да фуқаролик, жиноят, процессуал ва қисман давлат ҳуқуқи нормаларига бағишланган.

“Шаҳар ҳуқуқи”, “Саксон зертсалоси” кўпгина герман ўлкалари ва шаҳарларида тан олинган ва 1900 йилга қадар ўз кучини йўқотмаган. Юқори даражадаги бир хиллик германларнинг шаҳар ҳуқуқида вужудга келган. Бу ерда ҳуқуқ бир қанча етук шаҳарларнинг ҳуқуқидан ўзлаштириб олинган эди. Масалан, Магдебург қонунлари 80 дан ортиқ шаҳарларда, Франкфурт қонунлари 49 та, Лубек қонунлари 43 та, Мюнхен қонунлари 13 та шаҳарларда амалда бўлган.

Германияда шаҳар ҳуқуқининг икки асосий “Оиласи” – любек ҳуқуқи ва магдебург ҳуқуқи ташкил топкан. Магдебург шаҳар ҳуқуқи анча кенг ҳудудларда- шарқий ўлкаларда, шунингдек, Шарқий Саксонияда, Брандбургда, Пошанинг алоҳида вилоятларида ҳаракатда бўлган.

Шаҳар ҳуқуқи доирасидан аста-секин ҳуқуқнинг янада умумийроқ тизими- савдо ҳуқуқи, ёки “савдогарлар ҳуқуқи” ажралиб чиқиб, дастлабки вақтларданок миллий аҳамият касб этган. Герман империясининг шимолий италян ўлкаларида ҳам шаҳар ҳуқуқи анча ривожланган. Бу ерда Ломбард лигаси деб аталган уюушмага бирлашган, шаҳар комуналлари ташкил этган эди. Унга Верона, Венеция, Бергамо, Милси. Парма, Болоня ва бошқалар киради.

Германия савдо ҳуқуқининг муҳим маънбаларидан бири халқаро шартномалардир. Бундай шартномалар бошқа шаҳарлар билан уларнинг иттифоқлари билан ва ҳатто харижий монархлар билан ҳам тузулиши мумкин эди. XVI асрда Рим **пандект** ҳуқуқи бутун империя доирасида асосий ҳуқуқ манбаи бўлиб қолган ва 1900 йилги Германия фуқаролик қонунномасини қабул қилишига қадар Германиянинг “**умумий ҳуқуқи**” сифатида ҳаракатда бўлган.

АНГЛИЯ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ **(V аср – XVII асрларнинг ўртаси)**

- 1. Англия давлатининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари.**
- 2. Ингилиз-саксларнинг илк феодал монархияси (IX-XI асрлар).**
- 3. Англияда марказлашган сенорлик монархияси (XI – XII асрлар).**
- 4. Табақа – вакиллик монархияси (XIII асрнинг II ярми – XV асрлар).**
- 5. Абсолют монархия даврида Англиянинг ижтимоий-сиёсий тузуми (XV асрнинг охири – XVII асрларнинг ўртаси).**
- 6. Ҳуқуқнинг асосий белгилари.**

1. Англия давлатининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари
Тарихий манбалардан бизга маълумки, Англия феодал давлатининг ташкил топиши Британия оролларида герман ва скандинав қабиаларининг кўп сонли

босқинчилик юришлари билан боғлиқ бўлган. Маълумки Рим легионлари Британиядан V асрнинг бошларида чиқиб кетган эди. Лекин кўп вақт ўтмай, бир неча майда қиролликларга бўлинган “британия мустақиллиги” барҳам топади. V аср ўрталаридан бошлаб (449 йиллар) бу оролга турли хил шимоли-ғарбий герман қабилалари – инглизлар, сакслар, ютлар бостириб кела бошлайди.

Рим босқини амалий жиҳатдан архитектура ва тил таъсирчанлиги ўзидан мерос қолдириб кетди холос(шаҳарлар, жойлар номи). V асрда римликлар жўнаб кетишгандан сўнг Англияга кельтлар қабилалари кўчиб келишди. Сўнг бу ерга герман қабилаларидаги айгллар, сакслар ва ютлар босиб кирдилар. Улар келтларни атроф ороллари Шотландия, Уэкс, Коркуэлл томонларга сиқиб чиқардилар. VII асрда англосакслар христианликни қабул қилиб еттита: Уэсекс, Сассекс, Кент, Мерсия ва бошқа илк феодал давлатларни ташкил этдилар ҳамда улар қўшилиб IX асрда Уэссекс бошчилигида англо-сакси - Англия давлатини ташкил этдилар.

Бу юришлар қарийб бир асрга яқин давом этди. Инглиз-сакслар истилоси натижасида, аввалги Британия худудида ўндан ортиқ майда варвар қиролликлари ташкил топади. Ушбу варвар қиролликлари чекка Уэлс, Корнуел ва Шотландиядан ташқари, оролнинг бутун худудини эгаллаб олади. VII асрга келиб инглиз-сакслар христианликни қабул қилиб, ўзларининг еттита йирикрок (гептархия деб аталадиган) қиролликларини барпо этганлар.

Булар, жумладан: жанубда саксларнинг учта қироллиги – Уэссекс, Сессекс, Эссекс (ғарбий, жанубий ва шарқий сакс) қиролликлари, марказда ва шимоли-шарқда асосан англларнинг учта – Мерсия, Нортумбрия ва Шарқий Англия қиролликлари ҳамда чекка жануби-ғарбда ютларнинг Кент қироллиги эди. 827 йилда Уэссекс қироли Экберт (802-839 йиллар) бу қиролликларни ўз ҳукмронлиги остида бирлаштириб, ягона инглиз-сакслар қироллигига асос солади. X асрдан бошлаб бу ягона давлат Англия деб атала бошлайди.

1066 йилда Англияни Нормандия герсоги Вилгелм босиб олиб, шу тариқа Фотих (истилочи) номи билан Англия қироли бўлиб олади. Шўрта асрларда Англия феодал давлатининг ривожланиш босқичларини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:

- 1.Инглиз-саксларнинг илк феодал монархияси (IX-XI асрлар).
- 2.Англияда марказлашган сенорлик монархияси (XI – XII асрлар).
- 3.Табақа – вакиллик монархияси (XIII асрнинг II ярми – XV асрлар).
- 4.Абсолют монархияси (XV асрнинг охири – XVII асрларнинг ўртаси).

2. Инглиз-саксларнинг илк феодал монархияси (IX-XI асрлар)

Англосаксон илк феодал монархияси Британияда Герман қабиласи феодал жамиятининг шаклланиши жуда секин асталик билан амалга ошди. VI-VII асрлар ҳуқуқий ҳужжатларида қабила уруғ зодагонлари (эрллар, эркин жамоатчилар (керллар) яримзодогонлар (латлар) ва уй хизматлари-куллар ажратиб кўрсатилган. Руҳонийлар ва қирол ҳам эсг олинади. VIII асрда хусусий потранат (шерикчилик) фаолияти кенг тарқалган.

VII-IX аср ёдгорликларида ҳарбий-танлар тилга олинади. Улар жумласига эрллар каби керллар ҳам кирганлар ва қирол учун ҳарбий ҳукуматни бажаришга

мажбур бўлганлар. Бу тоифа таркибига киришнинг ягона талаби маълум микдорда ер майдонига эга бўлишдан иборат бўлган. Шунинг учун эркин аҳоли ижтимоий гуруҳлари ўртасида қатъий ва аниқ чегара бўлмаган.

Оддий инглиз деҳқони ёки эркинликка эришган ҳар бир шахс қирол ёки ўз хўжайинидан муайян ер майдони олган бўлса, у ҳам тан бўлиш ҳуқуқига эга бўлган. Тарихчиларнинг таъкидлашича инглиз танлигининг қарайиб чорак қисми деҳқонлар ва ҳунармандлардан чиққан.

Бир вақтнинг ўзида ҳукумронлик ва қарамлик муносабатлари ривожланиб бораверган. X асрда судда ўз учун жавоб бер олмаганлари учун ҳомий (глафорд) топиши белгиланган. Ҳар қандай киши қирол судига мурожаат қилишдан олдин, аввал ўз ҳомийсига юзланиши лозим бўлган.

Хўжайиннинг ҳаёти эрлар ва худди шундай керрлар учун ҳам дахлсиз деб эълон қилинган.

Айни пайтда қафиликка олиш институти ҳам мустаҳкамланган. Ҳар қандай кишини унинг глафорди қафиликка олиши мумкин бўлган. Маълум микдордаги эркин аҳоли вакиллари ҳам қафилликка олиш ҳуқуқига эга бўлганлар (12 кишидан ошмаган).

XI асрга келиб ҳам танлар учун ва ҳам қарам деҳқонлар учун ердан фойдаланиш хўжалиги ҳам муайянлаштирилди. Танлар қирол ҳуқуқий олийлагига асосланган ер эгалиги ҳуқуқини олдилар, бунинг учун улар учта асосий мажбуриятни бажаришлари лозим бўлган улар: юришларда иштирок этиш, истехкомлар қурилишида иштирок этиш, истехкомлар қурилишида қатнашиш, кўприкларни таъмирлашда иштирок этишдан иборат бўлган. Бундан ташқари, кўўпгина ер эгалари учун қирол буйруғига биноан бошқа турли хизматларни ҳам бажариш юкланган.

Улар: қиролда боғларни ободонлаштириш қирғоқларни муҳофаза қилиш ва хокозолар.

Қашоқлашган кэррлар ҳисобига кўп сонли деҳқонлар оммаси вужудга келди. Ўз ўрнида муайн мажбуриятлар ҳам вужудга келди.

Танлар эа аста-секин алоҳида ҳарбий табакани ташкил этдилар. Деҳқонлар учун мажбуриятлар ер эгалиги одатига кўра белгиланган Деҳқон вафотидан сўнг унинг мол-мулки галфорд ихтиёринга ўтган.

Забт этилган аҳолини қул қилиб ишлатиш кенг тарқалган. Черков эрксизларга нисбатан қилинган бедодлик ва шафқатсизликни қаттиқ қоралаган. Масалан, агар қул ўз хўжайини кўрсатмаси билан якшанба (дам олиш) куни ишласа, озод қилинган.

Кентерберий раҳномолиги остидаги Англия руҳонийлари поп ҳокимиятига қараганда анча мустақил мавқега эга бўлган. Ибодат маҳаллий халқ тилида амалга ошган. Руҳонилар намояндалари маҳаллий ва қирол мажлисларида муҳим дунёвий масалаларни ҳал этишда ҳам иштирок этганлар.

Инглиз черкови йирик ер эгаси ҳисобланган барча ерларнинг учдан бир қисми унга тегишли бўлган. Шунинг билан бирга руҳонийлар умумдавлат солиқ тизими ва мажбуриятлардан озод бўлмаганлар.

Умуман олганда нормандлар босқин вақтида англосаксон жамиятининг

феодаллаштириш, феодал ер эгалиги, вассаллен (танҳо) иерархия 9 куй мансабдорларнинг юкори мансабдорларга бўйсуниси ҳали мукамал ва тўла шакланиб бўлмаганди. Ҳали эркин деҳқонларнинг анчагина қатламлари мавжуд эди, бу ҳол айниқса мамлакат шаоқида яққол кўзга ташланади (“дания ҳуқуқи вилояти”).

Англосаксонлар даврида олий давлат органи витагемот, яъни витанлар “оқиллар” кенгаши ҳисобланган. Бундай кенгашларда қиролнинг ўзи, олий руҳонийлар, дунёвий зодогонлар, қирол таклифномасини олган қироллик танлари аталмиш шахслар қатнашганлар. Эдуард ҳукумронлиги даврида саройда ер ва лавозим олганларнинг маълум гуруҳлари ҳам қирол ҳузурида мажлислар ўтказганлар. Бундан ташқари Шотландия ва Уэлс қироллари ҳамда Лондон шахридан ҳам вакиллар иштирок этганлар.

Барча муҳим давлат ишлари қирол ҳузуридаги мазкур мажлиснинг “маслаҳати ва ризолиги” биланмуҳокама этилган. Унинг асосий вазифаси қироллар ва олий судни сайлашдан иборат бўлган. IX-X асрларда қирол ҳокимияти ветагагемотларнинг ижтимоий сиёсатнинг ўта муҳим масалаларига, жумладан, ер тақсимотига аралашишига бўлган уринишларнинг бирмунча чеклаб қйди.

Англияда маҳаллий бошқарув маълум даражада ўз-ўзини идора қилиш асосига қурилган. Англосаксон қироли Этелстан (X аср) ва унинг издошлари қонунларида маҳаллий ҳокимиятнинг қуйи бирликлари-юзлик, ўнликлар қайд этилади. Юзбошилар томонидан бошқариладиган юзликлар ҳар ойда қарайиб бир марта чақириб туриладиган умумий мажлис томонидан бош қарилган. Юзликлар ўнта ўнлик оилаларидан ташкил топган бўлиб ўнбошлар томонидан бошқарилган, уларнинг асосий вазифалари ҳуқуқтарғиботни сақлаш, солиқ тўланишини назорат қилишдан иборат бўлган.

Ўнлик ҳалқ мажлисларида бутун маҳаллий масалалар, жумладан суд ишлари ҳам муҳокама этилган ва ҳар йили ўнликларни икки марта текширувдан ўтказиб турилган.

Тахминан ўша пайтларда, асосан ҳарбий мақсадлар кўзланиб 32 йиллик графликлар (окруD) га тақсимланган. Графлик маркази одатда мустаҳкам шаҳар бўлган. Графликлар X аср охиридан бошлаб йилига икки марта чақирилар энг муҳим маҳаллий масалалар, жумладан фукаровимй ҳамда жиноий ишлар бўйича, суд муҳокамалари амалга оширилган. Унда округнинг барча эркин фуқаролари айниқса, дунёвий ва черков зодогонларининг иштирок этишлари шарт бўлган. Шаҳар ва бадаргоҳлар ўз мажлис (ййгин)ларига эга бўлганлар, бундан ташқари қишлоқлар мажлиси ҳам мавжуд бўлган. Ўнлик, юзлик ва графликларнинг аниқ перархик тизими бўлмаган ва улар бир-бирларидан нисбатан нисбатан мустақил равишда бошқарилганлар.

Графлик бошида одатда элдормен туриб, у маҳаллий зодогонлар орасидан ветагагемот розилиги билан қирол томонидан тайинланган. Унинг асосий вазифаси графлик мажлиси ва унинг ҳарбий кучларига раҳбарлик қилган. Аста-секин юзлик ва графлик бошқарувида қиролнинг шахсий вакили герефанинг мавқии кучайган.

Герефа-қироллик министриали ўрта табақа зодогонларидан чиққан мулозимлардан қирол томонидан тайинланган в франклардаги граф сингари муайян округ ёки шаҳар ҳокими (бошқарувчиси) бўла олган. X асрга келиб грефа солиқлар ва суд жарималарининг хазинага ўз вақтига тушииб туришини назорат қилиб аста-секин муҳим суд ва полиция ваколатларига эга бўлган.

Шундай қилиб, англосаксонлар замонидан жойларда маъмурий орудлар амалдор шахслари воситасида марказий бюрократик бошқарув механизми шакллана бошлаган. Улар эса қирол олдида ҳисобдор бўлиб, қирол мухри босилган ёзма буйруқлар асосида фаолият кўрсатган.

Ижтимоий ва давлат тузуми. VI-VIII асрлардаги кўпгина “ҳақиқат”ларда, яъни турли инглиз-сакс қиролларининг қонунлар тўпламларида анчагина маълумотлар берилади. Уларнинг ўша даврга оид ижтимоий тузуми кўп жиҳатдан франкларнинг “сали ҳақиқати”да тасвирланган ижтимоий тузумига ўхшар эди. Франклардаги каби, инглиз-саксларда ҳам аҳолининг асосий оммаси, инглиз-сакслар “ҳақиқат”ларида ишлатилган ибора билан айтганда, Кйороллардан – эркин кишилардан иборат бўлган.

Уруғ қабила зодагонлари – Эрллар бўлиб, улар жамиятнинг ҳукумрон табақасини ташкил этган. **Эрллар** ва **Кйориллар** жамиятдаги эркин кишилар бўлган. “Ҳақиқатлар”да юқоридагилардан ташқари, **Летлар** ёки **Уиллар** тилга олинади. Булар ўз аҳволи жиҳатидан франклитларга ўхшаган ярим эркин кишилар бўлган. Қуллар эса жамиятнинг энг қуйи поғоносида турган. Инглиз – сакслар асрга олиш, қуллардан туғилиш ва оғир жиноятлар учун қуллиққа сотиш қуллиқнинг асосий манбалаи эди.

VII-IX асрлардаги ёдгорликларда **дружинник-танлар** алоҳида тилга олинади. Дружинник-танлар қаторига Эрллар ҳам Кйориллар ҳам кириб улар қирол фойдаси учун ҳарбий хизмат ўташлари лозим эди. Инглиз-сакслар давлатида давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши улар вужудга келган шароитлар билан белгиланади. Давлат тузумида уруғ-қабила ташкилотларнинг анчагина қолдиқлари сақланиб қолган. Келтларга қарши кураш давомида герман қабилалари мулкӣ табақаланиш ва синфларнинг ташкил топиш жараёни тезлашади. VII асрга келиб Британия ҳудудида еттита йирик давлатлар (Гептархия) вужудга келди.

Инглиз – сакслар давлатининг ташкил топиши Данияликларнинг икки маротаба босқинига қарши шиддатлик кураш шароитида содир бўлди ва инглиз қироли Эдуард Исповедник даври (1042-1066 йиллар) да ниҳоясига етди. Бу патда қирол ҳабӣ ҳокимят эгаси сифатида давлатдаги тинчлик ва ҳавсизликни тامينлаб берган. Қироллик тинчлигини бузиш энг оғир жиноят ҳисобланган. Қирол олий судья бўлган. Ҳукмрон табақалар учун анча ҳавфли жиноий ишлар бевосита қирол судида кўриб, қарор қабул қилинган. Бундай пайтларда қирол ишларни Витвнлар (донишмандлар) иштирокида ҳал қиларди.

Инглиз – сакслар даврида олий давлат органи – **Витанагемот-Витанлар**, яъни донишманлар кенгаши бўлаган. Унинг таркиби 30 тадан 100 тагача бўлган. Барча муҳим давлат ишлари ушбу йиғиннинг маслаҳати ва розилиги билан амалга ошириларди. Унинг асосий вазифалари – қирлларни сайлаш ва олий судни амалга

ошириш эди. Қирол саройининг асосий бошқарувчилари ичида камерарий, маршал, қироллик капеланлари катта аҳамиятга эга эди. Камерарий қироллик мол мулки ва молиясига жавоб берарди. Маршал эса қироллик отлик аскарларининг қўмондони ҳисобланган. Қироллик капеланлари давлатнинг девонхонаси ишларини юритганлар.

Бошқарув оганлари. Инглиз-саксларда асосий маъмурий –худудий бирлик **графлик** (Шире) бўлган. Ўша вақтда мамлакат худуди асосан ҳарбий мақсадларда 32 та катта графликка “окркгга” бўлинган эди. Графликлар тепасида **Элдорменлар** турган. Элдорменлар қирол томонидан витанлар билан келишилиб, маҳаллий феодаллар орасида тайинланар эди. Инглиз–сакслар қироллари графликларга ўзларининг шахсий вакиллари-шерифларини тайинлаб қўя бошлади. X асрдан бошлаб, қирол ҳокимиятининг кучайиши билан Шерифлар Элдорменларнинг биринчи ёрдамчиларига айлантирилганлар ва графликни бошқаришнинг асосий тамоқларини ўз қўлларига олганлар.

Графликда муҳим орган **графлик йиғини** – **Фолкмот** бўлган. У X аср охиридан бошлаб шериф томонидан 1 йилда иккит марта чақирилиб турган. Инглиз-сакслар давлатидаги графликлар юзликларга бўлинган. Юзликлар тепасида юзбошилар турган. Юзбоши юзлик йиғинида сайлаб қўйилган. Юзлик йиғинлари ойда бир марта бўлиб ўтган. Инглиз – сакслар давлатининг энг қуйи бўғинида маъмурий-худудий бирлиги бўлган **қишлоқ (тун) жамоаси** бўлган. **Жамоа йиғини-Галимот** қишлоқнинг юқори органи ҳисобланган. Жамоа тепасида сайлаб қўйиладиган **қишлоқ оқсоқоли (тунгерофа)** турган.

Полиция мақсадларида жамоа ўнта томорқага – оилаларга бўлинган. Жиноят содир этилган ҳолларда ана шу ўнта томорқа аъзоларига жиноятчини ушлаб, ҳокимиятга топшириш мажбурияти юкланаган.

3. Англияда марказлашган сенорлик монархияси (XI – XII асрлар)

Ижтимоий ва давлат тузуми. Англиянинг Вилгелм бошчилигида нормандлар томонидан истило қилиниши (1066 йил) инглиз жамияти феодаллашувининг кучайишига олиб келди. Норманд истилосидан кейин Англия феодал жамиятининг таркибини манор ташкил этган. Манор – алоҳида феодалнинг ер эгаликлари йиғиндиси бўлган. Велгелм Фотих ўз мақеи ва инглиз сиёсий анъаналаридан фойдаланиб, давлатни марказлаштириш ва қирол ҳокимиятини мустаҳкамлаш ислоҳатларини олиб борган. Феодаллар аввало қирол учун ҳарбий хизмат ўташаг мажбур эдилар. Қитъа учун хос бўлган “вассалимнинг вассали – менинг вассалим эмас” деган тамоил Англияда ўрнатилмаган. Барча феодаллар иккита асосий туркумга: қиролнинг бевосита вассаллари – йирик ер эгалари (графлар, баронлар); иккинчи пағонадаги вассаллар эса, (вассалларнинг вассаллари) – ўрта ва майда ер эгаларига бўлинган. Солиқ сиёсатини муваффақиятли олиб бориш ва мамлакат аҳолисининг ижтимоий таркибини аниқлаш мақсадида 1086 йилда мамлакатдаги барча ерлар ва аҳоли рўйхатга олинган.

Бунинг натижасида тузилган варақалар халқ орасида “**дахшатли суд китоби**” деб номланган. Қирол ҳазинаси ер эгалигининг ҳажми туғрисида энди

аниқ маълумотларга эга эди, аҳоли рўйхати ҳукуматга “Дания пули” деб аталагн эски ер солиғини кўпайтирилган миқдорда ундириш имкониятини берди. 1086 йилги рўйхатда деҳқонлар номлар билан аталар эди: озод кишилар (келажакда улар фриголдерлар ёки ерни эркин тасарруф қилувчилар деб аталадилар), сокменлар, вилландлар, бордарилар, коттарилар шунингдек, кўпгина миқдорда куллар номи остида гавдаландилар.

Норманд босқинидан кейин Англияда кучли қирол ҳокимиятига асосланган марказлашган давлат ташкил топди. Бу вақтда қирол ҳокимияти қуйидагилар билан тавсифланади: биринчидан, мамлакатнинг барча ерларига қиролнинг олий ҳуқуқи ўрнатилиб, бу қиролнинг ҳамма феодаллар устидан ҳокимиятини таъминларди; иккинчидан, давлатда қонун чиқарувчи ва олий суд ҳокимияти қирол қўлида тўпланган эди; учинчидан, олий ҳарбий ҳокимият ҳам қирол қўлида эди.

Англияда қонун чиқарувчи ҳокимияти қиролга тегишли бўлса ҳам, кўпинча у **қироллик курияси** (curia regis) билан биргаликда амалга оширилган. У давлат бошқарувининг олий органи, олий суд органи ва мамлакат молиясини юритувчи орган ҳисобланган. Давлатнинг муҳим масалаларини хал этишда куриянинг мажлисларига олий дунёвий ва диний задогонлар ҳам таклиф этилганлар.

Генрих I даврида (1100-1135 йиллар) марказий давлат аппарати анча такомиллаштирилган. Қироллик курияси **Катта кенгаш ва доимий ҳукумат органи (Кичик курия)** га ажралган. **Катта кенгаш** бир йилда уч марта чақирилган. Унинг таркибига қирол чиновниклари, асосий хизматчилари ва мамлакатнинг энг йирик задогон вакиллари кирган. **Кичик курия** олий суд, маъмурий ва молиявий ҳокимиятни амалга оширган. Унинг таркибига қирол чиновниклари: лорд-канцлер, лорд-ҳазиначи, камергер, сарой стюарди, қиролнинг шахсий мухрини сақловчи ва сарой хизматчилари, шунингдек махсус таклиф этилган юқори мансабли рухонийлар ва баронлар кирган.

Генрих I даврида кичик курия олий суд ҳамда маъмурий орган вазифаларини бажарувчи хусусий қироллик куриясига ва қиролнинг молиявий ишларини юритувчи, ҳисоб палатаси (“шахмат тахтаси” палатаси) га ажралиб кетди. Куриянинг мажлисига қирол раислик қилган, унинг йўқлигида бу вазифани бош юстицияр амалга оширган. Бу даврда давлатнинг олий мансабдор шахсларидан, айниқса, бош юстицияр, канцлер, маршал. Камерарий ва бошқаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бош юстиция - қирол Англияда йўқлигида амалда давлатни идора этиб турувчи рухоний шахс, каноник ва рим ҳуқуқининг яхши билувчи шахс ҳисобланган. Унинг ёрдамчиси канцлер бўлган. Канцлер дастлаб франклардаги каби қиролнинг шахсий котиби ҳисобланган, кейинчалик эса, давлат девонхонасининг бошлиғи бўлиб қолган, давлат котиби ролини бажарган. **Маршал** - қўшинлар қўмондони, **Камерарий** —ҳазинабон, қироллик мол-мулки, хазинаси ва ер эгаликларининг бошқарувчиси ҳисоб палатасининг бошлиғи эди.

Генрих I даврида Нормондия папа билан конкордат тузилди. Унга кўра, кейинчалик Германияда бўлганидек, каноникларнинг диний тартиб қоидаларини белгилаш папага, дунёвий ҳокимият эса, қиролга ўтди. Генрих II даврида

махаллий черков устидан қирол таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилиб, **1164 йил Кларендон конституцияларини** чиқарди. Уларга кўра, қирол черков судларида кўриладиган ишлар бўйича олий судя деб тан олинади. Черков судларига оид барча низолар қироллик судида хал қилиниши лозим эди.

Давлат ҳокимиятнинг марказлаштирилиши. Генри II ислохотлари

Жамият феодаллашувининг чуқурлашувига қарамасдан, норманд қиролларининг давлат бирлигини сақлаб қолиш ва давлатни марказлаштиришга қаратган тадбирлар бу ишда муҳим омил хизматини ўтади, яъни улар давлатни марказлаштириш ҳамда уни ягона давлатга айлантириш учун олиб борган фаолиятлари беҳуда кетмади. Аммо XII асрнинг охиригача марказлаштириш асосан сенориал англо-норманд қиролларининг хусусий ҳуқуқлари асида амалга оширилган ва бу марказлаштириш тадбири уларнинг феодал-иерархик тизими ва маҳаллий черков олдида ўзларининг мавқеларини тутиш салоҳияти билан бевосита боғлиқ бўлган, тахтнинг суд ва фиксал ҳуқуқлари ўз тобеъ фуқароларига, вассалларига нисбатан фақат сеньор ҳуқуқларидангина иборат бўлиб, содиқлик қасамиёдидан ташкил топган холос. Бу ҳуқуқлар ўз ҳаддидан маълум миқдорда чиқиб кета бошлаган бўлсада, феодал одатларгат кўра белгиланган (регламент).

Ўз ўрнида улар исталган пайтда норози васаллар томонидан баҳслашувга сабаб бўлиши мумкин бўлган. Бунга далил тарзида XI-XII асрларда ўз сеньориал ҳуқуқларини суйиистеъмол қилганликда тахтни айбловчи баронлар кўзғолончиларнинг тинмай давом этиб турганлигини кўрсатиб ўтиш kifоя.

Нормандлар босқини давридан бошлаб ва умуман XII аср давомида қироллар муттасила равишда англосаксонларнинг азалий одатлари ва имтиёзларига нисбатан ўз мойилларини билдириб туришга баронлар ва черковга эса “мустақиллик хартияси”ни тухфа қилишга мажбур бўлганлар. Хартияда тинчлик, “аҳмоқона одатларни таг-томири билан бартараф этиш, қадимий “адолатли” одатларни қўллаб қуватлаш тахт томонидан феодаллар, черков ва шаҳарлар имтиёзлари ва мустақилликларини сақлашга риоя қилиш мажбуриятлари ҳақидаги қоидалар баён этилган.

Лекин XII аср ўрталарида қирол ҳокимиятини феодал анъаналарни ва шахсий қасамёд доиралари билан боғлаш учуун қилинган ҳаркатлар давлт бошқарувида оммавий асосларга дуч келди.

XII асрнинг иккинчи ярмигача англияда ихтисослашган малааи маъмурий суд органлари мавжуд бўлмаган. Марказий бошқарув ҳисобланган қирол саройи (курия) Англияда доимо ўзгариб турган ва базан умуман мавжуд бўлмаган, чунки ирол аксарият ҳолларда Нормандияда яшаган. Ўзининг кенг доирали таркибига эга бўлган қирол курияси ўзининг хусусияти жиҳатидан бевосита васаллар ва қирол яқинларидан ташкил топган йиғин (мажлисни) эслатади. Қирол Англияда бўлмаган пайтларида давлатни аслида юстициарий каноник ва рим ҳуқуқи билимдони бўлган руҳоний шахс бошқарган. Унинг ёрдамчиси канцлер бўлиб у котибиятни бошқарган. Жамиятда маҳаллий ҳокимият маҳаллий магнатлардан чиққан “номуҳим” вакиллар ҳамда шерифлар қўлида бўлиб, улар гоҳо-гоҳо

марказий назоратдан бутунлай чиқиб кетрдилар.

Кўпчилик суд ишлари маҳаллий (юзлик, графлик) йиғинлари ва манориал судлари томонидан муҳокама қилинган. Улар ордалий ва суд беллашуви сингари архаик усуллари қўллаганлар.

Қирол судлови ўзининг алоҳида усусиятига эга бўлган. Маҳаллий судлар ишни кўришдан бош тортган ёки инкор қилган пайтларда “қиролнинг лутфу-карамига” асосан иш юритилган. Аммо бу ҳол ҳар доим ҳам самарали натижа беравермаган.

Биринчидан, унинг Англияда мавжуд бўлмаслиги, иккинчидан, унга махсус тарзда мурожаат қилиш тартибининг мурккаб ва чигаллиги фуқароллик иши бўйича у ёки бу масалани ҳал қилишда ўта қийинчилик туғдирган. Мисол тариқайда тахтнинг бевосита васали бўлган бир барон воқеасини келтириш kifоя. Мазкур барон қиролга шикоят қилиш учун роппа роса беш йил вақт йўқотади, бунинг устига ушбу масала бўйича сарфлаган харажати ўз даври учун жуда катта маблағни ташкил этади. Шунинг учун, фуқаровий ишлар бўйича қирол муҳокамасига эришиш катта тўсиқ ва қийинчилиларга рўбарў келган.

Тахтнинг имтиёзли ҳуқуқи ваколатини кучайтириш, давлат апаратини бюрократлаштириш ва ихтисослаштириш малакани ошириш Англиянинг марказлашувини муқарар қилди. Бу асосан Генрих II (1154-1189) амалга оширган тадбирлар билан чамбарчас болиқ Генрих II ислохатлари умумдавлат бюрократик бошқарув ва суд тизимининг яратилишига имкон яратади ва б тахтнинг сенъорила ҳуқуқи билан боғланмаган бўлиб, уни ч шартли асосий йўналишга ажратиш мумкин.

Қирол юстицияси бир тизимга йўнлаштириш ва унга анча аниқроқ тузилма баҳшида этиш (жараён шаклини такомиллаштириш, анъанавий ва ўрта аср сдлари билан рақобатли бардош қирол номухим кўчма) судлов ва доимий фаолият кўрсатувчи марказий судларни яратиш); қўшин (армия)ни кўнгиллилар ва ёлланма тартибга асосланган тарзда қайта ислох қилиш; аҳоли ўртасида янги солиқтурларини жорий этиш;

Генрих II суд маъмурий тизимини қайта қуриш вақтида амалиёётда аҳён-аҳёнда қўлланиб туриладиган англосаксон, норманд ва черков қонун қоидаларидан ҳам фойдаланган. Илк ўрта асрга хос бўлган сайёр бошқарув тажрибаси Англияда анча муҳим лиги ва тартибга солинганлиги билан ажралиб турган. Шу вақтдан бошлаб Англияда сайёр судлар - қирол судларининг кўчма мажлислари фаолияти мустахкамланди.

Агар 1166 йилда графликларни айланиб чиқиш учун фақат икки нафар суудья тайинланган бўлса, 1176 йилда олти округ ташкил этилиб, улардаги сайёр судлар сони 20-30 га етиб қолди. Сайёр судлар қирол буйруқлари билан тайинланганлар. Аини шу буйруқ билн судьяларга фавқулодда ваколатлар ҳам берилган. Бу ваколатлар фақатгина суд хусусиятига эга бўлмасдан балки маъмурий ва молиявий ваколатларга ҳам эга бўлганлар. Бундай суд сафарларида тахтга қироликка таалукли бўлган барча даъволар муҳокама этилган, жинойтчилар ҳибсга олинган, маҳаллий амалдорлар томонидан йўл қўйилган суйиистеъмолчиликлар таҳқиқ ва тергов қилинган.

Бир вақтнинг ўзида қирол буйруқлари тизими ҳам тартибга солинди. Ер низолари ва ҳуқуқбузарликни тергов қилиш бўйича махсус тадбир жараёнлари қонунлаштириб қўйилди. Бундай процедура фақат қирол судларида тадбир этилган. Бундай процедурани бошлаш учун аввал котибиятнинг махсус фармойиши ҳуқуқ ҳақида қонун (Wuit og) ни сотиб олиш лозим бўлган ва бусиз қирол судларида фуқаровий ёки жиноий даъво қўзғатилиши асло мумкин бўлмаган. Шундан сўнггина сайёр судьялар ёки шерифлар томонидан суд маслаҳатчилари ёрдамида тергов ўтказилиши лозим бўлган. Улар юзликлардан олинган ўн икки тўла ҳуқуқли фуқаролар бўлиб, гувоҳлар ёки айбловчилар сифатида онг ичганлар. Тергов ўтказилишининг бундай тартиби феодал судларида ҳукм сурган ордалия ва суд мунозараларига қараганда ишнинг муҳокама қилинишида анчайин адолатлироқ амалга оширилишига шароит яратган.

Қирол буйруғларининг аста-секин ривожланиб бориши ерга эгалик қилиш ҳуқуқи даъволари (ишлари) бўйича мканориал куриялар юрисдикциясининг чекланишига олиб келди. Ҳуқуқбузарлик борасида эса ҳатто виллиан ҳам қирол судига жиноий даъво билан мурожат қилиши мумкин бўлиб қолди. Шерифлар феодаллар ҳуқуқлари билан ҳисоблашмаган. Улар хоҳлаган айтларида жиноятчиларни ушлаш ёки бошқа мақсадда уларнинг мулкларига кириб борганлар. Шу алфозда XII асрнинг иккинчи ярмида Герих II томонидан фуқаро ва жиноий ишлар бўйича махсус қирол судлов муассасаси ташкил этилди. Бу эса қирол судлари обрийни кўтариб, унинг юрисдикциясини кенгайтириб юборди. XII асрда суд тадбирлигининг такомиллашуви муносабати билан марказий бошқарувнинг олий органи қирол урияси тузилиши ва ваколатларини тартибга солинишида жиддий силжишлар юз берди. Вазифа (функция)ларнинг ихтисослаштируви ва курия таркибидаги бир қатор муассасаларнинг алоҳида ажратилиши жараёнида канцлер бошчилигидаги канцелярия (котибият) марказий (шахсий) қирол суди ва хазинадорлик тўла шаклланиб бўлди. 1175 йилдан бошлаб “шахсий” қирол суди таркибида доимий рхоний в дунёвий судьялар тайинландилар. Бу суд таркиби весминетерда ўзининг доимий қароргоҳига эга бўлиб, Оммавий суд муҳокамаси алоҳида ажратилди. “Оммавий суд муҳокамаси фаолияти Англияда “Умумий ҳуқуқнинг” яратилишида ҳал илувчи роль ўйнайди. Қирол ҳокимияти билан инглиз черкови ўртасидаги ўзаро муносабатлар, яъни дунёвий ва руҳоний судлов ўртасидаги алоқаларда бирмунч қийинчиликларга ду келди. Нормандлар фатҳидан сўнг черков ва дунёвий судлар ажралиб кетди. Зеро, черков судлари барча динавий ва қисман дунёвий (никоҳ, васият ва б.) ишларни муҳокама қилганлар. Бироқ қирол ҳокимияти черков устидан назорат қилиш фаолиятини сақлаб қолган.

Епископларни норманд қироллагининг ўзлари тайинлар, Англия ва Нормандия черковлари чун қарорлар қабул қилар, епископлик лавозимларидан даромадлар олардилар. Лекин поплар ва Римда католик черкови ҳокимиятнинг кучайиши билан инглиз тахти янада кўпроқ черков қарама-қаршиликка дуч кела бошлади ва “черков эркинлиги” масаласи Англияда келажакда черков ва дунёвий ҳокимият ўртасида драматик зиддиятларнинг вужудга келиши учун асосий

сабаблардан бири бўлди.

Генрих I даврида Нормандияда папа билан конкардат тузилган унга мувофиқ Германияда кейинроқ ҳам канонакларнинг рухоний инвеституралари папа қўлига ўтади, дунёвий инвеститура эса қирол ихтиёрида қолади.

Генрих II маҳаллий черковга ўз таъсирини кучайтириш мақсадида 1164 йили Кларендон конституцияларини қабул қилди. Бу конституцияга биноан черков судлари муҳокама қиладиган ишлар бўйича қирол олий судя ҳисобланган. Черковга тегишли барча низо-тортушувлар қирол судида ҳал қилиниши лозим бўлган. Черков мол-мулки қарзлар тўғрисидаги даъволар, оғир жиноятлар содир қилганликда айбланган клирик (сарой аҳли)ларга нисбатан ҳукм чиқариш ва ижро этиш пайтида қатъий қирол юридикцияси ўрнатилган. Қиролнинг рухсатисиз унинг бирорта ҳам васали ёки амалдори черков ихтиёридан махрум этилиши мумкин бўлмаган. қиролнинг дунёвий инвеститурларга ва унинг черковнинг олий диний мансабларга сайланиши фаолиятига аралашуви имкониятлари тартиблари тасдиқлаб қўйилган. Аммо папанинг ва маҳаллий рухонийларнинг кучли тазайиқи остида қирол ушбу конституциянинг қатор қоидаларидан воз кечишга мажбур бўлди.

Норманд босқинидан сўнг маҳаллий бошқарув тартиби (тузилиши) ўзгармади. Мамлакатнинг юзликлар ва графликлар тақсимланиши ҳам сақланиб қолди. Графликларда қирол маъмуриятининг вакиллари сифатида шарифлар, юзликларда уларнинг ёрдамчилари бейлифлар фаолият кўрсатганлар. Шариф графлик ҳудудида олий ҳарбий молиявий ва полиция ҳокимиятига эга бўлиб, қирол канцелярияси (котибият) буйруқларнинг асосий ижро этувчиси бўлган.

Ўзларининг маъмурий суд вазифаларини шарифлар графлик ва юзликлар йиғинларини мустаҳкам алоқадорлик асосида олиб борганлар ва мажлисларда ўзалри раислик қилганлар. Мазкур муассасалар Англияда кейинги даврларда ҳали сақланиб қолган. Аммо вақт ўтиши билан бу масалалар ўзларининг мустақиллигини йўқота бориб маркази ҳокимиятнинг жойлардаги воситачиларига яъни қуролига айланиб қолдилар.

Суд ваколати ихтиёрида бўлган кўпгина фуқаролик даъво ишлари улардан олиб қўйилган бўлса-да, жиноий ишларни таҳқиқ қилиш бўйича қатнашувчи шахслар (айбланувчилар)нинг тайинланиши муносабати билан уларнинг мавқеи бирмунча кучайди. Қирол суд муҳокамаси фаолиятида аҳолининг иштирок этиши инглиз маҳаллий бошқарув тизимининг характерли (ўзига хос) жиҳатларидан бирига айланиб қолди.

Генрих II ҳарбий ислоҳати ҳарбий мажбуриятнинг барча мамлакат аҳолиси эркин оммаси учун таалуқли деб эълон қилинишидан иборат эди, яъни ҳар қандай озод феодал, деҳқон шаҳар аҳолиси ўзининг мулкий ҳолатига қараб қурол-яроққа эга бўлиши шарт эди. Ўз аслаҳаларига эга бўлиши билан бирга давлат хазинаси таъминотида бўлганлар. Бунинг ҳисобига давлат хазинасига тушадиган маблағ анча кўпайтирилган.

Энг аввало шахсий ҳарбий мажбуриятларнинг “қалқон пули” тўлови билан алмаштириш қонунлаштирилиб, бу маблақ нафақат феодаллардан балки қароли шахслардан ҳам олинадиган бўлди.

Бундай тадбир қиролга ёлланма рицарлар кўнгли лашкарини этиш учун кенг имкониятлар очиб берди. Феодаллардан “қалқон пули” ва шаҳарлардан бевосита солиқ ундирилишидан ташқари, аста секин ҳаракатланувчи мулк учун ҳам солиқ солинди.

Генрих II нинг ҳарбий ва молиявий ислохатлари қиролга содик бўлган лашкар сонининг кескин кўтарилиб кетишига олиб келди, энг йирик феодаллар томонидан қўшинга бошчилик қилинишига чек қўйди. Ҳамда ихтисослашган амалдорларни сақлаш учун олинадиган маблағни ҳам бекор қилди. Бундан ташқари, судловни амалга ошириш бюджет (маблағ)нинг энг даромадли тармоғига айланиб қолди.

Маҳаллий бошқарув тизими Норманд истилосидан кейин ўзгармади. Мамлакатларнинг графликларга ва юзликларга бўлиниши сақланиб қолди. Графликларда шерифлар, юзликларда-уларнинг ёрдамчилари- бейлифлар қироллик маъмуриятининг вакиллари бўлиб қолди. Шериф графлик ҳудудида ҳарбий, молиявий ва полициячилик ваколатига эга эди, қироллик девонхонасидан юборилган буйруқларнинг асосий ижроچиси ҳисобланарди. Шерифлар ўзларининг маъмурий ва суд функцияларини графликлар ва юзликлар йиғинлари билан мустаҳкам алоқада амалга оширардилар.

4. Табақа – вакиллик монархияси (XIII асрнинг II ярми – XV асрлар)

Ижтимоий ва давлат тузуми. XII аср мобайнида йирик феодалларнинг иммунитет ҳуқуқлари ҳам анча чекланди. 1278 йилги Глостер статутининг инглиз феодалларининг иммунитет имтиёзлари суд йўли билан текширилишини эълон қилди. Хусусан Англияда дворянлик титули қандайдир ўлпонлар йиғиш ва суд қилиш имтиёзларини бермаган.

XIII асрда Англиядаги ижтимоий зиддиятларнинг бошқа бир йўли, бир томондан, йирик феодаллар, яъни лордлар, епископлар, йирик монастырларнинг аббатлари ўртасида юз берган бўлса, иккинчи омондан, майда рицарлар томонидан келиб чиқди. XIII асрнинг охирига келиб Англия ҳукмрон табақаларининг 2 қисмини ўрта ва майда феодаллар ташкил этар эди.

Инглиз феодалларининг ана шу табақасидан натижасида янги дворянлар гуруҳи (жентри) шаклланади. Бу даврда товар - пул муносабатларининг ривожланиши деҳқонларнинг аҳволига сезиларли натижада таъсир кўрсатади. **Бой деҳқонлар- фриголдерлар** тез-тез рицарлик унвонини олиб турардилар ва феодалларнинг қуйи табақасига яқинлашардилар. Бироқ, фриголдерларнинг бошқа қисми кам ерли кишиларга айланиб, лордлар томонидан баршчина тшлашга мажбур этилар эдилар.

XIII аср Англияда деҳқонларни энг кўп асоратга солиниш даври бўлди. Бу даврда инглиз қишлоғида асосий фигура ҳисобланган **валланлар турар жойига** бириктирилган бўлиб, ҳафталик баршчинани ўташга мажбур бўлган, лордга никоҳ солиғи ва бошқа ноҳақ солиқлар тўлайдиган, унинг судига бўйсундирилган тамомила крепостной киши эди.

XIII асрнинг II ярми – XIV асрда пул хожалигининг ривожланиши Англиядаги крепостной ер-мулкнинг – манорнинг емирилишига сабаб бўлди.

Лордлар баршчинани пул оброги билан айрибошлашни фойдалироқ деб биларди. 1349 йилги “қора ажал” Англияда жуда катта қирғин келтирди. Мамлакатдаги аҳолининг учдан бир қисми “унинг” қурбони бўлди, Англиянинг кўп округларида ишчи кучи етишмаслигидан ер майдонлари ҳайдалмай қолиб кетди.

Инглиз қўшнларининг юз йиллик урушда бирин-кетин омадсизликка учраши, деҳқонларнинг аҳолини янада оғирлаштирди. Францияга қарши урушни давом эттириш учун қиролга молиявий ёрдам лозим эди. Шу сабабли, бу пайтда солиқлар бирданига ўсиб кетди. Меҳнаткаш халқ янгидан-янги солиқлар тўлашга мажбур бўлди. 1380 йилда парламент жон солиғини жорий қилди. Бу солиқ тури олдин Англия тарихида бўлмаган. 14 ёшли ва ундан юқори ҳар бир эркак ва аёл, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ушбу солиқни тўлашга мажбур этилди.

Солиқларнинг кўпайганлиги халқни ғазабга келтириб, 1381 йилдаги Уот Тайлор бошчилигидаги улкан улкан деҳқонлар кўзғолонига сабаб бўлди. Кўзғолон давомида деҳқонларнинг иккита петицияси (талабномаси) тақдим этилди. Улардан бири анча мўтадил ҳисобланган Майл-Эндск петицияси эди ва иккинчиси, Смифилдск дастурида анча қаттиқ талаблар баён этилганди.

Эркинликларнинг буюк хартияси (Магна Чарта).

Табақа вакиллик монархияси. Табақавий тузилиши хусусиятлари. XIII асрда мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий кучлари ўртасидаги кучлар нисбати бутун ҳокимиятнинг монарх қўлида мужссамлашуви ва марказлашуви асосининг кучайиши фойдасига ўзгаришда давом этаверди.

Қиролнинг бевосита вассаллари сифатида баронларга сюзерен олдида хилма-хил молиявий ҳамда шахсий мажбуриятлар юклатилган эди. Бу мажбуриятларни қасддан бажармаганликлари тақдирда уларнинг ерлари мусудара қилиниши мумкин бўлган.

XIII аср давомида йирик феодалларнинг иммунитет ҳуқуқлари ҳам жиддий чеклаб қўйилди. 1278 йилги Глостер статuti инглиз феодаллигининг иммунитет имтиёзларининг суд воситасида текширувдан ўтказилишини эълон қилди. Умуман олганда, Англияда дворян бирор бир ўлпон ёки суд имтиёзларига эга бўлмаган. Феодаллар, ҳам барча эркин аҳоли сингари расман солиқ тўлаб келганлар ва уларнинг ишлари ҳам айнан бир хил судларда қўрилган. Аммо инглиз олий зодогонларининг сиёсий мавқеи устун бўлган 6 улар қирол ҳузуридаги олий маслаҳат ва бошқа органларнинг фаолиятида қатъий иштирок этиб келганлар. XIII асрда Англиянинг йирик феодаллари ўзаро ва қирол билан ер учун ҳамда даромад манбаи учун, мамлакатда ўз сиёсий таъсирларини ўтказиш учун доимо қаттиқ курашлар олиб борганлар.

Субинфедация ва йирик баронликларнинг тарқоқлашуви натижасида ўрта ҳамда майда феодаллар сони кўпайди. Улар XIII асрнинг охирига келиб Англия ҳукумрон доираларининг 3-4 қисмини ташкил этади. Феодалларнинг бу табақалари айниқса давлат марказлашувининг кучайишига эҳтиёж сезадилар ва қирол атрофида жипислашадилар.

Пул товар муносабатларининг ривожини деҳқонлар мавқеига сезиларли таъсир кўрсатди. Деҳқонларнинг табақалашув жараёни кучаяди озода деҳқонлар

юқори табақасининг сони ортади. Бойиб кетган деҳқон-фрегальдерларнинг аксарияти рицарлик унвонига сазовор бўлиб, феодалларнинг паст табақаларига яқинлашиб қоладилар.

XIII асрда вилланлар ҳуқуқсиз деҳқонлар ҳолида қолаверадиладар. Расмиятчилик учунгина барча озод фуқаролар учун кафолатланган “оммай ҳуқуқ”нинг барча имтиёзларидан вилланларнинг истесно қилиниши “вилланлик истеснолари” тартиби номини олди. Вилланга тегишли бўлган барча мол-мулкнининг эгаси унинг лрди ҳисобланган. Шунинг билан бирга, XIII аср юридик нзарияси ва қонунчилиги вилланнинг қирол судига, ҳатто ўз хўжасига нисбатан жиноий даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқини сақлаб қолди. Бу омиллар феодализм тараққиётининг объектив жараёни ва қирол ҳокимиятининг муайян манфаатларини акс эттиради. XVI асрнинг охиридан бошлаб вилланлар аста секин ўз эркларини пул тўлаб қутқариб олишга эришадиладар, хўжайини ерларида текин ишлаб бериш мажбрияти йўқолади, асосий феодал реита шакли бўлиб пул ҳисобланади.

Аҳолининг турли табақалашда бўлганидек шаҳар аҳли ўртасида ҳам XIII-XIV асрларда ижтимоий дифференциация авж олади. Англия шаҳарлари Лондондан ташқари жуда йирик бўлмаган. Шаҳар ва шаҳар корпорациялари еврова қитъасидаги сингари ўз мустақиллигига эришмаган эди.

Шундай қилиб, XIII Англияда давлат марказлашуви жараёни озод деҳқонларнинг ўсиб бораётган табақалари ҳисобига кучайди. Рицарлар шаҳар ва деҳқонларнинг бадавлат табақалари ўртасида иқтисодий ва ҳуқуқий яқинлашувнинг вужудга келиши ва аксинча феодал юқори табақалри ва уларнинг қолган бошқа тоифалари ўртасида кескин фарқнинг пайдо бўлиши ҳам мазкур жараённинг янада кучайишига сабаб бўлди. Рицарлар ва барча фригольдер оммасининг умум иқтисодий ва сиёсий манфаатлари уларнинг сиёсий иттифоқининг қарор топишида муҳим омил бўлди. Бу қатламларнинг иқтисодий ва сиёсий жихатдан ролининг ошиши уларнинг сиёсий борада тан олиниши ҳамда вужудга келган парламентда иштирок этишларини таъминлади.

Буюк озодлик хартияси. XIII асрнинг охирида Англияда янги феодал давлат табақа вакиллик монархияси шаклига ўтиш учун объектив зарурат вужудга келди. Бироқ ўз мавқеини мустаҳамлаб олган қирол ҳокимияти ҳуқумрон табақалар вакиллари давлат ҳаётига молик масалаларга жалб этишга қодир эканлигини кўрстайшга қудрати етмади. Аксинча, ташқи сиёсатда муваффақиятсизликка учраган Генрих II нинг ворислари даврида монархик ҳокимиятнинг сўнгги кўринишлари кескин тус олди. Қирол ҳамда унинг амалдорлари фаолиятида маъмурий ва молиявий парокандалик авжига чиқди. Шунинг учун, табақаларнинг муҳим сиёсий ва молиявий масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқини тан илиниши Англияда кескин карама-қаршиликлар жараёнида амалга ошди. Бу ҳаракатларни баронлар бошқарди, уларга ҳаддан ташқари оғир, солиқлар ва қирол амалдорларининг таъмагирликларидан силласи қуриган рицарлар ва фригельдерлар оммаси ҳам ўқтин-ўқтин кўшилиб турганлар. XI-XII асрларда рўй берган баронларнинг кўзғолонлари билан тақослаганда қиролга қарши амалга ошган чиқишларнинг

ижтимоий характери XII аср сиёсий зиддиятлар соҳасида алоҳида ўрин тутиб, ўзига хос хусусиятларга эгадир. Шунинг учун ам XIII асрда амалга ошган кучли чиқишлар натижасида юксак тарихий аҳамиятларга молий ҳужжатларни қабул қилиниши тасодиф эмас.

Бу курашларнинг муҳим даври даври роитини ҳисобга олган ҳолдагина тўғри баҳолаш мумкин. Хартия зиддиятли ҳужжат бўлиб қирол билан оппозиция раҳномолари ўртасида тузилган феодал шартнома доирасидан четга чиқмайди.

Хартиянинг аксарият моддалари қирол ва баронларнинг вассал-танҳо* муносабатларига тегишли бўлиб, ерга эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган қиролнинг сеньориал ҳуқуқларидан фойдаланишида унинг ўзбошимчалик қилишини чеклаб қўйишдан иборатдир. Бу моддалар васийлик тартиби, ер (рельф олиш, қарзни ундириш ва ҳокозоларни белгилайди.) (ст 2-11 моддалар).

Масалан, 2-моддада Хартия қирол вассалидан мерос ўтган ер миқдорига қараб ундан олинадиган маблағни белгилайди.

Шунинг билан бирга хартияда умум сиёсий характерга эга бўлган ва фақат “баронлар”га тегишли моддалар ҳам ажратиб кўрсатилади. Баронликнинг энг ошкор сиёсий эътирозлари 61 моддада ўз аксини топган. Хуллас, Буюк хартия XIII асрларда Англияда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий кучларни мужассам этган, энг аввало унда баронлар билан қирол мурасасозлиги акс эттирилган. Хартиянинг сиёсатига оид моддалари шундан далолат берадики баронлар “ўзларининг баъзи иммунитетлари ва имтиёзларини сақлаб қолишга интилганлар. Унда улар марказий ҳокимиятнинг баъзи ҳуқуқий имтиёзларни ўз назоратлари остида қолдириш ёки улардан феодал раҳномоларга нисбатан фойдаланишни чеклаб қўйишга ҳаракат қиладилар.

Хартиянинг тақдири баронлар эътирозининг самарасизлиги ва Англия давлати марказлашуви жараёнини тўхтатиб бўлмаслигини яққол намоён этди. Бир неча ойдан сўнг тўқнашув тугагач, Ионн Ерсиз папа ёрдамига таяниб Хартияга риоя қилишдан бош тортди. Бундан сўнг қироллар Хартияни кўп марталаб тасдиқладилар (1216-1217, 1225, 1227 йиллар аммо бундан ҳаммаси бўлиб 20 дан ортиқ моддалар, жумладан, 12, 14, 60 моддалар ҳам олиб ташланди.

Хартияда “баронлар” моддалари кўзда тутган сиёсий институтлардан ҳар ҳолда қиролликнинг Катта кенгаши тасдиқланди. Бу кенгаш маслаҳат функцияларига эга бўлиб, йирик феодал магнатлардан таркиб топган. XIII асрнинг ўрталарида у кўпинча “парламент” тарзида номланган. Аммо-лекин бу парламент на табақа ва на вакиллик муассасаси бўлган.

Парламентнинг ташкил топиши ва унинг ваколатлари.

Ўзининг сиёсий натижалари билан 1258-1267 йилларда бўлиб ўтган тўқнашув ва зиддиятлар энг мураккаб ва энг муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1258 йил Оксфорд Кенгашида қуролланган баронлар кенг эркин аҳоли оммасининг қирол олиб бораётган норозилигидан яна фойдаланиб, қиролни Оксфорд провизиялари деб аталмиш ҳужжатни қабул қилишга мажбур этдилар. Унга биноан мамлакатда барча ижроия ҳокимият 15 барон Кенгашига берилиши кўзда тутилган эди. Ижроия Кенгаш билан бир қаторда муҳим масалаларни ҳал қилиш учун 27

фъазадан таркиб топкан магнатларнинг Катта кенгаши бир йилда уч марта ёки ундан кўпроқ чақирилиб туриши лозим бўлган.

Шундай қилиб, бу ҳам 1215 йил амалга ошмаган баронлар алигархияси ўрнатиш учун бўлган янги интилиш эди. Бундан қийин 1259 йили рўёбга келган Вестлеинстер провизияларида майда ер эгаларига нисбатан сеньорлар томонидан қилинадиган ўзбошимчаликлардан сақланиш учун баъзи афолатлар кўзда тутилган. Аммо рицарларнинг мамалакатнинг марказий бошқарувида иштирок этиш талаблари қониқтирилмади. Бундай шароитда баронларнинг бир қисми Симон де Монфор бошчилигида рицарларнинг кучлироқ иттифоқини излаб алигархик гуруҳидан воз кечди ҳамда рицарлар ва шаҳарларнинг қирол ва унинг тарафдорларига қарши чиққан мустақил лагерга қўшилдилар.

Оппозиция ўртасида юз берган ихтилоф қиролга Оксфорд провизияларига риоя қилишдан бош тортишга имконият яртади.¹²³ Бошланган фуқаролар уруши пайтида де Манфор кучлари қирол тарафдорлари устида ғолиб бўлишга муваффақ бўлди. 1262 йил де Манфор давлатининг олий ҳукумдори лавозимини эгаллади ва рицарларнинг давлат бошқарувида иштирок этиши ҳақидаги талабларни амалга оширди.

Фуқаролар уруши энг муҳим натижаларидан бири Англия тарихида биринчи марта чақирилган табақа-вакиллик муассасаи-парламент (1265) бўлди. Бу парламентга баронлар ва руҳонийфеодаллар билан бир қаторда рицарлар ва энг муҳим шаҳарлардан ҳам вакиллар, таклиф этилди.

XIII асрнинг охирида қирол ҳокимияти мамлакатда сиёсий-ижтимоий барқарорлик ўрнатиш мақсадида феодалларнинг барча тоифалари ҳамда шаҳарларнинг раҳнаmolари, юқори табақалари билан муроsa қилиш заруриятини тўла тушиниб етди. 1295 йил “намунали” парламентчақирилди ва унинг таркиби Англияда вужудга келган кейинги парламентлар учун модел бўлиб хизмат қилди. Қирол томонидан шахсан таклиф қилинган дунёвий ва руҳоний феодаллардан ташқари бу парламент таркибига 37 графликлардан (рицарлар) икки нафардан ва икки нафардан шаҳар вакиллари киритилди.

Парламентнинг барпо этилиши феодал давлат шаклига ўзгартириш киритди, бунинг оқибатида таркибида табақа вакиллиги мавжуд бўлган монархия вужудга келди. Социал- сиёсий кучлар нисбати парламентнинг ўзида ва ташқарида унинг тузилмаси ва ҳам ўрта аср инглиз парламенти ваколатларини аниқлаб қўйди. XIV асргача инглиз табақалари биргаликда мажлис ўтказган ва кейинчалик эса улар икки палатага ажралиб кетган. Бунда графликлардан рицарлар, шаҳарлар вакиллари (жамоа палатаси) билан биргаликда бир палатада йиғилганлар ва олий палата (лордларпалатаси)ни ташкил этган йирик магнатлардан ажралиб чиққанлар. Демак, рицарлар ва шаҳарлар вакиллари (жамоа) палатаси ҳамда лордлардан таркиб топган олий палата вужудга келган. Инглиз руҳонийлари табақа вассалигининг алоҳида унсурини ташкил этмаган. Олий руҳонийлар табақаси баронлар билан биргаликда ва пастки табақа вакиллари жамоа палатасида мажлис ўтказганлар. Дастлаб парламентга саййловлар пайтида ҳеч қандай сайлов цензи мавжуд бўлмаган. 1430 йилги низом ўз вакилларини парламентга сайлаган графликлар мажлисида йилига 41 шилингдан кам даромад

олмаган фригольдерлар иштирок этиши мумкинлигини белгилаб қўйган.

Дастлабки вақтларда қирол ҳокимиятига парламент таъсири имконияти жуда кам бўлган. Унинг вазифалари ҳаракатланувчи мулклар солиғи миқдорини белгилаш ва жамоа тартибида қирол номига Петиция*лар топширишдан иборат бўлган. Тўғри 1297 йил Эдуард I парламентда Озодлик хартиясини тасдиқлади, бунинг натижасида “солиқлар тизими тўғрисида”ги Низом вужудга келди. Унда солиқ солиш, ёрдам пули ва йиғинлар рухонийлар ва дунёвий магнатлар, рицарлар, шаҳар ахли ва кироликнинг бошқа озод аҳолиси розилигисиз ундирилиши ўринсиз эканлиги таъкидланади. Аммо, Низомда олдин мавжуд бўлган ўлпонларнинг қирол томонидан йиғиб олиниши мумкинлиги ҳақида изоҳ берилади.

Аста-секин ўрта аср Англиянинг парламенти қуйидаги уч муҳим ваколатни қўлга киритди: қонун чиқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, қирол хазинасига аҳолидан йиғиладиган солиқлар масаласини ҳал қилиш ҳуқуқи, юқори мансабдор шахслар устидан назоарт қилиш ҳамда баъзи ҳолларда махсус суд органлари сифатида амал қилиш ҳуқуқи.

Парламентнинг қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи парламент жамоа петицияларининг қиролга тақдим этиш тажрибасидан келиб чиқди. Улар одатда эски қонунларни бузишни ёки янгисини чиқаришни таққилаб қўйиш мазмундаги илтимослардан иборат бўлган. қирол парламент илтимосини қондириш ёки уни рад этиш мумкин бўлган бироқ XVI аср давомида бирорта ҳам қонуннинг қирол ва вапарламент палаталари розилигисиз қабул этилмаслиги муқаррар бўлиб қолди.

XV асрда ўрнатилган қоида бўйича парламент илтимослари қонун лойиҳалари усулида ижро этилиб, ”биллар” номини олган.

Қирол, лордлар палаталари ва жамоалар палаталари томонидан чиқадиган қонун (статут) тушунчаси акт сифатида шу тарзда расмийлаштирилган.

XIV аср давомида парламентнинг молиявий масалаларга оид ваколоти аста-секин мустаҳкамланди. 1340 йилги Низом (статут) парламентнинг розилигисиз бевосита солиқлар олиниши ҳеч қандай изоҳсиз мумкин эмаслигини эълон қилди, 1362 йилги ва 1371 йилги низомлар бу қоидаларни бевосита солиқларга ҳам расмийлаштирди (ёйди). XV асрда парламент унга бериладиган ёрдам пуллари (субсидия)ни нималарга сарфланишини белгилаб, ва уларнинг сарф-харажатлари устидан назорат ўрнатишга эриша бошлади.

Давлат бошқарувини ўзининг назорати остига бўйсундиришга ҳараат қилиб парламент XIV асрнинг охирида парламент импичмент расм-маросимини киритди (процедура).

Бу жамоа палатаси томонидан лордлар палатаси олдида мамлакатнинг олий суд орган сифатида қиролнинг у ёки бу мансабдор шахслари томонидан ҳокимиятни суистеъмол қилишига қарши айблов қўғатишдан иборат бўлган. Бундан ташқари XV асрда ёки бу суистеъмолчиликларни тўғридан тўғри жиноий хат-ҳаракат деб эълон қилиш ҳуқуқи қарор топди. Бундай ҳолларда қирол томонидан тасдиқлаганда махсус акт чиқарилган ва у “ғазаб тўғрисида билля” деб ном олган.

XIII аср давомида янги ижроия ҳокимият - Қирол кенгаши ҳам тараққиётига юх тутди. Бу кенгаш қиролнинг энгяқин маслаҳатчиларидан таркиб топган тор доирани ташкил этган. Унинг қўлида олий ижроия ва суд ҳокимияти мужассамланган. Бу доирага одатда канцлер, хазиначи, судья асосан рицарлар табақасидан чиққан, қиролга энг яқин бўлган министриаллар кирганлар. Қиролликнинг энг йирик вассаллари Буюк кенгаши ўз функцияларини йўқотди ва улар парламент қўлига ўтиб кетди.

Маҳаллий бошқарув ва одил судлов тизимининг тараққиёти. Табақа-вакиллик монарияси даврида маҳаллий бошқарувда эски судлар ва графликларнинг роли энг паст даражага тушиб кетди. Уларнинг функция (вазифа)лари эса янги мансабдор шахслар ва янги турдаги сайёр судлар ихтиёрига ўтиб кетди, ўз ўрнида албатта, бу органларнинг ваколат доиралари кенгайтирилди.

XIII аср охирлари ва XV асрларда графликлар мажлислари асосан парламентга вакиллар ва маҳаллий мансабдор шахсларни сайлаш учун чақирилган. Улар даъволар бўйича маблағ миқдори 40 шилингдан ошмаган низоларни муҳокама қила олганлар.

XIII асрда ҳам қирол маъмуриятининг бошлиғи шариф ва юзликда эса, унинг ёрдамчиси бейлиф бўлиб қолаверади. Улардан ташқари жойларда қирол маъмуриятининг вакиллари сифатида коронерлар ва констебеллар фаолият кўрсатиб, улар маҳаллий мажлисларда сайланганлар. Коронерлар ғайри табиий қотиллик содир этилган ҳолларда таҳқиқ ишини амалга оширганлар, констебеллар зиммасига эса полиция функциялари (вазифалари) юкланган. Вақт ўтиши билан шарифнинг улкан ҳокимияти қироллик тахтида ишончсизликнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бунинг сабаби ушбу мансабнинг “феодаллашуви” ва унинг ирсий ўтиб қолиши таҳликаси бўлди. XIII асрда юз берган ўзаро урушлардан сўнг шарифлик мансаб муддатининг қисқартирилиши ва ғазнахона бежиз бўлмаган. 1215 йилги Буюк озодлик хартиясининг 24 моддаси шарифларнинг тахт билан боғлиқ даъволарни муҳокама қилишларини тақилаб қўйди.

Шу даврдан бошлаб шариф мансаби ўз аҳамиятини йўқота бошлади, айниқса бу ҳол одил суд соҳасида яққол кўзга ташланди.

XIII асрнинг охиридан бошлаб графликда маҳаллий ер эгалари (заминдор) орасидан яраштирувчи ҳакам судларини тайинлаш тартиби қарор топди. Дастлаб улар полиция ва суд ваколатларига эга бўлиб, кейинчалик, вақт ўтиши билан улар шариф ўрнига маҳаллий бошқарув фаолиятида энг муҳим ўрин тутган функцияларни амалга ошира бошладилар. 1390 йилги Низом (статут)га биноан ҳар бир графликда саккиз нафардан яраштирувчи ҳакам судлари тайинланганлар. Яраштируви ҳакам судлари озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини назорат қилганлар, оғирлик ва ўлчов бирлиги, жун маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш фаолиятини кузатганлар, ишчилар тўғрисида (1349 ва 1351 йиллар), бидъатчилар тўғрисида (1414 й.)ги қонунларнинг ҳолатига тадбиқ этилиши устидан назорат олиб борганлар ва ҳатто ишҳақи миқдорини ҳам белгилаганлар (1427 йилги низом).

Бу лавозимни эгаллаш учун белгиланган мулкый цеиз 20 фунт стерлинг йиллик даромадни ташкил этиши лозим бўлган.

Яраштирувчи ҳакам судлари ваколатларига ва ўта оғир жиноятлардан ташқари жиноий ишларни муҳокама қилиш вазифалари кирган. Суд муҳокамалари йилига тўрт марта чақирилиб турадиган яраштирувчи ҳакам судлари мажлисларида амалга оширилган.

XIII-XIV асрларда турли даражадаги қирол судларининг сони ўсади ва уларнинг ихтисослашуви ҳам кучайтирилади. Шунинг билан бирга кўпгина муассасаларнинг суд ва маъмурий функциялари ҳали алоҳида ажратилмаган эди. Бу даврга келиб Англияда “оммавий ҳуқуқ”нинг “Қирол курсиси суди” Умумий даъволашув судлари ва ғазнахона судлари” кабилар олий суд мақомини олганлар.

/азнахона суди асосан молиявий низолар ва энг аввало тахт ва хазинага молик бўлган низоларни муҳокама қилишга ихтисослашган.

“Умумий даъволашув суди” ёки “умумий курси” суди кўпинча фуқаровий шахсий даъволарни кўриб чиққан ва у оммавий ҳуқуқнинг асосий судига айланган. Суднинг барча мунозаралари ёзиб борилган ва кўпайтирилиб манфаатдор тарфларга тарқатилган. XIV асрдан бошлаб эса доимий равишда чоп этиб борилган. Бу суд барча ҳуқуқни ўрганувчи талабалар учун ҳам тажриба масканига айланиб қолган.

Умумий даъволашув суди маҳалий ва монориал судлар фаолиятини ҳам назорат қилган.

Котибиятдан буйруқ бўлганда шикоятлар ҳар қандай қуйи судлардан ушбу судга оширилиши мумкин бўлган. Махсус суд буйруқларига асосланиб умумий даъволашув суди бошқа судларнинг хатоларини тузатиш ваколатига эга бўлган.

Қиролнинг шахсий судидан аста-секин қирол курсиси суди ташкил топди. Бу суд фақат қиролнинг ўзи ва унинг энг яқин кишилари иштирокида фаолият кўрсатган. Бошқа барча судлар, жумладан “умумий даъволашув” суди учун ҳам олий апелляция ва назорат босқичи даражасига кўтарилган, бироқ кейинроқ унинг ваколатлари доираси жиноий ишларни муҳокама қилиш билан чекланиб қолган.

Қирол олий суди тизимида Лорд- канцлер суди ажралиб чиқди. Унинг фаолияти жараён ва ҳуқуқ нормалари янги шакллари билан боғлиқ эди. (адолат ҳуқуқи).

XIII-XIV асрларда қирол сайёр судлов ишларининг юритилиши анча ихтисосларга ажратилиб ҳар хиллик шаклини олди. Умумий сайёр судлари расмий маросимларнинг ниҳоятда ноқулай ва бесўнақай ҳамда кўп маблағ талаб қилиши туфайли XIII асрда ушбу судлар даврий тус олиб етти йилда бир мартадан кўп айланиб чиқмасликка қарор топди. XIV асрда умумий сайёр судлар ўз моҳиятини йўқотди ва улар ўз уринишларини сайёр комиссияларга бўшатиб берди, бундай комиссиялардан ассизлар суди, кўзғолонлар ҳаркати бўйича комиссия ва қамоқхоналарни умумий текширувдан ўтказиш бўйича тузилган комиссияларни кўрсатиб ўтиши мумкин.

Одил судловни амалга оширишда (онт ичувчи) суд маслаҳатчилари катта ва кичик жюрилари муҳим аҳамият касб этган.

Катта ёки айбловичи, жюри айблович суд маслаҳатчиларини сайёр судлар томонидан сўровдан ўтказиш расмий маросими муносабати билан расмийлаштирилган ва бу судга ошириш органи бўлиб қолган. Жюрининг хайъати 23 аъзодан таркиб топган 12 нафар жюри аъзоларининг яқдиклик билан билдирган фикрлари гумон қилинувчи шахсга қарши нисбатан далолатноманинг тасдиқланиши учун кифоя қилган.

12 нафар суд маслаҳатчиларидан иборат кичик жюри инглиз судининг ўзагига айланиб қолди. Жюри аъзолари иш моҳиятини муҳокама этишда иштирок этиб суд маслаҳатчиларининг яқдил фикрига асосланган вердикт яъни махсус суд маслаҳатчилари иштирокида қўрилган иш юзасидан судланувчининг айбли ёки айбсизлигини аниқлайдиган ҳолат ҳақида ҳукм чиқарган. 1329 йил қонунга мувофиқ суд маслаҳатчилари учун йиллик даромаднинг 40 шиллинг баҳосида ўрнатилган. XIII аср манориал судьялари юрисдикацияси чекланишида шахдам давом этди. Фақат баъзи йирик феодалларгина қироллик тахтига тегишли бўлган суд ишларини қўриш ҳуқуқини сақлаб қолганлар ҳолос. 1260-1280 йилги низомлар магнатлар томонидан эркин мулкдорларга курияларда ҳозир бўлишлари, апелляция босқич сифатида чиқишлари тазайиқ ўтказилишини тақиқлаб қўйди. Агар лорд йил унинг қўли остилдаги шахс бир марта бўлса-да қирол буйруғини бажармаган ҳолда лордларнинг эгаллаб ўзлаштирган ҳайволларини тортиб олишда уларнинг иммунитетларини бузиш ҳуқуқи берилган.

Ваколатларни аниқ ажратиб белгилаб олинishiда дунёвий ва черков судларининг ўзаро муносабатларида ҳимоячи олдингидек таранглик ва мураккаб чигаллик сақланиб қолмоқда эди. Ниҳоят кўп зиддиятлар (коллизия)ларнинг мавжуд бўлиши оқибатида янги тартиб жорий этилди. Ушбу тартибга кўра ҳар иккала судларнинг ваколатлари жазоларнинг хусусият ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланган, яъни: дунёвий судларга фақат жазолар, бериш ҳуқуқи берилди, масалан: жарима ундириш. Қирол ҳокимияти доимо черков судлари ваколатлари доирасини қисқартиришга уринган, аммо маълумки, бу интилишлар ўйланганча самара бермади. Хулласи калом, тахт анъанавий воситаладан фойдаланиш “тақиқлаш тўғрисида”ги суд буйруқларини чоп этиш билангина чекланиб қолди.

XIII асрнинг бошларида Англияда феодал давлатнинг янги кўриниши – табақа-вакиллик монархиясига ўтиш учун қулай ва объектив шарт-шароитлар вужудга келди. 1215 йил қирол ҳокимиятига қарши кўтарилган баронлар бошчилигидаги қўзғолон ва 1258-1267 йиллардаги фуқаролар уруши XIII аср зиддиятларининг асосий босқичлари ҳисобланади.

Бу курашлардан биринчиси Эркинликларнинг буюк хартияси қабул қилингани билан тугаган бўлса, иккинчиси Англияда парламентнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Қўзғолончилар асир қилиб олган Иоанн 1215 йил 15 июлда Эркинликларнинг буюк хартиясига имзо қўйишга мажбур бўлди. 1215 йилдаги Хартия маълум тизимга солинмаган 63 та моддадан иборат муҳим сиёсий, тарихий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат бўлиб, расман Англиядаги биринчи контитуциявий қонун ҳисобланади.

У лотин тилида тузилган ва асосан феодаллар синфининг манфаатларини кўзда тутган ва бир канча имтиёзларни ўз ичига олган. Хартиянинг барча моддалари қуйидагича учта гуруҳга бўлинган:

1. Аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг моддий манфаатларига тааллуқли моддалар (1,2,9,13,15,18- моддалар)

2. Англия қироллиги давлат механизмини ислоҳ қилувчи ва конституцион деб аталувчи моддалар. (12,14,61-моддалар)

3. Суд-маъмурий аппарат тамойилларини ўрнатувчи моддалар (17,20,21,39,40-моддалар).

Хартиянинг кўпгина моддалари (2-11 моддалари) қирол ва баронларнинг вассалинитетлик муносабатларига бағишланган ва қиролнинг ерга эгалик билан боғлиқ сенорлик ҳуқуқларидан фойдаланишда ўзбошимчаликларни чеклашга ҳаракат қилинади.

Хартияда деҳқон – фриголдерлар рицарлар билан биргаликда ўзларига қарашли ерларга ҳеч кимнинг аралашмаслиги кафолатини олган эдилар. Хартия крепостной ҳуқуқини бекор қилмади. Шундай қилиб, Буюк хартия XIII аср бошида Англиядаги ижтимоий-сиёсий кучлар муносабатини ва аввало қирол билан баронларнинг ўзаро келишувини акс эттирди.

Парламентнинг вужудга келиши. Буюк қироллик кенгаши ёки Хартияда эслатиб ўтилган баронлар ва рицарлар парламенти тез орада инглиз парламентига айланди. Бу парламентда французларнинг Генерал штатларига ўхшаш қиролликдаги учта тоифанинг вакиллари бор эди. 1258-1267 йиллардаги баронлар уруши ўз сиёсий натижаси бўйича жуда мураккаб ва муҳим эди. Маълумки, Иоанн Ерсиз Эркинликларнинг буюк Хартиясини имзолар экан, ҳақиқатда уни бажармоқчи эмас эди.

1267 йил Эдуард I томонидан тасдиқланган парламент вужудга келди. Бу нафақат ўша давр тарихи учун муҳим аҳамиятга эга, балки, ҳозирда ҳам бутун давлатлар бошқарув механизмнинг асосий қисми бўлиб шаклланмоқда. XIV асрда парламент икки палатага бўлинади. Юқори палата – **Лордлар палатаси** деб аталиб, у руҳоний лордлар, архиепископлар ва бошқа юқори табақа вакилларидан иборат эди; қуйи палата – **Умум палатаси** жамоасидан ташкил топган. Бунда графлик вакиллари рицарлар ва шаҳарликлардан иборат эди.

Ўрта асрлар Англиясининг парламенти аста-секин қуйидаги учта энг муҳим ваколатларни: қонунлар чиқаришда иштирок этиш, қирол хазинаси фойдасига алоҳида солиқлар олиш ҳақидаги масалаларни ҳал этиш, олий мансабдор шахслар устидан назоратни амалга ошириш, ҳамда баъзи ҳолларда махсус суд ишларини юритиш ҳуқуқларини қўлга киритиб олди.

XIII асрда яна шунингдек, янги ижроия органи – **Қироллик кенгашининг** ривожланиши даври бўлди. У қиролнинг яқин маслаҳатчиларидан иборат тор дотрадаги орган бўлиб, ўз қўлида олий ижро этиш ва суд ҳокимиятини тўплади. Унинг таркибига асосан канцлер, хазиначи, судьялар, қиролга яқин бўлган рицарлар табақасидан чиққан министрлар кирарди.

5. Абсолют монархия даврида Англиянинг ижтимоий-сиёсий тузуми (XV асрнинг охири – XVII асрларнинг ўртаси).

Ижтимоий ва давлат тузуми. Англияда абсолют монархия бошқа мамлакатларда бўлгани каби, феодализмнинг инқирози ва капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келиши даврида ўрнатилганди. Инглиз абсолют монархиясининг асосий хусусияти шундан иборат эдики, Англияда кучли қирол ҳокимияти билан бирга, парламент ҳам фаолият кўрсатишда давом этган. Шу тариқа Франция ва Европа қитъасидаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, инглиз абсолютизми парламент билан ваколатли орган сифатида биргаликда фаолият олиб бориб келди.

Аста-секин феодал ер эгалигидан капиталистик қайта туғилиш жарёни вужудга келад бошлади. Пул-буюм муносабатлари ва саноатнинг Ривожланиши, инглиз жунига бўлган талабнинг ўсиши феодал ер мулкнинг товар хўжалигига айланишига олиб келди. Буларнинг ҳаммаси сармоянинг йиғилиб қолиши ва дастлабки мануфакиураларнинг вужудга келишига мос тушарди. Энг аввало бу ҳол бандаргоҳлар ва қишлоқларда капиталистик тарзда маҳсулот ишлаб чиқаришга тўғаноқ бўлиб келган, ўни цех тузилмаларининг мавжуд эмслиги асосий омиллардан бири бўлди. Сармоядорлик унсурларининг қишлоқда шаҳарлардан илгарироқ вужудга келиши ўша давр Англия иқтисоди ривожининг ўзига хос алоҳида хусусиятини ташкил этади.

Қўй боқиш мақсадида ўз яйловларини кенгайтириш учун еодоллар деҳқонларни ерларидан ҳайдаб, мулкларини кенгайтиришга уринганлар. Бу эса қишлоқ аҳолисининг фермерларга майда ерли ижарадорларга ҳамда ерсиз батракларга ажралиб кетишига сабаб бўлди.

XV асрнинг охирига келиб инглиз деҳқонлари икки асосий гуруҳ - фригольдерлар ва копигольдерларга бўлиниб кетди. Фригольдерлардан копигольдерларнинг фарқи шундан иборат бўлганки, улар феодалларга олдингидек қатор натурал ҳамда пул мажбуриятларини тўлашда давом этаверганлар. Уларнинг ер майдонларига эгалик қилиш ҳуқуқлари манориал судлар қарорларининг нусхаларига асосланган.

XV асрнинг иккинчи ярмида феодаллар синфи тузилишининг ўзида ҳам катта ўзгаришлар бўй берди. Ол ва Ок атиргуллар ўртасидаги ўзаро урушлар йирик феодал ер эгалари кучининг синашига ва феодал зодогонларининг қирғин қилинишига олиб келди. Руҳоний ва дунёвий феодалларнинг катта мулклари қироллик томонидан сотвга қўйилди ва улар шаҳар буржуазиясида ҳамда деҳқон аслзодалари томонидан сотиб олинди. Бир пайтнинг ўзида буржуазия манфаатларига яқин бўлган ўрта-ҳол дворянлар табақасининг роли ўса борди. Бу табақалар янги дворянлар аталмиш оммани ташкил этди. Уларнинг асосий хусусиятлари хўжаликни капиталистик (сармоядорлик) асосида юритилиши бўлган.

Ягона миллий бозорнинг ривожланиши ҳамда ижтимоий курашнинг кескинлашви, янги дворянлар ва шаҳар буржуазияси манфатлари ҳокимиятнинг кейинги марказлашувида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Дастлабки сармоя йиғилиши даврида ўзга ҳудудларни мустамлака қилиш

кучайди, жумладан Тюдордлар сулоласи даврида Шимолий Америкада биринчи инглиз колонияси - Виржения XVII аср бошларида Ост-Инд холияиал компанияси қарор топди.

Инглиз абсолютизмнинг хусусиятлари.

Англияда ҳам бошқа мамлакатлардаги каби феодализмнинг емирилиши ва капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келиш даврида абсолютизм (мутлақ) монархия ўрнатилди. Шунинг билан бирга инглиз абсолютизми ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлган шунга биноан ҳам адабиётда бу “нотугал” номини олган. Англияда бу сиёсий шаклнинг нотугаллиги ўтган даврга хос сиёсий институтларнинг сақланиб қолиши, ҳамда мумтоз француз абсолютизмга хос баъзи унсурларнинг мавжуд бўлмаслигида ўз ифодасини топган.

Инглиз абсолютизм монархиясининг асосий ўзига хос жихати кучли қирол ҳокимияти билан бир қаторда парламентнинг ҳам амал қилишидир. Англия абсолютизмнинг бошқа хос жихатларига маҳаллий ўз-ўзини бошқарувнинг сақланиб қолиши, давлат аппаратининг континентдаги сингари марказлашуви ҳамда бюрократлашуви мавжуд бўлмаганлигини киритиш мумкин. Англияда йирик доимий ҳаракатдаги мутасил қўшни ҳам йўқ эди.

Англияда мутлақ монархия ҳукм сурган пайтда марказий ҳокимият ва бошқарув органлари қирол, Махфий кенгаш ва парламентдан ташкил топган. Ҳақиқий ҳокимият бу даврда тўла қирол қўлида мужасамлашган.

Абсолютизм даврида тўла шакланиб бўлмаган қирол Махфий кенгаши давлатнинг олий мансабдор шахслари: лорд-канцлер, лорд-хазинадор, лорд-муҳрдор, ва бошқалардан иборат бўлган. Кучайиб бораётган қирол ҳокимияти парламенти бекор қилишга ожиз эди. Унинг барқарорлиги асосини жентри ва буржуазия иттифиқи ташкил этиб, узок ўтиш қаърига бориб тақалади. Ушбу иттифок қиролга табақалар ўртасида вужудга келган келишмовчиликлардан фойдаланиб марказда ва жойларда вакиллик муассасаларини йўқотишга изн бермади.

Тахтнинг парламент билан бўлган муносабатларда устворлик хусусияти 1539й. Низомда расмийлаштириб қўйилган ва унга мувофиқ қирол фармонлари Кенгашда парламент қонунлари билан тенгма-тенг турган. 1547 йили парламент расмийчилик юзаисдан ушбу низомни бекор қилган бўлсада, аслида тахтнинг парламентдан стунлик даражаси сақланиб қолаверади.

Парламент ўзининг йиғин ва солиқлар миқдорини белгилашдаги имтиёзли ҳуқуқларини сақлаб қолишда давом этаверди.

Парламентнинг янги солиқлари белгилашга қарши қаратилган ҳаракатлари инглиз қиролларини қарз олиш мол (товар)лар олиб кириш ва олиб чиқиб кетиши учун божлар жорий қилиш, компанияларга катта миқдордаги пул тўлаш бадалига савдо-сотик қилиш учун фавқулодда ҳуқуқий имтиёзлар беришга мажбур қилган. Бундай ҳаракатлар баъзан парламент қаршилигига учраган аммо бу даврда унинг қирол ҳокимиятига таъсир қилиш имконияти ниҳоятда заифлашиб қолган эди.

Британия ороллари ноинглиз ҳудудларнинг шиддатли равишда колонизация (мустамлака) қилиниши муносабати билан инглиз бошқарув тизими аста-секин бутун Британияни қамраб ола бошлади.

1536-1542 йиллари Уэлс инглиз давлати таркибига яхлит қўшиб олинди. 1603 йили Ирландиянинг жанубий-шарқий вилояти Ольстер инглиз тахти ҳукумронлигига ўтди. Шу йили сулолавий тахтворсилиги натижасида Шотландия Англия билан иттифоқ тузди. Аслида бу бирлашув номигагина амалга ошган бўлиб, Шотландия ҳам ўзининг мустақил давлат тузилиши мақомини сақлаб қолган эди.

Абсолютизм даврида инглиз черкови устидан инглиз ҳокимияти ушворлиги тўла-тўқис ўрнатилади. Мамлакатда черковни ирол ҳокимиятига бўйсундириш мақсадида Англияда Реформация тказилди, бунинг натижасида черков ерлари олиб қўйилиб давлат мулкига айлантирилди. Генрих VIII даврида Англия парламенти 1529 йилдан 1536 йиллар орасида қатор қонунлар қабул қилди, улар : қиролни черков бошлиғи сифатида тан олиниши, черковнинг юқори лавозимларига қирол томонидан номзод крсатилиши кабилардир. XVI асрнинг охирида қонунчилик воситасида янги черков диний ақидалари ҳамда тоат-ибодат тартиблари қарор топди. Шундай қилиб англикан черкови рим папаси қарамлигидан чиқди ва давлат аппаратининг бир бўлагига айланди.

Мамлакат черковининг олий органи Юқори комиссия ҳисобланган. Унинг таркибига руҳоний шахслардан ташқари Махфий кенгаш аъзолари ва бошқа мансабдор шахслар ҳам кирган. Комиссиянинг ваколатлари ниҳоятда кенг қамровли бўлган. У черков ишларида қирол ҳокимиятининг устунлиги ҳақидаги қонунларнинг бузилиши билан боғлиқ ўблаг ишларни муҳокама қилган. Комиссиянинг асосий вазифаси қайта ислоҳ қилинган черков рақибларига қарши курашиш бўлиб, ҳам католиклар ва ҳам протестантизмнинг энг радикал ва демократик шакллари тарафдорлари билан курашишдан иборат бўлган.

Комиссиянинг ҳар қандай уч аъзоси агар улардан бири епископ бўлса, черковга қатнамаётган шахсларни жазолаш, бидъатчиликнинг олдини олиш, пасторларни ўзгартириш ҳуқуқи билан ваколатланганлар. Кейинчалик Юқори комиссия ихтиёрига мутлақо дунёвий хусусиятга молик Лондондаги дайдилар ҳақида, ензура ҳақида ва бошқа ишлар қатор ишлар ҳам ўтган. Ислоҳ қилинган черков ўз тузилиши ва ушинингдек ибодат қилиш тартиблари жихатидан католизациянинг кўпгина хусусиятларини сақлаб қолган органга айланиб унинг вазифаларидан бири қирол ҳокимиятининг илоҳий асосда вужудга келганлиги назариясини ташвиқ этишдан иборат бўлган.

Абсолютизмнинг қарор топиши билан маҳаллий бошқарув органлари тизими ҳам анча ихчамлашди, уларнинг марказий ҳокимият органларига қарамлиги ошди. Бу даврда маҳаллий бошқарувда рй берган асосий ўзгаришлар лорд-лейтенант мансабининг қарор топиши ва маҳаллий бирлик-черков қавмининг маъмурий жихатдан расмийлаштирилишида з ифодасини топди. Граликларда бевосита қирол томонидан тайинланадиган лорд лейтенант маҳаллий лашкарга бошчилик қилган, яраштирувчи хакам судлари ва констебеллар фаолиятига раҳбарлик қилган.

Черков қавми ўз-ўзини бошқарувчи қуйи бирликни ташкил этиб маҳаллий черков ва ҳудудий бошқарув вазифаларини бажарган. Черковга қарашли солиқ тўловчи шахслар йиғини, солиқларни тақсимлаш, йўллар ва кўприкларни таъмирлаш ва ушнга ўхшаш масалаларни ҳал қилган. Бундан ташқари йиғн черков қавми мансабдор шахслари (черков оқсоқоллари, қашшоқларни назорат қилувчилар ва бошқалар)ни сайлаган. Черков қавмига қарашли черков ишларини монастир нозири амалга оширган. Унинг олиб бораётган барча фаолияти яраштирувчи ҳакам судлари назорати остида амалга оширилган ва улар Графликлар йиғини (мажлиси) ўз аҳамиятини бутунлай йўқотади.

Абсолютизм даврида марказий Вестминстер судлари тузилиши ва юрисдикацияси, ва шу жумладан Адолат суди ҳамда Олий адмираллик судлари ҳам тўла шаклланиб бўлди.

Аммо, булардан ташқари яна, Юлдузли палата, суд масалаҳатлари каби фавкулотда судлар ҳам ташкил этилди. Юлдузли палата Махвий енгашнинг махсус бўлими бўлиб, қирол ҳокимияти рақибларига қарши кураш олиб боровчи қурол вазифасини ўтаган дастлаб штатсиз феродалларга қарши кураш вазифасини бажарган).

Суд олиб борилиши асосан инквизицион хусусиятга эга бўлган бўлса-да, қарорлар судьялар хоҳиш-иродасига кўра чиқарилган. Охир оқибатда Юлдузли палата суд масалаҳатчилари томонидан чиқарилган вердикт (ҳукм)нинг тўғрилигини назорат қилувчи орган ва цензор вазифасини ҳам бажарган. Англиянинг “ижтимоий осойишталиги” кўпроқ буилиб турадиган митақалари (Уэльс, Шотландия)да махфий кенгашга бўйсунувчи суд кенгашлари ташкил этилган.

Абсолютизм даврида яраштирувчи ҳакам судларнинг ваколатлари кенгайтирилди. Барча жиноий ишлар катта жюри айблов актининг тасдиқланганидан сўнг майёр ва яраштирувчи ҳакам судьялари томонидан кўрилиши белгиланган. Суд масалаҳатчилари суд таркибига киритилган

Қўшинни ташкил қилишнинг асосий принциплари деярли ўзгармади. Англияда йирик феодалларнинг қуролли кучлари бекор қилинди, бу эса муттасил қирол армиясининг ташил этилишига олиб келмади. Қалъалар қўриқчилари ва қирол гвардияси камсонлигича қолаверди. Пиёда лашкар милиция шаклидаги қўшинга асосланди.

Инглиз давлати оролда жойлашганлиги сабабли ўз ҳудудини мудофа қилишда кучли денгиз флотига муҳтож эди. Ҳарбий денгиз кучлари Англия қуролли кучларининг асосини ташкил этган ва денгизда ҳукумронлик қилиш ҳамда бошқа ҳудудларни мустамлакага айлантиришда ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқди.

XIV-XV асрлар мобайнида Англиянинг иқтисоди ва ижтимоий тузумида абсолютизмнинг қарор топишига шарт-шароитлар яратувчи муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Феодал ер эгалигининг аста-секин капитализмга ўтиб бориши юз берди. Товар-пул муносабатларининг ва саноатнинг ривожланиши, Англия жунига бўлган талабнинг ортиши феодал ер эгалиги хўжалигига айланишига сабаб бўлди.

XV асрнинг охирига келиб инглиз деҳқонлари иккита асосий гуруҳга – **фриголдерлар ва копиголдерларга бўлинади. Копиголдерлар** – илгари крепостнойдеҳқонларнинг авлодлари фриголдерлардан фарқли ўлароқ, феодаллар фойдасига қатор натурал ва пул мажбуриятлари ўташда давом этди. Уларнинг ер майдонларига нисбатан ҳуқуқлари манорлик судлари қарорларининг нусхаларига асосланарди. Ягона миллий бозорнинг ривожланиши, шунингдек, ижтимоий курашларнинг кескинлашуви янги дворянлар ва шаҳар буржуазиясининг марказий ҳокимиятини янада кучайтиришга бўлган манфаатдорлигига сабаб бўлди.

Дастлабки капитал жамғариш даврида денгиз орти мамлакатларида мастамлакага айлантириш кучаяди: Тюдор даврида Шимолий Америка биринчи инглиз мустамлакаси – Виржиниягаасос солинди, XVII асрнинг бошида эса мустамлакачиликка оид Ост-Индия компанияси ташкил қилинди. Цех тузумининг кучсизланиши шаҳарда капиталистик элементларнинг ривожланишини енгиллаштирди. Шаҳар аҳолиси орасида табақаланиш бошланди.

Бу даврдаги давлат тузуми ҳақида гапирадиган бўлсак, Абсолют монархия даврида Англияда ҳокимият ва бошқарувнинг олий органлари қирол ҳокимияти, Яширин кенгаш ва парламент эди. Аммо бу даврда Англияда асосий ҳокимият қиролнинг қўлида тўпланган эди. Яширин кенгаш бундан олдинги даврда вужудга келган, бироқ абсолют монархия даврида батамом расмийлашган эди. У давлатнинг олий мансабдор шахслари: лорд-канцлер, лорд-хазиначи, қиролнинг шахсий муҳрини сақловчи лордва бошқалардан иборат эди.

Яширин кенгашнинг асосий вазифаси монарх ҳокимиятига қарши ҳар қандай чиқишларга қарши курашиш эди. У фармонлар, регламентлар, йўриқномалар, манифестлар чиқариш билан марказий ва маҳаллий давлат органлари устидан назоратни амалга ошират эди.

Қирол ҳокимиятининг парламент билан ўзаро муносабатларда устунлиги 1539 йилги статuti билан кўришимиз мумкин. Унга кўра, Яширин кенгашнинг чиқарган фармонлари ва ордонанслари парламент ҳужжатлари билан тенглаштирилар эди. Зеро, парламент 1547 йил бу статутни расман бекор қилган бўлсада, қирол ҳокимиятининг парламентдан устунлиги амалда сақланиб қолган эди.

Мамлакатда черковнинг олий органи **Юқори комиссия** ҳисобланган. Унинг таркибига руҳонийлар билан бир қаторда, Яширин кенгаш аъзолари ва бошқа мансабдор шахслар кирган. Комиссиянинг ваколатлари жуда кенг эди. У қирол ҳокимиятининг черков ишларида устунлиги ҳақидаги қонунларнинг бузилишини, “диний ва черков ишларига боғлиқ ишларни” назорат қиларди.

Хабеас корпус акт 1679 йилда қабул қилинган (фуқароларнинг озодлигини таъминлаш ҳамда денгиз ортига қатил этишни оғохлантириш ҳақидаги акт). Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билль. 1689 йилда қабул қилинган. Четлатиш ҳақидаги акт 1701 йилда қабул қилинган.

1679 йилда Англияда муҳим ва асосий конституцион ҳужжат сифатида тан олинган бўлиб, бунда жинойтчини хибсга олиш ҳамда айибланувчини судга ишини ошириш кўрсатилиб ўтилган. Актда одилона ва демократик йўл асосида

иш кўрилишини таъминланиши яъни: айбсизлик презумпцияси, жиноятчини ҳибсга олиниш жараёнида қонундан четга чиқмаган ҳолда иш тутиш, жиноят содир қилинган жойда кўриладиган барча чора тадбирларни қонун асосида амалга ошириш кўзда тутилган.

1689 йилда қабул қилинган бу қонун тахт ворисини ваколатларини чегаралаб, парламентни ҳуқуқини ҳимоя қилади. Парламентда сўз эркинлигини вужудга келтиради. Қироллик вазифаси билан бир қаторда фармон бериши тенглаштирилади. Парламентнинг муддати 3 йилга белгиланади кейинчалик 7 йилга чўзилади.

Юқори парламент қонун чиқарувчи вакил сифатида иқтисодий сиёсатни ташкиллаштирган. Парламентнинг розилигисиз қирол ҳуқуқга эга бўлмаган:

- Қонун бажарилиши ёки тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлган,
- Қиролга тегишли йиғиладиган солиғни тортиб олиш ҳуқуқига,
- Тинчлик даврида армияни йиғиш ва уни таъминлаш ҳуқуқига эга бўлган.

1701 йилда қабул қилинган, қонун қабул этувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг ваколатларин назорат этиш ва компетенциясини кўриб чиққан. Асосий мазмунига киради:

Қарор-Констрасигнатура тамойили бу актда қирол томонидан берилган фармон тегишли вазирликлар томонидан имзоланган бўлса.

Судьяларнинг алмаштирмаслик тамойили-судьяларнинг иш лавозимидан озод этиш учун парламент рухсати бўлиш керак. Бу қонун суд ҳокимиятини ижро этувчи ҳокимиядан ажралиш сабабиган олиб келган.

Англий Конституциясининг ривожланиш босқичига ўз хиссасини қўшган ва алоҳида ўрин эгалаган қонун бу Конституцион прецедент ҳисобланади. XVIII асрда тасдиқланган. Энг асосий масалаларига боғлиқ жараёнлар булар:

Қирол томонидан вазирликлар муҳокамасида қатнашмаслик,

Сайловларда ғолиб топилган партия аъзоларининг ҳокимиятда уз ўрнини шакллантириш, Вазирликлар ваколатларини коллегиялаштириш, Ҳуқуқ ветосини қирол томонидан бекор қилиниши.

Парламент. “Шонли кўзғолонлардан” сўнг парламент икки палатларга бўлинган:

Лордлар палатаси, юқори палата ҳисобланган, наслдан наслга ўтган, қирол томонидан тайинланган.

Жамоа палатаси, қуйи палата ҳисобланган, сайлаш ҳуқуқи асосида шаклланган. Ўн саккизинчи асрларга келиб сайлаш ҳуқуқи асосидан шаклланган қуйи палата юқори палатдан фарқланмаган. Парламентда аристократия ҳукм сурилиши вужудга келган.

6. Ҳуқуқнинг асосий белгилари

XV- асрдаги нормандлар истилосига қадар Англияда ҳуқуқнинг асосий манбалари одатлар ва қироллик қонунлари ҳисобланган. Инглиз-сакслар давлатида ҳуқуқнинг асосий манбаси сифатида, одат ҳуқуқи ва унинг тўпламлари – **Этелберт судномаси, Ине қонунлари, Буюк Алфред судномаси, Этелстан ва бошқа Кнут қонунлари** асосий рол ўйнаган.

Юқоридагилардан ташқари, Хлотар (673-685 йиллар) ва Эдрик (685-686 йиллар), Эдуард Катта (899-925 йиллар), Эдмунд (939-946 йиллар) ва бошқаларнинг қонунлари ҳам инглиз-сакслар давлатида ҳуқуқнинг муҳим манбалари бўлган эди. 601-604 йилларда Кентда эълон қилинган ва 90 та моддадан иборат Этелберт судномаси тинчлик, босқинчиликка қарши курашиш, одам ўлдириш, номусга тегиш жиноятлари учун жавобгарликлар, оила – никоҳ ҳуқуқи, зарар етказилганда келиб чиқадиган мажбуриятлар, ворислик ҳуқуқи ва ҳоказолар тўғрисида меъёрлар белгиланган.

Судноманинг 2-моддасида шундай дейилади: “агар озод киши қиролнинг мулкини ўғирласа, ўғирланган мулк қийматининг 9 баравари миқдорида жарима тўласин”. Черков мулки худо мулки бўлгани учун эса, 12 баравар, епископники учун 11, руҳонийники учун 6 баравар миқдорда жарималар назарда тутилган.

Қирол Ине даврида Уэссекс ғарбий саксларнинг 688-695 йиллардаги одат ҳуқуқи ёзилиб, тўплам холига келтирилган ва Ине қонунлари деб ном олган. Ине қонунларида жиноят ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқига оид жуда кўплаб меъёрлар мавжуд. Буюк Альфред судномаси IX асрнинг 90-йилларида ўзигача бўлган одат ҳуқуқлари тўпламларининг тизимлаштирилиши натижасида вужудга келган бўлиб, кириш қисми 49 та моддадан, асосий қисм 77 та моддадан иборат.

Суднома илгариги қонунларни, яъни, Ине, Этелберт ва бошқа қонунларни ўзлаштирган. Судноманинг 1-моддасида қирол шундай деган: “Биз ҳаммадан аввал ўргатамизки, ҳар ким ўз қасамини ва қонуний равишда берган ваъдасини оқибатини ўйлаб адо этиши лозим”. 925-939 йилларда қирол Этелстан қонунлари вужудга келиб, улар асосан қуйидаги 6 та туркумдаги қонунлардан иборат эди:

- Қиролнинг ўнликлар ҳақидаги қарорлари.

- Задогонлар йиғилишида қабул қилинган қонунлар.

- Қирол тинчлигини сақлаш тўғрисидаги декрет.

- Тинчликни сақлаш ҳақида епископлар ва Кентнинг бошқа донишманд кишиларининг қарорлари.

- Англия донишмандларининг маслаҳати билан қилинган декретлар.

- Лондон шаҳар судномаси.

Кнут қонунлари 1017 йил атрофида Англиянинг Дания қироли Кнут томонидан босиб олиниши натижасида вужудга келган. Кнут (1016-1035 йиллар) ўз қонунларига Англия қонунлари билан тенг ҳуқуқ берди. У қонунсизликка қарши қаттиқ кураш олиб барган ва мамлакатда жиноятнинг олдини олишга ҳаракат қилди.

Ўрта асрларда Англиянинг ҳуқуқ манбалари ичида савдо ва каноник ҳуқуқи ҳам алоҳида ўрин тутди. Умумий ҳуқуқнинг бозор муносабатлари ривожланишига ёрдам бермайдиган консерватив расмиятчилиги инглиз ҳуқуқи томонидан савдо ва каноник ҳуқуқининг қатор меъёрлари ўзлаштириб олинишига сабаб бўлди. Англияда черков судлари фаолияти ва шунга мос равишда каноник ҳуқуқ меъёрларининг аҳамияти дунёвий ва черков ҳокимиятларининг ўз юрисдикцияларини кенгайтириш учун тинимсиз олиб борган курашларига қараб баъзан ўсиб, баъзан пасайиб турган.

XVIII (Конституциявий монархия) асрнинг боши келганда Англия қуйидаги

учта муҳим конституциявий қонун: Хабеас корпус акт, Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билль, Тахт ворислиги ҳақидаги акт қабул қилиниб, улар инглиз конституциясининг ёзилган қисмини ташкил этган. Инглиз конституциясининг ўзига хос хусусияти шунда эдики, у ягона қонун ҳужжати бўлмаган. инглиз конституциясининг муҳим қисмини алоҳида ёзилган қонунлар билан бир қаторда унинг амалиётда ўрнатилган, бироқ ёзилмаган шартли қоидалари ҳам ташкил этади. Булар конституциявий прецедент бўлиб, айти шундай қоидаларнинг ўрнатилиши XVIII асрда инглиз конституциясининг ривожланишини белгилаган. Улардан асосийлари қиролларнинг министрлар кабинети мажлисларида қатнашмаслиги: ҳукуматнинг сайловларда ғолиб чиққан партия аъзоларидан тузилиши: министрлар кабинетининг жамоа жавобгарлиги, қиролнинг вето ҳуқуқидан воз кечиши ҳисобланади.

XVIII асрда Англиянинг конституциявий ривожланишида иккита асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар: парламентнинг юксалиши ва министрлар кабинетининг ташкил топиши эди.

ВИЗАНТИЯ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ (V-XV асрлар)

- 1. Византия давлатининг ташкил топиши ва тараққиёт босқичлари.**
- 2. Шарқий Рим империясининг ижтимоий тузуми.**
- 3. Византиянинг давлат тузуми.**
- 4. Византияда ҳуқуқнинг асосий белгилари.**

1. Византия давлатининг ташкил топиши ва тараққиёт босқичлари

Византия давлати IV асрнинг охирида Рим империясидан унинг шарқий қисмининг ажралиб чиқиши натижасида ташкил топди ва минг йилдан ортиқ, яъни 1453 йилда пойтахти – Константинопол турклар томонидан босиб олингунга қадар ярашади. “Рим империяси” деган ном бора-бора йўқолиб, “Византия империяси” деган ном билан юритила бошлади (империянинг пойтахти қадимги вақтда Византия деб аталган бўлиб, 330 йилда Константин Буюк унга Константинопол деб ном берган эди). Византия давлатининг ривожланишини қуйидаги уч босқичга бўлиши мумкин:

Биринчи босқич (IV аср охири-VII аср ўртаси) қулдорчилик тузумининг емирилиши ва унинг ўрнида илк феодал муносабатларига асосланган Византия жамиятининг юзага келиши билан характерланади. Бу даврда давлат марказлашган монархия шаклида бўлиб. Унда ҳарбий-бюрократик аппарати тараққий этган эди, лекин император ҳокимияти бироз чекланарди.

Иккинчи босқич (VII аср охири-XII асрнинг ўртаси) феодал тартибларнинг шаклланиши даври бўлган. Бу даврда давлат ўзига хос чекланмаган монархия шаклида бўлиб, император ҳокимияти ўзининг энг юқори даражага эришди.

Учинчи босқич XIII-XV асрларга тўғри келиб, бу даврда жамиятнинг феодаллашиш жараёни кучайиши натижасида Византияда сиёсий инқироз чуқурлашди. Бу босқичда Византия давлатининг бирданига заифлашуви ва тушкунликка тушиши оқибатида XV асрда кулаши билан тавсифланади.

2. Шарқий Рим империясининг ижтимоий тузumi

IV-VII асрларда Византиянинг ҳукмрон табақасини жамиятда турлича иқтисодий ва ижтимоий мавқега эга бўлган эски сенаторлар, арситократ ва провинциал бойлар, задагонлар ташкил қилар эди. Бу даврда ижтимоий тузумнинг энг қуйи қисмини куллар ташкил қилар эди. Уларнинг ҳуқуқий ҳолати, кечки Рим ҳуқуқи нормалари билан белгиланиб, бошқа озод аҳолининг ҳуқуқий ҳолатидан кескин фарқ қилар эди. Византия аҳолисини асосан эркин деҳқонлар ташкил қилар эди.

Византиянинг ижтимоий тузumi VI аср охири – VII аср биринчи ярмида кескин сиёсий ва ижтимоий инқироз натижасида анча ўзгарди. Арабларнинг босқини, варварларнинг бостириб кириши ва империя ҳудудида оммавий ўтроқлашиб қолишлари, шаҳарларнинг вайрон этилиши Византияда кулдорлик тузумининг емирилиши ва феодал муносабатларнинг пайдо бўлишини тезлаштирди.

Византиядаги келгинди славян деҳқон аҳолининг аҳволи “Деҳқончилик қонуни”да жуда яхши таърифланган; бу манба VIII тегинли, лекин унда VII асрдаги аграр муносабатлар ҳам асқ этган. Шундай қилиб “Деҳқончилик қонуни” жамоанинг табақаларга ажрала бошлаганлигидан, жамоа аъзоларининг ўз ёнидаги катта дунёвий ер эгалари ёки черков-монастир ер эгаларига қарам бўла бошлаганлигидан ҳам далолат беради. Славянлар империяни худди муҳтож нарсасига – жуда кўп эркин деҳқонларга эга эдилар. Византияда кулдорлик тузumi ўрнига, янги феодал муносабатлар ривожлана бошлади. IX-XII асрларда Византиянинг феодаллашув жараёни тез авж олиб борди.

IX-XII асрларда бошлаб Византияда хусусий эгаликдаги деҳқонларнинг сони жуда тез ўса бошлади, эркин деҳқонларнинг ва ҳатто давлат деҳқонларининг ҳам сони бирмунча камайиб кетди. Хусусий эгаликдаги деҳқонлар париклар деб юритилган. Византия жамиятининг энг қуйи қисмида аввалгидек куллар ўрин оларди. Кулчиликнинг узоқ вақт сақланиб қолганлиги Византия ижтимоий тузумининг алоҳида белгиси ҳисобланади. Ҳамда кул меҳнатидан уй хўжалигида кенг фойдаланилган. IX-XII асрларда Византияда куллар билан бошқа кишилар ўртасидаги фарқ деярли йўқолади.

3. Византиянинг давлат тузumi

IV-VII асрлардаги Византия давлати кечки рим империяси давлат тузумининг асосий хусусиятларини сақлаб қолган эди. Давлат бошида император – рим сепарлари ҳокимиятининг меросхўри туради. Император давлатда бутун қонун чиқарувчи, суд ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг бошлиғи бўлиб, христиан черковининг ҳомийси ва ҳимоячиси ҳисобланарди.

Илк Византия черкови императорларга тўла қарам эди. Черков ишларига раҳбарлик қилишга император Юстиниан айниқса кўп аралашар ва диний вакиллар билан муомала қиларди. Византияда император ҳокимияти наслдан-наслга мерос бўлиб ўтиши мумкин эмас эди. Янги Византия императори сенат, “Константинопол халқи” ва армия томонидан сайланар эди. IV асрлардаёқ император фармони билан “Константинопол халқи”га - Константинопол ипподромига йиғилган пойтахт аҳолисининг турли ижтимоий қатламлари ва гуруҳларига илтимослар билан чиқиш ва императорга талабнома билдириш ҳуқуқи берилган.

Византияда махсус сиёсий ташкилот – шаҳар партиялари (димлари) тузилади. Улар орасида анча нуфузли иккитаси “зангори” ва “яшил” партиялар муҳим ўрин тутган. IV-VI асрларда димлар сиёсий ҳаётда жуда муҳим рол ўйнайди. Қудратли Византия императорларидан Юстиниан I ҳам ўз қарорларини ва қонун ҳужжатларини чиқаришда сенат ва халқнинг розилиги зарурлигини эътироф этади.

Византия империяси Македонияликлар сулоласи томонидан идора қилинган давр (867-1057 йиллар)да ўз ривожланишининг юқори чўққисига эришди ва бюрократик аппарат ёрдамида мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг барча томонларини назорат қилишга ҳаракат қилади. VII асрнинг охириданок қулаб бораётган Константинопол сенатининг сиёсий роли IX асрнинг охирида императорнинг махсус фармони билан батамом йўққа чиқарилди.

Византия императорлари василевс (подшо) ва автократ (ҳокими мутлақ) деган юнон унвонларини тўла-тўқис қўлга киритди. Василевснинг ўғли қонуний меросхўри сифатида кўрилмаган. Бу XI асрга келиб тахт ворислиги қонуний принципи ўрнатилди. Феодализм ривожланиши билан императорлар ва йирик феодаллар ер эгалари ўртасида Византия давлатчилиги амалиёти учун янги ҳисобланган сенорлик-вассаллик муносабатлари шаклланади.

Империянинг марказий бошқаруви **Давлат кенгаши (консистория, кейинчалик синклит)** қўлида эди. У император ҳузуридаги олий орган бўлиб, давлатнинг кундалик ишларига раҳбарлик қиларди. Бу вақтда Византия чиновникларининг умумий сони жуда катта эди. Фақат иккита претория префекти идораларининг ўзида 10 мингдан ортиқ фуқаролик чиновниклари хизмат қиларди.

Империянинг маҳаллий давлат аппарати IV-VII асрларда тўла кечки рим империясининг бошқарув тизимига асосланган эди. Империя префектураларга, диоцезларга ва провинцияларга бўлинган эди. Империянинг маҳаллий бошқаруви тепасида иккита претория префекти турарди. Бу олий фуқаролик чиновниклари кенг маъмурий, суд ва молиявий ҳокимиятга эга эдилар.

Диоцезлар ва провинцияларнинг фуқаровий ҳукмдорлари ушбу префектларга бевосита итоат этар эди. VII асрда эски маҳаллий бошқарув тизими ўрнига янги **фем** тизими юзага келди. Фемлар ҳарбий округлар сифатида вужудга келиб, дастлаб эски провинциялардан анча катта эди. Фемлар тепасида **стратиглар** туриб бутун ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини ўз қўлида тўплади. Кейинчалик жамиятнинг феодаллашуви кучайиши оқибатида маҳаллий

бошқарувнинг фем тизими кучсизлана борди ва XI асрга келиб батамом инкирозга учради.

4. Византияда ҳуқуқнинг асосий белгилари

Византия давлати ривожланишининг илк босқичидаёқ ўзига хос ҳуқуқий тизим шаклланади. У бевосита Рим ҳуқуқидан ўсиб чиққан. Византия давлати Рим императорларининг қонунларини ҳуқуқнинг асосий манба сифатида қабул қилади; масалан, биринчи рим қонунлари тўплами – Феодосия кодекси 438 йилда тузилган. Унга Константин ҳукмронлиги вақтидан (312 йил) бошлаб барча рим императорларининг конституциялари киритилади. VI аср ўрталарида, машҳур юрист Трибонион бошчилигида Рим ҳуқуқини тизимга солиш ишлари амалга оширилади ва натижада **Юстинианнинг қонунлари тўплами** (corpus juris civilis) вужудга келди.

Мазкур қонунлар тўплами XI асрга қадар Византия ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб унинг асосида Византиянинг ҳуқуқий тизими тўла – тўқис шаклланади.

VIII-XIV асрларда Византия ҳуқуқининг асосий ёдгорликлари. VII-VIII асрларда Византия ҳуқуқий тизими чуқур иқтисодий инкироз, шаҳарларнинг таназзули, давлат ерларига варварларнинг ўрнашиши, арабларнинг бостириб кириши ва бошқалар натижасида оғир синовларни бошидан кечиради.

Суд амалиёти эҳтиёжлари Юстиниан қонунлар тўпламини қайтадан ишлаб чиқишни ва унинг қисқа ва тушунарли шаклда баён қилиниши зарур бўлиб қолди. 726 йилда (баъзи маълумотлар бўйича 741 йил) император – “бутга қарши курашувчи” Лев III Исаврнинг (717-740 йил) кўрсатмаси бўйича **Эклога** (“**танланган қонунлар**”) нашр этилади. Эклоганинг чиқарилиши Византия ҳуқуқи ривожланишида муҳим босқич ҳисобланади. Эклогага христианлик дини ва ахлоқнинг таъсири тўлиқ даражада ўз аксини топди.

Эклога шу вақтгача византия ҳуқуқига маълум бўлмаган унаштириш (7 ёшдан) тартибини жорий қилди. Никоҳ ёши эркаклар учун 15 ёш, аёллар учун 13 ёш қилиб белгиланди. Эклоганинг шартнома ҳуқуқига бағишланган IX-XIII титулларида Юстиниан қонунлари тўпламида назарда тутилган кўпдан кўп битимлардан назарда тутилган фақат олди-сотди, қарз, омонат, шериклик турлари эслаб ўтилган. Эклогада жиноят ва жазоларга бағишланган XVII титул анча кенг ва аниқ ишланган.

Жамиятдаги ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашиб бориши, жиноят қонунларига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Хусусан, Эклогада жиноий хатти-ҳаракатлар учун давлат томонидан таъқиб қилишнинг анча кучайтирилганлиги кўзга яққол ташланади. Эклоганинг айнан ушбу титулининг кейинги қонунлар тўпламларида ўзгаришсиз фойдаланганлиги ҳам бежиз эмас эди. Эклогада, шунингдек, христиан динига қарши жиноятларга ҳам катта эътибор берилди.

Эклогада жазолар тизими, ҳатто Юстиниан қонунларига нисбатан ҳам анча мукамал ишлаб чиқилганлиги ва жуда қаттиқлиги билан ажралиб турган. Эклогада баъзи жиноятлар бўйича жазолар айбдорнинг ижтимоий ҳолати қараб

белгиланган. Эклога тез орада деҳқончилик, денгиз ва ҳарбий қонунлар билан тўлдирилади.

Уларнинг ичида **Дехқончилик қонуни** муҳим аҳамиятга эга эди. У ўз мазмун-моҳияти билан Ғарбий Европа давлатларининг “Варварлар ҳақиқати”ни эслатиб ўтади. Бу қонун эклоганинг муҳим камчиликларини тўлдиришга қаратилган эди. Эклогага илова сифатидаги яна бир қонун Денгиз қонуни бўлиб, у ғарбий европада **Родосса денгиз қонуни** деган ном билан машҳур бўлган.

VII-VIII асрларда тузилган. Унда антик даврда ва ўрата асрларда денгиз савдоси амалиётида вужудга келган ва қисман Рим юристлари томониданок ишлаб чиқилган ҳуқуқий одатлар тўпланган эди. 879 йилда **Прохирон** деб номланган қонунлар тўплами чиқарилган. У ўз даврида Византия ҳуқуқининг анча нуфузли ҳуқуқ манбаларидан бири бўлиб қолган ва қўшни славян давлатлари ҳуқуқи тарихида сесиларли из қолдирган. Прохирон эклогага нисбатан анча тўла қонунлар тўплами эди.

Византия ҳуқуқининг таркибий қисмларидан бирини **Черков ҳуқуқи** ташкил этган. Черков ҳуқуқи асосан дунё христианлари йиғинларининг ва патириархларнинг қарорларидан ташкил топган. Черков ҳуқуқининг тан олинган нормалари, шунингдек, қисман императорларнинг қонунларидан махсус тўпламлар – **Номоканонлар** тузилган.

Улардан VI-VII асрлар бўсағасида Константинопл патриархи Иоан Схоластика томонидан 50 та титулдан иборат тузилган номоканон энг қадимийсидир. 629-640 йиллар оралиғида Энантиофан деган юрист томонидан тузилган 14 та титулдан иборат номоканонлар оммовий эди. Номоканонларнинг мазмуни вақти-вақти билан янгиланиб турилган.

ФРАНЦИЯ. 1819 ЙИЛДАГИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

1.Жиноят кодексининг структураси.

2.Биринчи кодекс.

3.Иккинчи, учунчи, тўртинчи кодекс китобининг тузилиши ва моҳияти.

1810 йил Жиноят кодекси икки умумий ва асосий қисмдан шаклланган бўлиб, умумий қисмда биринчи ва иккинчи китобни ўз ичига олган бўлиб, умумий тушунчадан, турларига, жиноий жавобгарликка бағишлангандир. Махсус қисмда учинчи ва тўртинчи китоб мужассамлашаган бўлиб, бунда ҳуқуқбузарликни турлари ва жавобгарликлар тоифасига ажратиб кўрсатишдан иборат.

Биринчи жиноят кодекси. Китоби жиноятчини қийнашга ва иззага солишга жиноий жавобгарлик турларига бағишлаган. Кодексда ҳар бир жараёни батафсил изоҳлаб ўтилган. Бу жазолар қуйидагилар билан ажралиб кўрсатилган:

ўлимга маҳкум этиши;
оғир ишларга йўллаш;
шаҳардан бадарға қилиш;

халқ олдида изза қилиш, ҳақоратли тўнка олдиғи боғлаб қўйиш;
сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш;
давлат ишларидаги мансабларга эғалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш.

Ҳуқуқбузарлик жазолари кодекс томонидан, қамоқ муддатига маҳрум этиш, тарбиялаш идораларига юбориш, вақтинчалик сиёсий, фуқаролик ва оилавий ҳуқуқдан чиқариб ташлаш ёки жарима билан белгиланган.

Иккинчи жиноят кодекси китоби. Асосий мажбуриятлардан озод этишга бағишланган. Бунда асосланиш босқичи, яъни жиноят содир этган шахс ўзини жинниликка солиш, ҳамда жиноятни ўз хоҳишисиз содир этганлигини аниқлаш. Далолатчилик қилиш. Кодексида жиноят содир этган шахсни ёшини чегараламаган лекин 16 ёшга тўлмаган шахсни жиноий жавобгарлигини енгилроқ белгилаган. Жиноий ҳуқуқдаги ҳамма масалаларни батафсил ишлаб чиқилганлиги сабабли, жазони шакли ҳамда ҳуқуқбузарликнинг меъёрлари батафсилликка берилмасди. Қачон содир этилганлиги такидаланиши шарт эмас эди.

Учинчи жиноят кодекси китоби. Ҳуқуқбузарликка ҳамда жиноятчининг ҳаракатига бағишланган ва уни икки турга бўлган.

халққа нисбатан қилинган ҳуқуқбузарлик, давлат хавфсизлигига қарши, империя конституциясига қарши, жамоат тинчлигига қарши қаратилган ҳуқуқбузарлик; хусусий ҳуқуқбузарлик, яъни шахсга нисбатан қилинган ҳуқуқбузарлик, мулкка нисбатан кодекснинг кўп қисми мулкни ҳимоя қилишга бағишланган.

Тўртинчи жиноят кодекси китоби. Полиция ҳуқуқбузарларига бағишланган. Суд, полиция томонидан ўрнатилган қонунларни бузган шахсга қарши жиноий жавобгарлик белиглашга бағишланган.

Германия иттифоқидан Германия империясига ўтиш

1. Германия Иттифоқининг ташкил топиши.
2. 1848 йилги Германиядаги инқилоб ва давлат тузуми.
3. Пруссия (1850 йилги) конституцияси.
4. Германиянинг бирлашуви.
5. Социалистларга қарши “Фавқулодда қонун”.

1814 йилда Германия Иттифоқи шаклланди. Унинг таркибига 34 давлат-қироллик, князлик, герцоглик ва кўплаб эркин шаҳарлар кирганди. Ҳар бир иттифоқчи давлат ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Иттифоққа Австрия бошчилик қилган. Германия иттифоқида “Иттифоқ Сейми” юқори орган бўлиб, ҳисобланган. Дворянлар олдингидек деҳқонлар устидан ҳукмронлигини, феодал судларни ва борецинани ов қилиш ҳуқуқини, “қонли десятинали” (чорва моллардан олинадиган солиқ тури) олиш ҳуқуқини ўзларига қайтариб олдилар. Помешчиклар деҳқонни айбсиз суд қилмасдан туриб, ўлимга маҳкум этиш ҳуқуқини сақлаб қолдилар. Германиянинг барча худудида Абсолютизм (Конституцион) ҳукмронлик қиларди. Махфий судлар, кучли полиция ва х.к.ушбу режимининг оқибати эди.

2. 1848 йилги Германиядаги инқилоб

Германиядаги ишлаб чиқариш муносабатлари секинлик билан ривожланган бўлсада, бунинг натижаси сифатида 1834 йилда Пруссия бошчилигида Бовария, Саксония ва бошқа герман давлатлари билан тузилган “Божхона иттифоқи”ни кўришимиз мумкин. Бу иттифоқ Германия давлатларидаги тижоратчи синфларни яқинлаштириш ва уларни кучини бир жойга тўплаш вазифасини бажарар эди. Пруссия томонидан тузилган бу иттифоқ унинг ютуғи эди. Бу ташаббуси билан Пруссия ўзи Герман давлатларидаги ўрта ва майда буржуа вакиллари қаратиб олди. 1844 йилда Герман ишчи синфининг яъни Силезиялик тўқувчиларнинг кўзғалони бўлиб ўтди. Улар феодализм ва деспотизмга қарши бош кўтаришган эди. Бу кўзғалондан сўнг 1848 йил март ойида Пруссиянинг пойтахти Берлин кўчалари барикадалар билан тўлиб кетди. Ишчилар синфи ҳарбийлар билан курашгунга қадар буржуа оқими вакиллари прусс қиролини бир қанча ўзгартиришлар қилишга рози қилишади.

Сиёсий жиноятларда Суд Присяжнийларни кенг тадбиқ этиш;

Дехқонларнинг устидан суд ва полициялари ҳукмронлигини йўқ қилиш;

Таъсис Ландтаг (миллий йиғилиши)га бўладиган сайлов; Буржуа-демократик ҳаракатлар Германияни бутунлай қамраб олди.

Вақтдан ютиш мақсадида қирол ва князлар Франкфурт-Майнда Таъсис мажлисини чақиришга рози бўлишди. Бу мажлис Германия учун ягона бўлган Конституцияни бериши керак эди. Лекин бу Мажлис Герман давлатларининг ишончини оқламади ва кутилган умумгерман конституция лойиҳаси қоғозда қолиб кетди. Чунки 1849 йил Таъсис Мажлисни инқилоб бостирилгач тарқатиб юборишди.

3. Пруссия (1850 йилги) конституцияси

1848 йил майда Пруссия Миллий йиғилишида сайлов бўлиб ўтади. Депутатларнинг кўпчилигини буржуа-либералларни ташкил этади. Конституцияси 1849 йил Пруссия Миллий йиғилиши томонидан ишлаб чиқилганди. У ўзида “либерализм”нинг айрим белгиларини акс эттиргани учун Фридрих Виячеслав уни қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Очiq ва икки босқичли махсус тизимли сайлов йўли билан янги Мажлисни чақиришга келишилди. Бу тизм “Курияли тизим” номини олди. У қуйидагича эди:

Сайловчилар –маълум ёшдаги барча эркеклар “3 гуруҳ”га бўлинади.- (куриялар) 2та биринчи куриялар – катта солиқ тўловчиларни ташкил қилади.

Қолган барча сайловчилар охирги курияни ташкил қилганлар. Ҳар бир курия бир хил сайланувчиларни сайлашган. Шундай қилиб, 2 та биринчи куриялар, сайланувчиларнинг 2/3 қисмини сайлашган; Охирги куриядагилар эса сайланувчиларнинг 1/3 қисмини сайлашган. Сайлов ҳукумат учун керакли натижани берди. Мажлисининг 350 та аъзосидан 250 таси чиновниклардан эди. 1850 йилги Конституция қонунчилик ҳокимиятини 2 палата қилиб шаклантирди.

Биринчи палата сайланган, иккинчи палата тайинланган қирол томонидан княз авлодидан бўлган шахзода ёки пер қилиб тайинлангандан иборат эди.

Дастлаб юқори палата яrimi сайланган яrimi тайинланган. 1852 йилда Пруссия ҳокимати юқори палатани бутунлай умрбод ёки мерос бўйича қоладиган қилиб тайинлашга ўзгартириш кераклигини кўриб чиқди.. Бош Вазир Бисмарк бу режани амалга оширилишини қиролдан талаб қилиб, 1853 йилда шунга эришди. Конституция Прусс қироли учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини берди. Қирол ижро ҳокимати бошлиғи эди. Қиролга парламентни қанча хоҳласа ва қачон хоҳласа тарқатиш ҳуқуқи берилмаган. Вазирлар парламентга ҳисобот бермасди. 1850 йилги Конституция фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, сўз эркинлиги, мажлислар ўтказиш, уюшмалар эркинлиги, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи каби ҳуқуқларни белгилаганди. Шунингдек таълим олиш эркинлиги ҳуқуқий таминланди. Лекин мактаблар очиш ҳақида қонун ҳам ишлаб чиқилганди. Конституция цензурани таъқиқлади. Пруссия конституцияси бари бир абсолют монархияга хос бўлиб қолди.

4. Германиянинг бирлашуви

Шимолий-Герман иттифоқи Германия иттифоқи бўйича Пруссия ўзининг ҳарбий кучига ва армиясига сарф харажатлари билан Австрия давлатини энг жиддий рақобатчиси бўлиб қолди.

Герман иттифоқи ичида ҳеч қайси давлатнинг Пруссия каби саноати ривожланмаган эди. Германиянинг бирлашуви учун бўлган ҳаракатга Отто Фон Бисмарк бошчилик қилди. 1866 йилда Австрия – Пруссия урушида Австриянинг мағлуб бўлиши туфайли Герман Иттифоқи тугатилиб унинг ўрнига Пруссия бошчилигида Шимолий Германия Иттифоқи тузилди. 1867 йилда Иттифок Конституцион қурилишига эга бўлди.

Иттифок Пруссия қироли президент сифатида бошчилик қилган. Шунингдек, канцлер ва икки палатали – қуйи палата (рейхстаг) – умумий сайлов йўли билан сайланган бўлиб, улар томонидан ҳам бошқарув амалга оширилган. Баъзи давлатларда яъни Гоновар ва Насса ҳукумати Пруссияга табиий равишда қўшилиб қолган. Германиянинг бирлашуви йўлидаги ғов бўлиб турган давлат – Франция эди. 1871 йил Германия империяси Конституцияси қабул қилинди. 1871 йилги Конституцияга кўра Германиянинг таркибига 22 та монархия (улар оралисида Пруссия, Бовария, Саксония) ва бир неча “эркин шаҳарлар” (Гамбург) кирган.

Улар мустақил эдилар. Империя бошлиғи Пруссия қироли эди. Қирол қуйидаги ваколатларга эга эди:

Қуроли кучлар бошлиғи;

Чинovníкларни тайинлаган;

Иттифок канцлерини тайинлаган;

Пруссия делегатларини юқори палатага тайинлаган ва ҳатто, вазирларни бошқарган.

Германия империяси юқори палатаси – “бундесрат” яъни Иттифок кенгаши эди. Унинг аъзолари давлат ҳукуматлари томонидан тайинланган. Вакилларнинг сони конституция билан тартибга солинган эди. Бундестардаги 58 та депутатдан 17 та вакили Пруссиядан эди. Қолган давлатлардан биттадан то 6 тагача вакили

бўлган. Бундесрат қонунчилик ҳокимиятининг рейхстаг билан бирга ва қисман ижро ҳокимиятини алоҳида амалга оширган. У доимий ишлаб турувчи махсус комиссияга эга эди. Бу комиссия турли вилоятларда махсус давлат ишлари билан шуғулланган. Бундесрат қонуний кучга эга бўлган қарор чиқариш ҳуқуқига эга бўлган.

Иттифоқ кенгаши раиси Пруссия канцлери ва вазири бўлган, у қирол томонидан тайинланган. Қонун лойиҳаси ёки конституцияга ўзгартириш киритиш ҳақида лойиҳани рад этиш учун 14 та овоз яъни қарши овоз етарли бўлган. Пруссия 17 та овозга эга бўлган. Шунинг учун Пруссиянинг ҳар қандай қонун лойиҳасини рад этишга кучи етарли эди. Қуйи палата дастлаб уч йил муддатага кейин 5 йил муддатга сайланган. Қонунчилик ташаббуси ва ҳокимияти аҳамиятсиз эди. Агар бирон бир қонун лойиҳаси Рейстагга рад этилса, ҳукумат бу лойиҳани тасдиқлаш учун ёки қайта кўриб чиқиш учун Бундесратга берган қарор инобатга олинмаган. Рейстаг Вазирликлар устидан назорат қилишга ҳақли эмасди. Умумий овоз бериш йўли билан сайланган, бунда эркаклар яширин овоз бериш билан қатнашганлар, бунда 3 йил муддатга Рейхстаг сайланган. Рейхстагнинг муддатдан илгари тарқатилиши Иттифоқ кенгашининг оддий қарори билан амалга оширилиши мумкин эди. Империя ҳукумати ягона шахс-канцлер томонидан амалга оширилган. Вазирлар маҳкамаси бўлинмаган эди.

Империя ҳукумати функциялари кенг бўлган:

-Ички

-Ташқи

Раҳбарлик, алоқа ишлари бўйича, банк ва патенти масалалари, жиноят ва фуқаролик ҳуқуқи, касаба уюшмалари ва хунармандчилик тўғрисидаги қонунчилик, санитария ва ветеринария хизматлари ҳақида қонун мавжуд эди. Маҳаллий бошқарув ҳиссасига эга биринчи галда империя қонунларини ижро этиш тўғри келади. 1871 йил Конституция ўз моҳиятига кўра камчиликлари бўлган. Конституция император, Иттифоқ кенгаши билан биргаликдаги ҳукмронлигини чекларди. Лекин у Пруссия қироли сифатида ҳар қандай қонун лойиҳасини рад этиши мумкин эди. Германиянинг тузмида буржуа вакиллари билан бирга жойларда феодаллардаги помещик ва задогонлар мавжуд эди. 1859 йилги “Аграр муносабатлар тўғрисида”ги қонун феодаллар учун хизмат қилган.

5. Социалистларга қарши “Фавқулодда қонун” Бисмаркнинг ишчи социалистлар партиясига қарши 1878 йилги парламент тасдиғидан ўтказган “Фавқулодда қонун” бу сиёсий ҳаётини чегаралашга қаратилганди.

Бу қонун Социалистик газета ва журнал нашр этишни тақиқлади. Партия ходимларини қамоққа олиш, катта жарима солиш каби жазога тортган. Бу қонун ўз таъсирини кўрсатган бўлсада кутилган натижани бермади ва бекор бўлди.

Австрия-Венгриянинг шаклланиши

Пруссия билан бўлган жангдан толиққан Австрия сиёсий ва ҳарбий соҳада ожизланиб қолганди. Унинг назорати ҳукмронлиги остида ҳам-Чехия, Мавария, Словакия, Хорватия, Силезия, Бковина ва бундан ташқари бутун Венгрия устидан ҳукмронлик қиларди. 1848 йилда Австрия ва Венгрияда ҳам инқилоб бўлиб ўтди.

Австрия ўз қудратини тиклаш мақсадиди Чехия ва бошқа миллий вилоят бошқарувига имтиёзлар берди. Австрияда Рейхстаг бўлган, у 2 палатадан иборат:

1. ҳукумат;

2. депутатлар палатаси бўлган;

1. палата-дворянлар ва юқори диндоалар, шахзодалардан ташкил топганди.

2. палата-молиячи. Фабрикантлар, чиновник —амалдорлардан ташкил топган.

Австрия 1867 йили Венгрияга автономия берди. Венгрия ўзининг қонунчилик органига ва ҳукуматига эга бўлишига ҳақли бўлди. Ҳамда Австрия-Венгрия ўртасидаги умумий ишларини ҳар йилги томонлар делегацияси йиғилишларида ҳуматлар вакиллари иштирокида ҳал қилган Австрия императорлари Венгрия императорлари ҳам эди.

Шундай қилиб, унинг расмий номи Австрия-Венгрия бўлиб қолган.

Италиянинг бирлашуви.

Италия асрлар давомида Европанинг йирик давлатлари Франция, Испания, Германия остида бўлиб келади. XVII аср охирига келиб, Италиянинг ўзида 11 та давлат бўлган. Улар орасида фақат 2таси Венеция, Пьемонт ўз мустақиллигига эга эди. XVIII аср бошларида Австрия Италия ҳудудидан Испанияни сиқиб чиқариб ташлади. Ломбардияда ҳам ўз ҳукмронлагини ўрнатди. Наполеон Бонопартнинг қисқа маддатда ҳукмронлиги Италияга озодлик бермади, лекин буржуа муносабатлари ривожланди. Сиёсий ва божхона тўсиқлари олиб ташланиши катта йўл қурулиш ишлари олиб борилди ва савдо ишлари алоқаларига кенг йўл очиб берилди.

Италияда Франциянинг Фуқаролик ва Жиноят кодекслари жорий этилди. Франциянинг мағлубиятлари Италияда яна Австриянинг таъсири кучайди. Ломбардия ва Венеция бирлашган қиролликлари Венадан туриб бошқариларди. Италиянинг бирлашуви жараёни 1848 йилги инқилобдан кейин бошланди. 1859 йилги Ломбардия-Венеция вилоятидаги кўзғалонга таянган ҳолда Пьемонт қироллиги Италияда Австрия гарнизонларини чиқариб юборишга уринишга эришилди.

Плебицист эса ўз қонуни билан Ломбардия, Таскания ва Модена, Парманинг ягона “Сардиния қироллиги”га бирлашганини тасдиқлади (1860 й)

Янги давлат ташқарисида қолган Неоколъ ва Папа вилояти эди. Ниҳоят бир қанча урушлар ва жанглардан сўнг 1866 йилги Венецияга озодлик бериш ва Италияга бирлашиш юз берди.

Наполеон III нинг Пруссия билан бўлган жангида Рим ва Папа вилоятидан Франция қўшинларининг олиб чиқилишига сабаб бўлади, ҳамда 1870 йилда Пьемонт қироли Римга келди ва Италия пойтахти деб Римни эълон қилинди. Ҳамда шу тариқа Европа харитасида янги давлат пайдо бўлди.

Италия Конституцияси

Конституция монархия ҳусусиятига эга эди. Уни “Пьемонт Статут”и қабул қилди. (1848 йил) Статут 2 палатадан иборат эди.

- Қирол ва сенат палата
- Қуйи палата (депутатлар)

Юқори палата-сенат ва қирол бўлган шунингдек, қирол тайинлаган генераллар, юқори амалдорлар, епископлар бошқа шахслар, ҳамда шахзодалар авлодидан бўлганлар ташкил этган. Қирол ва Сенат қонунчилик саҳасида Вето ҳуқуқига эга бўлган.

Қирол ваколатлари:

- Вазирларни тайинлаш;
- ижро ҳокимияти бошлиғи;
- қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи;
- қонунни тасдиқ ёки рад этиш;
- жазони енгиллаштириш;
- армияга қўмондонлик қилиш;
- халқаро шартномалар тузиш;
- уруш эълон қилиш.

Қуйи палата (депутатлар)-мамлакат аҳолисини мулк цензи асосида 2-3 % сайланган. 1882 йил сайлов ҳуқуқи ўзгартирилди. Сайловчилардан Саводхонлик талаб этилди ва саводхонликни тасдиқловчи гувоҳнома бериши лозим эди, саводхонлик цензи қўйилган. Аҳоли орасидаги саводхонлик номи бўлганлиги сабабли сайловчиларнинг сони 2% дан то 7% га ошди холос. Депутатлар палатаси ваколат доираси дастлаб қонунчиликда қатнашишга чекловлар бор эди. Кейинчалик анъанавий парламентчилик тизимига ўтилди. Бунда қуйи палата бюджет ва солиқ масалаларини ҳал қилиш ваколатига эга бўлди. Қирол Вето ҳуқуқидан фойдаланмасди. Вазирларнинг депутатлар палатаси олдида масъул жавобгар эди. Лекин сиёсий режим антидемократик тусда эди. Ҳукумат амалдаги қонунларни тўхтатиш ва ўз буйруғини, фармонини чиқариш ҳуқуқларини ўзлаштириб олди. Чиновникчилик худди Вазирликлар депутатлар палатаси каби юқоридан пастгача сотиб олинадиган эди. “Иккинчи даражали” масала деб номланган ишларда чиновниклар эркинликларини бузиш, жумладан, йиғилиши эркинлиги, ёзишма ва бошқа ҳуқуқларни бузушга ҳақли эди.

Улар “огоҳлантирувчи арест”га ҳуқуқига эга эдилар. Бу ҳуқуқдан улар кенг фойдаланиб, оддий ҳолатлардаги шубҳа туфайли кўпгина сиёсатчиларни қамокқа олишган. 1876 йилда 94 мингта одам қамокда бир неча ой ўтириб чиққан, асосли далиллар бўлмаганлиги учун озод этилган. 1912 йилда Сайлов ҳуқуқида ислоҳат ўтказилиб, эркаклар сайловчилар доираси кенгайди. Уларнинг сони 8 мингга етди.

Руминия давлатининг ташкил топиши.

1. Руминия давлатининг ташкил топиши.

2. 1866 йилги Конституцияси

Бирлашишнинг бошланиши дастлаб Валахия ва Молдавия ягона Руминия бирлашишига 1848 йилдаёқ асос солинган эди. 1858 йилги Париж конференцияси қарори билан Молдавия ва Валахия “Бирлашган провинция” номи билан бирлаштирилди. Князликлар эркинлик олишганидан сўнг Бирлашувга интилишди. Князликлар мажлиси ўзларига раҳбар саёлашди. У бояр Кузу эди. Унга Александр I деб Куза Руминия давлатининг ташкил топганлиги ҳақида эълон қилди. Князликлар йиғилиши битта партияга жипслашди. Янги давлатнинг пойтахти этиб Бухарест шаҳри белгиланди. Янги ҳукумат чиқарган қонунлари билан крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилинди. Университетлар ташкил этилди. Сайлов ҳуқуқида ислоҳат амалга оширилди. Лекин ер тўғрисидаги масала ҳали ҳам ўз ечимини топмаганди. Аграр ислоҳат (1864 йил) 400 минг деҳқонларга ер участкаларини бўлиб берилди. Румин помешчиклари ҳали хануз қўлида ерларнинг 2 баробар кўп қисмини ушлаб туришганди.

1866 йилги Конституцияси

1866 йил Руминия янги “либерал” конституциясини қабул қилди. Конституцияси конституцион монархияни мустаҳкамлади.

- Давлат бошлиғи княз деб белгиланди.
- 2 палатали ҳукумат тузилди.
- Сайлов тизими “курия” тизимида бўлади. (умумий овоз бериш йўли билан)

Юқори палата-сенат-йирик ер эгалари томонидан сайланган.

Қуйи палата 2 та курия гуруҳи томонидан сайланган ёки улар йирик солиқ тўловчилар эди. Вазирликлар қайсидир маънода қуйи палата олдида жавобгар (масъул) бўлган. 1884 йилда Руминияда сайлов ислоҳати ўтказилди. 4 та курия ўрнига 3 тасини тузилди, биринчи 2та куриялар (йирик ер эгалари ва буржуа вакиллари) 150 та депутатни юборган. Учинчи курияда деҳқонлардан 40 киши бориши керак эди. 1,5 млн киши Сайлов ҳуқуқидан бутунлай маҳрум этилди.

2. Болгария давлатининг шаклланиши

Болгария озодликка эришиш, 1876 йилда Болгарияда Турк зулмига қарши яна халқ кўзғалони бўлиб ўтди. Россиянинг Болгария томонини олиш мақсадида Туркияга қаша 1877-1878 йилларда уруш олиб борди. Болгария озодликка эришди. Урушдан сўнг Сан-Стефан сулҳи тузилди. Лекин бу сулҳ шартларини ўзгартириш учун 1878 йилда Берлин конгресси ўтказилади. Бу конгрессда сулҳ шартлари ўзгартирилиб Болгария 3 қисмга бўлиб ташланади. Македония ва Фракия Туркияга берилди. Жанубий Болгария автоном Турк провинцияга айлантирилди.

Шимолий Болгариядан Болгария князлиги шакллантирилди. Лекин Болгария халқи бунга рози бўлмади ва 1885 йил Жанубий Болгариянинг пойтахтида давлат тўнтариши бўлиб ўтди. Натижада 1908 йил 5 октябр Жанубий Болгария ва Шимолий Болгариянинг бирлашганлигини расмий эълон қилди.

Тирнова Конституцияси

1879 йилда Тирнова шахрида Таъсис мажлис йиғилди. Бу Мажлисида Конституция қабул қилинди. Мажлисида 2 партия аниқланди. Биттаси-консервативлар-юқори болгар табақалари, савдогарлар, муттассиб дин вакилларининг манфатини ифодаларди.

Бошқаси- либераль-майда ва ўрта буржуа вакиллари, хунармандлар, зиёлилар партияси бўлиб ҳисобланади. Мажлис томонидан қабул қилинган Конституцияси чекланган монархиясини ўрнатди.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятини “Халқ вакиллиги” амалга оширади.

Ижро ҳокимияти-княз амалга оширади.

Вазирларни қирол томонидан тайинланган ва ишдан бўшатишган. Лекин уларнинг “Халқ мажлиси” олдидаги жавобгарлиги учун судга берилган. Халқ мажлисининг 2 кўриниши ўрнатилди. “Буюк” ва “Оддий”. Иккаласи ҳам битта палатадан иборат “Буюк мажлиси” оддийсига қараганда икки марта кўпроқ депутатлардан иборат эди. Улар асосан конституцияга ўзгартиришлар ёки қайта кўриш масалаларини муҳокамаи учун чақирилди. Актив ва пассив ҳуқуқ фақат эркаклар учун эди. Депутатлар тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайланган. Битта депутат 20 минг аҳоли учун тўғри келиши керак эди.

Қирол Халқ мажлисини тарқатиб юбориши мумкин эди. Янги мажлисини сайлаш учун сайлов 2 ойдан кечиктирмасдан ўтказилиши керак эди. Қонунлар Халқ мажлиси томонидан қабул қилинган ва қирол уни тасдиқлаган. Конституция – фуқароларнинг тенглиги, шахсий дахлсизлиги ҳуқуқи, уй-жой дахлсизлиги ва бошқа ҳуқуқларни эътироф этган.

1893 йилда Тронева конституцияси қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Монархия ҳукмронлигини “Халқ вакиллиги” ҳисобига кучайтириш мақсадида бу иш амалга оширилди. 1911 йилдаги конституция ўзгаришлари ҳам худди шу мақсадга хизмат қилди. Қиролга чет давлатлар билан шартномаларни тузишга ҳуқуқ берди. Бу шартномалар ҳақида халқ мажлисига ҳисоб бермаслиги ҳам мумкин эди.

3. Сербия давлатининг шаклланиши

Сербия ҳам бошқа Болтиқ давлатлари каби, Туркия қўл остида эди. Сербия ўз озодлиги йўлида 1806 йилда Туркия билан жангга киришди. Бу урушда Россия ҳам Сербия томонидан қатнашди ва Сербия ҳудудини Турклардан тозалашга олиб келди. 1811 йилда Скупшина тузилди ва Кир Георгия Сербиянинг умрбод князи деб эълон қилинди. Лекин Туркия Сербияга озодлик беришни истамас эди. 1815 йилда Туркия билан янги уруш бўлиб ўтди. Россия кўмагида 1862 йилда Туркия билан Аккермот шартномаси имзолади. Бу шартномага кўра Туркия Сербиянинг ички ишларига аралашмаслик ва турк полициясининг Сербия ҳудудларидан чиқиб кетишлари мажбур эди.

1838 йил Конституцияси

Россия Сербия учун конституцияни ишлаб чиқди. Бу Конституция Турк султони фармонидан тасдиқланди ва бу Сербиянинг асл қонуни бўлиб, 30 йилдан

кўпроқ муддат хизмат қилди. Конституция “давлат ҳукуматининг бўлиниш принципи”га асосланди. Қонун чиқариш хизмати 17 кишидан иборат сенатга тақдим этилганди. Бу сенат аъзолари серб халқининг энг кўзга кўриниши ва ёши улуғлардан бўлиши керак эди. Улар княз томонидан тайинланган. Княз ижро ҳокимияти бошлиғи эди. Қирол -

чиновникларни тайинланган;

қонун ижросини амалга оширтирган;

Олий Бош қўмондонликни амалга оширган.

Ҳукуматда 3та министр бўлган:

1. Ички ишлар;

2. Молия;

3. Юстиция (адлия) ва девонхона.

3 та суд таъсис этилган;

1. Қишлоқ оқсоқоларидан иборат бўлган-яраштирувчи судлари;

2. Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича округ судлари;

3. Пойтахтдаги апелляцияон судлари маъмурий жиҳатдан Сербия 17 та округдан иборат эди.

Округ бошлиғи марказдан тайинланган, 1858 йилги ислоҳат Ҳукумат ва буржуазия муҳолифатчилари ўртасидаги сиёсий низолар, 1858 йилга келиб княз ваколатлари ва Конституциянинг қайта кўриб чиқиши билан тўғри хал қилинди.

Давлат тузулиши борасида ўтказилган ислоҳат натижаси қуйидагича бўлди: қонун чиқариш- Скупщина (парламент) 3 йилда чақирилган; Сенаторларни тайинлашган ва аралаштириб юбориш ҳуқуқи Серб князида қолди.

1869 йил Конституция

Бу конституцияни умумий баҳолайдиган бўлсак, реакцион белгиларини ўзида акс эттирган эди. Сербиянинг давлат ривожланиши айнан шу йилгача давом этди. Сайлов ҳуқуқи фақат солиқ тўловчиларигагина тақдим этилди. Қонунни тасдиқлаш Скупщинага берилди. Қонун ташаббускорлиги княз қўлида қолди. Эски Сенат қонун лойиҳаларини, бюджет ижросини назорат қилиш, вазирлар қарорлари устидан шикоятларни (маъмурий масалалар бўйича) кўриб чиққан.

1878 йилда Сан-Стефан шартномаси Сербиянинг мустақиллигини тўлиқ суверенлигини тасдиқлади. Сербиянинг кейинги 10 йиллиги жуда алғов-далғов бўлиб ўтди. Сиёсий режимнинг ўзгариб туриши юз берганди. Ўша пайтда йирик ерлари консерватив давлат бошқарувини ўрнатишини тарафдори эди. Буржуазия вакиллари-катта ва майда буржуазия эса-парламент тузumi тарафдори эди. Вазирлар жавобгарлиги асосида бўлиши ташқи сиёсатга эса, Россияга таянишга интилишди. Сербиянинг Болгария билан 1885 йилда бўлган урушда мағлубиятидан фойдаланган радикаллар партиялар иштирокида 3-конституцияни қабул қилишди. (1888 йил)

Конституция-қиролдан Скупщина депутатларни тайинлаш ҳуқуқидан маҳрум этди. Скупщина қонун ташббусига яна эга бўлди. 1893 йилда давлат тўнтариши бўлади ва монархия тузumi ўрнатилди. У 15 йил ўз ҳукмронлигини

олиб борди. 1903 йил яна давлат тўнтарилиши бўлди ва бу якуний қирол сулоласи монархиясини тугатиб, 1888 йилги Конституцияни тикланишига олиб келди.

ЯНГИ ДАВРДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ

ЯНГИ ДАВРДА ЯПОНИЯ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ (XIX аср 60- йиллари - XX асрнинг 90- йиллари)

- 1. Умумий тасниф.**
- 2. XX аср бошларида Япония империялизимининг моҳияти.**
- 3. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Япония. Парламенти.**
- 4. Буржуа қўзғолони ва II жаҳон уруши даврида Япония.**
- 5. Ҳуқуқнинг асосий белгилари.**

1. Умумий тасниф

Япония давлатининг капиталистик тузумда ривожланиш босқичи кўринарли даражада кеч номоён бўлди. XIX аср ўрталарида Япония давлати деҳқонларнинг ер эгаллигига ва феодалларга қарамлигини тарихий манбаларда кўришимиз мумкин.

Беш жамоа тизими. Деҳқонлар ўртасидаги умумий мажбуриятларини япон оиласи ичидаги масалалар қўл келган. Шаҳарларда феодалларнинг цехлари ва савдогарларнинг гильдияларидан иборат бўлган.

Цех ва гильдиялар устави. Устав таркибида товар ишлаб чиқариш махсулотларини регламент қилишдан ташқари сцехда аъзо бўлган шахс манфатини ҳам кўрсатиб ўтган.

Япония жамиятининг юқори феодал табақа синфий тузилиши сёгун деб аталган, Сёгун императордан кейинги мансабдор шахс деб ҳисобланган. Марказий ҳокимият ва бошқарувнинг амалга оширилиши қисман ваколати князлар қўлида бўлган. Самурай номи билан танилган табақавий-синфий вакиллари кичик ер участкаларига эгалик қилар эди.

Эслатма. Япония жамиятининг табақавий-синфий тузулиши учунчи сёгунат даврида анча тугалланган шаклларга эга бўлади. У қонун билан мустахкамланади ва бутун сёгунат томонидан ҳар томонлама муҳофаза қилинадиган бўлди. Табақавий бўлиниш асосан синфий бўлиниш билан мост тушган. Тарихий манбаларда бу бўлиниш расман "си-но-ко-сё"; самурайлар (си), деҳқонлар (но), хунармандлар (ко) ва савдогарлар (сё) формуласи билан белгиланади. Феодал жамиятининг энг тубида кам сонли парилар ("эта") гуруҳи турган.

XIX -асрда феодал муносабатлари бир меъёردаги чегарага кириб келиши ва илк сармоянинг йиғилиш жараёнини тугаланиши, йирик сармояни ташкил топишига олиб келади. Капитал муносабатларининг ривожланишидан ташқари конституцион ривожланишининг илк босқичи жараёнини белгилайди.

XIX аср 70 йилларнинг биринчи ярмида 80 йилларининг бошида "озодликка ва халқ ҳуқуқи" ҳаракатларининг келиб чиқиши ("Минкен ундо" ҳаракати) бу

ҳаракатда иштрок этган либерал табақа синфи япония халқининг жамоат демократик доирасига мансуб.

XIX аср охирининг 60 йилларида Японияда буржуа кўзғолони бўлиб ўтди. Бу кўзғолон "Мейдзи кўзғолони" номи билан машҳур эди. Бу кўзғолондан сўнг капитализмнинг ривожланишига кескин сабаб бўлади. Қисқа муддат ичида Япония давлати кучли буюк империя давлатига айланади, бу билан биргаликда феодал нуқсонларининг сақланиб қолишига ва XX асрнинг иқтисодига таъсирини кўрсатади.

2.XX аср бошларида Япония империялизимининг моҳияти

Юқори босқичда сармоянинг ташкил этилиши. Катта концерн 0,5 % ташкил этувчи давлат ташкилотлари (Мицуи, Мицубиси, Ясуда, Сумимото) қолган ҳамма Япон компанияларнинг 55% акцияларга эгалик қилганлар. Лекин юқори савияда ташкил этилган бу жараёнларда сармоялар ярим феодал курилишда сақланар эди. Ишлаб чиқариш саноатида феодализм таъсуротлари қолганлиги қишлоқ хўжалик соҳасида яққол кўришимиз мумкин. Ички бозордаги кам олди-сотди муносабатлари бунга гувоҳлик бериши мумкин.

Қишлоқ хўжалик жамоасида аграр реформанинг келиб чиқишидан олдин 1954 йил деҳқонлар помещчиклардан ерни ижарага олиб фойдаланар эдилар. Бу ижара шартномаси феодал муносабатларни келтириб чиқарар эди. Ишлаб чиқариш саноатида "озод шартнома" иш берувчи билан ишловчи ўртасидаги муносабат феодал типда келишилиши, иш билан таъминланган шахс манфаати чекланишини кўришимиз мумкин.

Юқори манаполиа компания ташкилотлардан ташқари кичик ташкилотлар ва хўжаликлар ичида устози шогирдига ойлик бермасдан ўз ҳунарини ўргатиш ҳуқуқига эга бўлган. Давлат ҳокимият органлари билан юқори сармояга эгалик қилган шахслар ўртасида бирдамлик билан иш юритилиши кўзда тутилган.

3. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Япония Парламенти.

Парламентнинг қонун чиқариш ваколатлари қонун лойиҳасини кўриб чиқиш ва хулоса қисмида уни тасдиқлашдан иборат. 1889 йил Конституциясида белгиланган император ваколатлари сессия давомида парламентда қарор қабул қилиши, қонунни кучга киришини тасдиқланишини лекин шу вақт ичида парламент томонидан қайтариб юборилса ёки кўриб ўтилмаса уни яқин кунларга белгиланган сессияда кўриб чиқилишига ҳаракат қилинган.

Бундай ҳоллар бўлмаганлиги сабабли император парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга бўлган, ҳокимият томонидан бундай жараёнлар кўп мартаба қўл келган.

Конституция бўйича қуйи палата вакиллари 4 йил муддатга сайланган, лекин ҳеч қачон бу муддатгача иш фаолияти давом этмаган. Йил давомида 3 ойга сайланган, қолган 9 ой муддатида ҳокимият томонидан хоҳлаган натижаларни кўришга эга бўлган. Бошқа жараёнларда ҳокимият фақат парламентга таянган. Иқтисодий қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда, келажакда бир неча йил давомида ўз кучини йўқотмаган.

Бу билан парламент келажагидаги иш фаолиятини вақт билан тасдиқлантирилган. Бу жараён билан ҳокимият юқори савияда ишлатишга ҳаракат қилинган.

Сайлов тизими. 1890 йил қонунлари бўйича ҳуқуқий жиҳатдан сайланиш жараёнида эркак киши қатнашиш ҳуқуқига эгалик қилганлар, ҳарбий ҳаракатларда қатнашмаган, 25 ёшган етган, давлатга 15 ен солиқ тўлагани ва Япония ҳудудида камида бир ярим йил муддатгача яшаган бўлиши керак эди. Юқори маблағ эгалари ва юқори ёшдаги шахсларга сайланиш ҳуқуқидан чеклантирилган. Биринчи парламент сайловларида аҳолининг 1 % иштрок этган. XX асрнинг биринчи ярмида иккита сайлов реформалари ўтказилганлиги ва бунинг мақсади сайловларнинг демократик системасини таъминланишидан иборат.

4.Буржуа қўзғолони ва II жаҳон уруши даврида Япония давлати ва сиёсий қурилиш

"Мейдзи қўзғолони" ҳаракатининг натижасида 1889 йилда буржуазия конституциясининг қабул қилинишига сабаб бўлади. Бу конституцияда давлатнинг янги структурасининг мустаҳкамланиши кўрсатиб ўтилган. Конституция - қонун қабул қилиш ҳокимиятига, ҳамда император сулоласидан тортиб олий ҳокимият ва олигархия бошқарувининг вассаларига кампрамис туғдирди.

1889 йил Конституцияси ҳуқуқий томондан император ваколатларини ва давлат ҳукмрони сифатида, статусини мустаҳкамлади.

- ❖ Император нуфузига эга бўлган шахс муқаддас ва дахилсиздир;
- ❖ Император уруш, ҳамда тинчлик эълон қилиш ҳуқуқига эга;
- ❖ Халқаро шартномалар тузуш ва уни бекор қилиш;
- ❖ Ҳарбий вазирликлар структурасини белгилаш, ҳарбий вазирликлар зобитлар таркибини ёзилган рўйхатларини тайинлаш ва х.з ларни тасдиқлаган;
- ❖ Фуқаролик жамияти бошқаруви тизимида вазирликлар структурасини белгилаш, мансабдор шахсларни тайинлаш ёки мансабидан озод этиш ҳуқуқига эга;
- ❖ Ижро этувчи ҳокимият императорга тегишлилиги, ҳамда президент вазирини тайинлаш ва уни бошқа вазирларга таништириш ҳуқуқига эга. Вазирликлар император томонидан мажбуриятларга эга эмасдирлар.

Вазирликлар. Вазирликлар санокли ҳисобланган. Ташкил топишининг биринчи босқичидан бошлаб 10 шахсдан иборат экалигини кўришимиз мумкин, булар қуйидагилардан иборат;

президент вазири, ташқи алоқалар вазири, ички муносабатлар, иқтисод, ҳарбий, денгиз, юридик, қишлоқ хўжалик, олди-сотди, алоқа ва динга эътиқод. Бошқарув тизимида вазирликлар структурасига шахсларни тайинлаш ёки мансабидан озод этиш императорга тегишли бўлган.

XX аср бошларида Япония.

Парламентнинг қонун чиқарувчи ваколатлари ҳақида шуни умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки улар қонун лойиҳасини кўриб чиққан. 1929 йилда

Японияда иқтисодий кризисга учраган давр деб ҳисобланди. Ички сиёсатнинг ёмонлашиб бориши ҳарбий-фашистик ташкилотларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. "Ёш офицерлар" ташкилоти бирлашган союзлар ичида энг йириги ҳисобланарди.

1932 йилда "ёш офицерлар" ташкилоти томонидан йирик қўзғолон уюштирилди. Давлат ҳокимияти, қўзғолон сабабчиларининг ҳамма талабларини бажаришга ҳаракат қилди, партиявий комитет тарқатилиб юборилди, уларнинг ўрнига генераллар ва адмираллар тайинланди.

"Янги сиёсий структура".

1940 йилда вазир ўрнига - президент қилиб Принц Коноэ тайинланди, у тоталитар тузум етакчиси, милитаристлар номоёндаси, йирик монополия эгаси эди. Алоқа йўллари вазирлиги, махсулот ва ишлаб чиқариш иқтисоди, йирик концернларининг эгаси бўлиб, булар Мицуи, Мицубиси, Сумитомо "Янги сиёсий структура" сифатида ўзини эълон қилди.

Ҳамма ноқонуний сиёсий партиялар тарқатилиб юборилди. Уларнинг ўрнига ярим ташкилотли, ярим давлатли ташкилот тузилди. "Трон ассоциациясига ёрдам" давлатнинг қўйи ячейкаси ҳисобланиб бутун давлатни эгаллаб олди. Бу ташкилотнинг аъзоларига ҳуқуқий жамоанинг олдинги партия аъзолари, ҳар хил жамоа ва союзлари кирди. Тарқалиб кетган касаба уюшмалари ташкилотлари ўрнига "Ватан учун хом ашё ишлаб чиқариш орқали хизмат қилиш", ҳокимият томонидан сайланган мансабдор шахс ҳисобланаган.

Қўзғолонлар ва номойишлар ҳуқуқбузарлик деб эълон қилинган: ташкилотларда 13-14 соатли иш вақти белгиланган, ойлик маошларини оширишни талаб қилиш бекор қилинган, ишчи ва иш берувчи ўртасидаги норозиликларни арбитраж босқичидаги "махсус полиция"ларда кўрилган.

"Янги сиёсий структура"нинг асосий боғловчи звеноси "Қўшни жамоа" ҳисобланаган, ҳар бири 10-12 оилаларни бирлаштирган, "Қўшни жамоа"га "кўча ассоциацияси" ёки қишлоқлар кирган. Бу ассоциация орқали "Трон ассоциация ёрдам" бошқарган.

"Янги сиёсий структура" - "Янги иқтисодий структура" билан тўлдирилган, бу бирлаштириш бир неча мақсадларни кўзда тутган, мажбурий ташкилотларни бирлаштириш, ҳудудий хом ашё махсулотлар принципи орқали. Ҳар бир ҳудудий хом ашё ташкилотлари шахс томонидан бошқарилиб, у ҳокимият томонидан тайинланарди ва уларни йирик монополия эгалари деб ҳисобларди. Уларнинг ваколатига ҳамма масалаларни ҳал қилиш яъни, ишлаб чиқаришни назорат қилиш, хом ашёларни бўлиб бериш, ишчи кучларини тайинлаш, махсулотларга нархни белгилаш, меҳнат шароитларини ҳамда ойлик маошларни бериш ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда 1889 йилги Япония Конституцияси тузилиши жиҳатидан пруссия намунаси сифатида эди. Бу билан қонуний икки юзли монархия ташкил топган, яъни ишда крепостной, варварлар мутлоқлиги, конституция "одоблари" билан беркитилган. Парламентнинг бўшлиғи ҳарбий ҳокимиятни демократик институтларни босиб олишига олиб келди, милитаризация давлат қурилишининг Фашист сиёсати томонидан ўрнатилди.

II жахон урушидан сўнг Японияда давлат демократизациясининг курилиши.

Урушда мағлуб бўлиши, яъни бутунлай таслим бўлиши, кейинчалик давлатнинг ҳуқуқий ривожланишига таъсирин ўтказди. 1945 йилда Японияга АҚШ ҳарбийлари киритилди ва шу кундан бошлаб оккупацион режим эълон қилинди. Умуман ҳокимият америка ҳарбийлари қўлига ўтганлигини далолат берди.

Бу ҳокимият бошқарувини генерал Макартур томонидан бошқариладди. Давлат ҳокимият бошқарув органларини тайинлаш учун ҳарбий оккупацион штаблари томонидан биргаликда олиб борилган.

Социал - иқтисоднинг вужудга келиши, 1946 йилда аграр реформа қонунлари тақомиллаштирилишига олиб келган. Қонунга биноан йирик ер эгалларининг ерлари қисқартирилган, қишлоқ хўжалик ерларининг ҳар бирининг умумий максимал ҳажми 9 гектардан ошмаслиги белгиланган. Қолган ерлар давлат томонидан сотиб олинган ва деҳқонларга сотилган.

Спекуляцияни олдини олиш учун ерни сотиш меъёрлари кўзда тутилган. Меҳнат ва социал қонун ишлаб чиқариш негизининг демократизацияланиши, касаба уюшма ташкилотларининг ташкил этилишини тиклади, улар томонидан жамоа шартномаларнинг тузилиши, намоёниш ўтказиш ҳуқуқига эгалик қилиш ва 8 соатли ишчи куни белгиланган. Социал суғуртанинг демократик тартибда курилиши мақсад қилиб қўйилган.

1947 йил Япония Конституция.

1947 йилги Конституция АҚШ маъмурияти томонидан ишлаб чиқилган ва шу йили кучга кирган. 1947 йили либерал демократик парламент монархияси ўрнатилди. Императорнинг ваколатлари кескин ўзгартирилди. Конституция томонидан императорга белгиланган вазифалар қуйидагилар ҳисобланган: ҳукмдор бўлиш лекин бошқармаслик, илохийлик даражасига олиб борилган. Император давлат тимсоли сифатида қаралган. Император мақоми халқ томонидан белгиланган ва суверен давлатга тегишли бўлган (1-модда).

Император ҳуқуқлари. Умумий жиҳатдан ваколатлари чегараланган. Парламент томонидан тавсия қилинган вазирларни тайинлаган. Тавсия қилинган олий судининг судьясини, Конституцияга қўшимча ва ўзгаришларни маслаҳат бериш ёки тасдиқлаш, прапарламентни чақиритиш, умумий сайлов тизимини эълон қилиш, вазирларни тайинлаш ёки хизматидан озод қилиш, умумий ёки алоҳидаги амнистияларни тасдиқлаш ва белгиланган жазони енгиллаштиришдан иборат бўлган.

Қолган император давлатига тегишли ваколатларини вазирлар кабинети томонидан қонуний кучга эгалиги тайинланган ва бу ваколатлар парламент олдида жавобгардир. Асосий ҳокимият конституция бўйича парламента, вазирлар кабинети, ҳамда судга тегишлидир.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятга - парламент кирган. Парламент икки палатадан иборат; палата вакиллари ҳамда маслаҳатчи палаталардан иборат.

Биринчи палата вакиллари 4 йил муддатга сайланади, 6 йилга қайта сайланган маслахатчи аъзолари ҳар 3 йилда сайланади.

Парламент қуйидаги қонун қабул қилиш тартибларини белгиланган:

Лойиха палаталарда муҳокама қилинади, икки палата томонидан қабул қилингандан сўнг қонун кучга эгадир;

Қонун лойиҳасини палата томонидан тафсия қилиниши ва палата вакиллари, томонидан киритилган фикр мулоҳазалари ҳамда қонунни иккинчи маротабали муҳокамада дпутатларнинг 2/3 кўп қисми қатнашган бўлганда, қонун қабул қилинади.

Бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиладиганда палата вакиллари алоҳида ўрин эгаллайди. Агарда палата маслахатчилари қабул қилинган бюджет палаталар ўртасида музокара асосида бўлиб қолганда, палата вакиллари қорори парламент қорори сифатида тасдиқланади.

Фақат палата вакиллар вазирга ишонч ёки ишонмаслик компетенцияси қорорини чиқариши мумкин бўлган.

Ҳар бир палат томонидан давлат ҳокимияти ишлар бўйича ўтказиладиган текшириш жараёнларида қатнашиш ёки ўтказиладиган текширув натижалари, баённомаларни кўриш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир палаталарда текширув, доимий ва бошқа комиссиялари мавжуддир.

Парламент сессиялари навбатдаги, шошилиш ва махсус бўлиши мумкин. Навбатдаги сессия бир йилда бир маротаба 150 кундан иборатдир. Асосий кўриладиган масалалар бюджетни тасдиқлашдан иборатдир.

Сайлаш ҳуқуқи. 1946 йилда сайлов тўғрисида янги қонун қабул қилинган.

Аёллар сайлаш ҳуқуқига эга бўлиб, 5 йил ёш миқдори камайтирилган.

Ижро этувчи ҳокимият. Вазирлар кабинети томонидан амалга оширилган. Бош вазир парламен томонидан сайланган, император томонидан лавозимига тайинланган. Бош вазир ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатида асосий ваколатларига яъни вазир кабинетларини сиёсий режим бўйича аниқлаштиришга масъулдир. У вазирларни тайинлаш ва иш фаолиятидан озод этиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролик жамиятининг. таъинлари конституция томонидан мустақамланган. Урушдан сўнг ҳарбий вазирлар кабинети ва ички ишлар вазирлиги тайинланмаган эди. Урушдан сўнг МВД ва вазирликлар ишининг қисман ваколатларини маҳаллий бошқарувлар фаолиятида эди, аммо улар полицияни бошқармасди, алоҳида ведомост билан тузиларди.

Сиёсий партиялар. Вазирлар кабинети либерал-демократик партия асосида шаклланади ва бу партия қуйи палатанинг кўп қисмини ташкил этади. ЛДП 1955 йилда тузилган. Бу партиядан ташқари яна йирик партия қаторларига қирувчилар: Комейто партияси (тоза сиёсат партияси), Демократик социализм партияси (ПДС), Япониянинг социал партияси (СПЯ).

Суд. Япониянинг суд органлари мустақил иш фаолиятини юритувчи орган ҳисобланган. Адлия вазирлиги уларни бошқармас эди. Мамлакатда 4 босқичда судлар фаолият кўрсатарди: Олий суд-олий босқичдаги суд жараёни ҳисобланиб, фуқаролик ва жиноий ишлардан ташқари, конституцион ишларнинг асосий

масалаларини яъни қонунларни, фармон ва фармойишларни кўриб чиқишга эгадир.

Юқори суд-апелляцион инстанциялардаги. Ишларни кўриб чиққан.

Маҳаллий суд- буларнинг ваколатиги жиноий ишларни муҳофама қилиш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини жарима асосида жазолаш ишларини, ҳамда юқори ёшидаги ўғриларнинг масалаларини кўриб чиқилган.

Оилавий суд. Балоғат ёшига етмаган жиноятчилар ишларини, оила ва никоҳ муносабатлари, далолатчилик қилиш ва меъёрий комиссияларнинг ишлари. Жиноий суд ишларининг кўриш тартибида юқори ёшдаги жиноятчиларнинг ҳам ишлари кўриб чиқилган

Оддий судлар. бунинг ваколатларига таллуқли:

Жиноят-бунинг жазосига жарима белгиланган бўлса, ёки альтернатив жазо ўрнига;

Жиноят-бунинг жазосига жарима белгиланган бўлса, ёки ундан пастрок, ўғирлик, ўзлаштириш, ўғирланган нарсани беркитиш, бунда 3 йил озодликдан маҳрум қилиш белгиланган.

Прокуратура органларининг тизими ҳам 4 асосий схемага бўлинади:

- Бош прокуратура;
- Олий прокуратура;
- Маҳаллий прокуратура;
- Худудий прокуратура.

Прокуратура органлари адлия вазирликлар системасига киради, лекин прокуратура ишларни кўриб чиқиш давомида раҳбарлик қила олмайди. Адлия вазирлиги бош прокурорга мажбурият бериши мумкин, токи охирида ишни қайта кўришни белгиласа.

Японияда прокуратура алоҳида орган ҳисобланиб, жиноий жавобгарликда иш кўзғатиш ҳуқуқига эгадир. Прокуратура органлари, полиция иш фаолиятига бошчилик қилиш ва асосий жиноий ишлар жараёнида қатнашиш (коррупцияда, корпорация ташкилотларининг жиноят ишларида, катта сиёсий ишларда). Прокуратура органларининг функцияларига суд жараёнида давлат қораловчиси сифатида иштрок этиш, ҳукми бажарилиши ҳақидаги жараённи текшириш.

Япония полицияси. Жиноий ишларнинг функцияларини ва оператив қидирув ишларни, амалиёт жараёнида кўриладиган ишларни ҳал қилган. Қуйи звено бу полиция будкалари ҳисобланган, полиция будкалари қишлоқларда, посёлкаларда ташкиллаштирилган. Полиция нуфузи оддий халқ ичида жуда юқори ҳисобланган. Жиноятчиликка қарши полициячилар билан биргаликда жамоа уюшмалари ўз хоҳишлари билан қатнашган.

Маҳаллий бошқарув. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Японияда муниципал институтларнинг ривожланиши кескинлашди. Иерархия тизимидаги муниципалитет иккита звено асосида тузилган: юқори перфектурга эга 4 босқичлар, қуйи-шаҳарлар, қишлоқ ва маҳаллий жамиятлар. Умумий бўлиб мамлакатда 47 префектура мавжуд бўлган.

5. Ҳуқуқнинг асосий белгилари

Япония ҳуқуқининг ривожланиш моҳияти. Япония ҳуқуқининг замонавий шароити роман-герман ҳуқуқи билан ишлайди. Америка ҳуқуқи томонидан ҳуқуқий тизимга қисман боғлиқлиги яъни ўхшашлиги мавжуддир.

Японияда, япония ҳуқуқи ўз статусини йўқотмаган. Япония ҳуқуқининг асосий манбаси, норматив актлар, давлат органлари томонидан қабул қилинган: конституция, шартномалар, қонунлар, ҳокимият буйруклари ва х.к. 1898 йилги конституцияга биноан кўришимиз мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқи. Японияда фуқаролик ҳуқуқи XIX аср охирида тузилган бир неча деликт моддалари кирган. Фуқаролик кодексини қабул қилмасдан олдин давлатда иқтисод босқичида кўрилган ўзгаришлар туртки бўлган. Шунинг учун иккинчи жаҳон урушидан сўнг америка прецедентларини ўрганиш жараёнида мипология деликтларнинг муаммоларини ўрганиб чиқилди. Шундай тушунча келиб чиқдики, "Шахсий ҳуқуқини ҳимоялаш" америка ҳуқуқидан намуна сифатида олинган, суд амалиётидан ўтгандан сўнг қабул қилинган.

Меҳнат ҳуқуқи. Японияда ишлаб чиқарилган ойлик иш ҳақининг маҳсус тизими мавжуд бўлиб, булар:

Маош белгиланган, иш стажига қараб бир корхонада бўлса;

Шартнома асосида ойлик иш ҳақи белгиланмаган;

Ойлик иш ҳақи ёшнинг моҳиятига қараб, иш стажининг доимийлигига шу ташкилотда, соҳасига боғлиқлиги ва тажрибаси кўриб ўтилган.

Шундай қилиб бир жойда иш фаолиятини юргазган шахс ойлик иш ҳақини ошиши кўрилган. Бундай тизимда Япония ташкилотининг ишчилари ишларида кўп йиллар мобайнида иш фаолиятини олиб борилиши кўзда тутилган.

Оила ва никоҳ муносабатлари. Япония фуқаролик кодексида оила қуриш ёши эркакларга 20 ёшдан, аёлларга 16 ёшдан белгиланган. Япония қонуни томонидан кўрсатилишича эр ва хотин тенгдирлар. Аммо бу тенгликни амалий жиҳатдан солиштириш анча қийин. Оила қуриш муносабатлари диний урф-одатларга боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Жиноят ҳуқуқи. Япония жиноят кодекси маҳсус қонун ва ҳуқуқий нормалар асосида тузилган. Маҳсус жиноят қонунлари 30 дан ортиқ, Жиноят процессуал ҳуқуқи ва жиноят ҳуқуқи қонун чиқарувчи ваколатлари унчали кенг эмас, улар соҳа тажрибасига суянган ҳолда иш юритган.

Япония жиноят ҳуқуқига умумий тасниф. Япония ЖК биноан жиноятга қарши қуйидаги жазолари белгиланган:

ўлим жазоси;

озодликдан маҳрум қилиш;

Жарима;

Жиноий ҳибсга олиш, (жазо чоралари жарима сифатида кўрилган);

Кичик жарима;

Мол-мулкни мусодара қилиш қўшимча жазо сифатида;

Ўлим жазоси, бирдан бир белгиланган жазо сифатида ташқи сиёсатга зарар етказганлиги учун.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XIX аср япония ҳуқуқи Европа

давлатларига маъкул тушганлигини, шу билан бирга роман-герман ҳукуқи мақомига эгаллиги ва ҳозирги даврда Япония давлати ўта ривожланган буюк давлатга айланганлиги, миллий урф-одатларини йўқотмаган ҳолда кўришимиз мумкин.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

1.АҚШ нинг ташкил топиши ва давлат тузуми.

2.Ижтимоий тузуми. Мустақиллик декларацияси (1776 й).

3.1787 йилги Конституцияси.

4.Ҳукумат асослари.

5.Билль ҳақидаги ҳуқуқ.

1. АҚШ нинг ташкил топиши ва давлат тузуми

Америка Қўшма Штатлари мустақил давлат бўлиб ташкил топиш даври, 1775-1783 йилларда Англия колониистларига қарши метрополия ўртасидаги уруш оқибатларини ўз ичига олади. Англия колонияларига қарши кескин курашлар натижаси XVIII аср 60 йилларига бориб тақалади. Бу даврларда метрополия ажралиш масалалари кўрилмаган эди. Колонистлар сиёсий ҳуқуқий режимининг меъёрида олиб борилишини талаб қилар эди, Англияда ҳаракат қилганлиги учун.

Бу назариялар Англия томонидан талаб қилиниш тамойиллари Англия жамоа ҳуқуқининг Конституцион тузумига келиб тақаларди, англия буржуа кўзғолонининг расмийлашиши ҳамда тугатилиши натижасида, 70-йилларда колонистлар талаблари ҳуқуқий доктарина томонидан кўриб чиқилган ҳолда Ғарбий Европада ишлаб чиқилди.

Асосий ролни, колонияларда сиёсий ва ҳуқуқий онгни шаклланишига ўша даврнинг ҳуқуқий назария тафаккурларида Гоббс, Милтон, Локк, Вольтер, Монтескье, Руссо хал қилган. Энг асосий вазафани, яъни Англия колониистларидан озод бўлгандан сўнг, энг кўп иштрок этган сиёсий ва ҳуқуқий ғоя намоёндалари Томас Пей, Томас Жефферсон ва Александр Гамильтон ҳисобланган.

2.Ижтимоий тузуми. Мустақиллик декларацияси (1776 й)

XVII асрда Американинг атлантика қирғоқларида Англиянинг биринчи колониялари ташкил топган. Кейинчалик (XVII - XVIII аср) 12 колониялар вужудга келган. Колонистлар индейцларнинг ерларини босиб олиш натижасида, материкнинг ички ҳудудига кириб борди, балки шафқатсиз кириб келишди. Колонияларда Африка қулларнинг меҳнатидан фойдаланиларди. Қуллардан плантацияларда, шакар қамиш йиғиш далаларида, пахта ва оғир меҳнатларда кенг микёсда ишлатилинади.

Ҳокимият колонияларни хом ашё ишлаб чиқилиши ҳамда Англия маҳсулотларини бозорда ўтказиш мақсадини кўзлаган эди. Колонияларни толон торож қилиш сиёсати, маҳсулотнинг ривожланишига боғлиқ эди. Метрополиялар ва америка колониялар ўртасида низо кескинлашиб борган сари XVIII асрга келиб

умумий чўққига келганлигини кўришимиз мумкин. Очиқ кўринишда сиёсий кўзғолонлар, ҳокимиятга қарши чиқишлар америкаликлар томонидан олиб борилди.

Бу жараёнларни муҳокама қилиш борасида "Корреспондентция комитети, хавфсизлик жараёни билан танишиш" органлари тузилди. 1774 йилда Филадельфияда Биринчи Континентал конгресс колония вакиллари томонидан 55 делегат асосида тузилди. "Ҳукукий декларацияни" тасдиқлаб, бунда солиқ ва божхона метрополия сиёсатига қарши қаратилаган.

Бу билан бир қаторда Англия қиролига петиция тузилиб юборилди. Жавобан Англия томонидан ҳарбий ҳаракатлар бошланди. 1775 йил май ойларида 2-Континентал конгресс чакирилди. Бу конгресс Англияга қарши олиб бориладиган уруш масалалари ва Америка кўшинларини ташкил этилиши муҳокамага кўйилди. Ҳарбий қўмондон этиб Ж.Вашингтон тайинланди, мустақилликка эриш учун олиб бориладиган уруш бошланди.

Хар бир колония ўзини мустақил штат деб эълон қилди. Бу давр ичида Америка ўзининг ижтимоий, иқтисодий нуфузин мустаҳкамлаб олди. 1776 йил 4 июнда Виржина штатида Континентал конгресс томонидан Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Бу ҳужжат Т.Жефферсон томонидан тузилган бўлиб, давлат метрополия қарамлигидан озод этилиб, АҚШнинг мустақил давлат сифатида эълон қилиниши баён этилган.

Ажралиш тушунчаси англия ҳукумати томонидан ҳукуқбузарлик ҳисобланса америка халқи учун бу ҳақиқат ҳисобланарди. Декларацияда кўрсатилишича "Ҳамма инсонлар - тенг ҳуқуқли қилиб яратилинган, Яратган томонидан кўрсатилган эхсон бир меъёрда. Уларга мансуб ҳаёт, мустақиллик ва бахтга эришиш". Кейинги жараёнлари ҳукуқбузарликка қарши, англия ҳукумати томонидан содир этилган бўлса.

"Мустақиллик декларацияси"да қонун чиқарувчи жараён шакллантирилган. Аммо муҳокамалар жараёнида штат союзлар томонидан биринчи Конституцион лойиха ишлаб чиқилди, "Конфедератция статъяси" номи билан машхур: Штатлар "бир умрлик союзда" конференция, Америка Қўшма Штатлари номи билан хар бир Штат ўз мустақилигини сақлаб қолган ҳолда, ҳамма учун ҳуқуқ тенглиги, конфедерация номи билан хар бир орган таништирилган.

Хар бир штат бир бирига халақит қилмаслик мажбуриятини ўз буйнига олган ҳолда, уларнинг фуқаролари махсулотларни ҳамда ишлаб чиқариш мажбуриятларини имтиёз ҳамда ҳамма учун тенг меъёрда, хар бир штатда кўрилиши, бирор бир штатга кириш ва чиқиш ҳуқуқи эгаллиги кўрсатилган. "Хар бир штатда, бирор бир штатнинг суд қарорига ҳурмат билан қаралиши", хар бир умумий қарорларни Конгресс томонидан тасдиқланарди.

Кногресс делегатлардан иборат бўлиб, хар йили сайланадиган, хар бир штатдан 2-7 кишидан иборат. Аммо хар бир штат хал қилинадиган масалаларда Конгрессда биттадан овоз бўлиши керак. Конгресс халқаро шартномаларни тузиш, уруш ва тинчлик муҳокамаларини хал қилиш, штатларни йиғиш, ҳарбий қўмондонни тайинлаш ва х.к. ларни кўриб чиқилган.

Штатлар ўртасидаги низоларни хал қилиш масалаларини хал қилган. Хал

қилинган масала 9 та штат томонидан маъқулланса ўз кучига эга бўлган. Чегара компетенцияларга боғлиқ ҳолда штатларнинг ички сиёсатига конгресс аралаша олмас эди. Конгресс сессияси давомида, 6 ой жараёнида, бир нечта мажбуриятларни Комитет штатларига топширилар эди (хар бир штатдан биттадан делегатдан иборат).

Шундай қилиб, бундай ҳаракатлар натижасида, идеология, сиёсий ҳамда ҳарбий ҳаракатлар натижасида мустақиллик учун кураш континентда шаклланиб мустақил давлат ташкил топди, демократик негизда конфедерация шаклида. Давлат аппарати шаклланиб ҳокимиятнинг бўлиниб бошқарилиш тамойилигига нисбатан тузилган.

3. 1787 йилги АҚШ Конституцияси

1787 йил Филадельфияда Конституцион конвент чақирилди, 12 штатдан ташкил топган 55 делегатдан иборат бўлган. Хар бир делегат ҳукукий-давлат ишларида ўз тажрибасига эга малакали мутахассислар эди. Улар ичида асосий роль ўйнаган ҳукуқшунослардан: А.Гамильтон, Ж.Вашингтон, Ж.Мэдисон, Э.Рандольф, Д.Уилсон ва бошқалар.

Эслатма. Ҳокимият ва бошқарувнинг олий органлари қонунлари, фармонлари, қарорлари ва буйруқлари асосида вазирликлар ва бошқармалар, халқ хўжалигининг маълум бир соҳасида, ташкилотлар ва муассасаларда юзага келувчи у ёки бу муносабатларни тартибга солувчи фармон ва йўриқномалар чиқаради.

Натижалар шуни кўрсатдики, қонунчиликни мустахкамлаш билан бир қаторда, нормаларни ишлаб чиқишда қонунни амалга оширишнинг самарали ишловчи механизмини қонуннинг устунлигини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Бу билан бир қаторда назарий билимнинг олий даражада белгиланиши, Европалик буюк мутахассисларнинг конституцион олимларнинг назарий ёндашуви, умумназарий билимларни унумли фойдаланиш натижалари ва давлатнинг аниқ тарихий шароитларига боғлиқлиги инобатга олинган.

4 ойлик самарали иш давомида конституция ташкил топилди ва ҳозирги давргача ўз кучига эга. Асосий белгиланган масалалардан бир бу, давлат ҳокимият бошқарув органларини ўрта асосий ҳокимиятга: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинганлигидир. Аристотел ҳамда Марселий Падуанский томонидан ишлаб чиқилган бу тамойиллар XVIII асрларда ўз шаклига эга бўлди.

4.Ҳукумат асослари

АҚШ Конгресси. Қонун чиқарувчи ҳокимият конгрессга тегишли бўлиб, у икки палатадан иборат эди: сенат ҳамда палата вакиллари.

Солиқ масалаларини муҳокама қилиш палата вакиллари, қонунларга қўшимча ва ўзгартириш киригиши сенатга тенг тегишли бўлиниши кўрилган эди. Қонун лойиҳаси иккала палата томонидан кўриб чиқиладиган, кейинчалик президент томонидан имзолангандан кейин 10 кундан сўнг ўз кучига эга бўлиши кўрсатилган. Агар президент томонидан қонун лойиҳаси бекор қилинса, унда

Конгресс томонидан қайтатан кўриб чиқишига ва яна 2/3 қисм, ҳар бир палата томонидан овоз йиғилишига сабаб бўлган.

Икки палатали тизимни ташкилаштирилишдан мақсад, палаталараро рақобатчилик, бир палата томонидан қонун чиқарувчи узурпациясини йўқотишдан иборат. Палата депутати бир штатдан вакил бўлиб ҳисобланган. Сенат аъзолари қонун чиқарувчи сайлов ташкилотларининг штатларидан ташкиланади. (2 сенатор ҳар бир штатдан).

Президент. Ижро этувчи ҳокимият президентга тегишли ва у ҳокимият ваколатларини бажариши белгиланган. Президент давлат ҳокими ҳисобланиб, у бош ҳарбий қўмондон унвонига ҳам эга бўлган.

У афв этиш ва жазони енгиллаштириш ваколатларига эга. Президент- ҳар 4 йил ичида, сурункасига 2 маротаба сайлананиш ҳуқуқига эга. Сенаторга нисбатан президент умумий сайлов, очиқ овоз йўли билан сайланади. Ижро этувчи ҳокимият органлари, Давлат департаменти, иқтисод вазирлиги, адлия, ички ишлар вазирлиги, қишлоқ хўжалик вазирлиги, меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, уй-жой қурилиш ва шаҳар ривожлантириш, транспорт, энергетика, таълим ва ветеранларнинг ишлари билан шуғулланган.

Ҳар бир ведомост қонун асосида тузилади ва буларга бош қилиб президент тайинланади. Ҳар бир тайинланиш Сенат томонидан тасдиқланиши керак. Бирон бир вазир Конгрессда ёки бошқа давлат ҳокимият органларида ишлаш ҳуқуқига эга эмас. Вазир Президентга тобе ва ўз иш жойида президент хоҳлаганича иш фаолиятини олиб бориши мумкин. Бунинг учун уларни президент маслаҳатчиси деб аталса тўғри ҳолда шаклланади. Агарда мажлис муҳокамасига уларни чақиртирилса "Президент кабинети" йиғилиши билан номланади.

Федераль суд тизими. Олий суд. Учинчи ҳокимиятни Олий суд бошқаради. Бошқа иккита ҳокимиятни назорат қилиб туради. Олий суд вакиллари оқсоқол ва 7 аъзолардан иборат. Улар президентни тайинлашади, агар Сенат томонидан тасдиқланган бўлса. Бу жараёни ўтказгандан сўнг, улар ўз лавозимини бир умрга сақлаб қоладилар. Олий суд қарорини бошқа суд органларида қайта кўриб чиқиш мумкин эмас. Президент ёки Конгресс бу ваколатларга эга эмас. Конгресс 11 федерал апелляцияон судларини ташкиллаштирган, камида 91 федераль округ судларини. Олий суд "судларни назорат қилиш" ҳуқуқига эгадир.

5. 1791 йил Билль ҳақидаги ҳуқуқ

Конституциянинг кириш қисмида, давлат қурилишининг тушунчаси ва инсон ҳуқуқлари декларацияларидан иборат, қонун чиқарувчи жамоа штатларида оз сон аъзолари билан қабул қилинган эди, асосий масала шундан иборат эди-ки, конституцияга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар, яъни демократик ҳуқуқ ва озод фуқароларни инобатга олган ҳолда, қонун чиқарувчи ҳокимият тушунарди.

Агар кўпчилик америкаликлар конституция мазмунида ҳокимият томонидан ҳуқуқи ва озодлигига тегмаслигига тўғрисидаги қонунларни баён қилинса. Бу ҳаракатлардан келиб чиққан ҳолда Ж. Медисон, штатлар йиғилишида

конституцияга асосий ўзгариш ва қўшимчалар киритган, 1789 йилда улар томонидан тасдиқланган ва 1789-1791 йилда Билль ҳақидаги ҳуқуқ номи билан машҳур бўлган.

Принципиалъ онги, фуқароларнинг озодлигини бузиш, озод динийлиги, эркин гаплашиш ва озод матбуот, тинч йиғилишлар, зарар муносабатларни тўхтатиш юзасидан давлат ҳокимиятга мурожат этиш ҳуқуқи (1-модда).

Ўзи билан олиб юриш ёки қуролни сақлаш мажбурият ҳуқуқи. (2-модда).

Тинчлик даврда уй эгаларининг рухсатисиз хусусий уйларга солдатларни кириши тақиқланган. (3-модда).

Давлат ҳокимият органларининг рухсатисиз фуқароларни тинтув ўтказиш, қамокқа олиш, уйида тафтиш ўтказиш, мол-мулкни талон тарож қилиш қатъиян ман этилган. (4-модда).

Суд ҳайати қарорисиз бирор бир шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мукин эмас. Бир маротаба содир этилган жиноятни икки маротаба қўриш ман этилган, озодликдан маҳрум этиш, хусусий мулкдан ажратиб олиш мумкин эмас. (5-модда).

Жиноят ишлари суд ҳайати томонидан қўрилиши, жиноий жавобгар гувоҳ билан юзма-юз савол жавоб қилиниш ҳуқуқига эга. Унга оқловчи томонидан ёрдам олиш ҳуқуқига эгадир. (6-модда).

Қаттиқ ва антиқа жазо қўллаш мумкин эмас. (8-модда).

Бу босқичлардан АҚШ Конституцияси катта прогрессив йўналишларга эга бўлди. Билль ҳақидаги ҳуқуқ АҚШ Конституциясининг биринчи ўзгариш ва қўшимчаларидан ташкил топган, давлатнинг буржуа демократик институтининг ривожланишига асосий туртки ҳисобланган.

Ҳозирги давргача АҚШ Конституциясига 27 та қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Буларга:

20 - йиллар бошида прогрессив ўзгаришлар жараёни сезилар эди, кейинчалик сайлов тизимида демократизациялаш босқичлари, 1920 йил аёллар сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқига эга бўлиши. (XIX-ўзгартириш конституцияда). 1961 йил Колумбия округининг аҳолиси президент ва президент вазирини сайлашда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар (XXII-ўзгартириш конституцияда).

1971 йилда 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эгаллиги ҳақида.

(XXVI-ўзгаришлар конституцияда). ва бошқалардан иборат.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш жоизки 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституцияси асосий қонун ҳисобланиб, жаҳон цивилизациясига кўтарилган ва бошқа мамлакатларга ўз мавқеини кўрсата олган қонунлардан биридир. Аввалам бор, қонун чиқарувчи ҳокимият давлат ҳокимият бўлиниш принципининг "аралаш" базасига тегишли яъни республикалар, ҳуқуқий, федерал давлат, бикамерализмга: ижро этувчи ҳокимият бир сайлов тизими сифатида, ҳуқуқий ветонинг четлатиши; суд ҳокимияти умр давомида судья лавозимида иш фаолиятини юрғазиш ва суд ҳайати билан ишлашдан иборат.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚИ

- 1. Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши.**
- 2. Мустақил Ўзбекистоннинг давлат ва ижтимоий тузуми.**
- 3. Мустақиллик Конституциясининг қабул қилиниши.**
- 4. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви.**

1. Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши

Ҳаммамизга маълумки 90-йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистонда халқнинг мустақилликка эришишдан иборат азалий орзусини амалга ошириш кун тартибидаги бош масала бўлиб қолди. Бу даврда социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, озодликка интилишнинг янги босқичи бошланади. Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда: “Халқларнинг озодлик, мустақиллик, бахт-саодатга азалий интилиши, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму қарори ҳаётдаги чуқур ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи кучдир”. Бир сўз билан айтадиган бўлсак “Мустақиллик”ни қўлга киритилиши ўша пайтдаги энг катта ютуғимиз бўлди.

Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида гапирадиган бўлсак, шубҳасиз, Ўзбекистон Олий Советининг иккинчи сессиясида (1990 йил июн) қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Мустақиллик Декларацияси”нинг ўрни ва аҳамияти алоҳида мазмунга эгадир. Дарҳақиқат, бу муҳим ҳужжат Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида қўйилган асосий қадамлардан бири эди.

Ушбу ҳужжатни қабул қилинишида Олий Совет депутатлари фаолияти алоҳида таҳсинга эга эди. Ўзбекистондаги тарихий шарт-шароитни эътиборга олган 200 дан ортиқ депутат XII чақириқ республика Олий Советининг иккинчи сессиясида (1990 йил 18 июн) Мустақиллик Декларацияси қабул қилиш кун тартибига киритди ва уни кечиктирмасдан қабул қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

1990 йил 19 июн 40 дан ортиқ депутат, доимий комиссияларнинг раислари ҳуқуқшунослар тайёрлаган Декларация матнини батафсил кўриб чиқди. Сўнгра бу масала 20 июн сессия кун тартибига киритилди. “Мустақиллик Декларацияси” депутатлар томонидан модда-модда, банд-банд моҳокама қилинди, ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаши, Декларация қондаси билан кафолатланиши қайта-қайта эътироф этилди. Ҳамда мустақиллигимизнинг асосий пойдевори бўлган, 17-моддадан иборат “Мустақиллик Декларацияси” тантанали равишда қабул қилинди.

Натижада сессияда қабул қилинган “Мустақиллик Декларацияси”нинг кириш қисмига қуйидагича ёзиб қўйилди: “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқни таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи, Ўзбекистоннинг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда халқаро ҳуқуқ қоидаларига, демократик принципларга ва умумбашарий қадриятларга асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилади”.

Худди шу кундан бошлаб республикада Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал қилина бошлади. Бизнинг

мустақиллигимиз учун асос бўлган ушбу тарихий ҳужжат замирида жуда катта маъно бор. Дарҳақиқат буларнинг барчасини замирида халқнинг мустақилликка азалий орзу ва интилишларини кўришимиз мумкин.

Зеро, унинг 1-моддасида шундай дейилади: “Ўзбекистоннинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларни белгилашда ва барча ташқи муносабатларда танҳо ҳокимлигидир”, - деб белгилаб қўйилиши ҳам бежиз эмасдир. Президентимиз И.А.Каримовнинг ушбу сессияда қилган қуйидаги нутқи ҳам: “Мустақил ўзбек давлати – халқимизнинг тарихий тарихий ютуғидир. Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши – биз кўзлаган олий мақсаддир”, деганида том маънода бутун халқимизнинг орзу-умидини, мақсад ва интилишларини ифода этган эди.

“Мустақиллик Декларацияси” ўз олдимизга қўйган мақсад ва истакларни амалга оширишда, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда асосий манба бўлиб ҳисобланиди. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши, ўз вақтида ўйлаб амалга оширилган тарихий жараён эканлиги, бугунги кунда олиб борилаётган барча соҳалардаги ислоҳатларда ўз тасдиғини кўрсатмоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг давлат ва ижтимоий тузуми .Мустақиллик Конституциясининг қабул қилиниши

Барча мустақил давлатлар қонунчилигидан бизга маълумки, ҳар бир суверен давлатнинг ҳуқуқий асосларидан бири унинг асосий Қонуни – Конституцияси ҳисобланади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақилликка эришгунча бўлган даврда ҳам, бир неча конституциялар амалда бўлган. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ривожланиши босқичларини қуйидагича тавсифланади:

Биринчи босқич, капитализмдан социализмга ўтиш деб номланган ва 1917 йилдан – 1930 йилларнинг ўрталаригача давом этган даврга ўша даврда РСФСР таркибига кирувчи Туркистон мухториятининг 1918 ва 1920 йилги Конституциялари, Бухаро ХСЖ, Хоразм ХСЖнинг шу даврда қабул қилинган Конституциялари киради. Шунингдек Ўзбекистон ССРнинг 1927 йилги Конституцияси ҳам шу даврга киради.

Иккинчи босқич, социализмни қуриш ва унинг ғалабасини мустаҳкамлаш деб номланган ва 30-йилларнинг ўрталаридан 80- йилларнинг ўрталаригача давом давом этган давр конституцияларига Ўзбекистон ССРнинг 1937 йилги Конституцияси, Қорақалпоғистон АССРнинг 1937 йилги Конституцияси киради.

Учинчи босқич, бу социализмнинг узил кесил ғалабаси ва қайта қуриш деб номланган ва 80- йилларнинг ўрталаридан собиқ иттифокнинг парчаланишигача бўлган давр конституциясига, Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Конституцияси киради. Кейинчалик қайта қуриш билан боғлиқ равишда бу конституцияга ўзгаришлар киритилган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида конституциявий ривожланиш тарихи ана шулардан иборат бўлган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Ўзбекистоннинг янги Конституциясини яратиш ғояси 1990 йил 20 июн куни Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши муносабати билан бевосита илгари сурилган эди. Ҳамда 20 июн кунги сессияда Президент И.А.Каримов раислигида 64 кишидан иборат конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия тузиш тўғрисида қарор қабул қабул қилди. Комиссия таркибига депутатлар, малакали ва тажрибали мутахассислар, ҳамда таниқли ҳуқуқшунослар ва олимлар киритилди.

Натижада маълум вақт ўтиши билан, унга муқобил концепция яратилди, булар: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг концепцияси, Сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг концепцияси, ҳамда Президент девони юридик бўлими тайёрлаган концепция. Комиссия томонидан учала ғоя ўрганиб чиқилиб, учинчи яъни Президент девони юридик бўлими томонидан тайёрланган концепция асос учун қабул қилинди ва ғоявий асос шаклига келтирилади.

Конституциянинг дастлабки лойиҳаси 1919 йил октябр –ноябрига тайёрлаб бўлинди. У ўз ичига муқаддима, 6 бўлим ва 158 моддани олган эди. Лойиҳа тайёрланаётган бир пайтда мамлакатимиз тарихида туб бурилиш юз берди. Бу 1991 йил 31 август Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёноти қабул қилиниши эди. Бу билан Мустақил Ўзбекистон Республикаси, суверен давлат қарор топганлигини бутун дунёга эълон қилди.

Конституция лойиҳаси бир неча ишчи гуруҳлар ва депутатлар кўлидан ўтди ва икки бор умумхалқ муҳокамасига қўйилди, ихчамлаштирилиб маълум шаклга келтирилди. Конституцияда халқ ҳокимиятчилиги, демократик давлатчилиқ, инсон ҳуқуқлари муқаддаслиги, қонун устиворлиқ, ҳокимият бўлиниши ва мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги каби муҳим принциплар мустаҳкамланди, ҳамда Конституция лойиҳаси мазмунига сингдирилди. Лойиҳанинг қизғин ҳамда манфаатли муҳокамаси халқимизнинг ўзи мустақил Ўзбекистон Асосий Қонунининг бевосита ижодкори бўлганлигини кўрсатади.

Зеро, давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ, аниқроғи ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда: “Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир”.

Музокара ва муҳокамалардан ўтган конституциямиз, 1992 йил 8 декабрда 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш масаласи кўрилди. Унда Конституциявий комиссия раиси, Президент И.А.Каримов маъруза қилди. У ўз нутқида, ушбу Асосий Қонуннинг аввалги йилларда қабул қилинган қонунлардан фарқли ўлароқ демократик йўл билан тайёрланганлигини, ҳамда синовдан ўтган умуминсоний қадриятлар ўз аксини топганлигини ва тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаларини ўзига сингдирганлигини алоҳида


таъкидлади.


Сессияда депутатлар лойиҳага 80 га яқин қўшимча ва ўзгартиришлар, аниқликлар киритдилар. Шундай қилиб сессия иштирокчилари яқдиллик билан 1992 йил 8 декабр куни тантанали равишда суверен демократик Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясини қабул қилди. У муқаддима, олти бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат таркибда тузилди. Асосий Қонунимиз давлат, мустақиллигимизнинг меваси, маҳсули сифатида дунёга келди ва ҳурлигимиз, озод-эркинлигимиз калқони сифатида ривожланмоқда. Конституция Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциянинг асосий мазмун моҳияти юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Конституцияда халқ ҳокимиятчилиги, демократик давлатчилик, инсон ҳуқуқлари муқаддаслиги, қонун устиворлиг, ҳокимият бўлиниши ва мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги каби муҳим принциплар мустаҳкамланди. Конституциянинг барқарорлигини ва узоқ муддат амал қилишини таъминлаш мақсадида Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.


Бугунги кунда Конституция жамиятимизда халқ манфаатлари йўлида демократик ислоҳатларни давом эттириш учун шарт-шароит яратишга ҳуқуқий асослар яратди. Конституция асосида Республикаимизнинг ҳуқуқий базаси яратилди.


Кадимги Хитой







Кадимги Миср






Кадимги Хиндистон


Кадимги Хиндистонда аҳолининг тоифа-варналарга бўлиниши








Кадимги Месопатамия (Бобил)




Кадимги Юнонистон




Кадимги Афина




Подшо- Ванака



АҚШ





“Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи” фанининг предмети ва хусусиятларини, унинг ижтимоий ва юридик фанлар тизимидаги ўрни ва роли, функцияларини ўрганиш ҳамда фанни ўрганишда қўлланиладиган методларни (услугларни) тушунчаси ва моҳиятини аниқлашдан иборат. Амалий машғулотга тайёргарлик кўриш жараёнида қуйидаги кўрсатилган тест саволларини, мавзуларни чуқурроқ ўргатишга қаратилган таълим шакли бўлиб, мустақил ишни амалга оширишнинг услубиёти талабаларга ўқитувчи томонидан уларнинг ҳар бирини индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда белгиланади. “Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи” фани бўйича мустақил таълим ва ўзлаштириш бўйича талабаларнинг ўз билимини баҳолаш юзасидан текшириш.

"Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи" фани бўйича тест саволлари.

1. Фан ўрганадиган масалаларини текшириш услублари нимадан иборат?

- A) кузатиш, ўлчаш, мавҳум тасаввур, моделлаштириш, аниқлик, тасаввур, аксиоматик ва бошқа умумий фалсафий усуллар орқали.
- B) ўрганилаётган нарса ва ходисаларнинг тараққиёт жараёнида қонунларини очиб беришдан иборат.
- C) диалектик усул, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий-тарихий, статистик усуллардан иборат.
- D) давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганишга юқорида кўрсатилган тадқиқот усуллариининг ҳаммасидан фойдаланган ҳолда комплекс ёндашиш.
- E) давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганишда муайян – тарихий ёндашув усулидан иборат.

2. Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлишига бевосита алоқаси бўлган даврни аниқланг;

- A) неолит инқилоби.
- B) уруғлараро алоқаларнинг ривожланиши.
- C) жамият устидаги қурилмаларнинг шаклланиши.
- D) A, B, C,
- E) табиий эволюцияси.

3. Қадимги шарқ жамиятларининг муҳим хусусиятларидан бири –

- A) анъанавийлигидадир,
- B) ижтимоий-сиёсий тузуми,
- C) ҳуқуқий тизимининг мустахкамлиги,
- D) ҳукмрон диний мафқуранинг мерос бўлиб ўтиши,
- E) иқтисодий-сиёсий тузуми.

4. Шарқ мамлакатларининг давлат тузуми бўйича антик дунё мамлакатларидан фарқи нимадан иборат?

- A) ҳокимияти чекланмаганлиги,

- В) давлатнинг деспотик шаклда бошқарилиши,
- С) ижтимоий ҳокимиятнинг ҳамма таркибий қисмларининг элементлари ҳокимият қўлида тўпланганлиги,
- Д) Шарқ мамлакатларининг давлат аппаратида сайланиб қўйиладиган орган бўлмаган,
- Е) А, В, С, D.

5. Фанда қадимги Миср давлати тарихини неча даврларга бўлиб ўрганилган?

- А) 4,
- В) 6,
- С) 5,
- Д) 3,
- Е) 8.

6. Қадимги Миср ижтимоий эволюцияси даврида, хусусан иқтисодида барча подшоликлар даврида давлатнинг ҳукмрони қандай аталган?

- А) подшо-черков хўжалиги,
- В) фиръавн,
- С) а, б,
- Д) подшо,
- Е) муҳим мансабдор шахслар.

7. Қадимги Мисрда олий суд инстанцияси қаерда ўтказилган?

- А) "Олтита буюк уйлар" пойтахтда,
- В) Олий судда,
- С) Энг олий суд ҳокимиятида,
- Д) Қадимги Миср марказида,
- Е) подшо юрисдикциясида.

8. Қадимги Мисрда кохинларнинг ўрни;

- А) давлат бошқарувида муҳим мансабларни эгаллаган шахс,
- В) илохийлаштирилган шахс,
- С) жамият аъзоларининг иззат-ҳурматига сазовор бўлган шахс,
- Д) охираат суди ҳақидаги зарур бўлган билимларга эга бўлган ва давлатдаги зарур ишларда аҳамиятга молик бўлган шахс,
- Е) а, б, в, г.

9. Қадимги Миср ҳуқуқининг асосий белгиларини аниқланг;

- А) одат ҳуқуқи,
- В) ёзма қонунчилик,
- С) Бокхориснинг саккизта китоби,
- Д) а, б, в,
- Е) подшо томонидан чиқарилган қонунлар.

10. Қадимги Бобилда куллар неча тоифага бўлинган?

- A) подшо куллари, ибодатхоналарнинг куллари ва хусусий эгаликдаги куллар,
- B) подшо куллари, хусусий куллар ва мансабдор шахсларга тегишли бўлган куллар,
- C) подшо куллари, кулдорларга тегишли бўлган куллар ва хусусий куллар,
- D) ибодатхоналарнинг куллари, мансабдор шахсларга тегишли бўлган куллар ва хусусий куллар,
- E) подшо куллари ва хусусий куллар.

11. Қадимги Бобилда асосий ҳуқуқий манбани белгиланган;

- A) Хаммурапи қонуни,
- B) одат ҳуқуқи, Хаммурапи қонуни,
- C) одат ҳуқуқи, Хаммурапи қонуни, ёзма қонунлар, Ур-Намму қонунлари, Липид-Иштар қонунлари,
- D) қонун, ёзма қонунлар, Хаммурапи қонунлари,
- E) одат ҳуқуқи, ёзма қонунлар, Хаммурапи қонунлари.

12. Хаммурапи қонуни неча моддадан иборат?

- A) 282-моддадан,
- B) 206-моддадан,
- C) 200-моддадан,
- D) 250-моддадан,
- E) 222-моддадан.

13. Қадимги Хиндистон давлатининг ижтимоий тузумини ташкил этувчи варналарни аниқланг?

- A) брахманлар, кшатрийлар, вайшийлар, шудралар ва чандалар,
- B) брахманлар, кшатрийлар, вайшийлар ва шудралар,
- C) дин хомийлари, кшатрийлар, вайшийлар ва камбағаллашган деҳқонлар ёки озодликка чиқарилган куллар,
- D) а, б,
- E) кохинлар, ҳарбий ҳукмдорлар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва камбағаллашган деҳқонлар.

14. Қадимги Хиндистонда подшо маслаҳатчилар қандай аталган?

- A) олий маъмурлар,
- B) олий маъмурлар, мантриналар, махамматралар ва паришад,
- C) олий чиновниклар,
- D) олий чиновниклар ва махфий кенгаш,
- E) подшонинг ҳуқуқий маслаҳатчиси ва диний ишлар бўйича маслаҳатчиси.

15. Қадимги Хиндистонда суд тизими неча қисмдан иборат бўлган?

- A) подшолик ва ички жамоа судлари,
- B) Олий суд ва қуйи суд,
- C) юқори суд ва қуйи суд,
- D) олий суд инстанцияси, махсус суд ва қуйи суд,
- E) б, в, г.

16. Қадимги Хиндистонда асосий ҳуқуқий манбани белгиланган?

- A) одат ҳуқуқи, Ману конуни, Ведалар(диний китоблар), диний ҳуқуқий, ахлокий йул-йуриқлар, коидалар туплами,
- B) Ману конуни,
- C) одат ҳуқуқи, подшо томонидан чиқарилган фармонлар, Ведалар(диний китоблар),
- D) Артхашастра, Дхармашастралар ва одат ҳуқуқи,
- E) Гаутама, одат ҳуқуқи.

17. Ману қонунни неча моддадан иборат?

- A) 11 та боб, 2666 та моддадан иборат,
- B) 12 та боб, 2685 та моддадан иборат,
- C) 10 та боб, 2000 та моддадан иборат,
- D) 9 та боб, 2006 та моддадан иборат,
- E) 15 та боб, 2005 та моддадан иборат.

18. Қадимги Хиндистонда суд ишлари ким томонидан кузгатилган?

- A) жабрланувчининг шикоят ва арзи билан,
- B) манфаатдор шахсларнинг даъво аризаси билан кузгатилган,
- C) қонунларда даъволарнинг судда куриб чиқишга асос бўлган сабаблар аниқ санаб курсатилаган бўлса,
- D) б,в,
- E) а, б, в.

19. Ҳаммурапи қонунни тузилиш жиҳатидан неча қисмга бўлинади?

- A) кириш, қонунноманинг матни ёки асосий қисм, ҳулоса,
- B) кириш, асосий қисм, умумий қисм ва ҳулоса,
- C) кириш, умумий қисм ва ҳулоса,
- D) кириш, қонунноманинг матни, кодекс ва ҳулоса,
- E) кириш, жиноят ҳуқуқи, процессуал ҳуқуқ, мулк ҳуқуқининг бузилиши ва ҳулоса.

20. Ҳозирги даврда Ҳаммурапи қонуннинг асл нусхаси қаерда сақланади?

- A) Париж шаҳрининг Лувр музейида,
- B) Италия шаҳрида,
- C) Ҳозирги даврида Ҳаммурапи қонуни бизгача етиб келмаган,
- D) АКШда,

Е) Германияда.

21. Қадимги Хитой давлатини ўрганишда асос қилиб неча даврларга бўлиб ўрганамиз?

- A) 4,
- B) 3,
- C) 5,
- D) 2,
- E) 6.

22. Қадимги Хитойда мансабдор шахслар неча тоифага бўлинган?

- A) олий фуқаролик чиновниклар, харбий чиновниклар, турли хил маслахатчилар,
- B) котиблар, мирзалар, солиқ йўғувчилар, судьялар ва турли хил маслахатчилари,
- C) подшо маслахатчилари ва вазирлар,
- D) йирик қулдор, олий харбий бошлиқ, энг олий судья ва энг катта рухоний,
- E) A,D.

23. Қадимги Хитойда асосий ҳуқуқий манбани белгиланг?

- A) одоб-ахлоқ меъёрлари, конфуцийлик ва легизм уртасидаги гоаявий қураш,
- B) одоб-ахлоқ меъёрлари, жиноят кодекси, қонунлар обзори, "Вей подшолиги қонунлари китоби",
- C) подшо томонидан қабул қилинган фармонлар ва жиноят кодекси,
- D) одат ҳуқуқи ва жиноят кодекси,
- E) "Қонунлар обзори".

24. Қадимги Хитойда Ван Му томонидан қабул қилинган Жиноят кодекси неча моддадан иборат?

- A) 2000,
- B) 3000,
- C) 4000,
- D) 1000,
- E) 5000.

25. Антик дунё давлатларида ҳуқуқнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

- A) Салон ва Клисфен ислохатлари,
- B) Салон ва Клисфен ислохатлари, Драконт қонунлари, ёзма қонунчилик,
- C) Рим ҳуқуқи,
- D) Цицерон томонидан қабул қилинган қонунлар,
- E) Классик рим ҳуқуқи.

26. Қадимги Римда жамоасининг мухим бошқарув органи кимлардан ташкил топган?

- A) оксоколлар кенгаши-сенат,
- B) рим жамоаси, юқори кенгаш ва сенат,
- C) халқ йиғинидан,
- D) уруғлар бирлашмасидан,
- E) куриялар комициясидан.

27. Қадимги Римда магистратуралар деб кимларга айтилган?

- A) Рим юристлари,
- B) Рим юристлари, мансабдор шахслар,
- C) Рим давлат мансабларига,
- D) армияга қумондонлик қилувчи шахс,
- E) мансабдор шахсларга.

28. Ўрта асрларда Францияда табақа-вакиллик монархияси нечанчи асрда ташкил топган?

- A) XIV асрнинг бошида,
- B) XIII асрнинг охирида,
- C) XV аср бошларида XIV аср охирида,
- D) XII асрда,
- E) X асрларда.

29. Франклар давлатида ҳуқуқнинг асосий белгиларини аниқланг?

- A) одат ҳуқуқи, қонунлар тўплами ва ёзма "ҳақиқаталр",
- B) Судебниклар ва қонунлар тўплами,
- C) одат ҳуқуқи ва черков ҳуқуқи,
- D) "Халқ ҳуқуқи" ва қонунлар тўплами,
- E) "варварлар ҳақиқати", "Сали ҳақиқати", одат ҳуқуқи, черков ҳуқуқи.

30. Франклар давлатида асосий ҳуқуқий манба ҳисобланган "Варварлар ҳақиқати"нинг асосий қисмида нималарга бағишланган?

- A) жинойт ва жазоларга,
- B) подшонинг ваколатларига,
- C) жинойтга қарши белгиланган жазо турларига,
- D) жиной хатти-ҳаракатларга тааллуқли умумий қоидаларга,
- E) давлатга қарши қилинган жинойтларга қулланилган жазо турлари.

31. Ўрта асрларда Францияда асосий ҳуқуқий манбаларнинг аниқланг?

- A) одатлар, ҳудудий ҳуқуқий одатлар яъни кутюмлар, галло-рим ҳуқуқи, кононик ҳуқуқ меъёрлари, қиролларнинг қонун ҳужжатлари,
- B) одат ҳуқуқи, қирол томонидан қабул қилинган қонунлар, низомлар, эдиктлар,
- C) буйруқлар, декларациялар, қироллик қонунлари, кутюмлар,
- D) одат ҳуқуқи, шаҳар ҳуқуқи, ҳудудий ҳуқуқий одатлар яъни кутюмлар, галло-

рим ҳуқуқи, қаноник ҳуқуқ меъёрлари, қиролларнинг қонун ҳужжатлари,
Е) одат ҳуқуқи ва кутюмлар.

32. Ўрта асрларда илк феодал монархияси даврни аниқланглар?

- А) X-XIII асрлар,
- В) IX-XI асрлар,
- С) XI-XII асрлар,
- Д) XII-XIII асрлар,
- Е) ҳамма жавоблар нотўғри.

33. Ўрта асрларда Германияда Канцлер унвонига кимлар эгалик қилган?

- А) асосий мансабдор шахс ҳисобланиб, барча бошқарув ишларини юритган,
- В) Қиролнинг вазири ҳисобланган,
- С) маҳаллий бошқаруви ҳокимиятида юқори ўрин эгалаган шахс,
- Д) давлат ҳокимият органида эгалаган мансабдор шахс,
- Е) биринчи вазир.

34. Ўрта асрларда Германияда ҳуқуқнинг асосий белгиларини аниқланг?

- А) умум-герман ҳуқуқи, одат ҳуқуқи, "саксон зерчалоси",
- В) одат ҳуқуқи, олий империя суди учун асосий ҳуқуқий манба,
- С) умумий ҳуқуқ, фуқаролик қонунномаси,
- Д) "одатлар китоби", умумий ҳуқуқ,
- Е) жиноий процессуал қонунлар.

35. Инглиз-саксларда ҳокимият ва бошқарувнинг маҳаллий органлари кимлар томонидан бошқарилган?

- А) йирик ер эгалари,
- В) маъмурий-ҳудудий бирлик графликлар томонидан,
- С) шерифлар томонидан бошқарилган,
- Д) қишлоқ жамоаси,
- Е) қишлоқ оксоколи.

36. Инглиз-сакслар даврида суд ишларини куриб чиқиш тартиби қандай олиб борилган?

- А) юзликлар йиғини томонидан куриб чиқилган,
- В) олий судқироли томонидан куриб чиқилган,
- С) графликлар томонидан куриб чиқилган,
- Д) графликлар ва юзликларнинг йиғинларида курилган,
- Е) В,Д.

37. Абсолют монархия даврида Англиянинг ижтимоий-сиёсий тузumi нечанчи асрларда шаклланади?

- А) XIV асрнинг охири - XVI асрнинг ўртаси,
- В) XV асрнинг охири - XVII асрнинг ўртаси,
- С) XIII асрнинг охири - XV асрнинг ўртаси,

- D) XVI асрнинг бошлари - XVII асрнинг ўртаси,
- E) XVII асрнинг бошлари - XVII асрнинг охири.

38. Абсолют монархия даврида Англияда ҳокимият ва бошқарувнинг олий органлари кимлардан ташкил этилган?

- A) қирол, яширин кенгаш ва парламент,
- B) қирол ва парламент,
- C) лорд- канцлер, лорд-хазиначи, қиролнинг шахсий мухрини сакловчи хазиначи,
- D) олий кенгаш, қирол ва парламент,
- E) олий мансабдор шахслар, қирол ва парламент.

39. Абсолют монархия даврида Англияда асосий ҳуқуқий манбани белгиланг?

- A) одат ҳуқуқи, рим ҳуқуқи, қиролик қонунлари,
- B) одат ҳуқуқи ва умумий ҳуқуқ,
- C) одат ҳуқуқи ва унинг тўпламлари, Этельбер судномаси, Инэ қонунлари, Буюк Альфред судномаси,
- D) одат ҳуқуқи ва рим ҳуқуқи,
- E) қироллар томонидан чиқарилган конституциялар,

40. 925-939 йилларда қирол Этельстан қонунлари нача туркум қонунлардан иборат?

- A) 5,
- B) 7,
- C) 3,
- D) 6,
- E) 8.

41. Мисрда оддий кишиларга нисбатан кенг қўлланиладиган ибора?

- A) қўллар,
- B) мерет,
- C) жати,
- D) нажислар,
- E) эркин қўллар.

42. Хар бир давлатда оила ва никоҳ муносабатлари қонун билан қатъий белгилаб қўйилган, Қадимги даврда қайси давлатда никоҳ ёши учун эркаклар учун 28 ёшда, аёллар учун 8 ёшда қилиб белгиланган?

- A) Хиндистон,
- B) Хитой,
- C) Бобил,
- D) Миср,
- E) Афина.

43. Қадимги Хитойда нима сабабдан ҳуқуқни кодификация қилиш зарурати туғилган?

- A) подшо томонидан чиқарилган буйруқ сабабли,
- B) подшолар томонидан чиқарилган қонунлар ва фармойишларнинг тобора кўпайиб бориши,
- C) одамлар томонидан жиноятни тез-тез содир қилиниши,
- D) ҳуқуқда қарама-қарши меъёрларни келиб чиққанлиги,
- E) б, г .

44. Қайси давлатда қонун бўйича гувоҳлар бўлмаса (синаш) усулидан фойдаланилган?

- A) Миср,
- B) Бобилда,
- C) Шумерда,
- D) Хиндистонда,
- E) Хитойда.

45. Қадимги Хитойда қайси подшолик даврида мамлакат ҳудуди 13 та йирик округга бўлинган?

- A) Шан (Инь) подшолик даврида,
- B) Чжоу подшолига даврида,
- C) Цинь подшолиги даврида,
- D) Хан подшолиги даврида,
- E) тўғри жавоб йуқ.

46. Қадимги хитойда асосий ҳуқуқий объект нима ҳисобланган?

- A) ер,
- B) сув,
- C) куллар,
- D) меҳнат қуроллари,
- E) а, в.

47. Қадимги Мисрда илк подшолик даври неча йил ҳукмронлик қилган?

- A) 200 йил,
- B) 150 йил,
- C) 500 йил,
- D) 300 йил,
- E) 400 йил.

48. Қадимги Мисрда эрнинг ҳуқуқи нечанчи сулоладан бошлаб оилада ўзгаришга олиб келган?

- A) II - сулоладан сунг,
- B) III - сулоладан сунг,
- C) IV- сулоладан сунг,
- D) V - сулоладан сунг,

Е) VI сулоладан сунг.

49. Афинада шикоят килган шахс ишда ютказса, канча жарима тўлаган?

- А) 2000 драхма,
- В) 1000 драхма,
- С) 3000 драхма,
- Д) 2500 драхма,
- Е) 1500 драхма.

50. Солон Афина фукароси катнашиши мумкин бўлган қандай судни таъсис этган?

- А) янги олий хакамлар суди,
- В) эkkлeсия суди,
- С) эkkлeсия ва гeлиэя,
- Д) Гeлиэя суди,
- Е) А,Д.

51. Афинанинг йирик иcлохатчиси Клисфeннинг энг асосий тадбири?

- А) Цeнз иcлохати,
- В) маъмурий-худудий иcлохатлар,
- С) иқтисодий иcлохатлар,
- Д) ижтимоий-сиёсий иcлохатлар,
- Е) мулкий-сиёсий иcлохатлар.

52. Афина давлатининг ривожланган даври қайси асрларга туғри келади?

- А) Миллоддан аввалги V - асрнинг биринчи ярми,
- В) мил. аввалги V-IV-аср,
- С) миллоддан аввалги VI-V - аср,
- Д) миллоддан аввалги VI-асрлар,
- Е) миллоаддан аввалги IV-III- асрлар.

53. Афина давлатида полициячилик функцияларни бажарадиган махсус хизматчилар, бу;

- А) токсотлар,
- В) сратеглар,
- С) гeлиэя,
- Д) автократлар,
- Е) фeсмoфeтлар.

54. Спарталиклар неча ёшгача харбий хизматни ўтаганлар?

- А) 18-20 ёшдан 60 ёшгача,
- В) 16-20 ёшдан 65 ёшгача,
- С) 17-18 ёшдан 60 ёшгача,
- Д) 18-20 ёшдан 55 ёшгача,

Е) 17-20 ёшдан 55 ёшгача.

55. Афинада жазо сиёсатида катта ўрин тутган жиноятлар?

- А) оилага қарши,
- В) давлатга қарши,
- С) шахсга қарши,
- Д) мулкка қарши,
- Е) в, г.

56. Конфуцийликнинг асосий ғоясини аниқланг?

- А) адолатлик ғояси,
- В) "сяо" ғояси,
- С) уйғунлик ғояси,
- Д) сиёсий-ҳуқуқий ғоя,
- Е) диний ғоя.

57. Легизм қайси давлатнинг расмий мафкураси ҳисобланган?

- А) Цинь давлати, Хань давлати, Чжоу давлати,
- В) Чжоу ва Цинь давлати,
- С) Хань давлати,
- Д) Цинь давлати,
- Е) Чжоу давлати.

58. Афинада Солон ва Клисфен ислохатлари нечанчи асрда жорий қилинган?

- А) VIII асрда,
- В) VI асрда,
- С) VI-VII асрда,
- Д) VII асрда,
- Е) VIII асрнинг охирида.

59. Юнонистон тарихидаги қайси даврда полислар шаклидаги синфий жамият ва давлатнинг ташкил топиши жараёни нихоясига етган?

- А) классик даврда,
- В) крит-ликен даврида,
- С) гомер даврида,
- Д) архаик даврда,
- Е) эллинизм даврида.

60. Бобилда кичик ҳудудий бирликларга бошчилик қилувчи мансабдор шахсларга нисбатан қандай атама ишлатилган?

- А) нубанда,
- В) рабианумлар,
- С) патесилар,
- Д) шакканакулар,

Е) редумлар.

61 Бобилда ижтимоий тузумидаги "Мушкену" сўзининг луғавий маъноси нимани англатади?

- А) олий тоифадаги кишилар,
- В) мансабдор шахслар,
- С) харбий хизматчилар,
- Д) майда кишилар,
- Е) сарой хизматчилари.

62. Франклар давлатида олий суд ҳокимияти кимга тегишли бўлган?

- А) монархга,
- В) киролга,
- С) императорга,
- Д) а, б, в.
- Е) киролик кенгаши.

63. Франклар давлатида асосий ҳуқуқий манбани аниқланг?

- А) "варварлар ҳақиқати",
- В) ёзма қонунлар,
- С) "вестгот ҳақиқати",
- Д) "Сали ҳақиқати",
- Е) а, в, г.

64. Урта асрларда табақа вакиллик монархиясининг ташкил топиш даврини аниқланг?

- А) XIV асрда Францияда,
- В) XV асрда Германияда,
- С) XIII асрда Францияда,
- Д) XII асрда Франклар давлатида,
- Е) X асрда Римда.

65. Ўрта асрда Францияда асосий ҳуқуқий манба белгиларининг аниқланг?

- А) одатлар, ҳудудий ҳуқуқий одатлар,
- В) кутюмлар,
- С) а, б,
- Д) Кирол томонидан чиқарилган фармонлар,
- Е) француз ҳуқуқи.

66. Урта асрларда Россия давлатининг тузуми қандай шаклланган?

- А) илк феодал монархия,
- В) монархия шаклида,
- С) абсолют монархия,
- Д) сюзеринитет-вассалитет тамойилларига асосланган,

Е) A,D.

67. Қадимги Рус давлатининг ҳуқуқ тизими нималардан иборат эди?

- A) ярослав хакикати,
- B) ярославичлар хакикати,
- C) муфассал хакикат,
- D) русь хакикати,
- E) ҳамма жавоблар тугри.

68. Марказлашган Русь давлатининг ташкил топишида асосий ҳуқуқий манба бўлиб хизмат килган Судебник(конунномА) нечанчи йилда қабул килинган?

- A) 1497 йилда,
- B) 1499 йилда,
- C) 1490 йилда,
- D) 1496 йилда,
- E) 1495 йилларда.

69. Мусулмон ҳуқуқининг асосий манбалари?

- A) қуръон, ояд, сунна, ҳадис, ижмоъ,
- B) шариат қонунлари,
- C) қонунномалар,
- D) б,в.
- E) урф-одат қоидалари.

70. АКШнинг "Мустақиллик декларацияси" қачон қабул килинган

- A) 1776 йил 4 июнда,
- B) 1778 йил 4 июнда,
- C) 1777 йил 4 июнда,
- D) 1774 йил 4 июнда,
- E) ҳамма жавоблар нотугри.

71. Ҳозирги давргача келиб АКШ конституциясига неча мартаба қушимча ва узгартиришлар киритилди?

- A) 26,
- B) 27,
- C) 28,
- D) 29,
- E) 25.

72. XVII асрдаги инглиз буржуа никилобининг хусусиятлари ва асосий босқичларини белгиланг?

- A) "Буюк исён", "Шонли революция" қузғолонидан сунг,
- B) Саноат тунтаришлари,
- C) ижтимоий сиёсий қушларининг пайдо бўлиши,

- D) дворянларнинг булиниб кетиши,
- E) сиёсий ютуқларнинг чекланганлиги.

73. Янги даврда Англияда индепендлар окимининг раҳнамоси ким булган?

- A) Левеллерлар,
- B) О.Кромвель,
- C) Дворянлар,
- D) протестантлар,
- E) диггерлар.

74. Инглиз буржуа инкилоби даврида биринчи фукаролик уруши булиб утган ?

- A) 1642-1646 йилларда,
- B) 1641-1645 йилларда,
- C) 1640-1644 йилларда,
- D) 1643-1647 йилларда,
- E) 1645-1648 йилларда.

75. Янги даврда Англияда конституция буйича олий ижроия ҳокимияти кимга тегишли булган ?

- A) республикачиларга,
- B) лорд-протекторга,
- C) давлат кенгашига,
- D) б, в,
- E) Протекторга.

76. Нечанчи йилда Англия парламентида Хабес корпус акт қабул қилинган ?

- A) 1679 йил 26 майда,
- B) 1677 йил 20 майда,
- C) 1678 йил 4 февралда,
- D) 1660 йил 1 октябрда,
- E) 1666 йил 11 сентябрда.

77. XX аср бошларида Англияда иккита сиёсий партиялар ташкил топган, улар;

- A) либераллар ва консерваторлар,
- B) республикачилар ва демократлар,
- C) консерваторлар ва демократлар,
- D) либераллар ва республикачилар,
- E) консерваторлар ва республикачилар.

78. Инглизлар томионидан Янги Зеландия нечанчи йилда босиб олинган ?

- A) 1840 йилда,
- B) 1844 йилда,

- C) 1845 йилда,
- D) 1841 йилда,
- E) 1843 йилда.

79. Англиянинг энг йирик мустамлакаси қайси давлат ҳисобланган, қарийиб 200 йил давомида ?

- A) Австралия қитъаси,
- B) Ҳиндистон,
- C) Янги Зеландия,
- D) Канада,
- E) Ирландия.

80. Урта асрларда Францияда суд ҳокимияти томонидан қандай судлар ташкиллаштирилган?

- A) тенглар суди,
- B) Маъмурий суд,
- C) қироллик суди,
- D) юкори судлар,
- E) қуйи судлар.

81. Урта асрда Францияда табақа вакиллик монархиясининг юкори босқичини эгаллаган вакилларни аниқланг?

- A) рухонийлар,
- B) феодаллар,
- C) қирол,
- D) дворянлар,
- E) а, в.

82. Людовик IX томонидан утқазилган суд тизимидаги ислохатлар натижасини қурсатинг?

- A) маъмурий суд тузилиши ва молиявий ислохатлар утқазилиши,
- B) харбий ислохатлар,
- C) тор доирадаги қенгашлар утқазилиши,
- D) а, б, в,
- E) қирол судининг ташкил топиши.

83. Урта асрларда "ёзилмаган ҳуқуқ мамлақати " номи қайси давлат олган?

- A) Франциянинг Шимолий қисми,
- B) Франция,
- C) Германия,
- D) Нормандия,
- E) Бретань.

84. Ўрта асрларда Францияда оила ва никоҳ муносабатларини тартибга солиниш механизми ?

- A) диний ҳуқуқ билан йулга солинган,
- B) фуқаролик ҳолати далолатномасига қайд қилиш орқали билан,
- C) черков меъёрларида,
- D) эски диний қоидалар орқали,
- E) б, в.

85. Франклар давлатининг муҳим ҳуқуқий ёдгорлигини аниқланг ?

- A) "Сали ҳақиқати",
- B) одат ҳуқуқи,
- C) асосий қонунлар,
- D) қонуннома,
- E) Карл Мартелл ислохатлари

86. Франклар давлатида маҳаллий бошқарувни кимлар томонидан бошқарилган?

- A) графлар,
- B) йирик ер эгалари
- C) юзбошилар
- D) дворянлар,
- E) мансабдор шахслар

87. Хорижий мамлакатлар давлат ва ҳуқуқи тарихи фанининг ижтимоий, юридик фанлар билан ўзаро боғлиқлигини аниқланг?

- A) Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи, давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи
- B) Тарих, фалсафа, сиёсатшунослик
- C) А.Д.
- D) давлат ва ҳуқуқ назарияси
- E) Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ тарихи

88. Қадимги Миср мамлакатларида қохинларнинг давлат аппаратида тутган ўрни.

- A) йирик дин пешвоси
- B) мансабдор шахс
- C) суд назоратчиси
- D) подшо маслахатчиси
- E) а,б,г

89. Ўзбекистон ССР Конституцияси қачон қабул қилинган?

- A) 1917 йилда
- B) 1927 йилда

- C) 1937 йилда
- D) 1988 йилда
- E) 1916 йилда

90. АКШда «Хуқуқлар хакидаги Билль» қачон қабул қилинган?

- A) 1791 йилда
- B) 1787 йилда
- C) 1776 йилда
- D) 1781 йилда
- E) 1861 йилда

91. Конституцион мустахкамлаш даврида АКШда «Фуқаролик уруши» қачон бўлиб ўтди?

- A) 1861-1864 йилларда
- B) 1862-19865 йилларда
- C) 1860-1864 йилларда
- D) 1863-1866 йилларда
- E) 1864-1867 йилларда

92. Мусулмон ҳуқуқининг асосий ҳуқуқий манбаларини аниқланг

- A) қуръон, сунна, ижмо, ҳадис, оят
- B) қуръон, шариат қонунлари
- C) Ҳадис
- D) Шариат қонунлари
- E) Фикх

93. Европада ягона дин бўлиб қайси дин бўлиб ҳисобланган?

- A) Христианлик
- B) Католик
- C) Ислон
- D) Будизм
- E) А, D.

94. Барча Франкларни бирлаштириб, 486 йилда Галияни истило қилган инсон ким?

- A) Подшоҳ Хлодвиг
- B) Жардано Бруно
- C) Ян Рус
- D) Жанна Д Арк
- E) Ян Русс

95. Галлия қадимги қайси давлатнинг номи?

- A) Франция
- B) Германия
- C) Испания

- D) Италия
- E) Рим

96. Диний ишлар билан шуғулланувчи архиикапелланинг биринчи ёрдамчиси ким бўлади?

- A) Канцлер
- B) Маршал
- C) Камерарий
- D) Референдарий
- E) Генераль

97. Пруссияда Қирол ҳузурида Олий орган қайси ҳисобланган?

- A) Яширин кенгаш
- B) Катта кенгаш
- C) Феодаллар съездлари
- D) Қурултой
- E) Кичик кенгаш

98. Англияда сарой камерарийси нима иш билан шуғулланади?

- A) Қироллик мол-мулки ва молияси аҳволига жавоб берган
- B) Девонхона ишларини юритган
- C) Қиролнинг шахсий ишларини юритган
- D) Қироллик отлик аскарларининг қўмондони
- E) Қиролнинг шахсий қўмондони

99. Солиқ сиёсатини яхшилаш учун барча ерлар ва аҳоли рўйхатга олинган варақалар халқ орасида нима деб аталган?

- A) Дахшатли суд китоби
- B) Рўйхат варақаси
- C) Қонуннома
- D) Кодекс
- E) Тўғри жавоб йўқ

100. Эклога нима?

- A) Танланган қонунлар
- B) Қонуний мажмуа
- C) Конституция
- D) Танланган китоблар
- E) Танланган асарлар

Фан бўйича ўтиладиган амалий машғулотлар мавзулари.

Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши

1. Қабила уруғчилик тузумининг емирилиши. Ижтимоий тенгсизлик ва хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши ва ривожланиши.
2. Хорижий мамлакатлар давлат ва ҳуқуқ тарихи фанининг предмети ва методологияси.
3. Давлат (сиёсий) ҳокимиятнинг келиб чиқиши ва ривожланиши.
4. Сиёсий (давлат) ҳокимияти ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши.

Қадимги Шарқ давлатларининг давлат ва ҳуқуқ(қадимги Шарқ цивилизациялари)

1. Қадимги Шарқ давлатларининг ташкил топиши ва хусусиятлари.
2. Қадимги Шарқ давлатларининг (Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой) ижтимоий тузуми ва ўзига хос хусусиятлари.
3. Қадимги Миср давлатининг давлат тузуми ва марказий ва маҳаллий бошқарув идоралари.
4. Қадимги Бобил давлатида давлат тузуми ва марказий ва маҳаллий бошқарув органлари.
5. Қадимги Ҳиндистонда давлат тузуми ва давлатнинг марказий ва маҳаллий бошқарув идоралари.
6. Қадимги Хитой давлати ва ижтимоий тузуми, марказий ва маҳаллий давлат бошқарув идоралари.

Қадимги Шарқ цивилизациялари ҳуқуқи

1. Қадимги Шарқ мамлакатлари ҳуқуқий тизимининг умумий хусусиятлари.
2. Қадимги Месопотамия ҳуқуқи манбалари ва ҳуқуқий институтлари.
3. Хаммурапи қонунлари.
4. Ҳиндистоннинг анъанавий ҳуқуқи манбалари, Ману қонунлари.
5. Хитой ҳуқуқининг шаклланиши. Икки ғоявий оқим. Ван Му “Жиноят кодекси”.
6. Қадимги Шарқ давлатларида оилавий муносабатларнинг тартибга солиниши. Суд жараёни. Жиноят ва жазо.

Антик давлатлар Юнон- Рим антик цивилизацияси

Қадимги Юнонистонда давлатлар ташкил топиши хусусиятлари.
Афина давлатининг ижтимоий ва давлат тузуми.
Афина давлатида Тезей, Солон ва Клисфен ислохатлари.
Спарта давлатининг ташкил топиши, ижтимоий ва давлат тузуми, унинг хусусиятлари.

Юнон- Рим антик цивилизациялари ҳуқуқи

1. Рим ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланишининг асосий босқичлари.
2. Қадимги Рим давлатининг ташкил топиши. Римда Сервий Тулий ислоҳати.
3. Рим ҳуқуқи тарихининг асосий босқичлари.

4. Афина ва Спарта ҳуқуқининг асосий белгилари.
5. Қадимги Юнон ҳуқуқининг асосий белгилари. Ҳуқуқ манбалари.
6. Жиноят ва жазо. Суд жараёни.

Ўрта асрларда Ғарб ва Марказий Европа давлатлари

1. Ўрта асрлар давлатларининг давлати ва ижтимоий тузуми.
2. Ўрта асрлар давлатлари ва ҳуқуқи тарихини даврларга бўлиш.
3. Франкларда илк феодал давлатнинг ташкил топиши ва ривожланиши.
4. Карл Мартелл ислоҳати.
5. Францияда феодал давлатнинг ташкил топиши.
6. Германияда сиёсий тарқоқликнинг мустаҳкамланиши. Олтин булла (XIV аср).
7. Англияда давлатнинг ташкил топиши. 1215 йилги “Эркинликнинг буюк хартияси”.

Ўрта асрларда Ғарб ва Марказий Европа мамлакатларида ҳуқуқ

1. Ўрта асрларда Ғарб ва Марказий Европа давлатларида ҳуқуқдаги хилама хиллик (партикуляризм).
2. Каноник(черков) ҳуқуқининг умумевропа ҳуқуқининг шаклланишига таъсири.
3. Германияда табақа вакиллик монархиясини хусусиятлари.
4. Сали ҳақиқатининг асосий белгилари.
5. Умумий ҳуқуқ ва суд прецеденти. Присяжный судларининг Англияда ташкил топиши.
6. Византия ҳуқуқи манбалари
7. Франция ҳуқуқи манбалари. 1789 йил “Инсон ва фуқароларни ҳуқуқлар декларацияси”.
8. 1799 йилги давлат тўнтарилиши (Наполеон Бонапарт).
9. Германия ҳуқуқи манбалари. . Инквизицион жараён. Никоҳ оила ва жиноят ҳуқуқи.

Ўрта асрда Шарқ мамлакатлар давлати(Осиё цивилизацияси).

1. Қадимги Шарқ давлати ва ҳуқуқи ташкил топиши ва уларнинг хусусиятлари.
2. Хитойда ўрта асрлар давлатининг ривожланиши хусусиятлари.
3. Илк ўрта асрларда Ҳиндистоннинг ижтимоий ва давлат тузуми. Деҳли султонлиги.
4. Япония. Ўрта асрлар давлатининг ташкил топиши. Тайка ислоҳатлари
5. Араб халифалиги. Давлатнинг ташкил топишида исломнинг роли.
6. Халифаликнинг инқирози.
7. Усманий турклар давлатининг ташкил топиши ва ривожланиш хусусиятлари. Усманийлар империяси.

Ўрта асрларда Россия давлати ва ҳуқуқи

1. Қадимги Рус давлатини ташкил топиши.
2. Олтин Ўрда давлати ва ҳуқуқи.
3. Марказлашагн Рус давлатининг ташкил топиши ва ҳуқуқнинг ривожланиши.(XIV асрнинг иккинчи ярми XVI асрнинг биринчи ярми).
4. Рус ҳақиқати бўйича жиноят ва жазо
5. Суд жараёни.

Ўрта асрларда Шарқ мамлакатлари ҳуқуқи

1. Ислом ҳуқуқининг ташкил топиши ва ривожланиш хусусиятлари.
2. Ислом ҳуқуқи манбалари; Қуръон, Сунна, Ижмоъ ва қиёс.
3. Шартнома муносабатларининг тартибга солиниши.
4. Никоҳ ва оила муносабатлари.
5. Хитой ҳуқуқи.
6. Япония ҳуқуқи.
7. Никоҳ ва оила муносабатлари. Жиноят ва жазо.

Янги давр давлатларига умумий тавсиф

1. Янги давр давлати ва ҳуқуқи тарихини даврларга бўлиш.
2. Конституциявий ривожланиш ва янги давр давлатлари шакллариининг ўзгариши.
3. Табиий ҳуқуқ назариялари ва уларнинг янги давр конституцияларида акс этиши.
4. Буржуа давлати ва ҳуқуқининг келиб чиқиши ва ривожланиши.
5. Буржуа жамияти ва давлати тарихини асосий даврлари.

Европа давлатлари: Англия, Франция, Германия

1. Ғарбий Европа мамлакатлари давлатларининг ривожланиш босқичлари.
2. Англияда конституцион монархиянинг ташкил топиши. 1911 йилги парламент ислоҳати.
3. XVIII асрдаги буюк француз инқилоби. 1789 йилги “Фуқаро ва инсон ҳуқуқлари Декларацияси”.
4. 1791 йилги Конституция.
5. Якобинчилар ҳамда жирондинлар республикаси.
6. Париж коммунаси. Мустамлакачилик тизими.
7. 1806 йилги Рейн иттифоқи.

Америка Қўшма штатлари давлатлари; АҚШнинг ташкил топиши ва XX аср бошларигача конституциявий ривожланиш

1. Шимолий Америкада мустақиллик учун кураш. 1776 йилги мустақиллик декларацияси.
2. АҚШ нинг 1787 йил Конституцияси.
3. 1791 йилги “Ҳуқуқлар ҳақидаги Билль”.
4. 1861 - 1865 йиллардаги фуқаролик уруши.
5. АҚШ да Ф.Рузвельтнинг “Янги йўналиш” сиёсати ва унинг оқибатлари.

Янги даврда Россиянинг ривожланиши

1. Россияда янги даврнинг бошланиши ва крепосной ҳуқуқининг бекор қилиниши.
2. 1861 йил 19 февраль Манифести.
3. Вазирликлар советининг таъсис қилиниши.
4. Полиция ва қидирув соҳасидаги ислоҳатлар
5. 1864- 1874 йиллардаги ҳарбий ислоҳатлар.
6. 1905 1907 йиллардаги биринчи рус инқилоби ва ижтимоий тузумдаги ўзгаришлар.
7. Биринчи жаҳон уруши даврида Россиянинг давлат тузумида юз берган ўзгаришлар.
8. Буржуа давлати ва ҳуқуқининг келиб чиқиши ва ривожланиши.
9. Суд ва тартибни қўриқлаш органлари.

Янги даврда Осиё давлатлари

1. Япониянинг XIX аср 60 йилларигача давлат тузуми.
2. Конституция бўйича Япониянинг давлат тузуми.
3. Хитой. XIX асрда сиёсий тизимининг инқирози.
4. Янги даврда Хитой ижтимоий сиёсий тузумининг асосий хусусиятлари.

Янги давр ҳуқуқи тарихи

1. Англияда биринчи ёзма 1653 йилги Конституцияси.
2. Кромвель протектори. Англияда давлат бошқарув тартиби.
3. Англияда 1832 ва 1867 йиллардаги сайлов ислоҳатлари.

Энг янги давр давлатларига умумий тавсиф

1. XX аср давлатлари ривожланишининг асосий йўналишлари.
2. Давлат аппаратидаги таркибий ўзгаришлар.
3. Парламент демократияси ва сиёсий плюрализм.

Ҳарбий Европа давлатлари; Англия, Франция ва Германия

1. Англия Партиявий тизимининг ривожланиши.
2. Буюк Британиянинг полиция ва суд органлари.
3. Франция биринчи жаҳон урушидан кейин Франциянинг давлат тузумидаги ўзгаришлар.
4. Тўртинчи республика ва 1946 йилги Конституция.
5. Бешинчи республика ва 1958 йилги Конституция.
6. Германия Веймар республикасининг ташкил топиши ва 1919 йилги Конституция.
7. Фашистик диктатуранинг ўрнатилиши.
8. Биринчи жаҳон урушидан кейин Италиянинг давлат тузуми.
9. 1947 йилги Конституция.

Марказий ва Жанубий Шарқий Европа давлатлари

1. Мустақил давлатлар; Чехисловакия, Венгрия, Югославиянинг вужудга келиши.
2. Польшада миллий давлатчиликнинг тикланиши.
3. Ҳокимият таснифи ва конституциявий қонунчиликдаги ўзгаришлар.

СССР ва унинг барбод бўлиши. Россия федерацияси

1. 1917 йил октябр тўнтариши ва совет давлатининг РФСФСР нинг ташкил топиши.
2. РСФСР нинг 1918 йил биринчи Конституцияси.
3. Иккинчи жаҳон уруши ва ундан сунгги даврда совет давлати ва ҳуқуқи.
4. 50- 80 йилларда СССР. “Қайта қуриш” сиёсати.
5. СССРнинг кулаши ва тугатилиши. МДҲ давлатларининг ташкил топиши.
6. 1993 йилги Россия Федерация Конституцияси.

Америка давлатлари

1. I жаҳон урушидан кейин АҚШ сиёсий тизими.
2. Ижтимоий суғурта ҳақидаги қонун ва 1935 йилги Вагнер қонуни.
3. II жаҳон урушидан кейинги инқирозга қарши давлат механизмининг шаклланиши.
4. Конституцияга тузатишлар ва сайлов ҳуқуқининг янада демократиялаштириш.
5. Давлат ҳокимиятининг марказлашуви.

Энг янги даврда Осиё давлатлари

1. Туркияда 1918 - 1932 йилги миллий озодлик кураши.
2. Республика тузумини ўрнатилиши. 1921 йилги Конституцияси.
3. Вакиллар кенгаши(ҳукумат). 1920 йил 2 майдаги ҳукумат фаолияти ҳақидаги қонун.
4. Туркиянинг 1924 йилги Конституцияси.
5. Мустақил Покистон давлатини ташкил топиши. 1973 йилги Конституцияси.

Ҳуқуқининг ривожланишидаги янги тенденциялар

1. Ҳуқуқ манбаларининг ривожланиши.
2. Жиноят ҳуқуқининг либераллаштириш ва бу соҳада Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохатлар.
3. Ҳуқуқни ривожлантиришнинг ҳозирги замон тенденциялари.
4. Ўзбекистон миллий қонунчилик тизими ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

Рахбарий адабиётлар

1. И.А.Каримов.Тарихий хотирасиз келажак йук.Т., "Шарк" НМК, 1998, 5, 9, 10бетлар.
2. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Т.: Ўзбекистон, 1996 й.
3. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.: Ўзбекистон, 1997 й.
4. И.А.Каримов Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.-Т.: Ўзбекистон, 1998-430 б.
5. И.А.Каримов Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7.-Т.: Ўзбекистон, 1999-414 б.
6. И.А.Каримов Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8.-Т.: Ўзбекистон, 2000-525 б.
7. И.А.Каримов Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9.-Т.: Ўзбекистон, 2001-530 б.
8. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. –Т.: Ўзбекистон, 2006. -280 б.
9. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш-устувор вазифамиздир. –Т.: Ўзбекистон, 2007. - 48 б.
10. Каримов И.А. -Т.: Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантириш йўлида. Ўзбекистон, 2008 – Т., 43 б
11. И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент “Маънавият” 2008.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009 йил.

Норматив-Ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2009 йил.
2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль-Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.

Асосий адабиётлар

1. Саматова.Х.С., Ахмаджонов У.М. Чет малакатлар давлат ва ҳуқуқ тарихи. Ўқув кулланмаси. - Т.,1960 й.
2. З.Мукимов. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. Ўқув кулланмаси.- Самарканд.,1992 йил.
3. Хайдарали. Мухамедов. Хорижий мамлакатлар давлат ва ҳуқуқи. 1 қисм.Т., "Адолат" 1999 й.
4. Хайдарали Мухамедов “Хорижий мамлакатлар давлат ва ҳуқуқи”. 2 қисм. Т., 2004 йил.
4. Омельченко О.А. Основы римского права. М. 1994 г.
5. История Европы. М. 1998 г., т I.М. 1992 г., т.П. М. 1993 г.,т.П.
6. Законы Ману. М.1960 г..
7. Дуглас К. Стивенсон "Америка: страна, общества, люди. США. 1992 г.
8. История государства и права зарубежных стран. Ч.I. Учебник для вузов. Под ред, проф. Крашениниковой Н.А. и проф. Жидков О.А. -М.,1998 г. 20-бет.
9. Черниловский З.М. Всеобщая история государства и права - М., 1996 г.
10. К.И.Батыра. Всеобщая история государства и права. Учебник. -М. 1998 г.
11. Бобоев Ҳ.Б., Ҳасанов С. «Авесто маънавиятимиз сарчашмаси». -Т.: Адолат, 2001.
12. Muhamedov H.M. Xorijiy mamlakatlar davlati va huquqi tarixi. 1–qism. Darslik. - Т.:TDYuI, 2005.
13. Muhamedov H.M. Xorijiy mamlakatlar davlati va huquqi tarixi. 2-qism. Darslik. – Т.:TDYuI, 2005.
14. Графский В.Г. Всеобщая история права и государства: Учебник для вузов. – М. : Издательство НОРМА, 2000

Электрон таълим ресурслари:

1. www.search.click.rambler.ru.
 2. cervictor.freenet.uz.
 3. www.politstudies.ru.
 4. www.lawportal.ru.
 5. www.mediatext.ru.
 6. www.prof.msu.ru.
 7. www.academy-qo.ru.
 - 8.
-